

*Агиб  
жамият*



Хаким САТТОРИЙ

# ТАРОВАТ

Бадийи-публицистика ва эссе








УЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ  
«ИЖОД» ЖАМОАТ ФОНДИ

*Адиб ба*  
жадамият



Ҳаким САТТОРИЙ

# ТАРОВАТ

*Бадиий-публицистика ва эсслар*



ТОШКЕНТ  
«MASHHUR-PRESS»  
2019

821.512.133-4 (081)

84(5У)6

X 18

X 18

**Сатторий, Ҳаким**

**Тароват** [Матн]: Бадиий публицистика ва эсслар /  
Ҳ. Сатторий. – Тошкент: «MASHHUR-PRESS» нашриёти,  
2019. – 336 б.

**Масъул мұхаррир**

*Орзиқул Эргашев*

Суз санъатининг ижтимоий вазифаси бақамти кечәётган жараёнларга ижобий таъсири билан белгиланади. Зеро, бадиий адабиёт эзгулик тарғиботчиси сифатида маънавият дунёсида ўз мавқеига эга. «Тароват» түпламида муаллифнинг турли йилларда матбуотда эълон қилинган мақолалари жамланган. Улар хоҳ бугунги ўзгаришлар, хоҳ адабиётлар дўстлиги ёки замондошлар фаолиятидан сўзламасин, ўкувчини фикрлашга чорлайди, таниш туйғуларга туртки беради. Шунингдек, муаллифнинг воқеликка фаол муносабати ҳам диққатга сазовор.

УУК: 821.512.133-4 (081)

КБК: 84(5У)6

Китоб Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси  
«Ижод» жамоат фонди ҳомиилигида чоп этилди.

ISBN: 978-9943-5671-7-7

© Ҳәким САТТОРИЙ, 2019  
© «MASHHUR-PRESS», 2019

2018 йил 5 апрель санасига бағишилайман.  
Муаллиф

## БУЮК НАВОЙГА ЭҲТИРОМ (Сўзбоши ўрнида)

Кўпчилик томонидан байрамлар ярашадиган юртдея эътироф этилаётган мамлакатимизда 5 апрель Адабиёт куни сифатида нишонланадиган бўлди. Давлат раҳбари томонидан 2018 йилнинг шу кунида «Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» қабул қилинган қарор бунга асос бўлди. Қарор Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг буюк Навоий каби шоири бор адабиёт ҳам, албатта, буюк бўлиши лозимлиги ҳақидаги мунавар ниятининг ilk қадамидир. Зеро, адабиёт ҳамма учун керак, ҳар куни керак.

Бу қарор шуниси билан характерлики, унда рамзий равишда «санъатнинг олий тури» (Белинский) ҳисобланувчи «бадиий ижод» деб аталадиган, лекин бирор қолипга, ҳатто назарияга сиғмайдиган ижодий фаолиятнинг мамлакатимизда янада ривожланиши, жаҳон саҳнига чиқиши учун унинг жами қон томирларига ҳаётий қуввати етиб борадиган чоралар аниктиниқ белгилаб қўйилган. Хужжатда миллий ғоя, янгича тафаккур ва дунёқарашни ривожлантириш, ёш авлодни Ватанга муҳаббат ва садоқат, миллий ва умуминсоний қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга сафарбар қилинган уюшма аъзоларининг ижтимоий-маънавий фаоллиги ва масъулиятини ошириш, уларни халқимизнинг қадимий тарихи ва бой маданиятини, юртимизда фидокорона меҳнат билан эри-

шилаётган туб ўзгаришларни теран акс эттирадиган юксак бадиий тароватли асарлар ёзишга рағбатлантириш бош вазифа сифатида қайд қилинган.

Шу билан бирга уюшма аъзоларининг шаъни, қадр-қимматини хурмат қилиш, уларга ҳар томонлама ғамхўрлик кўрсатиш мутасадди ташкилотларнинг доимий вазифаси эканлиги таъкидланган. Қарор топган анъаналарни хурмат қилиш, авлодлар ўртасидаги ижодий ҳамнафасликни барқарор давом эттириш адабиёт ривожининг асосий шартларидан эканлиги кўрсатилиб, янги-янги илғор ташаббуслар қўллаб-куватланиши эътироф этилган. Миллий адабиётимизнинг халқаро обрўсини таъминлаш мақсадида таржимонлик фаолияти ва интернетдан кенг фойдаланиш рағбатлантирилиши белгилаб қўйилган.

Албатта, мумтоз адабиётимиз намуналарини, биринчи навбатда Алишер Навоий асарларининг халқимизга етиб бориши юзасидан амалий ишлар янада кучайтирилади. Умуман, қарорда белгилаб қўйилган вазифалар ўз кўлами билан кўнгилларга ёруғ умид ва эртанги кунга ишонч олиб киради. Бундай олийжаноб ниятларнинг мустажоб бўлиши учун моддий манбаларнинг аниқ белгилаб қўйилгани хужжатнинг ҳаётийлигига кафолат беради, негаки, барча режаларнинг амалиётга жорий этилишида молиявий шарт асосий омил ҳисобланади. Шу мақсадда қарорда кўрсатилганидек, «Ижод» жамоат фондининг маблағлари оширилади. Мамлакатимиздаги бир қатор ишлаб чиқариш корхоналари, хўжалик бирлашмалари, компанииялар ва банклар билан маданият ва санъат ташкилотлари ўртасида йўлга қўйилган «Дўстлар клублари» ишлари фаоллаштирилади.

Тўғри, ҳали кўплаб қарор ости хужжатлари қабул қилинади, бир қанча ташкилий ишлар амалга оширилади, бироқ хукумат даражасидаги бундай эътибор

соҳанинг камолида ҳал қилувчи таянч бўлиб қолади. Энг асосийси – мақсад аниқ, бугунги шиддат ва суръат талабларига жавоб берадиган янги, замонавий миллий адабиётга тамал тоши қўйиш ва уни нурли кела-жак хизматига камарбаста қилиш.

Азалдан бир гап юради: «Иқтидорларга кўмак беринг, иқтидорсизлар ўз йўлини топиб кетади». Гапнинг сираси – бутун борлиғини ёзишга бағишилаган одам турли маҳкамаларга учрашиш, нашр ишлари билан шуғулланиш, китобини харидорга етказиб бериш сингари юмушларга вақт ҳам, куч ҳам тополмайди. Қарорда ана шундай ташкилий ишларни ҳукумат кўмагида ҳал этиш белгилаб қўйилган. Энди баъзи «бизнесмен ижодкорлар» урчиб кетмаслиги, «колғирлар, жанжалкашлар»га ҳам ижоддан бошқа имтиёз қолмаслиги таъкидлаб ўтилаяпти. Шунингдек, қарорда қалам аҳлига ғамхўрлик қўрсатиш борасидаги аниқ вазифалар белгилаб қўйилганки, уларнинг адо этилиши билан бадиий кашфиётларга йўл очадиган руҳий осойишталик, мамнуният ва ишонч таъминланади.

Бундай қарорнинг қабул қилиниши бой тарихга эга бўлган адабиётимизга чинакам ғамхўрлик намунасиdir. Қарорни бутун дунё эътироф этиб турган, ҳамон шуҳрат тожини ҳеч кимга бермай келаётган буюк бобокалонимиз Алишер Навоий руҳига чукур ҳурмат рамзи ҳам дейиш мумкин. Ҳужжатнинг муборак кунларда эълон қилинишида ҳам ҳикмат бордек. Ахир Алишер Навоий Соҳибқирон Амир Темур барпо этган инсоният бўстонида муаттар чаман эмасми? Қолаверса, буюк шахс ва беназир ижодкор фаолиятида умумийлик бисёр. Навоий яратган идеал образ – Фарҳод севгилиси Шириннинг юртида тоғ кесиб, ариқ чиқарди. Бу ҳаётий далил Соҳибқироннинг Қорабоғда Барлос каналининг қаздирганининг бадиий ифодаси эмасми? Бундай ҳамоҳангликлар эса жуда кўп. Ўз пай-

тида бобомиз Амир Темур ҳазратлари «Қоғозда ёзилганлари қурилган иморатлардан ҳам узоқроқ яшайди» деган эканлар. Миллий адабиётимизни ривожлантириш ҳақидаги қарор ана шу пурмаъно сўзнинг бугун ҳам қўллаб-қувватланаётганинг амалий тасдиғидир.

Улуғ мақсадларга бошловчи ташаббуслар ўз самарасини узоқ куттириб ўтирмайди. Тарихий қарор ҳар бир қаламкаш қалбига ўтли илҳом солди, деб баралла айтса бўлади. «Топган гул келтирас...» дея бошланувчи мақолда ҳар кимнинг қурби етадиган имконига ишора бордек. Мен ҳам сўнгги йилларда ёзган бадиий публицистика ва эсселардан тузилган китобимнинг дунёга келиши ва нашр этилишини шу қарор шарофати, деб биламан. Шунчалик тез нишона берган ғамхўрлик ва эътибор ҳали қўплаб нодир асарларнинг дунёга келишида туртки бўлишига ишонаман.

2018 йил, 26 ноябрь.



# Жүнир лавхалар

## ҚУМЛАРДА БИТИЛГАН ҮЧМАС ДОСТОН

Олам кафтдек намоён...

Олам сирлари кафтдагидек аён!

Учқудук шаҳрига кираверишдаги тепаликда ўрнатилган Қизилқум саҳросидаги қазилма бойликларнинг биринчи разведкачиларига қўйилган хотира минораси сатҳига кўтарилидим-да, тўрт тарафга аланглаб қарадим. Чексизлик куршовидаги майдонларда ўтган икки кунлик сафар ажабтовур улуғворлик бағишилаганди. Бу жойдан кўзга ташланадиган жонли манзаралар инсоннинг табиатга зуғуминими, зўравонлигиними ёки ўзаро мулоқотиними ифодалаб турарди: нигоҳ илғайдиган даражада олисликларда нуқул сунъий тепалар кўзга ташланади. Улар ер қаъридан қавлаб чиқарилган ва уран ажратиб олинган тупроқлардан ҳосил бўлган. Муболағасиз – уларни айланиб ўтишда қушнинг қаноти куймаса ҳам толиб қолиши бор гап. Тепаликларнинг маҳобати шунчалик баланд. Ана шу қум тоғлари ортида, умуман, атрофида тиник куз осмони кўзгусида узоқ-узоқлардан одамлар яшайдиган манзилгоҳлар кўзга ташланади. Ҳаммаси кейинги ярим асрда пайдо бўлган қўналғалар. Бугун улар тўла замонавий қиёфа касб этиб, ҳатто қўплади шаҳар мақомини ҳам олган: Навоий, Зарафшон, Учқудук, Зафаробод, Мурунтов...

Булар бир қарашдаёқ назарга илинадиган манзаралар. Агар теран нигоҳ билан оёқ тегиб турган тупроққа разм солинса, унинг урпоғида юз миллион йиллардан гувоҳлик берувчи табиат ҳодисалари асоратларининг, худди шунингдек, элакдан ўтказилган

юз миллион тоннааб тупроқнинг сўзсиз ҳикоясини тинглаш мумкин. Бу ҳудудда тупроқли, лойли тепалик-ларга эга бўлган текисликлар, ойнадек сип-силиқ ва метинdek қаттиқ тақиrlар, унча баланд бўлмаган қояли тоғлар, минерал сув манбалари, саксовулли ўрмонлар, ёши миллиард ва ундан катта бўлган тоғ жинслари ҳамда қирғони қамишу ёвшанлар куршаб олган майда кўлларни учратиш мумкин. Борлиқ шунчалар зиддиятли унсурларга тўлаки, дабдурустдан таассуротлар чалкашиб, ҳатто турган жойингни ҳам унутиб қўйишинг мумкин. Олис ўтмиш ва тип-тиник бугун. Ер сайдрасида ҳаёт бошланганидан гувоҳлик берувчи сирли тилсимлар ва эртанги буюк ўзгаришлардан мужда келтирувчи оламшумул режалар. Улар хотира ва мангулик қадар барҳаёт. Жумладан, биргина Навоий вилоятининг ўзида 500 та археологик ва 300 та меъморчилик ёдгорлиги рўйхатга олинган. Кўхна Сангижумондаги сирли тошлар тилсими, Нурота чашмаси ва Буюк Ипак йўлида жойлашган Работ силсиласи ҳамда бошқа обьектлар тарихнинг келажакка тутган кўзгусидир.

Ҳа, миллий ифтихоримиз ҳисобланмиш бобокалонимиз ҳазрат Алишер Навоий номи билан юритилувчи вилоят ва шаҳарга ташриф ҳар гал кўнгилда бетимсол туйғулар қўзғайди, сўзнинг янграши билан пайдо бўлган кувват худди уран зарядининг парчалинишидан ҳосил бўлган энергиядек ҳисобсиз тарзда қўпайиб, кенгликлар қадар ифтихор, ботинда яшириниб ётган табиий маъданлардек сирлилик ва ер остида портлатилган атом бомбалариdek кудрат ато этади. Бу ҳудудда табиатнинг таърифларга сиғмас синоатини, шу билан бирга инсон ақли ва заковатининг мўъжизаларини бақамти кўриш мумкин. Марказий Осиёдаги икки улуғ дарёning қирғоқларга тўш уриб, яйраб сайр қилишига бағрини тутиб берган, ўзандаги

табиат тизимини жиловлаб турган, құшиқларда күйланған Зарафшон тұлқынлари сиртини силаб турувчи, бир замонлар охунинг күзидек жилвакорлиги билан борлықни мафтун этган, бугун эса тобора мавхумлашиб бораётган Орол дengизига ҳудудидан жой берган Қызилқұм саҳроси ана шундай синоатларнинг олтин сандиғидир. Уч юз минг квадрат километрдан ҳам улкан майдонни ишғол қылған текисликда бугун күп-лаб саноат корхоналари, маъмурий-территориал ҳудудлар (вилоят, туман, шаҳар, шаҳарча, қишлоқлар) макон топған, космосдан қараганда ҳам муazzам ер куррасида яққол күзга ташланиб турадиган белгили маскан бу азим биёбон.

У ер юзида ҳаёт пайдо бұлғандан буён сиру савдоларга бой бұлған, серғайрат хожаси – инсонни үзиге мафтун қилиб келған. Учқудук шаҳарчасидан чамаси 130 километр олисда, Қызилқұм саҳросининг Жирақудук даrasидаги бундан 95-100 миллион йил аввал пайдо бұлған «Тошұрмон» деб аталувчи ноёб полеонтологик музей құриқхонаси юртимиз ва дунё олимларнинг катта қизиқишига сабаб бұлаяptи. Мутахасисларнинг таъкидлашича, үша пайтда мавжуд бұлған Тетиз дengизи қирғокларидағи үрмонга космосдан метеорит тушған, шундан сұнг ҳавода қуюқ туман ҳолидаги турли минераллардан иборат болут пайдо бұлған ва у узоқ вақт осилиб қолған. Унинг таркибидеги минераллар намлиқ ва биологик үсиш жараёнлари орқали дарахтлар танасига сингиб борған ва орадан неча юз йиллар үтгач, үсимликлар тошға айланыб қолған. Күкка маъюс термилиб турған қояларни бир күришдаёқ дарахт ёки үсимлик япроги эканини пайқаш қийин әмас. Шу хаёл билан уларға яқынлашасиз, бийдай даладаги яшил оламга талпиниб, уни меҳр билан кучасиз, бироқ, афсуски, улар шүр пешонадек қаттиқ, үzlари метиндек қояға айланған. Шунчалик

қаттиқ тошки, ҳатто металлни сариёғдек кесадиган арралар ҳам уни бўлаклашда депсиниб қолади.

Қизилқум саҳроси ўта жазира машинасида ишлаб чиради. Бу жойларда ҳарорат ва совуқлик плюс-минус 50 оралиғида айланади. Бундай кескин континентал ўзгарувчан табиатга бардош бериш ҳам ўзига хос матонат. Худди шундай ўлчамли табиий мувозанатга мос равишда ўсимлик ва ҳайвонот дунёси шаклланган. Унинг ландшафти бетак-рорлиги, ранг-баранглиги билан жозибадордир. Бу жозибани гўзалнинг кокиллариdek шокила-шокила бўлиб турувчи саксовулларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу дарахтни қўйиб берса мажнунтолдек солланиб, теварагида майсалар ва шохларида қушларни тўплашига тараф йўқ экан. Шунингдек, ковул, янтоқ, жинғил, шувоқ қумларни қучиб, унинг бағрида бўй кўрсатиб, тақирга ўзгача тароват ва гўзаллик бахш этган. Кенгликларда Ўзбекистон Қизил китобига киритилган наботот ва ҳайвонот турлари кўплаб учрайди. Жумладан, ўсимликлардан оқ лола, Суғдиёна лоласи, Нурота астрагали, патсимон астрагал (қўқонгул), қопчиқтоғ астрагали, Нурота мовий гули, жовқасин лоласи, Корольков ширачи ва яшилликнинг бошқа ноёб вакиллари ҳамда жонзотлардан сайғоқ, жайрон, Ўрта Осиё қундузи, Қизилқум архари, судралиб юрувчилардан кўндаланг бўритиш илон, капча илон, қора илон, қушлардан пушти сақоқуш, жингалак сақоқуш, Зарафшон қирғовули, йўрға тувалоқ ва бошқалар сахро «фуқаро»лари ҳисобланади. Қизилқум бу жиҳатдан ҳам мукаммал яратилган борлиқ ижодидир.

Муқаммалликки, садсиз қум уммонида тирикликини таъминлайдиган сув манбалари ҳам етарли бўлган. Бир вақтлар Сирдарё тошганда унинг сувлари сахро тепаликларини ювиб турганини боболар элас-элас эслашади. Жилғалардан жилдираб чашма

сувлари оқиб турған. Айниқса, булоқлар сирлилиги ва ноёблиги билан камёб бұлған. Қизиқ далил: түя баъзи булоқлар сувидан ичса, айримларидан ичмас экан, отлар ҳам чанқоғини танлаб қондиришаркан. Тубсиз құмликлар аро ёввойилашиб кетған отлар, улар билан боғлиқ афсонанамо ҳикоялар ҳам қизиқ. Шунингдек, Қызылқұмда күплаб ноёб маъдан сувли, шифобахш булоқлар мавжуд. Бу булоқларнинг баъзилари қадимдан машхур бўлиб, муқаддас ҳисобланған. Қоракат яқинидаги иссиқ булоқ, Олтинсойдаги бекиёс қимматли шифобахш термал сувли булоқ шулар жумласидандир. Бундан ташқари Нурота шаҳрида мавжуд бўлған муқаддас чашма сувининг йил давомида бир хил, яъни 19 °C ҳароратда туриши ҳамда күплаб касалликларга даво бўлиши олимлар томонидан исботланған. Умуман, саҳрова қанча кўп қум зарралари бўлса, шунча ҳикмат бор, деб ҳисоблаш мумкин.

Барibir, бу жойларнинг бебаҳо бойлиги тақдирини, ҳаётини шу кенгликлар билан боғлаган одамлардир! Азал битигида тасдиқланганидек, ерга зеб бериш, уни асраб-авайлаш учун Инсони шариф яратилди, ана шу бунёдкорлик асносида ўзи ҳам бойиб, комиллашиб борди. Тарихи миллион йилларни чамалайдиган бу бепоён ҳудудларга инсон қадами қачон етганини фақат таҳмин қилиш мумкин. Ҳаёт учун курашлар, жангу жадаллару табиат стихияси, шу қаторда иззатталаб ҳукмдорлар юришларидан эсдаликлар кам қолған. Булар ҳақида тошбитиклар – Сармишсой дараси, Сентоп, Бақали ва бошқа замонавий ном берилған ўчмас қоятош ёзувларида қайд қилингандар. Беҳудага Қызылқұмни ер юзидағи ноёб масканлар – Хитойдаги Такламакан, Чилидаги Атакама, Америкадаги Махове, Африкадаги Катта саҳро текислигига ўхшатишмайди. У Мўғулистан ҳудудларини қоплаб ётган тап-тақир Гоби саҳросидан кўра жуда бой ва файзли, Сонора ёки

Чиуауа тақирларидан бизга яқин ва қадрдонроқ. Лекин умумийлик шундаки, бу манзиллардаги маданият излари нафақат үша худуд, балки бутун инсониятта тааллуқли эканлиги билан эътиборли. Энг эсда қоларлиси – шу нодирликлардаги кўплаб унсурлар умумийликка эга: суратларда акс этган сюжетларда айнан үхшашликлар мавжуд. Бу ҳол ер курраси қанчалик бепоён, катта бўлмасин, инсон ҳамма жойда ҳам умумий бир хилликка эгалигини, бу далил эса одамзот насли Ягона яратувчининг ижоди эканини тасдиқлади.

Ана шундай умумий жўровозликда бугунги Қизилкум ҳали қари тарихида учрамаган саодатли кунларда яшамокда. Унинг бағридаги бетимсол ўзгаришлар ҳар бир унсурга, ҳар бир далилга янгича назар билан қарашни тақозо қилаёттир. Бу ҳолнинг ёрқин қирраси шуки, бугун унинг юрак уриши шу заминда абадий яшаб келаётган халқ тилаклари билан ҳамоҳангдир: унинг бойликлари эндиликда ўзининг ҳақиқий эгаларига насиб этмоқда. Бу юртимиз истиклонининг энг юксак муваффақиятларидан биридир. Биринчи тадқиқотчилар хотирасига қўйилган минора пойида туриб, жами таассуротларимни зеҳндан ўтказар эканман, пировардида шундай ёруғ кайфият ҳамроҳ бўлди ва мен шахдам қадамлар билан кенг йўл томон одимлаб, бизни кутаётган ёруғ манзиллар сари кетдим.

Зарафшон шахрида Навоий кон-металлургия комбинати бўлимларида олтин ажратиб олинадиган, деярли барча рудаларни қайта ишлайдиган ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқарадиган завод қурилган. Шунингдек, жаҳонда үхашши топилмайдиган Мурунтов карьери ҳам унинг бикинида. Очиқ усулда руда қазиб олинадиган Мурунтов кўплаб кўрсатгичлари билан рекордлар рўйхатини безаб турибди. Ҳозиргача ҳавзанинг чукурликдаги қарийб етти юзинчи метригача ўзлаштирил-

ган, яъни таркибида қимматбаҳо металл бўлган қумшағал қазиб олинган. Улар маҳсус транспортларда саралаш фабрикаларига етказилади. 350 тоннагача юк кўтара оладиган қудратли машиналардан тортиб қарийб тўрт юз метрга чўзилган тик қияликдаги конвейергача сафарбар қилинган. Бу конвейер ҳам ўзига хос нодир иншоот. Дунёда шундай қурилма 10–15 даража қияликда юкни юқорига ташийди. Мурунтовда эса уч баравар тик – 47 даражада хизмат қилмоқда. Бу ҳам ўхшалий йўқ қурилма. Каръернинг диаметри 3–4 километрга чўзилиб кетган. Кейинги тадқиқотлар металл захирасининг бундан кейин ҳам камида юз йилга этишини тасдиқламоқда. Шу ҳолни ҳисобга олиб, очиқ каръер ҳудуди яна ҳам кенгайтирилмоқда.

Умуман олганда, Қизилқумда нодир металларни излаш тарихи жуда қадимга бориб тақалади, дейишади. Қўлга илинадиган далиллар эса ўтган асрнинг 50-йилларига тааллуқли. 1953 йил биринчи марта Учқудуқча уран изловчи разведкачилар қадам босган. Бу ҳолнинг сабаби аниқ: Американинг Япониядаги агрессиясидан кейин қизил империя ҳам ядро куролига эга бўлиш талвасасига тушиб қолади ва ҳудудлардан арzon хомашё излашга тушилади. Қизилқум биринчилардан нишонга дуч келади.

Ўша асрнинг бошларида Майдабек деган қўйчивон учта қудуқ кавлатиб, қўналғага айлантирган далада уран изловчилар тўдаси танда қўяди, манзил кенгашиб, «Учқудуқ» номини олади. У 1979 йилда шаҳар мақомига эга бўлади, уч йил ўтиб, Томидидан шу номдаги район ажralиб чиқади. Янги районнинг биринчи раҳбари бўлиб ишлаган Абдулла Карвонбоев очиқ усулда уран қазиб олишнинг бутун ашқол-дашқолини ҳамон кечагидек эсида сақлаб келади.

– Минглаб гектар майдончириқдан ўтказилган, – дейди у, – йўлда кўрганларингиз қум тоғлари ёғи

олинган айроннинг ўзи, қимматбаҳо металл ажратиб олинган, тупроғи қолиб кетаверган. Улар қанча баланд бўлса, ортида шунча чуқур ҳам бор.

Империя арzon уранни юҳодек ютаверган экан. Мустақилликдан кейин бу хазиналарга миллий манфаатлардан келиб чиқиб муносабатда бўлинди. 1995 йилда Учқудуқда олтин заводи қурилиши билан табиий бойликларга муносабатда мувозанат тикланди. Бугунги кунда бу даргоҳнинг барча участкаларида маҳаллий кадрлар фаолият кўрсатмоқда. Дунёning илфор технологияларга эга корхоналари билан ҳамкорлик жадал ривожланаётир.

Ростдан ҳам Қизилқумнинг ўзлаштирилиш тарихи кескин воқеаларга бой. Ҳали бизнинг боболаримиз қимиз ичиб, туяга қийшиқ миниб юрган паллаларда узоқ-узоқлардан ис олган исковичлардек хазина изловчилар кенгликларда изғиб юрган. Улар маълумотларни умумлаштириб, бу хазинага келиш йўлларини қидиришган. Одам улоқиб кетадиган кимсасиз кенгликларда қабристонлар мавжуд. Қабрлардаги битиклар лотин, араб, кирилл имлоларида ёзилган. Тили ҳам турфа. Шунинг ўзи ҳам бу жойларда қандай синоатлар кечганини далиллаб турибди. Уларга ниятларига яраша тақдир ўз хукмини ўқиган чиқар, бироқ бир гуруҳи изсиз кетса, бошқаси уларни қидириб келган, миссиясини давом эттирган. Қаранг-а, мушфиқ она ер келгинидар оёғи остида қандай кунларга гирифтор бўлган экан? Бугун ўз эгасини ва ўз қадрини топган мустақил юрт кенгликларида ўзгача рух хукмрон. Мурунтовнинг маҳобатли ўраси ёқасида қуйига тикилиб, мазкур издиҳомдаги юклаш-ташиш жараёнларини кузатиб туриб, бу ҳаракатларни тӯғри ташкил қилишга йўналтирилган тадбирларни кўз олдимга келтириб, бундай кенг қамровли ишни йўлга қўйиш унча-бунча давлатнинг қўлидан келмаслигига


қатъий ишондим. Мамлакатимизнинг салоҳиятига, қудратига ичдан тасаннолар айтдим.

Нурли манзил сари йўл олган одам қаршисида янги-янги мэрралар очилавергани сингари чўлга, саҳроға эгаларча муносабат ҳали ишга туширилмаган имкониятларга ҳам назар ташлашни тақозо қилмоқда. Саҳро, аввало, бепсён яйлов дегани. Унинг бағрида етти хазинанинг бири – чорвачиликни ривожлантириш ўзгача омилкорликни тақозо қиласиди. Бу яйловларнинг имконияти эса яқин ўтмишда исботланган.

– Ўттиз йиллар чамаси олдин Томди туманининг ўзида бир миллион бошдан зиёд қоракўл қўй бор эди, – деб эслайди меҳнат фахрийси А. Карвонбоев. – Улардан чиқадиган жун ва бошқа маҳсулотлар талабгир эди.

Ҳозир чўл бағрида икки юз километр жойгача электр симлари тортилган ҳолида турибди. Уларнинг атрофида аҳоли яшаш манзиллари, чорва фермаларини ташкил қилиш имкониятлари мавжуд. Очиқ ҳолда қазиб олиш мумкин бўлган мармар, ош тузи конлари, вольфрам, феруза захиралари ҳам ўз истеъмолчиларини кутиб турибди. Тарих сўйлайдики, бир вақтлар Германиядан ташриф буюрган сайёҳ Бухородан қўчқор ва қўй сотиб олган ва кейинроқ колониси бўлган Африка мамлакатида қўйчиликни йўлга қўйган экан. Бугун ўша мамлакат (Жанубий Африка) бу соҳада жаҳонда етакчи мавқелардан бирида экан. Чорвачиликни ривожлантиришнинг ойдин истиқболлари мавжуд. Эндиликда амалий ишларга ўтилмоқда.

Мавжуд имкониятлардан келиб чиқиб, ҳукумат қарори асосида гигант корхоналар қошида чорвачилик комплекслари бунёд этиш юзасидан амалий чоралар қўрилаётир. 1996 йилда корхона қошида қайтадан ташкил этилган «Дўстлик» агрофирмасининг ишлари анча юришиб кетди. Мажмуа айни кунларда фойдага ишламоқда.



- Зомин, Кўшработ, Нурота, Термиз ва Қоракам-  
поғистонда турли қишлоқ ~~хўжаликт~~ маҳсулотлари  
етиштирадиган бўлинмаларимиз бор, - изоҳ беради  
агрофирма директори Расул Ҳусенов, - уларда қўйчи-  
лик, қорамол, парранда, туя, балиқчиликни ривожлан-  
тириш асосида дастурхонларимиз кўрки, рўзгоримиз  
файзи бўлган истеъмол маҳсулотларини етиштириш-  
ни амалга оширедик. Узумзор, ёнғоқзорлар барпо қила-  
япмиз. Барча соҳаларда селекция ишлари йўлга қўйил-  
ган, яъни ер юзидағи энг маҳсулдор чорва молларидан  
тортиб, маҳсулотни қайта ишлаш технологияларига-  
ча келтириб ўзимизда маҳаллийлаштириш чоралари  
кўрилаяпти. Ички эҳтиёжларни қондириб, юртимиз  
бозорларига арzon маҳсулотлар чиқаришга эришдик.  
Экспорт борасида ҳам кенг имкониятларимиз мавжуд.

Жумладан, корхона чорвачилик мажмуасига бу бо-  
рада катта тажрибага эга Рустембек Туяқбаев раҳбар  
қилиб тайинланди. «Бутун умрим чорванинг ичида  
үтди, - дейди эллик тўрт ёшни уриб қўйган Р. Туяқбаев.  
- Унинг истиқболига заррача шубҳа қилмаган ҳолда  
замонавий талаблар асосида катта-катта кошарлар  
ташкил қиласпмиз. Уларда 1,5-2 минг бош қўйни  
асраси ва парваришлаш мумкин бўлади». Ҳозир қўшни  
республикалар ва вилоятлардан қўйлар, туялар сотиб  
олинаётган экан.

Йўлда кўзингиз тез-тез «Иssiқ сув» деган ёзув-  
ларга тушади. Айниқса, қўшиққа айланиб, тиллардан  
дилларга кўчган Учқудуқдаги сиру синоатга бой сув  
манбалари олимларимиз томонидан тадқиқ қили-  
нишга муҳтоҷ. Мисол учун туман ҳудудида ер остидан  
қайнаб чиқаётган 26 та булоқ мавжудлиги кишини  
ҳайратга солади. Демак, ушбу маскан ўзининг қақра-  
ган қум чўлию барханлари билан бирга ажабтовур қу-  
дуқлари билан ҳам машҳур экан-да. Шубҳасиз, Тошўр-  
мон ёки сунъий тепаликларга туристик маршрутлар

ташкил қилинса, шифобахш қайноқ булоқлар мөхмонларга ҳам ҳордик, ҳам саломатлик манбаи бўлиб хизмат қиласди. Туристик йўналишнинг марказида дунёда камёб ҳодиса - тошга айланган ўрмон бўлишига гумон йўқ. Аммо бугун ўша нодир бойликлар қаровсизликдан пайҳон қилинмоқда, ташриф буюрувчилар ашёларни ташмалаб кетаятилар. Гувоҳларнинг айтишича, ўрмон хазинаси анча қашшоқлашиб қолган. Эътибор бераяпсизми, нодир табиат ҳодисаси, унга элтувчи йўлдаги шифобахш сувлар бўйида ташкил қилинган ҳордик масканлари ҳамда сайёҳларга тақдим қилинадиган маҳаллий маҳсулотлардан тайёрланган ошлиқлар. Бугун юртимиз салоҳиятини кўрсатишда асосий омиллардан бири бўлган туризмни ташкил қилишнинг шундай имкониятлари захирада турибди.

Яратувчилик шукуҳидан мунаvvар тортган саҳродағи шаҳарларнинг ҳар бирида музейлар мавжуд. Улардаги ашёлар ҳар қандай тебранмас одамга ҳам таъсир қилиши аниқ; миллион йиллардан гувоҳлик берувчи динозаврларнинг ҳар бир узвида қанча синоат яширган. Уларга термулиш боқийликни кўз қорачигига жойлаб, бугунги шошқин ҳаётга бир қурқараш имконини беради: вақт қанчалик ўткинчи, одам умри қанчалик қисқа. Умумий таассуротлар эса маданий муомалада «саҳро академияси», «саҳро қомуси» сингари тушунчаларни ёдга солади. Аслида, тириклиknинг жами синоатлари поёнсиз кенгликларда сочилиб ётибди. Қанчалик донишмандлик, закийлик бор унинг ҳар бир заррасида. Бу масканларда ўтаётган лаҳзалар инсон табиатини доим имтиҳон қилиб келган. Эҳтимол, тўғрилиknинг камоли ёки қинғириликнинг заволи биринчи марта саҳро мухитида тасдиғини топгандир: манзилга йўлни рост олган йўловчи мақсадига етган, эгри юрган эса маҳв бўлган. Ана шундай, жами саволлар саҳрода жавобини топади гўё.

Унинг синоатлари эса қамровга сиғмайди. Дунёни ларзага солиши мумкин бўлган буҳронлар ҳам унинг бағрида чақалоқнинг нафас олишидек билинмай қолаверади. Россияда чоп этиладиган «Огонёк» журнали 2010 йил 23-сонида бир сирни ошкор қилган: 1966 йил сентябрь ойида нохос отилиб чиқсан газ пўртanasини жиловлаш учун Қизилқум барханлари қаърида Хиросимада портлатилганидан бир ярим баробар кучли атом бомбасидан фойдаланилган. Замин эса сукут сақлаб қолаверган<sup>1</sup>. Шунингдек, ҳисобсиз бойликлар ташмалангандা ҳам манзара ўзгармаган. Эндиғина ҳаммаси жойига қўйилди: табиат ҳақиқати билан ижтимоий ҳақиқат туташди, яъни бойлик ўз эгаларига қайтди. Бу ҳолни аслида Яратганинг иродаси бандалари учун ҳақ эканини тасдиқлаш тарзида қабул қилиш жоиз. Давлат мустақиллиги ана шундай тескари ҳақиқатларга барҳам бериб, табиат ва инсон иродасини эзгу мақсад йўлида бирлаштиргани билан ҳам биз учун муқаддас ва қадрлидир!

Саҳро ўз саховатини хожаларидан дариф тутмаяпти. Яқинда фосфорит захираларининг топилгани ёки Зармитан, Гужумлисой конларидан янги имкониятларнинг аниқлангани миллий иқтисодиётимизнинг биринчи рақамли гиганти ҳисобланмиш Навоий кон-металлургия комбинатининг истиқболли эканини кўрсатади, унинг мавқеини яна ҳам оширади. Покниятли халқимизнинг истаги, умиди ҳам аслида шу!

(«Қишлоқ ҳаёти», 2018 йил, 6 ноябрь)

<sup>1</sup> Абдухалиқов И. Мен билган Шароф ака. – Т: «Академнашр», 2018.  
– Б. 175–176.

## ОСМОН МИНОРАЛАРИ

Замон суръатини шундан ҳам билса бўладики, яқин йилларда от-аравада бир кунлик манзил бўлган шаҳарлар оралиқлари бир-бирига қўшилиб кетаяпти. Йўл четларида нуқул тижорат ва савдо дўконлари, емакхоналар. Бу фаровон ва тўқ ҳаётдан нишона. Кўз тегмасин.

Бирдан қурилишлар қатори тўхтайди ва сайхонлик бошланади.

– Нимага, шу жойди участка қилиб бермайди? – Ҳайдовчининг бироз хушёр торгтирадиган луқмаси сухбатга чорлайди ва унга батафсилроқ изоҳ бериш истаги пайдо бўлади:

– Биласизми, ватандош! Бу жойлар қадимий Еркўргон шаҳри харобалари. Неча минг йиллар давомида тупроқ уюмлари остида қолиб кетган. Бу жойларни кавлаб, маданий қатламларни ўрганиш керак. Олимларнинг таъкидлашича, ҳали ер қаъри космосни тадқиқ қилиш даражасида ўрганилмаган экан. Ҳа, одамзот осмонга кўз тикди-ю, ерни унутди. Ким билади, бу жойларни кавлаб, жуда чукур кавлаб кўрилса, қандай синоатлар бор, неча маданий қатлам яширинган?

– Э, пулдорларга бўлиб берса, ҳамма маданий қатламни кавлаб, юзага чиқариб қўяди.

Ҳайтовур, унинг шаҳар яқинидан ер олиб, ҳовли кўтариш нияти бор чоғи, орзуси амалга ошишига таскин бергандек бўлдик:

– Ташвишланманг. Яқинда ҳаммаси сиз айтгандек бўлади.

Магнитофондан дилга яқин наволар янграмоқда: Шерали Жўраев куйляяпти.

– Кассета янгими?

- Ҳа. Германияда тайёрланган.

- Э, Шерали Жўраев Германияда ҳам «запись» қилдирган эканми? Яқиндами?

- Ўша «Жигули»лар чиқа бошлагандан синов тариқасида тайёрланган экан.

Дастлаб бу «сұхбати Жамшид» нима ҳақида кетаётганини ангармай турдим, гүёки мен ўзимча гапирадим, сұхбатдошим ўзича. Икки каллада икки хил айланар, борлық ҳам менинг шууримдан ташқарида чарх ураётгандек эди. Фикри-зикрим сұхбатда эмас, ижодий сафарни яхши яқунлаб, қулинг ўргилсин мақола ёзишда эди. Анча валақлашганимиздан кейин билдимки, ҳайдовчи машинасининг тарихини гапириб берәётганды экан. Ҳақиқатан, бу күлиқ антиқа эди. Ўриндиқлари униққан, клейлари кўчган жойларига қалин қилиб лейкопластирлар тармаштирилган, эшиклар, томининг туташ жойларида билакдек сув-елим ёпиштириб ташланганди. Ҳамроҳимнинг сазаси ўлмасин, яна боз устига хизматда бўлиб турибди, қабилидаги андиша билан унинг сұхбатини давом эттираман:

- Ўша замонларда ҳам «Нексия»лар тайёрланган эканми?

-- Корея бир нечтасини тажриба учун Германия заводларида тайёрлаган экан.

Бу маълумотларнинг қанчалик тўғри-нотўғрилиги муҳим эмас, асосийси - кайфият. Шундай қилиб, сұхбат қўр олади. Ўкта қандай қилиб ушбу «Фирқўк»ка эга бўлганини батафсил айтиб беради.

- Редакцияда фотомухбир бўлиб ишлардим. Савлатдан от ҳуркади-ю, чўнтақда ҳемири йўқ. Яна Чироқчидан қатнайман. Бир арzonроқ машина олмасам бўлмайди, деган тўхтамга келдим. Яқин танишим шуни тавсия қилди, ҳам минасан, ҳам юк ортасан, деди. Бошида жуда хижолат бўлдим, худди ҳамма устимдан кулаётгандек бўлиб, бирорни миндирсам ҳам пулини сўролмай юрдим. Кейинчалик одамларни чақириб,

бақириб миндирадиган, ҳақини тортишиб сладиган бўлдим. Ишни ҳам ташладим, бозорга ўтдим.

Ўқтам яланиб қўйди, худди одам тўйиб ош егандан кейин мўйловини силаб қўйгандек, оғзи тўлиб гапини давом эттириди:

– Ўламанми олдинроқ ўтсам. Эссиз оввора бўлган йилларим.

Замон суръати уни улғайтирган, давр одами бўлиб қолганди. Шу руҳда шавқ билан давом этади:

– Тадбиркорлик етишмас экан-да. Ишхона паспорт столнинг олдида эди, нимага расмхона очмаганман? Ах, энди билсам, пулнинг тагида қолар эканман.

У омманинг оқимиға қўшилибди. Ҳозир ҳамма «Пул!» деб зир-зир югурмоқда. Машхур ёзувчи Чингиз Айтматов пулни «янги Худо», деб атаганди ва инсониятни оғир кўргуликлардан хушёр бўлишга чақирганди. Марҳум ёзувчининг овози бутунлай кўмилиб кетди. «Янги Худо» қилгилигини қилади чоғи, ундан ҳеч кимни қайтариб бўлмаяпти.

\* \* \*

Учқур машина тобора дашт қўйнига олиб кетаверади. Гарчи куз ҳам, қиши ҳам қуруқ келган бўлса-да, теваракда қуюқ яшиллик ҳукмрон. Айниқса, янтоқлар баравж ва дуркун кўринади. Табиат набототининг бу қилиғи ҳам кишини ўйлантиради. Қор-ёмғир кам бўлган шароитда ўсимлик ўзида ички бир имкон топиб, илдизини яна ҳам чуқурроқ ташладимикан? Табиат стихиясига қарши бундай ўжарлик, қайсарлик даштнинг ўзига муносиб феълига ўхшайди: «Сен бизни сувдан қисган бўлсанг, биз баравж ривожга кучни топа оламиз», деганга ўхшаш журъатни сезгандек бўламиз. Бу ҳол ҳар қандай шароитда ғалабадан умид қилишга чорлайди. Бинобарин, бу тупроқ, меҳнаткаш, мард ва танти майдонлар қанчалаб синоатни кўрмаган? Бу жойларни эртакларда таърифланган «Очил

дастурхон» дейиш мумкин. Мўл-кўл ризқ-рўзни кафтида тутиб турибди, мислсиз бой хазиналарни бағрида сақлаб, инсон изми-ихтиёрига мунтазир. Муборакда ташкил қилинган улкан саноат гигантлари замин ва инсоннинг ўзаро ҳамдастлиги нишонаси: ер жами бойликлари, сир-синоатларини одам эҳтиёжларига ҳадя этишга ҳозир. У бизни боқади, тўйинтиради ва алал-оқибат жами қарзларини нақдинасига қайтариб олади.

Муборак газни қайта ишлаш заводи минораларидан тутун чиқа бошлаганига яқинда ярим аср тўлади. Албатта, қандай ақл, тафаккур айни шу ҳудудда улкан хазинанинг калити яширганини тахмин қилган ва бутун бир паҳлавон саноат корхонаси шунда қад кўтарган - буни инкишоф этиш мушкул, аммо айнан шу жойларда бир кичик маскан бўлганини ва бу жой, эҳтимол, Буюк Ипак йўлида қатнайдиган карбонлар учун қўналға бўлиб хизмат қилганини илмий фараз қилиш мумкин: бир пайтлар Қашқадарё ўзани шу жойларгача етиб келган ва дарё ёқасида кичкина шаҳарча қад кўтарган. Унинг мавқеини эса олис Ироқнинг Ҳийт шаҳридан келтирилган авлиёнинг қабр тупроғи устига кўтарилилган мақбара белгилаб тургандир. Ҳа, зиёратгоҳга қўл етадиган жойда улкан завод қад кўтарган.

Бир замонлар Соҳибқирон Амир Темур бепоён қозоқ сахроларидан ўтиб кетатуриб, ялангликда тошдан минора кўтаради ва унга ўз юришининг шарҳини ёздиради. Йиллар ўтиб, худди шу жойда Бойқўнғир космодроми пайдо бўлади, бу манзил инсоннинг космосга илк қадам қўйишида старт майдони бўлгани билан инсоният тарихида қолади. Умумийлик шундаки, илмий манбаларнинг тасдиқлашича, Ҳийт шаҳридан ҳам Ҳадис илмининг пешволаридан бири, ҳатто Ином Бухорийнинг ҳам илк устозларидан ҳисобланган Абдуллоҳ ибн Муборак ал-Марвазий (736 йил, Марв –

798 йил, Ироқ)нинг табаррук хокини Амир Темур ҳазратлари келтириб, шу жойда дафн этишни ва зиёратгоҳ барпо қилишни ихтиёр этган эканлар. Энди, бу ҳақиқатлар қаршисида ҳайратланишдан бошқа чора йўқ, ҳар қанча мақтov, изоҳ ортиқча.

Муборак газни қайта ишлаш заводининг иш тартиби қуидаги тўртта йўналишга ихтисослашган: табиий газни олtingугуртли бирикмалардан тозалайди ва қурилади; техникавий олtingугурт ишлаб чиқаради; барқарорлашган газ конденсатини ишлаб чиқаради; суюлтирилган газ ишлаб чиқаради. Гарчи таърифлар тўрт-беш қаторга сифиб кетса-да, корхонанинг бутун фаолиятини тасаввур қилиш учун хаёл тизгинини анча кўйиб юборишга тўғри келади. Аввало, бугунги тирикчилик маромида газ (шу ўринда уни ҳатто «хурматли газ» деб ҳам аташ мумкин, ахир бу воситани турмушимизнинг турли қирраларига нақадар сингиб кетгани ҳаммага маълум, ҳатто тирикликни («тирикчиликни» эмас) усиз тасаввур қилиб бўлмайди) қанчалик мавқе касб этганини чамалаб кўрайлик-да, унинг ўчоқларимизда ишлатишга яроқли ҳолга келгунча бўлган жараённи мушоҳада қилишга уринайлик.

Шуниси борки, бу ёнилғи табиатда соғ ҳолда учрамайди. Унга нафас олганда заҳарлайдиган, ёқса портлаб кетадиган турли минераллар табиий равища аралашган бўлади. Газнинг техник тайёр маҳсулот ҳолига келиши эса бир қанча мураккаб босқичлардан иборат. Ҳомашё баъзан улкан резервуарларда қамаб сақланади, гоҳида игнанинг тешигидек тирқишидан ўтказилиб тозаланади, баъзан тошни ҳам эритадиган ҳароратда қизитилса, гоҳ ҳавони ҳам тош қотирадиган совуқликда музлатилади, кучли босим билан гоҳ кенгайтирилади, гоҳ қисилади. Бу жараёнларнинг кетма-кетлиги ва суръати-аниқлиги илмий йўл билан кашф қилинган. Меҳнатнинг самараси эса ана шу жараёнларнинг қанчалик мувофиқ ҳамоҳангликда ва

техник самарадорликда бажарилишига боғлиқ. Бирон бўғиндаги кичкина нуқсон ҳам сифатга жиддий таъсир кўрсатади. Газни қайта ишлаш жараёнини юзлаб созандалардан ташкил топган симфоник оркестрнинг бир мумтоз куйни ижро этишига қиёсласа бўлади. Гарчи оркестрда бирор созанданинг хатоси билинмай кетиши ёки уни тингловчилар англамаслиги мумкинdir, аммо газни қайта ишлашда эса, дўстлар, ҳазиллашиб бўлмайди. Оқибати изоҳларсиз ҳам тушунарли.

Ана шундай оғир, масъулиятли, бир вақтнинг ўзида шарафли юмушда чийралган ва мамлакатимиз иқтисодиётида ўз ўрни тайин бўлган корхона мавқеига яраша, боз устига давр талабларига ҳамоҳанг фаолият кўрсатишга сафарбар қилинган. Албатта, оламшумул ишлардан боҳабар бўлиб кўйиш жамоатчилигимизга зарар қилмайди. Қолаверса, корхонани шу соҳанинг йирик намунаси сифатида ер юзида билишади, у кўплаб қомусларга киритилган, ўз анъанаси ва тарихига эга. Худди шундай, у ҳақида кўплаб китоблар ёзилган, рангли альбомлар чоп этилган.

Албатта, йигирмадан зиёд цех, яна қанчалаб маиший бўлинмалардан иборат, бир неча юз гектарни ишғол қилган ана шундай паҳлавон корхонанинг бугунги ҳаёти юзасидан муҳтасар сўз юритиш истагини директор ўринбосари Абдижалил Ороловга изҳор этамиз:

– Шу кунларнинг талабидан келиб чиқиб, МЧЖ да инновацион гояларнинг жорий этилиши ва экспортга маҳсулот жўнатишнинг аҳволи билан муфассалроқ танишсак.

– Бажонидил, – дейди раҳбар очиқ чеҳра билан. Газчиларнинг бундай ташрифларни соғиниб қолишигани, дилида айтмоқчи бўлган гаплари бисёр экани самимий муомала, юморга ҳамоҳанг лутфларда аниқ билиниб туради. Зеро, бу даргоҳга адабиётимизнинг кўплаб дарғалари ташриф буюрган, Муборак газни

қайта ишлаш заводининг номи турли тарзда асарларда, хотираларда акс этган. Шу ўринда корхонага, кейинчалик вилоятга узоқ йиллар раҳбарлик қилган раҳматлик Нуриддин Зайневни эслаб ўтмаслик мумкин эмас. Барибир, давр ўзгарган, авлодлар алмашган, ҳатто қадриятлар ҳам ўзгачароқ қиёфа касб этгандек.

– Қайси ташкилотданман, дедингиз?

– Ёзувчилар уюшмасидан.

– Бу ташкилот аввал ҳам бор эдими ёки яқинда очилдими?

Ранжишга ҳожат йўқ, сұхбат мароми анча ҳазилхузулга қоришган эди, бу саволларни назаримизда анча қув ва одамбилгич туюлган муовиннинг бизни синаш ёки янги асқияга пайров мақомида ўртага ташлаяпти дегандек тушунамиз. Эҳтимол, шундай ташкилот борлигини билмаслиги ҳам мумкин, ахир иши тушмаган бўлса, ҳозирги ахборот асрида ҳамма нарсани билиш талаб қилинмайди-ку.

– Саксон йилдан ошган.

– Ҳозир раҳбар ким?

Сұхбатдош раҳбарларнинг кейингиларини эшитмаган чиқади, фақат Абдулла Орипов тилга олинганда, бироз ҳовридан тушиб мумала қила бошлади.

Завод ҳудудида нафақат суратга олиш, ҳатто ичкарига кириш ҳам мумкин эмас экан. Агар шундай қилиш лозим бўлса, «юқори»дан казо-казоларнинг рухсати керак бўларкан.

– Ташкилотингизга айтинг, раҳбарингизнинг хатини бизнинг электрон манзилимизга ташласин. Зарур рухсат бўлмагунча сиз билан гаплаша олмаймиз. Ҳамма маълумотларни бериш ҳам мумкин эмас.

Хушёрлик ҳеч қаҷон панд бермаган. Ҳамма жараёнлар адo этилгач, телефон гўшаги айланади ва зум ўтмай, шинам хонага бежирим коржома кийган ўз соҳасининг моҳир мутахассислари кириб кела бошлайди. Ҳали танишиб улгурмаган кишилар ҳақида сиртдан

мақтov гаплар ишлатишимизнинг боиси – атайлаб ўз участкасида ёки цехида катта тажрибага эга бўлган, ишлаб чиқаришнинг сир-синоатларини ипидан-игна-сигача биладиган кишиларни сўраттирганмиз. Ахир матбуот учун арзирли гап айтиш осонми?

– Албатта, илғор технологияларни жорий этмасдан муваффақиятга эришиб бўлмаслиги исботланган ҳақиқат эди. Бу мақсадга эса энг сўнгги инновацион ғояларни татбиқ этмаслик қармоқ билан китовлашга чиқишдек гап бўлиб қолади, – деб сўзини бошлайди тадқиқот. янги маҳсулотларни жорий этиш, инвестицияларни жалб қилиш, инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўлими етакчи мухандиси Бобур Қодиров. – Таассуфки, биз бу борада анча сусткашликка йўл қўйган эканмиз. Бўлимимиз март ойида ташкил этилди, натижалар эса аллақачон кўзга ташлана бошлади.

Янги ғоялар ўз номи билан янгилик. Янгилик эса осонлик билан қабул қилинмайди, шунчаки яшаб кета олмайди. Бу тан олинган ҳақиқатлар саноатда ўн карпа кучли амал қиласи, чунки гап катта микдордаги сармоялар устида кетади. Тайёр, исботланган инновацион таклифларнинг жорий этилиши ҳам шундай қисматга дуч бўларди. Ишлаб чиқаришга жорий этишини тавсия қилиш учун эксперт комиссиясига берилган лойиҳалар ойлаб, ҳатто йиллаб ғаладонларда мухокамага чиқарилмай ётарди. Чунки масъулиятни бўйнига оладиган валламат топилавермасди ёки янгиликка унчалик ҳам рағбат билдирилавермасди. Ҳолбуки, экспертиза харажатлари учун олдиндан миллионлаб, ҳатто миллиардлаб пул тўлаб қўйилган бўларди.

– Сиз келишингиздан тўрт кун олдин, 21 июнда Президент Шавкат Мирзиёев селектор йиғилиши ўтказди, – дейди янгиликдан мамнун бўлган Бобур Қодиров, – энди жами бюрократик тусиқлар олиб ташланадиган бўлди. Йиллаб кутиладиган экспертиза

муҳокамалари Президент хузурида нуфузли комиссия иштирокида бўлиб ўтади, масала жадал ҳал бўлади.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 20 июндаги «Инвестиция ва инфратузилма лойиҳаларини жадал амалга ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига асосан республика ҳукумати мавқеи даражасидаги алоҳида лойиҳа ҳужжатларини экспертиза қилишда тўлов олинмайди. Шунингдек, дастлабки ва якуний техник-иктисодий асосларни комплекс экспертиза қилиш учун тўланадиган ҳақ миқдори 4 баробарга қисқартирилди.

Яратилаётган қулай инвестиция муҳити, умуман, ишлаб чиқаришнинг рағбатлантирилиши ҳисобига кейинги икки йилда завод фаолиятида ижобий ўзгаришлар рўй берадиганини рақамлар кўрсатиб турибди. Масалан, ўтган йил якунида суюлтирилган газ сотиш режаси 111,4 фоизга уddeланган бўлса, бу йил ярим йиллик натижаси 177 фоизга teng бўлмоқда. Ёки олтингугурт маҳсулотини АҚШ долларига сотиш режаси ҳам 179 фоизга уddeланган. Жамоа олтингугурт маҳсулотини экспорт қилиш режаси охирги беш йилликда биринчи марта муваффақиятли бажарилганини фахр билан таъкидлашмоқда.

Қолаверса, юртимизда кечеётган ижобий ўзгаришлар туфайли инвестициялар оқими кучаймоқда, хориждан тайёр, бозорбоп маҳсулотларга харидорлар сони ортмоқда. Туркия, Хитой, Швеция, БАА, Покистон, Қирғизистондан вакиллар келиб, олтингугурт харид қилиш истагини билдираяпти. Албатта, йилига тўрт юз минг тоннадан зиёд маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган заводнинг ишлари юришиб кетишидан фақат МЧЖ гина эмас, бутун мамлакат аҳли манфаатдор. Зоро, бу завод газдан олтингугурт ажратиб олишга ихтисослашган дунёдаги нодир корхоналардан бири ҳисобланади.

Албатта, гап олтингугурт ҳақида кетар экан, ҳавонинг тозалиги, теварак-атроф мусаффолиги билан боғлиқ муаммолар ҳамманинг хаёлига келади. Зоро, бу борада ечимини кутаётган муаммолар топилади. Эндиликда экология дунёнинг бош масаласига айланиб улгурди. Шуниси борки, нефть маҳсулотлари ва газ конденсатининг сақлаш жараёнида ва ташиш учун юклаш пайтида ҳавога чиқиб кетиши ҳам экология, ҳам иқтисодиёт жиҳатидан зарар келтиради. Халқаро статистика маълумотларининг гувоҳлик беришича, бу борадаги кўрсатгичлар дунё бўйича 0,5 – 1,7 фоизни ташкил этса, Ўзбекистонда, жумладан, Муборакда ҳам 1,5 – 3,5 фоиз даражасида экан. Демак, қилинадиган ишлар етарли. Заарали ашёларнинг ҳавога чиқиб кетиш йўллари таҳлил қилинганда, уларнинг асосий қисми юклаш жараёнида ва қайта ишлаш пайти техник ускуналарнинг талаб даражасида фаолият кўрсатмаслиги (носозлиги) туфайли юзага келиши маълум бўлган. Ишлаб чиқаришни юқори суръатда ташкил этиш мақсадида янги технологияларни жорий этиб бориш одатий ҳол ҳисобланади. Заводда сув буғи ва иссиқ сув қувурларининг иссиқлик қопламалари ни янгилаш, қозонларнинг чўян экономайзерларини тўлиқ алмаштириш, электр двигателлари қувватидан максимал фойдаланиш юзасидан қатъий режалар асосида ишлар олиб борилмоқда. Бу тадбирлар натижасида ҳам ҳавонинг ифлосланиш даражаси пасаяди, ҳам корхона тўрт миллиард сўмдан кўпроқ фойда кўради.

Техника бўлимининг бошлиғи Ҳусан Беков ҳарйили пойтахтда ташкил қилинадиган инновацион ғоялар ярмаркасининг аҳамиятини алоҳида таъкидлайди. Завод маъмурияти унда фаол иштирок этиш билан бирга яқин ва узоқ хориждаги ҳамкорлар билан шерикчилик шартномаларини имзолайди. Ўнинчи марта ташкил қилинган мазкур ярмарка корхона фаолиятини замонавий асосларга кўчиришда кўплаб

фойдали ғоялар берди, ҳамкорлар топишга күмаклашди. Жумладан, Сингапурнинг «Интер инжинииринг» компанияси инвестицияси ҳисобидан йилига 280 минг тонна олтингугурт ишлаб чиқарадиган технологик қурилма бунёд этилаяпти. Унда энг замонавий технологиялар, масалан, «Клаус усули»да олтингугурт олиш қурилмаси ўрнатилади.

Хусан Беков тақдири «Муборак газни қайта ишлаш заводи» МЧЖ билан боғланган минглаб кишилардан бири. У ўқиши битириб, шу ерга ишга келди, дастлаб оператор, катта оператор, қурилма бошлиғи бўлиб ишлади, ҳар жиҳатдан тобланди, энди эса бўлим бошлиғи сифатида иш олиб бораяпти. 33 йиллик меҳнат фаолияти унинг кўз олдида газета саҳифалариdek очиқ турибди. Шу кунларнинг энг ёрқин дамларини эслаш лозим бўлганда, у иккиланмай «Мустақилликдан кейинги йиллар» дея ички ифтихор билан жавоб берди. Фаолияти аниқликни ёқтирадиган, темир жиҳозлар билан муомала қиласвериб, эшилишни ҳам унутиб қўйган бу инсоннинг эътирофида заррача соҳталиқ йўқ эди. Охирги йилларда ходимлар таркиби маҳаллий ёшлар ҳисобидан янгиланиб борди. Улар ҳар қандай технологик жараённи мукаммал бажара олишларини амалда қўрсатиб келмоқдалар. Хориждаги тажриба алмашишларда ҳам улар ўзларининг юксак салоҳиятларини намойиш этдилар. Меҳнатга яраша эътироф ҳам кучли бўлмоқда. Масалан, узоқ йиллар оддий темирчи бўлиб ишлаган фидойи, камтар инсон Қобил Мўминов Ўзбекистон Қаҳрамони деган шарафли номга сазовор бўлди. Меҳнатидан шухрат топган бундай кишилар МЧЖда кўплаб топилади.

– Умуман, корхонамиизда ишчилар манфаатини муҳофаза қилиш бош масала бўлиб келган, – дейди қасаба уюшмаси раиси Акром Ҳамроев, – фаолиятимизнинг ўзи одамлар оғирини енгил қилиш, рўзғорига файз, қувонч олиб киришга йўналтирилган экан, ана

шундай юмушга сафарбар этилган кишиларга юксак даражада ғамхўрлик кўрсатилиши табиий ҳол. Мехнат муҳофазаси, меҳнатни рағбатлантириш жаҳон талаблари даражасида ташкил қилинганд. Олайлик, Яккабоғ туманининг хушманзара жойларида 350 ўринга мўлжалланган «Нихол» оромгоҳи мавжуд. У завод ишчилари фарзандларининг ёзги дам олишини ташкил қилиш мақсадида очилган. Тўрт навбат болажонларни қабул қиласди. Президентимизнинг ташаббуслари билан байрам кунларида 4-5 кунлик дам олишнинг жорий этилиши туфайли республикамиз бўйлаб ички туризмни ривожлантиришга йўл очилди. Бу йил биринчи марта «Ўзбекистон бўйлаб саёҳат қил!» акцияси бўйича ишчи-ходимлардан Самарқанд шаҳрига 225 нафар, Шахрисабзга 300 нафар, Хоразм вилоятига 100 нафар, Қарши шаҳрига 50 нафар, Бухоро шаҳрига 25 нафар киши турист сифатида бориб келди. Бу ўринда «турист» мақомида сафар қилишнинг ҳам ўзига хос маданияти, тартиби борлигини унутмаслик керак. Турмуш тарзимизга шу зайлда илғор анъаналар кириб келмоқда. Шунингдек, юртимиздаги тарихий шаҳарларга кўплаб бир кунлик саёҳатлар уюштирилди.

Корхона ўз ички қувватларини модернизациялаш, замонавий технологияларни жадал жорий этиш дастурига қатъий амал қилиб, ишлаб чиқаришни замонавий бозор талаблари даражасида ташкиллаштириш йўлидан бормоқда. Корхона тасарруфида «Муборак-текс», «Муборак-экоҳаёт», «Табиий тоза» масъулияти чекланган жамиятлар тузилди. Муборак туманида йилига 3 млн жуфт эркаклар ва аёллар, шунча миқдорда болалар, 2 млн жуфт болалар колготкаси – жами 8 миллион жуфт пайпоқ ишлаб чиқарадиган фабриканинг қурилиши шу кунларда тугалланди. Унинг ишга тушиши билан юзлаб йигит-қизлар иш билан таъминланди.

Суюлтирилган газга эҳтиёжнинг ошиб бораётганини ҳисобга олиб, пропан-бутан аралашмасини

ажратиш 4-тизимини ишга тушириш бўйича юмушлар амалга оширилади. Лойиҳа қуввати 3 млрд куб мгазни қайта ишлаб, 38 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқаришдан иборат режа амалиётга татбиқ қилинса, аҳолининг эҳтиёжи яна ҳам тўлароқ қондирилган бўлади. Умуман, МЧЖ да эртанги жадал тараққиётни таъминлашга қаратилган порлоқ мўлжаллар бисёр. Бунинг учун хориждан технологик ускуналар сотиб олиш мақсадида 11 та шартнома тузилган ва ваколатли ташкилотлардан рўйхатдан ўтказилган.

Корхонани ривожлантиришнинг истиқболли режасида энергия тежамкорлигига эришиш бўйича аниқ таклифлар мавжуд. Жумладан, чет эл инвесторлари билан қўшма корхоналар ташкил қилиш ва божхона, солиқ йўналишлари бўйича, шунингдек, энергия тежамкорлиги учун енгилликлар яратиш мақсадида узоқ муддатли (10 йилгача) кам фоизли (3 фоизгача) имтиёзли кредитлар ажратишни таъминлаш; энергия тежамкорлигида иштирок этган ходимларни рағбатлантириш тартиби тўғрисидаги 2008 йил 15 декабрдаги стандартларни қайта кўриб чиқишини даврнинг ўзи талаб қилмоқда. Ишлаб чиқаришни яна ҳам ривожлантиришга қаратилган бундай ташкилий ишлар юқори мутасадди ташкилотлар эътибори билан амалга ошади. Корхона жамоаси замонавий бошқариш усулларидан баҳраманд бўлишни муваффақият асосларидан деб билади.

\* \* \*

...Шинам хонадаги сухбат узоқ давом этди. Барibir, иш охирига етмай қолди, маълумотларни тайёрлаш учун вакт керак экан. Кун оғиб борарди, энг оддий эҳтиёж – окшом қаерда тунаш ташвиши кўндаланг бўлди. Ёнимизда айланиб юрган туман ҳокимининг муовини Тўлқин Бўриев нуқул бир гапни такрорларди:

- Муборакда одам дам оладиган бирор гўша топилмайди, бўлмаса, ўзим сизни олиб кетган бўлардим. Қаршига қайтишдан маъқули йўқ.

Мени эса иссиқда қарийб юз километр йўл юриш, яна эрталаб қайтиб келиш азоби безовта қиларди. Илинж билан уятни ҳам четга суринг муовинга қўнғироқ чалдим:

- Оқшом тунаш муаммо бўлаяпти. Сизларда бирор қўналға топилмайдими? Ишчилар ётоқхонаси бўлса ҳам майли эди. Бир кеча тонг оттирсам... Билдингиз, ишим битмади.

- Ётоқхоналаримизда одам яшай олмайди, таъмирланаяпти. - Овозда заррача афсус оҳангига йўқ эди, аксинча, бошини чанглаб, бу хира одамга дуч қилган кунни лаънатлаётган бўлса, ажаб эмас. Яна шундай бўлдики, Тошкентдан чиқишим билан боғланиб турган собиқ ҳамкасбнинг телефони эрталабдан ўчган. У ҳам жуфтакни ростлаб қолдимикан? Тушуниб бўлмайди.

- Бўпти, биз Қаршига қайтдик.

Шу гапдан кейин атрофдаги уч-тўрт одамнинг чехраси очилди ва зум ўтмай ҳаммасининг қораси ўчи.

Завод худудини ташлаб, катта йўлга чиққач, ўқтамнинг зеҳни ишлаб қолди.

- Ака, мен ҳаётимда кўп одамларни кўрдим, аммо мухбирлардек фидойи кишиларни учратмадим. Норбўта ака ҳам, Ўроз ака ҳам ўзининг ташвиши қолиб, бирорларнинг юмуши учун жонини бериб юради. Мана, энди бозорга чиқиб кўраяпман, одамлар бошқача яшар экан, бир-бирининг гўштини тириклай ер экан. Ҳозир булар ҳам сизни алдади. Муборакда зўр хуссий меҳмонхоналар бор, мен биламан, оғайниларим шу ерда ишлайди. Эртага яна овора бўласиз. Ҳозир танишларимга телефон қиласай.

Шундай деб машинани йўл четида тўхтатди, телефонини олиб, унинг картасидан Муборак шахрини топди, турган жойимизни аниқлади.

-- Шаҳаргача 13 км экан, анов бетавфиқлар 30 дейди. - Хуллас, ўртоғига қўнғироқ қилиб, бир эмас, учтўрт меҳмонхона манзилини олди. Ахтариб, «Престиж»га ҳам келдик. Советкичлар кўйилган, бинойи-дек жой экан. Мана, яна бир синоатга гувоҳ бўлдик. Ўкташ кўнгли тинчиб, Каршига қайтди, мен қолдим.

Эрталаб яна қадрдонлар билан учрашдим. Улар мендан зерикиб қолгани шундоқ билинарди. Қайта-қайта йўқлашлардан кейин қоғозларни қўлга кирийтдим. Барибир, таассуротлар ёқимли эди, жонли ҳаёт ичидагу бўлиш гаштли-да, майли, алдасинлар, ёқтирумасинлар, дўлвор, тўпори одамларни кўриш, уларнинг ҳийлаларига «чув тушиш» қадрдон туйфуларни уйғотарди.

Киройи гап шуки, эндиликда замонавий раҳбарлар билан муомала қилиш, тил топиш осон эмас. Дунёга чиққан, жаҳон тажрибасидан баҳраманд бўлган «каттакон»ларимиз муомала йўриғини жуда аниқ белгилайдилар: ким билан гаплашаётганларини (иш) манфаат(и) юзасидан ҳал қиладилар. Меҳнат майдонларида эса содда, оққўнгил, хокисор халқимизнинг (уларга тўзим берсин!) саховати турумни ушлаб туради.

Турли маълумотлар, рақамлар гувоҳлигида, иштирокчиларнинг бамаъни мулоҳазаларидан улкан корхонада бир вақтнинг ўзида ҳам жўшқин меҳнат давом этаётганини, ҳам янгиланишлар жараёни кетаётганини ҳис этдик. Корхона жамоасининг кайфияти бугунги ўзгаришлар, тараққиёт руҳига мос эди. Гўё фалакка интилган осмон миноралари янги кут-барака ва фаровонлик ҳадя этишга чоғланганга, яна ҳам қудратли ва ишонч билан гувлаётганга ўхшаб туюлди. Муazzам замин эса ўзининг чўнг елкасида кечеётган янгилашишлардан мамнун сингари бепоён бағрини кафтдек тутиб турарди.

Ёруғ кайфиятлар билан шаҳарга қайтдик.

(«ЎзАС», 2018 йил, 13 июль)

## МУЛОҚОТ: КЎЗГУНИНГ ИККИ ТАРАФИ

Юртимизда авжи пишиқчилик манзаралари кўнгилда ифтихор ва иштибоҳ ҳисларини уйғотади. Сахий табиат ва табаррук замин қанчалаб саҳоватини ҳадя этган? Биз худо ярлағаган инсонлармиз. Боболар «Ҳар кунингга шукур қил» деб насиҳат қилишган. Шукроналик туйғуси билан йўлда давом этарканмиз, тинч ва осуда ҳётдан дарак берувчи тўкин-сочинлик мушоҳадага ундейди. Борлиқдаги тўлишиш ва қут-барака билан ҳамоҳанг ижтимоий ҳётимизда ҳам мислсиз ўзгаришлар юз бераяпти. Бу саъй-ҳаракатларнинг замираидэ эса Президентимиз муттасил тақрорлаётганидек, мард ва олийжаноб ҳалқимизни давлатдан розилигини таъминлаш, мустақил юрт фуқароси сифатида фаҳр-ифтихорини юксалтириб, шонли аждодларига муносиб янги авлодни тарбиялаш, уларнинг бахтили келажагини таъминлаш мақсади мужассам. Шу йўлда жорий этилган кўплаб янгиликлардан бири Ҳалқ қабулхоналарининг ташкил этилиши бўлди. Ўтган қиска даврнинг хulosалари шуни тасдиқламоқдаки, бу тадбир ҳаётий зарурат сифатида эътироф этилди, унинг фаолияти ҳалқимизнинг барча қатламларида мамнуният билан кутиб олинди. Ҳалқ қабулхоналари биринчи марта ҳақиқий ҳаёт билан юзма-юз бўлиш эди. У турли жабҳаларда кечеётган ўзгаришларни аниқ-тиниқ кўриб баҳолаш имконини яратди, одамларимизнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиб, олийжаноб мақсадларни муштарак қилишга шароит туғдирди, қисқаси, ҳалқ билан давлатни бир-бирига яқинлаштирги. Бир томондан давлат идоралари ходимлари ўз иш услубларида зарурий ўзгаришлар ки-

ритган бўлсалар, иккинчи томондан фуқароларнинг сиёсий тафаккури ўзгарди. Энг катта ютуқ эса одамларимиз ўзларининг дарду ташвишларига шерик, камчиликларни бартараф қилишига қодир халқпарвар давлати борлигини тушуниб етди, бу ҳақиқатни эътироф этди. Агар бир-икки йил олдин қабулга кириб чиқкан фуқаро «Мен чиндан ҳам ҳоким билан гаплашдими?» ёки «Прокурор ҳам ўзимизга ўхшаган одам эканку» деб ёш боладек ҳайратланиб турган бўлса, бугун ўз ҳақлигини далиллар билан исботлайдиган, шахсий фикрини эркин билдирадиган, ўз ҳақлиги учун тортишадиган бўлди. Халқ қабулхоналарининг ташкил этилиши қанчалик ҳаётий зарурат бўлган эса, бугун у шунчалик ҳаётий ташкилотга, инсон манфаатларини ҳимоя қиласидиган зарур муассасага айланди.

Бу эътирофлар Сирдарё вилоятида бўлиб, халқ қабулхоналари фаолияти билан танишгач, шахсан мен учун яна бир марта ўз тасдифини топди. Таъбир жоиз бўлса, дунё амалиётида кам учрайдиган бутунлай янги мулоқот тизимиға асос қўйилган ва у амалиётда дуч келинаётган янги-янги муаммоларни ҳал қилиш жараёнидаги тажрибалар билан бойиб, мукаммаллашиб бораяпти. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги 2016 йил 28 декабрь Фармонини ҳаётга татбиқ этишга доир хужжатларда мурожаатлар мазмунини таҳлил қилиб бориши, тизимли мониторинг ва назоратни амалга ошириш, мурожаатларни қайд этиш билан бирга уларни умумлаштириш, тизимлаштириш ва кўриб чиқилиши устидан назорат ўрнатиш қайта-қайта таъкидланган. Демак, бу тузилма келажакда ҳам бошқарув илмида ўзига хос халқчил муассаса бўлиб қолади. Вилоятда ана шундай талаблардан келиб чиқиб, ишлар жўяли ва юқори талаблар асосида ташкил қилинган.

Катта йўл бўйидаги бугун ҳаммамизнинг назаримизга қадрдан бўлиб қолган чиройли панно ҳеч кимни бепарво қолдирмайди. Худди хаёлдан ўтганидек, ичкарида қизғин ҳаёт нафаси. Узоқ-яқиндан илинж билан келган юртдошларимиз саришта ва батартиб залда кутиб олинадилар. Бу жойдаги муҳит шошиб ёки тажанг бўлиб келган кишига таскин бергудек: ходимларнинг хушмуомаласи, қоловерса, нафасни ростлаш учун таклиф қилинган бежирим ўтиргичлар ҳар қандай кишини анча ҳовридан тушириб қўяди. Энди бемалол нафас ростлаб, жиддий суҳбатга тайёрланса бўлади. Тартиб эса жуда амалий: мурожаат билан танишилгач, уни қаноатлантириш учун зарур чоралар зудлик билан кўрилади. Қаергадир телефон қилинади, мутахассис таклиф этилади, умуман, ҳар томонлама маслаҳатлашилади. Ҳозир тез-тез қулоққа чалиниб турадиган ҳолат – ҳал бўлиши йиллаб пайсалга солиб келинадиган муаммонинг бир зумда ечимини топиши қандайдир сеҳрли таёқча аралашгандек таассурот қолдиради. Аслида бунинг асло ҳайратланадиган томони йўқ экан: қайсиdir мансабдор шахснинг масъулиятсизлиги туфайли муаммо юзага келган. Аксарият ҳолларда бундай бошоғриқлар атайлаб яратилади, бундан мақсад аниқ – ҳакалақ отган нафс кутқуси. Ҳалқ қабулхонасининг «сеҳрли» нафаси етиб боргач эса дамбанинг олди очилиб кетади, оқим равон давом этади. Муаммонинг бундай осон ечимиға шоҳид бўлган юртдошларимизнинг давлатга ишончи тебора ортади. Масаланинг иккинчи томони эса, тараққиётимизга тўсиқ бўлиб ётган иллатлар баралла юзага чиқаяпти. Бу касалликка аниқ ташхис қўйиш имконини бераяпти. Тўғри ташхис эса касалликнинг шифо тспишига тўлиқ кафолат.

Ўша куни тушгача 17 та ёзма шикоят қайд этилди. Уларнинг мазмуни ҳар хил, таъбир жоиз бўлса, тирик-

чилиқда қанча бosh оғриғи учраса, ҳаммасидан бор: ёлғиз она моддий ёрдам сүрайди, электр ҳисоблагиң билан боғлиқ муаммо, бошпана, уй можароси, ичим-лиқ суви, газ ҳақи, судга доир, фирибгарлик юзасидан арз, иш, жумладан, бир уй бекаси уйига яқын жойдан иш топишга күмаклашишни сүраб ёзилган мурожааттар. Мавриди келганды Мирзаобод туман халқ қабулхонаси раҳбари Улугбек Ҳайдаровдан «Мурожаат қачон ёзилади?» деб сүрадым. «Аввало, фуқаро үз ҳақини танигандан кейин» дея гап бошлади у ва бу жараёнга турткы бўладиган ўнлаб сабабларни кўрсатиб ўтди. «Фуқаронинг мурожаат ёзишини уни давлатни бошқаришдаги иштироки, деб тушунса бўладими?» Жавоб шубҳага ўрин қолдирмайдиган даражада аниқ бўлди: «Бўлади!» Демак, Халқ қабулхоналарида масалага ана шу даражада ёндашилаяпти.

Мурожаат – шикоят, ариза, таклиф сифатида икки томон манфаатларини ифодалашда (қолаверса, салоҳиятини кўрсатишда) турли даражада намоён бўлмоқда. Бошқа бир ҳудудда шундай бир мулоқот содир бўлибди: юмор ҳиссига бой арзчи гапини шундай бошлаган: «Бальзакнинг «Горио ота» романи қаҳрамони асарнинг 41-бетида таъкидлаганидек...» Қараса, сухбатдоши гап нимадалигини англамаяпти. Шунда вазиятга аниқлик киритиш учун арзчи ўзини дадил тутиб, «Сиз ўзи чет эл адабиётини ўқийсизми?» дебди таҳдидомуз. Бу тараф ҳам бўш келмай, «Мен ҳар соҳада ўзимни ватанпарвар деб ҳисоблайман ва маънавий эҳтиёжимни ўзимизнинг ёзувчиларимиз асарлари билан қондирман» деб жавоб берибди дангал. Баъзан ўзингни бир калла бўйи китоб ёзганман, деб мақтаб юрасан-у, сухбатдошинг сени таниш у ёқда турсин, номингни ҳам эшитмаган чиқади. Қўп жойларда ёзувчи билан «язувчи»ни фарқлай олишмайди, мабодо, шундай тасавурда бўлишса, сен

билан остонадаёқ ҳисоб-китоб қилиб қўйишга шошишади (шикоятчилар билан «оператив» муомала қилавериб, анча тезланиш олишган-да), ичкарига таклиф ҳам насия бўлади. «Ёшлар серғайрат, ҳаракатчан, афуски, тоши енгил-да, – дейди адаба Ҳаётхон Сиддиқова, – негаки, китоб ўқишимайди». Бугун бу талаб ҳамма жойда, ҳамма учун бир хил янграмоқда. Бальзакнинг муҳлиси эса мурожаати тўла қаноатлантирилганидан хурсанд. Оқолтин туманидаги «Зарнигор» фермер хўжалиги бошлиғи З. Ўрмонова ҳам шу куни қабулхонадан хурсанд бўлиб кетди. У ҳисоб рақами «музлатиб» қўйилганидан хуноб бўлиб, молия ва бошқа идораларга мурожаат қилган, аммо иши битмаган. Унга бу муаммо солиқ бошқармаси срқали ҳал бўлиши тушунтирилди, бу ташкилотдан мутахассис таклиф қилинди. А. Абдишукуровнинг қатъий ишонтиришича, камчиликни бир зумда бартараф қилиш имкони мавжуд. Мурожаатлар мазмуни ранг-баранг. Гулистон туманида яшовчи С. Холматов фармацевтика қўшма корхонасида ишлайди, имтиёзли кредит билан автомашина сотиб олмоқчи. Марказий банк вилоят бўлимининг ходими О. Абдуллаев бу масалада етарли тушунча берди. «Бизнинг даргоҳимиздан ҳеч ким норози бўлиб кетмайди», – дейди қабулхона етакчи мутахассиси Алишер Ибодуллаев ишонч билан.

Қабулхоналар фаолияти орқали тўпланиб қолган муаммолар ҳам юзага чиқмоқда, уларнинг ечими изланаяпти. Мирзаобод туманида 71 мингдан зиёд аҳоли яшагани ҳолда оиласалар сони 4 мингдан ошмайди. Эътибор бераяпсизми, ҳар бир оиласага қарийб 20 киши тўғри келаяпти. Амалда эса қонуний қайд қилинган хонадонлар сони оз, уларда рўйхатда турувчилар ҳаминқадар. Бу шундай юзага келган: бундан бир неча йиллар олдин деҳқон хўжаликлари тузилган ва 35 сотихгача ерлар бўлиб берилган. Деҳқончилик қили-

ниши лозим бўлган бу майдонларга одамлар уй-жой қуриб олган! Улар олти юзга яқинни ташкил қиласди. «Сунъий равишда юзага келиб қолган бу муаммо ба-рибир ечимини топиши шарт, – дейди У. Ҳайдаров, – бу борада манфаатдор ташкилотлар билан ҳамкорликда иш олиб бораюпмиз».

Ростдан ҳам, Ҳалқ қабулхоналари фаолият кўзгусига айланди. Бир томондан идора ва ташкилот раҳбарлари фаолиятларига танқидий ёндашадиган бўлди, иккинчи тарафдан эса одамларимизнинг дунё-қарashi ўзгариш сари йўл тутди. Инсоният тажрибаси одатларни ўзгартириш жуда қийин кечишини (нега-ки, одат шахсиятни белгиловчи асосий омил) кўрсатади. Масалан, ялангоёқ юришга ўрганганди кишининг гарчи жуда фойдали бўлса-да пойабзалга кўниши қийин бўлади. Шахсиятида кўп қусури бўлган одам нуқсонларидан тезда воз кеча олмайди. Шу маъно-да ўз тақдирига бепарво одамнинг мурожаатга жазм этиши ҳам катта ўзгариш. Мирзаобод туманида мурожаат қилувчиларга унинг ҳаракати қандай қонун хужжатлари асосида кафолатланиши юзасидан эслатма тақдим этиш жорий қилинибди. Шунингдек, унда нималарга эътибор берилиши ҳам қатъий кўрсатиб қўйилган. У билан танишиб чиққан киши имзо қўяди ва варақнинг орқа тарафига «Мурожаат бўйича ҳисоб варақа» тўлдирилади. «Бундай муносабат мурожаат қилувчининг масъулиятини ҳам таъкидлаб туради», – дейди ҳалқ таълими соҳасида ишлаб, анча малака тўплаган етакчи мутахассис X. Норжигитов. Бу гапда жон бор. Албатта, Ҳалқ қабулхоналарининг келажаги ҳақида ўйланар экан, унинг обруси юзасидан ҳар доим курашиш лозим. Бу даргоҳга қадам қўйган штатдаги ходимми, арзчими, ҳар қадамда шу масъулиятни ҳис этиб турса, бу борада кўндаланг қўйилаётган ва кути-

лаётган мақсадларга эришиш шунча осон кечади. Масаланинг иккинчи томони фидойиликка бориб тақалаяпти. Бу талаб бехудага пайдо бўлгани йўқ. Фидойилик – чинакам фуқародан талаб қилинадиган биринчи фазилатлардан бири. Фидойи, аввало, ўз манфаатидан воз кеча билган, уни енга олган, шахсий майлларидан устун келишни уддалаган киши.

Ихтисослиги тарихчи бўлган Абдураҳмон Мустафоқулов мактабда ишлади, журналистикада ўзини синаб кўрди. Ширин шаҳар Xалқ қабулхонаси раҳбари сифатида унга бир савол берилди: «Сиз муассаса фаолият юрита бошлагандан бўён шу лавозимда экансиз. Тажрибадан келиб чиқиб айтинг-чи, шу соҳага сафарбар этилган раҳбарларда нима етишмаяпти?» Жавоб жуда кутимаган бўлмади. «Фидойилик». Ҳақиқатан, бугун жуда кўп асқатадиган фазилат фидойилик бўлиб қолди. Фидойилик ёруғ тушунча бўлганидан уни кенг маънода қўёшга, тор маънода эса шамга ўхшатдилар. Ҳар иккаласи ҳам ёниб, оламни ва «ўзгалар базми»ни ёритади. Шундай мулоҳазалар билан ўртоқлашиб турган эдик, ҳар жиҳатдан рисоладагидек киши қабулхонага қадам ранжида қилди. Соғлиқни сақлаш тизимидағи нуқсонлар ҳақида кескин мулоҳазаларни билдириб, бу соҳадаги таниш-билишлик, уюшган қаллобликлар ҳақида одамни сергак торттирадиган мулоҳазаларни баён этиб кетди. Ўзининг бу нуқсонларни бартараф этиш борасидаги ҳаракатларини шавқ билан тилга олди. Айни фидойилик борасида мулоҳаза қилиб турганимизда рўй берган бу ҳол «Кўп бадбин бўлманглар, ҳаётда фидойилар бор» дегандек танбеҳ эди. Мабодо орадан ҳеч қанча ўтмай, бошқа бир фуқаро ташриф буюрмаганда ва ўз шикоятини маълум қилмаганда, мен бу ватандошимизни газетхонларга обдон таништиришга тайёрланиб турган эдим. Нима

бўлди-ю, Фарҳод маҳалласида истиқомат қиладиган Илёс Исломов келиб, бундан 15 кун олдинги шикоятнинг тақдирни билан қизиқиб қолди. Шикоятнинг мазмани маҳалла томонидан ҳар ойда берилиши белгилаб қўйилган озиқ-овқат маҳсулотлари: бир кишига 1200 г ун, 240 г ёғ, 40 г шакар юзасидан экан. Аввало, бу миқдорни ким белгилагани уни қизиқтирган, боз устига маҳсулотларни тарқатадиган дўкон эгаси унинг талабларини эшитмай, ҳайдаб солган ва «Бор, қайга бўлса ҳам» деб дағдаға қилган. «Кимлардир халталаб шакар, идишни тўлдириб ёғ олиб кетади, бизга эса улуш ҳам...» дейди. Суҳбат жараёнида аниқ бўладики, ўша дўкон эгаси ва уни ҳайдаб солган шахс ...ҳозиргина ўзини олийжаноб, фидойи кўрсатиб турган киши экан. Кимга ишонишни ҳам билмайсан.

Ширин шаҳар қабулхонасига ташкил бўлгандан буён келиб тушган мурожаатларнинг 30 фоизи қаноатлантирилган, 5 фоизи рад этилган, 60 фоизига тушунириш берилган, 15 фоизи ўрганилаяпти. Тушунириш берилган мурожаатлар кўплигини А. Мустафоқулов шундай изоҳлайди: «Бу муассасанинг янгилиги туфайли фуқаролар арзимаган можаролар юзасидан ҳам мурожаат қила бошладилар. Очиғи, яшириб нима қиласиз, одамларимизнинг сиёсий тушунчаси мақтанарли даражада эмас. Энди ҳар нарсага, жумладан, ўз-ўзимизга ҳам танқидий қарашни ўрганмоғимиз шарт». Шикоятлар оқими пасайиб бораётган экан (бу ҳол барча бўлимларда кузатилмоқда). Истисно тариқасида таъкидлаш жоизки, Ширинда июнь ойида бу кўрсатгич 78 дан 94 га ошган. Бунинг сабаби – Сирдарё ИЭС да иш ўринлари қисқартирилиши муносабати билан шикоятлар сони кескин ошган. Бундай ҳолда шаҳар Халқ қабулхонаси тизимли муаммолар бўйича юқори ташкилотларга таклиф киритган. «Ўзбекэнер-

го» ДАЖ га масалани чуқурроқ ўрганиш ва ҳал қилишни сұраб мурожаат қылған. Демак, халқимиз ҳәётидағи энг оддий үзгаришлар ҳам Халқ қабулхоналари фаолиятида аниқ акс этмоқда ва ечимини топмоқда. Шу баробарда одамларнинг давлатга ишончи ортиб, ўз қадр-қимматини англаб етишга ҳаракати ҳам кучайиб бормоқда экан.

«Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари» йи-лида, аввало, мулоқотлар орқали олийжаноб халқимиз ҳәётига тобора теран назар ташланмоқда. Бу борада Халқ қабулхоналари энг муҳим восита бўлаётир. Қабулхоналар фаолиятида кўплаб маълумотлар қайд этилмоқдаки, улар келажакда қабул қилинажак янги-янги оламшумул режаларда асқатиши шубҳасиз. Шунингдек, халқимиз дарду ташвишларининг ифодаси бўлган ҳар бир мурожаатда қайд қилинган ҳолатлар социологлар, руҳшунослар, файласуфлар ва бошқа ижтимоий фан соҳаси кишилари учун бой мушоҳада манбаи бўлиб хизмат қилиши мумкин. Ҳатто айрим мурожаатларнинг тақдири, тафсилоти янги бадиий асарларга туртки бўлса ҳам ажаб эмас. Ҳар бир мурожаатга кўрсатилаётган эътибор эса «Халқ давлат идоралари учун эмас, давлат идоралари халқ учун ишлайди» давр бошланганидан хабар бериб турибди. Зоро, манфаати мустаҳкам ҳимоя қилинган халқ бошида соябони борлигини юракдан ҳис этса, бутун имкониятини ишга солиб, бор қуввати билан ишлайди ва кўзлаган нурли манзилларни, албатта, забт этади.

(«ЎзАС», 2017 йил, 4 декабрь)

## САМИМИЯТ ДИЁРИ

Қалпоқ кийиб қайтдим Қорақалпоқдан...  
Шеърдан

Осмондан қараганда шаҳар гулдор рўмол ёпиниб, уйқуга кетганга ўхшарди. Тун ўз либосини бизнинг нигоҳларимиздан гўзалликни рашк қилиб парда қилган эди гўё. Самолёт пастлай борган сари ойдин чироқлар, равон кўчалар, уларда ғизиллаб елиб бораётган машиналар аниқ кўзга ташлана бошлиди. Нукус ўзига хос мафтункорлиги билан меҳмонларни қарши олди. Унинг билан уйғосқ ҳолда дийдорлашишни навбатга қолдириб, меҳмонхонага йўл бурдик.

Айни кунларда урф бўлаётган уч қаватли шинам кошонада мезбон бизларга мамнун пешвоз чиқди. Қадам қўйишданоқ янги давр руҳини ҳис этмаслик мумкин эмасди. Ҳаммаси – ўриндиқлар, емакхона, йўлаклардаги ашёлар дунё мезонлари даражасидаги хотел, мотел, тотеллар сингари расамади қилинган, хоналар ўз таровати билан кишига хушкайфият улашади.

Эзгу бир мақсадни дилга тушиб, бу жозибадор ўлкага қадам қўйганимиз. Эллик нафардан зиёд маърифат аҳли Республика миқёсида бўлиб ўтаётган «Буюк келажагимишни мард ва олийжаноб ҳалқимиз билан бирга қурамиз» шиори остида ташкил этилган тадбирларда иштирок этишимиз, аҳолининг турли қатламлари билан учрашиб, бугун мамлакатимизда юз берадиган улкан ўзгаришлар, амалга оширилаётган ислоҳотлар, бу борадаги муаммолар борасида суҳбатлар ташкил этиш, шунингдек, ёшларнинг фикр-ўйлари билан ўртоқлашишимиз мўлжалланган.

Эрталаб «Жаслар үрайи» – ёшлар маркази олдида-  
ги майдонда сафарбар ҳолат мужассам эди. Гурухлар-  
га бўлинган тарғибот аъзолари бирйўла Тахтакўпир,  
Қораўзак, Чимбой, Кегайли туманларига отланаётган-  
ди. Манзилларни ҳисобга олиб, меҳмонларга «Капти-  
ва», «Малибу» сингари ӯзимизда ишлаб чиқарилган  
замонавий қулай машиналар ажратилган.

Бу жойларда биринчи марта бўлган кишида ман-  
заралар ҳайрат уйғотиши бор гап. Ястаниб ётган  
кенгликлар бағрини тўлдирган шу иқлимга мос да-  
рахтлар ажиб бир ҳамоҳангликда бетакрор уйғунлик  
касб этганки, қаршингда тимсолларга үранган инжа  
гўзаллик намоён бўлади. Қирмизи гуллари билан  
жинғиллар шамолда рақс этаётгандек бўлса, қайрағоч  
ва гужумлар қарсак чалиб олқишилаётган, четроқдаги  
туронғил эса бу ҳолни қизиқиш билан кузатаётгандек  
туюлади. Майсалар уларнинг пойига тўшалиб, бу шо-  
думонликка аралашганидан хурсанддек. Биёбон ӯз та-  
ровати билан дилдаги шоирона туйғуларни беихтиёр  
жунишга келтириб юборади.

Қораўзак туман ҳокимлигига меҳмонларни ҳар  
жиҳатдан кифтини келишириб кутиб олишди. Майдонда либослари ӯзига ярашган чақмоқдек ӯқувчи-  
лар саф тортган. Улар қўлларидаги гулдасталарни  
тухфа этар эканлар, бу учрашувни анча интиқ бўлиб  
кутганларини сезиб олиш қийин эмасди. Тўрда эса  
лоларанг кўйлак, гуллардан кашта тикилган қора жу-  
жунча кийиб олган қизлар дуторини созлаб туришар-  
ди. Олқишлиарни қабул қилиб, уларга яқинлашар экан-  
миз, жўр бўлиб «Қорақалпоқнинг...» қўшиғини бош-  
лаб юборишди. Сознинг майин жарангি, қўнғироқдек  
овоз ҳамоҳангликда бу қадимий халқнинг бор тарихи-  
ни ҳикоя қилишга киришган эди чамаси. Бундай сехр-  
ни тарқ этиш осон эмас, бироқ янги учрашувлар кутиб  
турибди.

Туман маданият саройининг шинам зали одамлар билан лиқ тўлган. Томошибинлар сеҳрли овоз сохибаси, Ўзбекистон халқ артисти Гулхадиша Аимбетова, кўплаб фильмларда роллар ижро этган, ўзи ҳам картиналар суратга олган Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Машраб Кимсанов, севимли актёрлари, Қорақалпоғистон халқ артисти Сафаргул Давлетованинг сўзларини мароқ билан тинглашди. Кўпларда бундай учрашув биринчи марта рўй берадигани шубҳасиз. Шунинг учун эҳтиросларга берилмаслик мумкин эмас. Фестивалнинг мақсади, амалга оширилаётган улкан ўзгаришлар, истиқлол баҳш этган имкониятлар, жумладан, тарихимизга янгича муносабат, Жалолиддин Мангуберди, Соҳибқирон Амир Темур сингари боболаримизнинг миллий ифтихоримизга айлангани ҳақидаги нутқ ҳам кўпчиликни бепарво қолдирмади, қарсаклар билан бўлиниб турди. Таассуротларга мусиқа ва рақс янада қанот бағишлади. Залда шундай кайфият ҳосил бўлдики, гўё ҳамма жўр бўлиб истиқлол кўшигини куйларди. Самимият, жўшқинлик, яқинлик даврага ўзгача руҳ бағишлади.

Умуман, кейинги уч кун давомидаги тадбирларда ҳам шу ҳолат кузатилди. Ёшлар жуда киришимли, оқкўнгил, самимий эди. Улар меҳмонларни туғишганидек қабул қилиб, суратга тушар, рақсга таклиф қиласар, дилидагини яширмай изҳор этарди. Навбат савол-жавобларга келганда, кино, театр санъати, ёзилажак янги асарлар, қўшиқ ва рақс маданиятининг эртаси сингари масалалар уларни жуда қизиқтириши маълум бўлиб қолди. Тийраккина қизалоқ (чамамда, у учинчи марта савол билан мурожаат этаётганди) ўзкечинмаларини сир тутмай менга қараб шундай деди:

– Сизни ёзувчи деб таништиришди. Лекин биз бундай ёзувчини эшитмаган эканмиз. Нималар ёзганлиз, биринчи китобингизни қандай номлагансиз?

Шундан сўнг китоб савдоси, китобхонлик маданийти, ижодкорлар ва муҳлисларнинг ўзаро муносабатлари ҳақида бироз тўхталишга тўғри келди.

Беруний туманидаги 59-мактаб, педагогика коллежи, Кўнғирот туманидаги 3- ва 21-мактаблар, яқинда ташкил этилган Тақиятас туманидаги мусиқа мактаби ва политехника коллежидаги учрашувлар ҳам самимий, савол-жавобларга бой тарзда ўтди. Уларда буюк келажагимиз пойдевори ҳисобланмиш миллий қадриятларимиз, уларни асраб-авайлаш юзасидан фойдали мулоҳазалар баён этилди. Жумладан, қорақалпоқ заминида бўй кўрсатиб турган қалъалар қаърида қанчалаб синоатлар яширинган. Уларни тилга киритиш, асрорини ошкор этиш ҳамманинг – катталарнинг ҳам, ёшларнинг ҳам жиддий саъй-ҳаракатини талаб қиласди. Таниқли ёзувчи Исажон Султон вақтни бой бермаслик, катта авлод вакиллари тилидан ҳар бир сўз, иборани ёзиб олиш, уларнинг изоҳли луғатини тузиш таклифини билдириди. Шу замин фарзанди, Қорақалпоғистон халқ шоири Музаффар Аҳмад шундай далилларни тилга олдики, улардан ижод ва илм аҳли, умуман, жамоатчилик зиммасида қандай улкан вазифалар турганини ҳис этиш мумкин. Бу борада ҳукumat қарори ёки бюджетдан маблаг кутиб ўтирумасдан ватанпарвар кишилар ташаббусини қўллаб-қувватлаш, уларга эрк бериш туфайли ҳам мақсадга эришиш мумкин. Бир вақтлар Игор Савицкий шундай йўл тутган эди. Бугун унинг саъй-ҳаракати билан юзага келган музей ўлканинг фахрига айланиб турибди.

Қорақалпоғистонда ҳар бир унсур қадрли. Ҳатто кўчиб юрувчи қумлар, вақти-вақти билан кўтарилиб турувчи тўзон ҳам қадрдон. Шуларсиз юртнинг сурати мукаммал бўлмайдигандек. Энг мунаvvар чизик эса меҳр-оқибат. Табиатнинг ўзи халқни шунга ўргатганга ўхшайди. Об-ҳавонинг зуфумидан, ер-осмон си-

новларидан шу түйғу омон сақлаб қолгандек. Кимдир ўтов кунгурасини құтариб кирса, унинг узоқ йўл босиб келгани аниқ бўлган ва кимлигини ҳам сўрашдан олдин унга сув ёки сут тутилган, ичкарига таклиф қилинган. Эрта-бир кун бу киши ҳам шундай ҳолга тушиши мумкин бўлган. Бир-бирини авайлаш, таъмасиз яхшилик қўрсатиш ва яхшиликка яхшилик билан жавоб бериш фазилатлари умри қумтепалар, биёбонлар оғушида ўтган қадимий ажододларни омон сақлаган ва бу қадриятлар маънавий бойлик сифатида авлодларга ўтиб, улар турмуш тарзини безаб турибди бугун. Одамлар орасида оқибат кучлилигини илғаб олиш қийин эмас. Шунданми, яхши хотиралар унутилмас экан. Биз бу ерда Шарофрашид деган исмга кўплаб дуч келдик (Жумладан, Қўнғирот тумани ҳокими Шарофрашид Темурбоев). Бу ҳол изоҳларсиз ҳам тушунарли. Қадриятларга эҳтиром қўрсатган халқнинг эртаси, албатта, нурафшон бўлади.

Ижодкорларнинг муҳлислари билан учрашувлари ҳар доим таассуротларга бой бўлган. Қорақалпоғистонда ҳам шундай бўлди. Худудларга ижодий сафарларнинг ташкил этилиши маданиятнинг турли соҳалари кишилари учун ҳам фойдадан холи эмас. Сафар давомида адиллар, кино ва театр актёрлари, эстрада хонандалари вакилларининг ўзаро ижодий мулокотларига ҳам имкониятлар юзага келди, уларда кўплаб фойдали фикрлар ўртага ташланди. Жумладан, бундай тадбирларда миллий чолғуларимиз – рубоб, ғижжак, дутор, танбур ва бошқа созлар ижрочиларини ҳам жалб этиш, улар ижросида миллий яккахон қўшиқларимизни тингловчиларга ҳавола қилишни маъқуллашди. Бинобарин, ҳам жойларда ташкил қилинган мусиқа мактаблари билан пойтахтдаги шундай ўқув юртларининг алоқалари йўлга қўйилган, ҳам миллий мусиқамизни, ҳозир сийраклашиб қолган якка ижро-

чиликтин тарғиб қилиш күчайған бўларди. Ҳар ҳолда магнит тасмаларидан тараган шовқинли садолардан кўра майин, дилга яқин жонли наволар ҳаммага ёқса керак.

Сафар давомида оқибатли, дилкаш, самимий кишилар улкан бунёдкорлик ишлари билан шуғулланаётгани, хазинаю дафиналарга бой замин ўз бойлигини уларнинг кўлларига тутаётганини – улкан саноат корхоналари бунёд этилаётгани (масалан, Сургул саноат мажмуаси, Қўнғирот сода заводи, кўплаб цемент, оҳак, асфальт ишлаб чиқарадиган комплекслар), курилаётганининг гувоҳи бўлдик. Ҳатто шўро замони илмлари қатъий рад этган – «бу заминда картошка етиштириб бўлмайди», деган холосани инкор қилиб, бугун картошкачиликдан яхшигина ҳосил олинаётган экан.

Куз саховати билан тўлишган далаларда юмушлар авжида. Эндиликда кўп маҳсулотларни хорижга экспорт қилиш тадориги кўрилмоқда. Хуллас, бу ўлкани яратиш, бунёдкорлик кайфияти чулғаб олган. Яратувчи, бунёдкор халқнинг меҳри эса қайта-қайта дийдорлашувларга чорлайверади.

(«ЎзАС», 2017 йил, 27 октябрь)

## КЕСКИН ҚАЙРИЛИШЛАРНИНГ СОКИН ТАЛҚИНИ

Менимча, «Юлдузнинг беш қирраси» монографияси мутолаасига киришган китобхон зиммасида икки вазифа бўлади: аввало, тадқиқотчи-олим сифатида «Дўстлик» ордени нишондори, филология фанлари номзоди, доцент Адҳамбек Алимбековнинг мавзуни қанчалик ёрита олгани ва асар қаҳрамони – Давлат мукофотлари совриндори, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Муҳаммад Алининг бугун кўпчиликнинг назарида бўлиб турган ижодий таржимаи ҳоли қирраларини англаш, тушуниб етиш. Олдиндан айтиш мумкинки, ҳар ҳолда муҳлислар ҳар икки масалада таъблари (яъни нимани кутганлари ёки нимани хоҳлаганлари) дараҷасида қониқиш оладилар. «Юлдузнинг беш қирраси» ўзининг услуби, муаллифнинг масалага ёндашуви жиҳатидан кейинги йилларда юзага келган диққатга сазовор янги асарлардан бири. Шак-шубҳасиз, Муҳаммад Али адабиётимизнинг йирик вакили ва у ҳақида муносиб сўз айтиш ҳам мастьулиятли, ҳам шарафли.

Бугун биз эркимиз, хуқуқимиз ўз қўлимиизда бўлган озод жамиятда яшаяпмиз (мазкур эътирофларни такрорлашдан чарчамаслик, ҳар бир унсурда бу буюк ҳақиқатнинг таъсирини ҳис этиб туриш лозим, деб ўйлайман). Гапнинг давоми шундан иборат: тоталитар тузум шароитида халқимизга нисбатан шундай муносабат шаклланган эдики, уни бир кескин мақол билан ифодалаш нишонга уради, минг марта узр сўраб уни келтираман: «Эшакнинг ўзи ҳаром, меҳнати ҳалол». Ҳа, одамларимизга ишчи, дехқон, косиб, олиб-сотар деб қараларди, муносабат ҳам шунга яраша, бироқ уларнинг инсон сифатидаги дардлари, кечин-

малари, ҳатто қувончлари ҳеч кимни қизиқтirmасди. Инчунун, олимлар, ижодкорларнинг ҳам. Шунга кўра бизда мемуар адабиёт шаклланмади (ҳолбуки, жаҳон адабиёти тажрибасининг кўрсатишича, йирик ижодкорлар сайланмаларининг ўнлаб китобларини уларнинг қундаликлари, хатлари ва бошқа ёзишмалари ташкил этади), зиёлиларнинг шахсий ҳаёти ҳақидаги маълумотларга табу қўйилди, таржимаи ҳоллари бузиб кўрсатилди (улар, албатта, камбағалдан чиққан ёки етим ўсан, фақат шўро туфайли рўшнолик кўрган бўлиб чиқарди). Омма тасаввурида олиму ижодкорлар фақат тинимсиз китоб ўқийдиган, уйқу билмай ёзадиган, йиғламайдиган-кулмайдиган, ҳеч нарсага эҳтиёж сезмайдиган «темир одам»лар сифатида намоён бўлди. Бу мулоҳазаларга туртки бўлган ҳолат – А. Алимбеков ўз асарида М. Алининг шахсий оламига одатдаги мезонлардан теранроқ назар ташлашга уринган, ҳаммамизга таниш бўлган адабнинг таржимаи ҳолидаги ҳали шамол тегмаган далилларни ошкора қилган. Орзуларга тўла болалик, ўсмирнинг қундалиги, ундаги беғубор, муnis сатрлар... Булар темир-терсаклар уюми остидан жилмайиб турган бойчечакдек туюлди менга ва ҳалқимизнинг латиф, маърифатли қалбининг боқийлигини тасдиқлагандек бўлди. Бизга улуғворлик унсурлари йўргагимизданоқ юқар экан, бизда мева берадиган куртаклар отамерос бўлиб ўтар экан. Кейин таҳсил йиллари, ундаги қайноқ давралар, изтиробли дамлар, икки тўлқиннинг кураши... Таржимаи ҳолга доир маълумотлар кишида бетакрор туйғулар қўзғайди. Шундай қилиб, монографиянинг қимматли жиҳати – муаллифнинг ёзувчини Инсон сифатида кўрсатишга кўшиш қилгани ва бу вазифани уddaлаганидадир.

Китоб анъанавий тарзда қаҳрамоннинг оилавий муҳити, улғайиш пиллапоялари шарҳи билан бошлилади. Бешкал қишлоғидаги ҳаёт тарзи ҳақида шоир кейинчалик «Бешгул» номли достонида мароқ билан

ҳикоя қиласи, наинки ҳикоя қиласи, балки куйлайди. Достонхонлик кечалари, хат таниган боланинг дабдурустдан мўйсафид чолларни ларзага солиб кўз ёш тўкишига олиб келган қироатлар. Ва география дарсида Фиджи оролларини харитадан излашдаги болага хос изтироблар – ҳаммасида бўлиқ ўтлоқдек маърифат олами ва унда «қуёшга талпинаётган» ниҳолнинг тальяти кўзга ташланади. Бирданига қундалик! Бу «ноёб ҳодиса» бўлажак шоирнинг хаёлига қандай келиб қолди экан? Бугун унга туртки бўлган туйғугина эмас, илк сатрлар қоғозга тушган дафтар варағининг ранги, у тайёрланган фабрика ҳам катта тарихга дахлдор. Вақт кўзгусида йиллар ўтган сари, кичик нарсалар ҳам ёргулук манбаидан узоқлашганда буюмларнинг тасвири каттариб боргани сингари, жузъий унсурлар ҳам улкан моҳият касб этиб бораверар экан. Үқиймиз: «1956 йил 1 апрель. Якшанба. Бугун мен хурсандман. Эрталаб биз товуқларни ушлаб, бозорга сотгани Шаҳрихонга бордик». Қоғоз ва қалам билан ёлғиз қолгандаги кайфият, илк иқрорни қаранг. Туйғу (демак, ният) ёрқин бўлган экан. Аммо хурсандликнинг боиси бозорга бориб тансиқ таомга тўйгандан эмас, гап бошқа ёқда – ўсмир Бўзга келиб, мактабдош қизни учратиб қолади. «Роса қуюқ гаплашдим. Хурсандлигимнинг сабаби шу эди». «Бўладиган бола бошидан» деганлари шу бўлса керак.

Харир тонг палласи кўзни йириб, борлиқقا қараганда ранглар чапланиб кетган бир манзара пайдо бўлади ва кишини хушёр торттиради. Вақт ута бошлиди ва мавхум манзарада ранглар ажралишга киришади. Борлиқ борича намоён бўлади. Лекин ўша ғуборли, қоришиқ фурсат қандайдир тотли, соғинчли. «2 апрель. Бугун деярли ҳеч нарса бўлгани йўқ. Менинг зериккан чоғимда бирдан-бир дўстим китоб бўлади. Шунинг учун уйда кун бўйи китоб ўқиб ўтиредим». Мана, ҳикмат қаерда? Ота-онанинг ибрати, Отинча

аянинг сабоқлари унга нурафшон олам эшикларини очди ва эсини таниб топган бу мўъжизаси уни юксакларга олиб чиқди. Мабодо ўшандা, шак-шубҳасиз, ҳамроҳи китоб бўлмаганда таниқли шахс эмас, жамиятда бир бошоғриқ пайдо бўларди. (Тадқиқотлар туғма қобилияти болалар қулай муҳитга тушмай, ҳаётлари издан чиқса, улар бутунлай йўлдан чиқиб кетишини, хавфли жиноятчи бўлиб етишишини тасдиқлаган.)

Кунлар ўтиб борар, кундалик ҳам тўлишаётганди. «19 июль. Пайшанба. Обедда уйга келиб, чойни ичиб, Ойбекни қўлга олдим. «Темирчи Жўра»дан андак қолиб эди, уни тамомладим. Кейин «Бахтигул ва Соғиндиқ»(ни тугатиб), «Ҳамза» достонининг ярмига келдим...» Таассуротлар шарҳи шу хилда давом этади. Қизифи – уларда ўқилган китобларга муносабат ўзгача бир меҳр билан аксланган. Адҳамбек Алимбековнинг қайд этишича, «Кундалик» ўн йил давомида кичик узилишлар билан давом этган. Уларнинг доимий машғулотга айлантирганидан кейинчалик адид афсусланган. Битиклар эса қишлоқ ҳаёти, одамлари, илк ижодий машқлар, матбуотдаги дастлабки чиқишлар, изланиш ва изтироблар – улғайиб бораётган бир инсоннинг борлиғи ҳақида сўзлайди. Ана шундай оламда яшаётган йигитга толе ҳам кулиб боқади: Москвадай катта шаҳарга бориб ўқишга бошқаларда журъат этишмай турганда бутун борлиғи билан нурли манзилларга интилган бўлажак ижодкор бу миннатни зиммасига олади. Уни 1960 йилда Адабиётчилар институтига бир йиллик курсга юборадилар. Ўзини яхши томондан кўрсатган Муҳаммад Алини келаси йил институтга ҳам қабул қилишади. Шундай қилиб, 1966 йилгacha (бир йиллик танаффус билан) «қизил империя пойтахти»да қолиб кетади.

Биз бу шаҳарда адабиётимиз вакилларидан Абдулла Қодирий, Ойбек (Ленинградда), Сайёрпўлат Файзуллаев – Сайёр, Озод Шарафиддинов, Пиримкул

Қодиров, Пирмат Шермуҳаммедов, Ҳалима Худойбердиева ва кейинги авлод вакилларидан 4-5 нафар киши таҳсил олганини биламиз. Рўйхатга разм солсак, ҳар бири ўз тақдирига эга ижодкорлар. Бироқ бир умумий жиҳат бор: уларнинг ҳеч бири «марказ»нинг қолипига тушмаган чамаси, юртига қайтган, ўз ҳаёт йўриғи ва турмуш тарзини ўзгартирган, балки шу жиҳатдан ҳам улар бутуниттифоқ аренасига чиқа олишмагандир. «Қолипга тушмаслик»нинг икки сабаби бўлиши мумкин: бизнинг миллий чўнг тарбиямизни олган кишиларга ўзга ақидалар таъсир этишга ожиз бўлган, яъни зирҳли қалқонни уларнинг найзалари тешиб ўта олмаган ва ёки буни уларнинг -- ижодкорларнинг ўзлари хоҳламаган ёхуд бош тортган бўлиши эҳтимол. Шу ўринда ёдга яқин қўшниларимиздан Чингиз Айтматов ва Ўлжас Сулаймонов тушади. Улар ҳам Москва таълимини олишган эди... Яна бир, балки муҳим жиҳатни ҳам назарда тутиш лозимга ўхшайди: «марказ» жами ўлкаларнинг салоҳиятини яхши билган ва муомалани ҳам шунга яраша қилган. Жумладан, Ўзбекистоннинг қадимги тарихи уларга яхши маълум эди, буюк боболаримизнинг довруғи уларни ҳам лол қилган чиқар. Шу далиллардан келиб чиқиб, Ўзбекистон учун айрича бир муносабат йўналиши, алоҳида сиёsat ишлаб чиқилганми, дейман. Ана шундай ёндашувнинг касри ҳамон феъл-авторимизда бўй кўрсатиб турибди... Қолаверса, бадиий асарларга баҳо беришда (ҳатто оддий журналистик материалга ҳам) ўта эҳтиёткорлик, (сиёсий) ҳушёрлик сезилиб туради. Бу нарса, очиғи, ички кечинмаларни, фикрни тўла ва ошкора баён этишга монелик қилмоқда, битикларнинг бир қолипига солиниши билан муаллиф дастхати йўқолиб, катта ижодкор шахслар пайдо бўлмаяпти. Фикрлар хилма-хиллиги, баҳс-мунозара йўқолиб бораяпти.

Хуллас, ёш ижодкор Муҳаммад Али юксак салоҳиятили (шу дамларда бутун дунёни ҳайратга соладиган

воқеа – инсоннинг космосга қадам қўйиши яқинлашаётган фурсатлар эди), шу билан бирга сирли ва оҳанраболи шаҳарга қадам қўяди. Бу аслида катта омад, Яратганинг инояти эди. Ахир уммон қанча теран ва бепоён бўлса, унда жон сақлаш учун шунча қудрат лозим бўлади ва бу кучни уммоннинг довуллари, пўртанаалари ато этади – катта курашларга, катта ҳаётга муҳитнинг ўзи тарбиялайди. Ҳақиқатан, Муҳаммад Алининг қаршисида бепоён уфқ очилган, энди бу ёғи ўзига боғлиқ эди. Адҳамбек Алимбеков ёзади: «Институтда жуда кўп адид ва шоирлар сабоқ беришарди. Институтнинг ажойиб маънавий об-ҳавоси бор эди, дарсхонада, кутубхонада, ётоқхонада адабиёт, ижод, билим олиш, изланишлар ҳақида суҳбатлар, баҳслашувлар, тортишувлар кетарди. Албатта, ҳар бир ҳаракат, ҳар бир учрашув, ҳар бир дарс ёш ижодкорлар салоҳиятини оширишга, ақлини чархлашга ёрдам берарди».

Билим масканига дунёга машҳур ижодкорлар ташриф буюришар, улар билан ижодий учрашувлар ташкил қилинар, айримлари семинарлар ўтказарди. Аудиторияларда эса бутун империя худудидан чорланган истеъдодли ёшлар жамланганди. Ҳуллас, ўқиб-ўрганиш, истеъдодни тарбиялаш ва юзага чиқаришда бекиёс муҳит. Агар ҳаваскорнинг кичкина машқини тажрибали одамга қўрсатиб, унинг маслаҳатидан дунёқараши қанчалик ўзгарганини ёки кимдир тавсия қилган яхши китобни топиб олиб ўқишдан нечоғлик ҳузурланганини тасаввур қилсак, бундай ижодий муҳитни фақат орзу қилиш мумкин.

Монографияда келтирилган далиллар тасдиқлайдики, қаҳрамон олий ўкув юртида чанқоқлик билан билим олган, жуда кўп, аксарияти унча-бунча кутубхоналарда топилавермайдиган нодир китобларни мутолаа қилган (ўқилган асарлар рўйхати билан танишсак, талабага қанчалик улкан баҳт насиб этганини ҳис қилиш мумкин). Афсуски, муаммолар ҳам етарли

эди: семинарларда ижод намуналари оригинал ти-лида эмас, сатрости таржима билан рус тилида муҳо-кама қилинарди. Таржиманинг сифати уни амалга оширган ижодкорнинг маҳоратига боғлиқ, у барibir аслият билан тенг турмайди, сатрости ўгиришда эса асарнинг таровати, нафосати, экспрессив-эмоционал таъсирчанлиги бутунлай йўқолади. Бундай шароитда ижодкорнинг истеъододига холис баҳо бериш қийин бўлади (биз юқорида эслатган баъзи қаламкашларнинг ютуғи уларнинг кейинчалик рус тилида ижод қилгани бўлса, ажаб эмас).

Нима бўлганда ҳам ўқиш-изланиш билан йиллар ўтди, талаба ҳар томонлама улғайди. «Қундалик»да Ўлжас Сулаймонов, Василий Белов, Александр Самошениколар билан учрашиб, турмуши, ўртадаги баҳсу мунозаралар ҳақида ҳам сўз борарди. Гуруҳда 40–50 ёшли, ҳаётнинг баланд-пастини кўрган кишилар булиши билан бир қаторда Муҳаммад Али энг ёши эди. Пўртанадек қайнаб турган иштиёқ, қуёш ҳарорати билан синггиган тарбия ёшдаги тафовутни йўққа чиқарар, баҳсларда у сўзини олдирмас эди. Ҳатто бир сухбатнинг охирида ҳеч чорасизликдан томирини кесиб, сиёҳ қилиб шеър ёзган ватандошининг жасоратини ҳаяжонли ҳикоя қилиб, даврани лол қолдирганди. Очиғи, менсимай қараашлар, қамситишлардан ҳам кўз юмиб бўлмасди. Ойбекнинг 60 йиллик юбилейида совриндор бир шоирнинг юртдошимизга беписанд «Муса Ташмурадович...» деб мурожаат қилганида хафа бўлди, Л. Пеньковскийнинг Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун» достонини қисқартириб, айниқса, ошиқларнинг хатларини ташлаб таржима қилганини сезиб, дили оғриди. Бундай муносабатлар кишини мулоҳазакор, эҳтиёткор, ҳатто бир қадар қўрқоқ қилиб қўйиши ҳам мумкин эди, аммо Муҳаммад Али бой адабиётимиздан, халқимизнинг юксак маънавиятидан куч олди, таҳсилни тугаллаб, қувонч билан юртига қайтди.

Монографияда бу воқеалар бир томондан тафси-лотларни шавқ билан ҳикоя қилиш, шу аснода кундадикдан жоиз ўринларда кўчирмалар келтириш билан шундай моҳирона ифодаланганди, уни бир вақтнинг ўзида салмоқли тадқиқот ва тенг равишда қизиқарли бадиий асар сифатида мутолаа қиласиз. Шу ўринларда Адҳамбек Алимбековнинг ҳам олим, ҳам ёзувчи сифатидаги иқтидори вобаста, жўровоз бўлиб кетганга ўхшайди.

Таҳсилни муваффақиятли тугаллаган адаб улкан иштиёқ билан юртига ошиқади. «Мұхаммад Али Тошкентга келгандан кейин унинг ижодида юксалишлар юз берди, – деб ёзади А. Алимбеков. – Бунга, биринчидан, узоқ айрилиқлардан кейин қайтгани сабаб бўлса, иккинчиси, устозлар билан бўлган қизғин мулоқотлар қуриши эди». Ёзувчи дастлаб «Шарқ ўлдузи» журналида фаолият кўрсатади. Кейин Ғафур Гулом номидаги адабиёт ва санъат нашриётига ишга қабул қилинади. У бу ерда оддий муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир лавозимларида ўн саккиз йил меҳнат қилади. Бу йиллар Мұхаммад Али учун изланиш, шаклланиш, нихоят, ўз йўлини, овозини кашф этиш онлари бўлганки, булар ҳақида Адҳамбек Алимбеков аниқ мисоллар, қиёслар, далиллар орқали қизиқарли ҳикоя қилади, улғайиш босқичларини атрофлича таҳлил қилиб кўрсатади. Ёш ижодкор учун устозлар ибрати, уларнинг қўллаб-кувватлаши мадад бўлади. Айниқса, тақдир тақозоси билан қўшни бўлиб қолган ёш ижодкорларнинг дўсти, ҳассос шоир Миртемир дастлабки ютуқларини эътироф этиб, сидқидилдан қўллаб-кувватлайди. Олим ва шоир Мақсад Шайхзода эса ундаги салоҳиятни илғаб, юксак парвозларга дадил ундейди.

Рус адабиёти, унинг воситасида жаҳон бадиияти дурдоналари билан танишган Мұхаммад Алидаги «ижодга қарашиб, ижод эстетикасини англаш ва уни ўзининг жонажон адабиётига муқояса қилиб, ўзбек

адабиётидаги аҳволни жаҳон адабиёти, рус ва қардош адабиётлар кўзгусига солиб кўриб, албатта, кўнглида қониқиши топмаган пайтлари бўлгани аён» (А. Алимбеков). Олим давом этиб ёзади: «Унинг назарида даставал ўзбек шеъриятида қандайдир бир сокинлик бордай туюлди. Бу сокинлик аввалдан бошланниб келаётган бир хилликдан, гўёки аruz ёки бармоқ вазнидан туғиладиганга ўхшарди».

Ана шундай бир томондан шаклланган муҳит таъсири, иккинчи томондан унга янги нафас олиб кириш истаги билан яшаётган шоир 1968 йилда «Баҳор келганда» шеърини эълон қиласди. Шеърда бир «иддао» – маълум, аммо айтиб бўлмайдиган шонли тарихнинг эпкинлари уфуриб турар эди. Москвадаги кутубхоналардан буюк боболаримиз тарихини хўп ва қўп ўқиган шоир булар ҳақида очиқ ёзиб бўлмаслигидан мутаассир бўлар, ана шу исёнини пардали ибораларга, англаш қийин бўлган метафораларга ўраб ифодалар эди. «Чўлпон шеърияти оҳанглари шундоққина сезилиб турган» (шоирнинг ўз эътирофи) бундай шеърлардаги ботиний мазмун авомга етиб бормас, бундан ўзи хижолат бўларди. Юрагида эса жонажон тарихга муҳаббат жўш урар, у тинчлик бермасди. Шундан кейин «Спитамен» туркумидаги шеърларни, тарихий мавзудаги «Гумбаздаги нур», «Машраб» достонларини, кейинчалик «Боқий дунё» шеърий романини яратди. Умуман, Муҳаммад Али келажакда бу мавзуга ўз истеъододини сафарбар қилди ва миллий адабиётда тарихнавис ёзувчи сифатида ўрин топди.

Монографияда олим адаб ижодини таҳлил қиласкан, асарларининг жанр хусусиятларига ва истеъоддининг намоён бўлиш тадрижига алоҳида эътибор беради. «Муҳаммад Алининг серқирра ижоди таҳлилига ўтишдан олдин ундаги жанрлар тавсифи ҳақида қисқача тўхталмоқ лозим», деб бошланади шоир шеъриятига бағишлиланган салмоқли қисм. Ҳақиқатан,

шеърият Мұхаммад Али ижодий қисматининг алифбоси бўлди, у мазкур қадимий ва боқий жанрда илк машқларини тизиб, адабий жамоатчиликнинг назарига тушди. Кўпларга тутқич бермайдиган бу илоҳа эса ундан марҳаматини аямади, ўз даврида пешқадам шоирлар силсиласида турди. «Адибнинг ижод диапазони кенг, – деб давом этади муаллиф. – Унда шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, фардлар, рубоийлар, қитъалар, тўртликлар, сонет, болаларга аталган шеърлар, шеърий туркумлар, достонлар, шеърий роман, ҳикоялар, тарихий романлар, пьесалар, очерклар, эсселар, публицистик ва адабий мақолалар, сұхбатлар, таржималар... бор».

Ҳаваскорликдан бошланган дастлабки тизмалар ўқиш-ўрганиш жараёнида сайқаллашиб борган, янги номни жамоатчиликка маълум қилган. Айниқса, Москвадаги таҳсил Мұхаммад Алиниң шеъриятда, умуман, адабиётда ўз «мен»ини тайин этишида бош омил бўлган. Монографияда шоирнинг ижодий тадрижи таҳдил қилинар экан, бу йўлнинг кескин қайрилишлари, чорраҳалари, силлиқ трассалари юзасидан жўяли фикрлар ўртага ташланади. «У вақтларда жаҳон маънавий тафаккурида бутун дунёни бир мақон сифатида кўриш ёки бутун инсониятни бир оила сифатида ҳис этиш каби қарашлар бор эди ва Мұхаммад Али ижодида ҳам буни кузатиш мумкин», дейилади монографияда. Мана шундай кайфият билан ёзилған машқларга баҳо берар экан, муаллиф давом этиб ёзади: «Шеърлар гуманистик ғоянинг бадиий ифодасидек туюлса-да, анчагина саёз бўлганидан кўнгилдагидек чиқмади. Шоирга ҳам билим ва тажриба етишмаслиги билинди. Адабиётнинг мангу мавзулари бўлган ўлим билан ҳаёт, оқ билан қора, ёвузлик ва эзгулик, шодлик ва қайғулар ҳақида ёзилган шеърлар, афсуски, айрим ҳолларда қуруқ ғоябозликдан нарига ўтолмади, узундан узоқ тизмалар, ҳиссиз сатрлар ву-

жудга келди, шеърлар ўтакетган «ақлли шеърият»га айланиб қолди».

Албатта, бундай ҳол босиб ўтилиши лозим бўлган босқич эди. Ана шундай жараёнда ижодкордаги табиий истеъдод ўз кучини кўрсатади, у ё тақлид дунёсида қолиб кетади, ё ўзлигини кашф этади. Тадқиқотда тўғри таъкидланганидек, шоиримизда ҳали ишга солинмаган имкониятлар мавжуд эди ва ўқиш-ўрганиш, изланиш орқали унда янги уфқлар очила борди. Монографияда бу борада икки асосга таянилгани кўрсатилади. Биринчи ва асосийси миллий мумтоз адабиётимизнинг боқий анъаналари ва тенгдошларнинг изланишлари. Бўлажак шоир ўша йиллари ҳазрат Навоий ижодини ўрганишга алоҳида рағбат кўрсатган, даҳо шоирнинг муваффақиятлари сирларини инкишоф қилишга уринган. Унинг талабалик дафтарлари орасида Алишер Навоийнинг ўнга яқин шеърларини ўзи амалга оширган насрый баёни учрайди. Бу уриниш ҳам теран хазинадан баҳра олишга интилишнинг бир унсури эди.

Камолотнинг иккинчи асоси эса «шоирнинг ўз ижодида танлаган классик йўли – классиклар ижодини таржима қилиб, ўрганиш йўли бўлди, деб бемалол айта оламиз» (А. Алимбеков). Шунингдек, катта адабиётга қадам қўйишнинг илк паллаларида ҳаракатда бўлган ижодий жараён ҳам ёш шоирнинг кейинги тақдирига таъсир этмаслиги мумкин эмас эди. Ўша йиллари ўз анъаналарига эга бўлган миллий шеъриятимизда қўплаб ёшлар ўз сўзини айтишга дадил киришгани, ҳатто уларнинг дастлабки тажрибалари жамоатчиликни хушёр тортириб қўйганини инобатга олсак, ўтган асрнинг 60-йилларида «бу майдон ичра турмоқ» осон бўлмаганини тушуниш мумкин. Албатта, мазкур мавзу чуқур тадқиқотларга асос бўлади. Бу ўринда эса бир далилни қайд этиш билан масалага ойдинлик киритишни истаймиз: ҳали «қизил империя» от устида турганида марказ 80-йилларнинг охирларида замонавий

ўзбек шеъриятининг аҳволига баҳо бериш учун энг яхши шоирлар ижодини таҳлил қилишни хоҳлаб қолади. Шунда республика адабий жамоатчилиги уч шоир: Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов ва Муҳаммад Али шеърияти намуналарини тақдим этишни лойиқ кўради. Албатта, бу ўринда тасодиф бўлмаган, М. Алиниңг шеърий ижоди муносиб эътироф этилганди, чамаси.

Ҳар бир шоирнинг ўзига хос ижодий аъмоли бўлганидек, «шоирга жаҳоний дардлар керак» тарзида эътиқод билан ўзини намойиш этишга жаҳд этган Муҳаммад Али «юрагидаги севги изтиробларини, қийинчиликларини таъсирли ёзиши мумкин эди. Буни орқароққа сурди. Бу шоирнинг ўзи учун керак, деб ҳисоблади у, лекин миллат учун, Ватан учун бошқа нарса керак. Шоир ўзининг юрагидаги дардини дастурхон қилиб эл олдига ёймаслиги керак, балки биринчи галда миллатини, Ватанини ўйлаши лозим, деган фикрни маҳкам тутади... Бу туйғу унинг ижодий услубига, идрокига сингиган эди» – шоир дунёсини инкишоф қилишга уринган олимнинг фикри шундай.

Тақиқлар ва таъқиблар зарпечакдек чирмаб олган бир шароитда юрак тўлғоқларини ифодалашнинг муносиб воситаларидан бири тарихга мурожаат этиш эди. Қолаверса, бой тарихга эга бўлган халқимизнинг ўтмиши қораланганд, бу борадаги ҳақиқатлар сандикларда қулфланиб, оғизларга ҳам занжир солинганд эди. Жаҳон фикр оломони ҳатто фахрли боболаримизнинг ҳақиқий исмини, туғилган манзилини билмасди. Москва кутубхоналарида кўплаб асарлар билан танишган кишида бу ҳол ички исёнга сабаб бўлар, банди бу туйғунинг ҳароратини тарихий мавзудаги шеърлар қатига жойлашдан бошқа мақбул йўл йўқ эди. «Спитамен», «Қадимги қўшиқлар», «Армон» туркумидаги шеърлар шу тақлид юзага келди. Бу манзумаларда яширинганд асл муддао «Юрагим» (1965) шеърида мана бундай ифодаланганд эди: «Мен истаган ҳаёт ҳали олдинда, Бугунгиси – фақат унинг ваъдаси!»

Тарихий мавзудаги шеърлар, туркумлар, достонлар йўли, ниҳоят, «Боқий дунё» шеърий романининг дунёга келишини таъминлади. «Боқий дунё» халқимизнинг ўз-ўзини англаш жараёнларини ёритишга бағишлиган асардир, – деб ёзади А. Алимбеков. – Муҳаммад Али роман устида 1960–1970 йиллар давомида ўн йил меҳнат қилди». Монографияда асарнинг архитектоникиси, бадиий ва ғоявий фазилатлари, адабиётдаги мавқеи чуқур таҳлил қилинган. «Сукунат», «Шабада», «Бўрон» сингари уч қисмдан иборат романда халқимизнинг кейинги асрдаги озодликка бўлган қатъий интилиши Андижонда рўй берган Дукчи эшон, Жиззах қўзғолони ва Тошкентда содир этилган сиёсий тўнтариш воқеаларининг лиро-эпик аспектдаги бадиий ифодаси орқали моҳирона акс эттирилган. Тадқиқотда қайд қилинганидек, «Адабиётимизда ўзига хос ўринни эгаллаган «Боқий дунё»... кенг кўламли шеърий полотно сифатида, шеърий роман ривожига қувват берган асар сифатида қадрлидир. Бу асар ҳақида келажакда алоҳида тадқиқотлар ёзилиши шубҳасиз».

Адид кейинги йилларда яна бир жиддий ижодий «кескин қайрилиш»ни бошдан кечирди. Шеъриятида кўламдорлик, туйғуларини воқеалар орқали акс эттиришга интилиш, достонлардан сўнг мураккаб сюжетда шеърий асар яратгани унда воқеликни эпик планда тасвирлаш истеъдоди борлигини кўрсатарди. Буни ўз вақтида сеэган таниқли адабиётшунос олим, академик Матёқуб Кўшжонов Муҳаммад Алини прозада ўз кучини синаб кўришга ундейди. «1981 йилда Матёқуб Кўшжонов, – деб ёзади А. Алимбеков, – янги чиққан «Ижод масъулияти» китобини Муҳаммад Алига топширас экан, «Бизлар ҳам фикр билдиришимиз мумкин бўлган прозага ўтишингизни истаб» қабилида дастхат ёзиб беради. Нега устоз шоир, таржимонга бундай сўзларни ёзди экан, деб ўйлаб қолади киши. Эҳтимол, шоир шеърларидағи кенг кўламликка инти-

лишини күриб, олим шундай тилак билдиргандир?» Кундалигыда эса 1956 йил 29 ноябрь куни «Раҳмат» деган ҳикоя ёзган эдим. Ҳозир шуни беловойга қўчираман» тарзида қайд қилиб қўйган экан. Йўл бошидаги бу эътироф ҳам келажакда ижодкорнинг икки жанрда баравар қалам тебратишига ишора бўлгандир, дейди Адҳамбек Алимбеков.

«Боқий дунё» шеърий романини ёзиб, маълум тажриба тўплаган шоир роман ёзиш иштиёқида сарбадорлар даврига оид тарихий хужжатларни ўргана бошлайди. Унда XIV асрда бўлиб ўтган бу ҳаракатга жиддий қизиқиш пайдо бўлганди. Ҳатто «Машраб» достонининг дастлабки номи «Сарбадор» бўлган. Сабзавор шаҳрида бошланган оддий одамлар ҳаракати қайсиdir жиҳатлари билан ҳукмрон мафкура қарашларига мос келарди. Шу туфайли адебнинг саъй-ҳаракатларига ортиқча шубҳа билан қарашмади. Барибир, асарда ёзувчининг эстетик кредоси – халқимизнинг эрк ва озодлик истагидаги ҳаракатлари биринчи ўринга кўйилди, романнинг марказида давлатни мустақил бошқариш ғояси ётади. Монографияда бosh мақсадни сир тутиш ёки хаспўшлаш учун адеб кўллаган бадиий усуслар, асарларнинг ўзига хослиги, наср жанридаги ютуқлари атрофлича таҳлил қилинади. Дилогия ўкувчилар томонидан яхши кутиб олиниади, у гўё кўпчиликни асрлар оша қийнаб келаётган саволлар – бизнинг тарихимиз қай йўсинда бўлган – сингари қизиқишларга дастлабки жавобдек илиқ таассурот қолдиради. Унда Амир Темур образининг киритилиши, биринчилардан бўлиб бобокалонимизга хайриҳоҳлик билдирилиши эса ўзига хос журъят эди.

Агар мақсад юракда ва эзгу бўлса, амалга ошишига тараф йўқ экан. Тарихда ҳам кескин қайрилишлар рўй берди, юртимизга узоқ кутилган мустақиллик ташриф буюрди. Ёзувчи учун ҳам «Сарбадорлар»да персонаж сифатида кўзга ташланган Амир Темурни бутун талъ-

ати билан бадий акс эттириш имконияти туғилди гүё. Истиқолимиз куч олиб, тұлишаётган йилларда «Улуғ салтанат»нинг биринчи китоби ўқувчилар қулига тегди. Асар бутунлай янги йұналишда бўлиб, унда жанглар сурони, муҳорабалар даҳшати эмас, сарой ҳаёти, қаҳрамонларнинг инсоний қиёфаси, турмуш тарзи қаламга олинган эди. Бу эса нуқул темир совутда, қўлига қилич ушлаган ҳолида тасвирланиб келган аждодларимизни инсон сифатида кўриш имконини берарди. Ҳам мавзуси, ҳам йұналиши янги бўлган асар китобхонлар эътиборига тушди, улар воқеалар таҳлилиниң давомини интиқлик билан кута бошлади. Шундай қилиб, ўн йиллик қизғин ижодий меҳнат ва изланиш-изтироблар маҳсали сифатида тўрт китобдан иборат эпопея дунёга келди. «Эпопеяниң бу тўрт китоби муваффақиятли чиқишининг асосий сабабларидан бири – мавзуни ёритиш ёзувчи учун маънавий заруриятга айлангани, ёзмаса чидолмаслик даражасига етганида», дея таъкидланган монографияядা.

Миллий адабиётимизда ўзига хос воқеа бўлган тетралогияниң юзага келиши, ижод жараёни, асарларнинг бадий фазилатлари, ёзувчининг тарихий мавзуни адабий тадқиқ этишдаги маҳорати, тарихимизниң олтин асли бўлган Темурийлар фаолиятини ёритишдаги ўрни, адабиётдаги салмоғи хусусида жўяли фикрлар билдирилган. Китобларда акс этган ўтмиш воқеалари таҳлил қилинар экан, А. Алимбеков ҳар бир эпизод ёки деталга тушунтириш беради, шарҳлайди, шу билан муаллифнинг маҳоратини таъкидлаб кўрсатгандек бўлади. Воқеалар, унинг тасвири ва шарҳи параллел кетадики, бу ҳам мунаққиднинг ўзига хос услубини намоён этади. Бундай ёндашув эса тарих қатларида қолиб кетаётган ёки ғубор босган қадриятларимизни қайтадан ҳамда тўлароқ ҳис этишимизга кўмаклашади. Очиги, мазкур асар ҳақида кўп ёзилмоқда, ҳали яна ёзилади, монографияниң ўзига

хослиги шундаки, унда адибнинг умумий ижод диапазони масштабидан келиб чиқиб, бутун жараённи битта қамровда жамлаган ҳолда таҳлилий фикр юритилади, бу ҳол эса ёзувчи ижодини яхлит тасаввур қилиш ва унда «Улуғ салтанат»нинг ўрнига холис баҳо бериш имконини яратади. «Улуғ салтанат» Мұҳаммад Али ижодининг гултожидир», дейди олим.

Албатта, тарихий мавзудаги «Сарбадорлар» дилогияси, «Улуғ салтанат» тетралогияси ёзувчига қанчалик эътибор келтирганини жамоатчилик яхши билади. Улар орқали кул остида қолиб келаётган чўғ мисол топталган тарихимизнинг унутилган шухратини тиклашга катта жидди жаҳд кўрсатилди, китобхонлар бисоти янги асарлар билан бойиди. Айниқса, Мұҳаммад Алиниңг саъй-ҳаракати билан теран томирли миллий адабиётимизда Соҳибқирон Амир Темур ва авлодлари ҳақида шаклан тугал тетралогиянинг яратилгани катта маданий воқеа бўлди. Монографияда ёзувчи прозаси, айниқса, унинг эпик асарлари маромида таҳлил қилинади, уларнинг адабиётдаги ўрнини тайин этишга ҳаракат бор.

Шунингдек, тадқиқотда ҳалқ ёзувчининг таржимонлик, публицистлик фаолиятига ҳам атрофлича баҳо берилади. У услуби ўзига хос мураккаб, тасвир объекти ва ифода усули бизнинг менталитетимизга тўғри келавермайдиган Роберт Бёргенснинг шеърларини ўзбекчалаштириб, тилимизнинг янги имкониятларини намоён этган бўлса, мураккаб руҳий изтироблар тасвирига бағишлиланган Байроннинг «Шилйон тутқуни» позмаси таржимаси орқали луғат бойлигимиз ҳар қандай нозик ҳолатни ҳам ингичка ифодалашга қодирлигини амалда исботлади. Етти китобдан иборат ҳинд эпоси «Рамаяна» таржимаси эса ҳар қандай ижодкор таржимаи ҳолини безайдиган воқеа бўлгани рост. Публицист Мұҳаммад Алиниңг 1988 йилда ёзилган «Ўз-ўзингни англаб ет» эссеси дунёни айланиб чиқди,

яъни кўплаб тилларга таржима қилинди. «Эссе дарҳол жамоатчилик назарини ўзига тортди, – деб ёзади А. Алимбеков. – Чунки эсседа ўзбек халқининг тарихига бўлган нохолис муносабат, уни ўрганиш, умуман, тарих ва ҳозирги замоннинг муаммолари ҳақида жуда ҳам дслзарб, ўйлантирадиган жўяли фикрлар, кескин мулоҳазалар жамланган эди».

Олим мулоҳазаларини давом эттириб, Москва телевидениесининг «Позиция» кўрсатувидаги тарихимизни бадном қилишга қарши қаратилган ҳаракатга ҳали тоталитар тузум қиличини қайраб турган шароитда муносиб зарба берилганини мамнуният билан таъкидлайди: «Мана шундай оғир ҳолатда ўзини ҳамиша Ватан шаънини, миллат шарафини улуғлашга сафарбар сезадиган Муҳаммад Али жим қараб туролмади: тарихчилар, ёзувчилар ичидан отилиб чиқиб, тарихимизга отилган маломатга жавоб ёзишга киришди». Бундай жасорат ва ҳозиржавоблик адабининг кейинги очерклари, «Абадий соғинчлар» хотира-романида ҳам давом этганини қайд этиб ўтади. Шунингдек, китобда Муҳаммад Алиниңг хорижда маданиятимиз тарғиботчиси сифатидаги фаолиятига ва жамоатчилик ишларига ҳам тўхталиб ўтилади.

Умуман, асардаги лавҳалар адабиётимизнинг бир йирик вакили қиёфасини яққолроқ тасаввур қилишда китобхонга яқиндан ёрдам беради, ўқиган кишини фикрга, фикрлашга ундейди. Олайлик, киши ўзига ёққан бирор шеърни ёдлаб, такрорлаб юриши мумкин, бироқ унинг оҳангига маҳлиё булиб, нима ҳақида гап кетаётганини мушоҳада ҳам қилиб кўрмас. Фикрлашга ундейдиган асарларнинг эса айрича қиммати бўлади. Фикр фикрга туртки беради. Бундай ҳолда воқеликка чуқур кириб боришга тўғри келадики, буталабни ижодкор истеъдоди даражасида уddeлайди. Монографияда жамланган таҳдиллар ана шу мулоҳазани яна ҳам тиниқлаштиришга кўмаклашади.

Монографияда келтирилган далиллар бугунги кунда фаол ижодкор ва жамоатчи сифатида қалам тебратаетган адаб Мұхаммад Алиниң шахси, унинг босиб ўтган ҳаёт йўли ҳақида ҳам маълум тасаввур беради. Албатта, ижодкор биринчи навбатда жамиятнинг фаол аъзосидир. Ижтимоий ҳаётда кечаетган воқеалар унинг ижодига таъсир этгани сингари унинг фаолияти ҳам бу муҳитдан ташқарида кечиши мумкин эмас. М. Али ўз ҳаётий қарашлари, эътиқодидан келиб чиқиб, воқеликка ватанпарвар шахс сифатида қаради, шу ўлчамда баҳо берди. Тоталитар тутумлар шароитида ҳадеб тарих ғаладонини кавлайвериши, миллат ғурури, шаън-шавкатини улуғлайвериши кимларгадир ёқмайди, ишдан қувилади, бир муддат назардан четда қолишга мажбур бўлади, ёзганлари босилмайди. Ёки миллат, эл манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган уринишлари барбод бўлади: яна кескин қайрилишларга дуч келади. Кўпчиликни ўйлантириб келаётган мавзулардан иборат мақолалардан тузилган «Ер юзи» журналининг нашри тўхтатиб қўйилади, унинг матни йўқотилади. Ёхуд Орол муаммоларига бағишлиланган кўрсатув ҳам тазийикә дучор бўлади, унинг ижодкорлари бошида қора булутлар айланиб қолади.

Монографияда таржимаи ҳолга дахлдор бу далиллар ҳам ижод жараёни билан умумийликда таҳлил қилинади. Бундай ёндашув эса асарнинг умумий руҳи – ижодкорни инсон сифатида ҳам кўрсатиш зарурати талабига жавоб бергандек бўлади. Албатта, «Ҳақиқат қиёсларда маълум бўлади» ақидасига амал қилиб, ижодкор фаолияти: 1) Давр адабий жараёни, унинг муваффақият ва эврилишлари фонида; 2) Тенгдош ижодкорларнинг изланишлари ва ютуқлари билан муқояса қилинган ҳолда таҳлил қилинганда, бир қаламкашнинг қиёфаси мисолида ўша кунлар адабиётининг руҳини ва мавқеини аниқроқ тасаввур қилиш имкони яратиларди, эҳтимол.

Умуман, «Юлдузнинг беш қирраси» адабиётимизнинг таниқли вакили ижоди ва фаолиятига бағишлиган биринчи монография сифатида қадрли. Ўйлаймизки, бу саъй-ҳаракат бошқа йирик замондош адиларимиз ҳақида ҳам маҳсус муфассал тадқиқотлар яратилишига турткы бўлади. «Қайси соҳага математика татбиқ этилса, шу соҳа ривожланади» деганларидек, мустаҳкам назарий асос бўлсагина адабиёт ҳам ривожланади.

Адҳамбек Алимбеков китобининг «Кириш»ида адабиётимиз тарихида эътироф этилган ижодкорлар ҳақида маҳсус йирик тадқиқотлар – монографиялар ёзиш анъанаси борлигини, бундай асарлар адабиёт-шунослигимиз тараққиётига катта ҳисса бўлиб қўшилганини таъкидлайди. Шу билан бирга «Бугунги кунда катта талант соҳиблари бўлган адиларимиз етмишга бориб қолсалар ҳам, негадир монографиялар жуда кам», дея таассуф билдиради олим. Бир пайтлар атоқли адил Аскад Мухтор ҳам «Танқидчи ва адабиётшунослар асосан асар ҳақида гапирадилар. Ёзувчи ҳақида эса... Ваҳоланки, асар ёзувчидан униб чиқади, фарзандидай унда туғилади, улғаяди, камол топади, у фарзандини авайлади, ҳимоя қиласди. Унинг бу ғайритабиий садоқати... ҳеч кимни қизиқтирмайди» деб ранжиган эканлар (бу ҳолнинг сабаблари ҳақида юқорида бироз мулоҳаза юритдик чамамда).

«Юлдузнинг беш қирраси» китоби ана шу бўшлиқни тўлдиришга муносаб ҳисса бўлиб қўшилади. Албатта, мазкур мавзуда бундан ҳам теран, кўламдор тадқиқот яратиш мумкин, чунки бисотнинг ўзи шунга изн беради, лекин нима бўлганда ҳам ушбу монография ўз вазифасини уddaлаган.

(«Ижод олами», 2017 йил, 4-сон)

## ЭРКИНЛИК ФАҚИРИ

Албатта, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Шукур Холмирзаевнинг номи юртимизда яхши маълум. Атоқли адабнинг асарларидан баҳраманд бўлмаган одам кам топилади. Бироқ ишонч билан айтиш мумкинки, адабиётимизнинг бу ўзига хос сиймоси ҳақида билганларимиз ҳали ҳаммаси эмас. Бундай тұхтамга келишга түртки бўлган сабаб яқинда Faфур Гулом номидаги нашриёт матбаа уйида чоп этилган филология фанлари номзоди Олим Тошбоевнинг «Абадий замондош» китобини мутолаа қилиш бўлса, ажаб эмас. Негаки, муаллиф айни пайтда ижтимоий ҳаётда қарор топаётган сергакланиш, ҳушёр тортиш, ҳамма нарсани ўз номи билан айтишга уриниш кайфияти билан ҳамоҳанг тарзда мавзуга янгича қараш билан ёндашган. Муаллиф ҳали жамоатчиликка маълум бўлмаган, бироқ маълум қилиш адаб шахсиятини тўлароқ тасаввур этишда ҳам, ўша давр адабий муҳитига баҳо беришда ҳам, умуман, миллий адабиёт манфаати нуқтаи назаридан муҳим бўлган далилларга мурожаат этади, уларнинг «фалсафа»сини қашф қилишга уринадики, бу ҳол кечаги кунга умумэътироф этган тамойиллар асосида ёндашиш амал қила бошлаганини кўрсатади.

Гап нимадалигини аникроқ тасаввур қилиш учун моҳиятга назар ташлайлик: ҳамма бир қўшиқни жўр бўлиб куйлаяпти, шу хизмати эвазига камида бола-чақасини бўқаяпти, қолаверса, катта-катта эътирофларга сазовор бўлаяпти, аммо куйлашга яхшигина иқтидори бўлган одам хилват томорқасида қуймаланиб, бошидаги қадрдон шляпасини тождан ҳам афзal билиб, ўз қўшиғини хиргойи қилаяпти – умумжамоа хорига қўшилмаяпти. Гарчи у андиша қилиб,

паст овозда қўшиғини айтиб юраверса-да, издиҳомга унинг қилиғи ёқмайди, уни сафларига чорлайдилар, ўзларининг баҳтиёр тақдирларига шерик бўлишга таклиф қилишади, у эса кажваслик билан илтифотларни рад қиласди, ўз машқида давом этади. Тўғри, гоҳида серсавлат одамлар ҳурмати, нималарни дир ижро этгандек бўлади, аммо барибир, тўдага қўшилиб кета олмайди. Кейин унга таҳдид қилишади, ачинишади, ялинишади, у эса, афсуски, эътиқодини ўзгартирмайди. Аслида, моҳият шу.

Олим Тошбоев мавзуни таҳлил ва тадқиқ қилишга киришар экан, табиий равишда кўндаланг бўладиган саволларга жавоб излайди: бу одам (уни овсар (*узи!*) деб бўлмайди, у юқори маданиятли шахс) нега бундай йўлни тутганди; унинг танлови тўғри эдими; ва ниҳоят, ҳаёт бу муносабатни қандай баҳолади? Зоро, ўзини оломондан тортиб юрадиган, «қобиғ»ида яшайдиган, қолаверса, ўз қайифи билан кемага қарши борадиган зотлар ҳар қандай замонда учрайди. Улар тўғри қиладими? Бу саволга тўлиқ маъқуллаш руҳида жавоб бериш мумкин эмас, кажлик ҳар доим ҳам яхшилик келтиравермайди. Дунёнинг ишларини қаранг: ўша ёлғиз одам – Шукур аканинг аъмоли шундай ечим топдики, у ҳақ бўлиб чиқди. Ҳа, пўрим кийиниб олган, хизмат машиналарида ишга қатнайдиган, «ҳали инсоният кўрмаган баҳтли замон»да яшаётгандарига заррача ҳам шубҳа қилмаганлар бир тараф – мағлуб, Шукур ака(лар) (улар жамиятимизда кўп эди) бир тараф – ғолиб мақомига эришди. Бу ҳақиқатнинг сири нимада? «Абадий замондош» китоби шундай савол(лар)га жавоб излаш асносида дунёга келган ва китобхон ундан кўплаб жўяли далилларни топади.

Мулоҳазаларнинг бошида муаллиф мақсадини тўла юзага чиқариш муддаосида кўплаб янги қадамлар қўйганини таъкидлаш жоиз. Асар изчил хронологияга асосланган. Унда аниқ мавзу бўйича: 1) воқеа

(адиб ҳаёти ёки ижодига доир далил); 2) шарҳ (газета-журнал мақолаларидан кўчирмалар, жонли гувоҳларнинг эсдаликлари); 3) тасдиқ (адиб қайдлари, замондошларнинг хотиралари); 4) муносабат (адабий танқид, мутахассислар фикри); 5) хулоса (муаллиф нинг якуний сўзи) ўзига хос композиция ташкил қиласиди ҳамда объект юзасидан тўлиқ тасаввурга олиб келади. Қаҳрамони шахсиятини тўлароқ гавдалантириш учун (бу анъанавий усул; одатда, тарихий-биографик, умуман, ҳужжатли асарларда бош образ тимсоли аниқлаштириб олинади) ижодий амалиётимизда кам қўлланилган йўлдан боради: Шукур Холмирзаевни вояга етказган муҳит, унинг ижтимоий келиб чиқиши, дастлабки қадамлари юзасидан тасаввур пайдо қилиш, қолаверса, фикрларини далиллаш мақсадида ўша даврдаги район газеталари тахламларини варажлади. Бу машғулот қанчалик ёқимли бўлганини билмадик, бироқ «сарғайган саҳифа»ларда ўша давр руҳи аниқ-тиниқ акс этганини ва муаллиф бундай йўлни бехуда танламаганини эътироф этиш лозим.

Аввало, хат танийдиган одамлар бармоқ билан санарли даражада бўлган, аммо саводсизликни тугатиш вазифаси қорин тўйдиришдан юқори (яъни, «маънавиятга эътибор – ҳаёт-мамот масаласи» тарзида) қўйилган шароитда «Фалла фронти», «Илғор Сурхон учун» сингари газеталарнинг ҳафтасида 2–3 марта, яна 10–20 минг нусхада чиқиб туришини, шу ҳудуддаги жами маърифатли одамлар газеталарнинг мухбири саналишини мулоҳаза қилиб кўрсак, ҳар бир тузумнинг ўз қиёфаси, сиёсати бўлишига яна бир бор ишонч ҳосил қиласиз. Иккинчидан эса тажрибали мутахассис сифатида муаллиф дэврий нашрларнинг ижтимоий ҳаётдаги ўринини тўғри англаган ҳолда уларнинг ҳақиқатидан ўринли ва самарали фойдаланади. Қолаверса, бундай ёндашув воқелик ҳақида аниқ фактлар воситасида ишончли фикр юритишнинг намунаси ҳамdir.

Ростдан, оламда қүёш битта – ерда партия битта шиори амал қылган у кунларда оммавий минбәр ҳисобланған газетада (нисбатан) ёлғон кетиши мүмкін эмас, инчунун, улар әнг ишончли дағил манбаи әди. Бундай ёндашув ҳам асарнинг қимматини оширган.

Шундай қилиб, талотұм бир шароитда, яна тақдирнинг минг бир жилвалари ҳамоқандылығыда ёзувчи үлғаяяпти. Бу жараён муаллифнинг саъй-харакати билан жуда жозибали ва ишончли акс этган. Нафси-ламрини айтганда, бизнинг адабиётимизда турли жанрдаги асарлар бор әди, бироқ уларнинг ижодкорини омма күп ҳам билавермасди. Бу ҳол, табиийки, ҳамма нарсада үз илдизидан мосуво қилишни күзлаган тоталитар муносабатнинг оқибати әди: «Бизга шахслар (ジョンリ ोダメラ) әмас, улар яратған маҳсулот керак!» Мабодо акси бўлса, халқ пешонасига ёзилған қисмат – босқинчилар жорий этган мутеликка қарши бош кўтариши мүмкін. Негаки, ёнидаги ёзувчи-шоирни таниши ўзини ҳам танишига йўл очади. Модомики, жаҳон адабиёти тажрибаси яхши асар билан бақамти унинг ижодкори шахсиятига ҳам китобхонлар қизикиши кучли бўлишини тасдиқлади. Қолаверса, «Ёмон одамдан яхши ёзувчи чиқмайди» тамойили беихтиёр амал қилиб, олдин муаллифни таниб, сўнг асарини ўқиш ҳам урфга кирган. Айни шу нуқтадан ҳам «Абадий замондош» китобининг бўйи баралла кўринади.

Акс этадики, ҳаммамизга таниш ҳовли, ўчоқбоши, нон ёпилган тандир, зилол сув тўла анҳорлар, унда шир яланғоч чўмилаётган болалар – қадрдон манзаралар ва ана шу муҳитда кейинчалик катта адабиётнинг катта вакилига айланған ўсмир тенгдошлари билан гашт қилиб юрибди. Мана, у анча улғайиб қолган, ҳатто унга ишониб, ов милтигини ҳам қўлига беришади. Энди у овчи. Ҳайтовур, ов ва овчилик хусусида. Мен Иван Тургенев ва Лев Толстойнинг ҳаётини маҳсус ўрганганимда, ов саҳнасига кўп дуч келдим, ҳатто бу

воқеликни буюк ёзувчилар таржимаи ҳолидан чиқарыб ташлаш, улар шахсияти шаклланиши омилларидан айро тасаввур қилиш мумкин эмаслигига қатъий ишондим. Ов ижодкорлар шахсининг улғайишида муҳим восита, омил бўлиб қолар эканми? Яна бу мавзу улар ижодида силлиқ йўлакдек барқарорлик касб этган. Шукур ака ҳам қаддини миљтиқ кўтариб, ўқ бўшатиб, ўлжа овлаб кўтарганга ўхшайди. Ва, албатта, дастлабки машқлар, шеъри босилган газетанинг димоққа абадий ўрнашиб қолган бўйи... Олим Тошбоев бу саҳналарни мароқ билан баён қиласар экан, табиий, масаланинг иккинчи тарафи – иқтидорни юзага чиқазган ва улғайтирган муҳитни ҳам ёдда тутади ва ушбу йўналишда-да ўзининг салмоқли хулосаларини келтиради.

Бундай қизиқарли лавҳаларни мутолаа қилганда кўз олдингда ўсмирлик даврида ўзликни намойиш этиш йўлидаги изтироблар, курашлар, қаршиликлар, йўқотишлар гавдаланади. Тириклик уммонига ирғитилган саноқсиз жонлардан қай бирлари мақсад соҳиliga етиб бора олади, бу нимадан, Яратганнинг илтифотими ёки ўзининг саъй-ҳаракати натижасими, деган мангу саволлар устида мушоҳада уйғонади, ҳаётда бирор ютуқка эришишнинг машақватлари намоён бўлади. Бу асар китобхоннинг шахсий «мен»ини инкишоф этишида ҳам туртки беради. Алҳол, буюк зотлар ҳақида кўпроқ асарлар яратилишини, уларнинг мутолаасидан ҳаёт ҳикматини англаш осонроқ кечишини ҳис этасиз. Худди шундай, муаллиф атоқли ёзувчи билан мулоқотда бўлганини, унинг сухбатларидан баҳра олиш насиб этганини, шу аснода ўқинчлари (ҳар бир сухбатни қоғозга тушириб бормагани)ни қайд этадики, бу далиллар ҳам ҳаёт лаҳзалари ўткинчи экани юзасидан теранроқ фикр юритишга ундайди.

Албатта, ҳар бир ёзувчи ҳақида ҳаммадан ҳам кўп маълумотни унинг асарлари тухфа этади. Муаллиф қаҳрамонини ардоқли назари билан улғайтириб ке-

лади ва уни таниқли ёзувчи сифатида тақдим этади. Шубҳасиз, ёзувчилик рутбасига эришиш осон эмас. Бу йўлда Шукур Холмирзаев ҳам тошли сўқмоқлардан ўтган. Нималар рўй бермасин, унинг тийнатида йўғрилган тоза ҳислар қанот бўлиб, парвозга ундейди. Чекка бир қишлоқда дунёга келган ва оламшумуллик мақомига қўтарила олган ижодкорни улғайтирган туйғу нима эди, қандай қилиб у кўплардан баланд қўтарила олди? Худди шу ўринда Олим Тошбоев, менинг назаримда, таянч нуқтасини тўғри топганга ўхшайди: «Шукур Холмирзаев «Эркинлик» деган бир мамлакатнинг яккаю ягона фуқароси сифатида ўз худудига бегоналар учун ўтиб бўлмас чегара ўрнатган эди, ул мамлакатнинг ҳаёт тарзини фақат асарлар орқали қўриш, кузатиш, ҳис қилиш ва англаш мумкин бўлар эди». Ниҳоятда гўзал ифода, ошириб бирор нарса дея олмайсан.

Ҳайтовур, инсон феъл-атворини кашф этиш, унга таъсир қилиш, ўзгартириш учун қанча уринишлар бўлмаган, қанчалаб тадқиқотлар амалга оширилмаган, китоблар ёзилмаган. Уларнинг балки қайсиdir даражада муваффақиятлари бордир, бироқ инсон табиати барабири сирлилигича қолиб кетди. Тўғриси, кимлардир табиатан муросачи, муте, мунофиқ бўлиб туғилади. Аксарият «Оч қорним – тинч қулоғим!» тамойили билан яшайди. Шундай қавмлар уммонида ҳатто ёлғонга чидай олмаслик фазилатининг ўзи ҳам нодир ҳодиса. Эркинликни севиш бўлса, ҳаммани, бутун борлиқни эркин қўриш умиди, эркинликка интилиш эса энг жўн талқинда ҳам парвоз иштиёқи, бепоён кенгликлар соғинчи. «Мен сени севаман, бироқ эркинликни сендан кўра кўпроқ севаман» дейди мағрур қиз қаршисида тиз чўкиб турган ошиғига ва бу сўзлар жаҳон бадиияти дурдонасида мангу чақириқдек янграйди.

Энди мулоҳаза қилиб кўрайлик: шундай ҳаёт тарзини танлаган одамга осонмиди? Биз асарларини мутолаа қилиб таъсирланган, давр тўлқинига сирт ке-

либ, ўзини шоҳлардек тутган ва биз (афсуски!) яхши билмайдиган Шукур Холмирзаев ана шундай умр ке-чирган. Бу ҳаётнинг кашфиётлари, изтироблари ҳақи-да Олим Тошбоев самимият билан юрак ютиб ҳикоя қиласди ва анча теран кетади. Демак, асарларда ҳам ана шу безовта ва бошқаларга ўхшамайдиган қалб-нинг кечинмалари акс этган эди-да.

Албатта, ёзувчининг шаклланиш босқичида тала-балик, ҳаваскорлик тўгарагида «Ҳамлет» спектакли-дек шоҳ асарда бош ролни ижро этиши, даврининг машхур шахсларидан Шукур Бурҳонов билан танишув, тенгдошларнинг буюк келажакдан башорат берувчи интилишлари сингари омиллар ўзига хос вазифани бажарган, эҳтимол, ёзувчининг ижодий қибласини тўғри танлашида ҳам муҳим рол ўйнагандир. Саҳна-нинг қироли унинг иқтидорини кўриб, актёр бўлиши-ни таклиф қиласди, буни рад этганида астойдил хафа бўлади. Кейинчалик ёзувчининг ўзи ўшандаги танло-вининг нечоғлик жиддий бўлганини шарҳлагандек, шундай деб ёзган экан: «Мен адабиётни қисматим деб аллақачон айтиб қўйганман. Буни ўзим биламан – Оллоҳ билади. Қисматим демаганимда мен бу ерлар-да – ёзувчилар далаҳовлисида макон тутмай, хотин, бола-чақамнинг олдида юрардим. Тузуккина рўзнома ёки журналга муҳаррирлик қилиш ҳам қўлимдан ке-лади. Нима қилай, ҳаёт шундай бўлди».

Ана шу ҳаёт ҳақиқати – ёзувчининг топганлари ва йўқотганлари асарларида сингдирилган. Бугун у ярат-ган адабий аҳоли ўзининг турфа феъл-атвори, дўлвор-лиги ва самимияти билан миллатимиз тимсолини умумжаҳон саҳнида намойиш қилиб турибди. Унинг ижодий эътиқоди – ўша «урҳо»лар замонида ҳайқи-риқлар, қарсакбозликларни эмас, инсонни, ёнида ғи-мирлаб юрган замондошини адабиётнинг қалбига олиб киришни тақозо этди. «Улар тўғон қурмади, чўл қувмади, нефть-газ ҳам қидирган эмас, кўча-куйда им-

периалистларни сўкиб, ҳақоратлагани ҳам йўқ, аммо ўзларининг кичкина ҳақиқатлари – инсоний ор-номуси, миллат ғурури ва шаъни, она табиати, яхши кўрган оти, аждодлар ёди, оёқости бўлган эътиқоди учун куйди, ўртанди, – деб ёзади О. Тошбоев. – Бир сўз билан айтганда, Шукур Холмирзаев «ўзбек совет адабиёти» деган катта жангоҳнинг бир четига ҳақиқий миллий, ўзбекона қаҳрамонларини дадил сафга тизди».

Бу ҳолни жасорат дебми ёки қаҳрамонлик деб аташ лозим? Балки ўз халқига бетаъма фарзандлик хизматидир. Нима бўлганда ҳам тоталитар тартиблар олов пуркаб турган шароитдаги бу ҳаракат ўз шаррафини топмоғи лозим. Ахир «ўзбек совет адабиётшунослиги ва унинг калондимоғ олимлари бу бир ҳовуч подачию овчиларни, хаёли қочган кампиру лафзсизликдан бўғилган отбоқарларни адабий қаҳрамон рутбасига мутлақо муносиб кўрмаган ҳоллари ҳам бўлди», деб ёзади муаллиф. Шундай қилиб, ёзувчи қаҳрамон қидириб узоқ машаққат чекмади, атрофидаги оламнинг ўзига маъқул, ёқтирган вакиллари ҳаётини асарларига асос қилиб олди. У яратган бадиий образларнинг деярли ҳаммасида юртдошлари, яқин танишларининг ҳаёт тарзи кўчиб ўтган. Шу ҳолни ҳам ўзлигига фидолик, қолаверса, сомоннинг ичидағи игнани топа олган даҳолик деб аташ мумкин. Негаки, Ш. Холмирзаев яратган бадиий тимсоллар жаҳон адабиётининг энг нодир намуналари қаторида туради.

Олим Тошбоев ёзувчи иқтидори қирраларини инкишоф этиш учун унинг асарларидан намуналар: «Тўлқинлар» қиссаси, «Сўнгги бекат» романи, «Одам», «Қария», «Ўзбек характеристи», «Кўк дengиз» сингари ҳикояларини таҳлил қиласи, уларнинг яратилишидан тортиб миллий бадиий тафаккур тадрижидағи ўрнигача батафсил ифодалайди. Таҳлиллар асносида муаллиф ҳам тадқиқотчи-олим, ҳам меҳри жўшган ёзувчи сифатида намоён бўлади. Шу ўринда таъкидлаш жо-

изки, айни пайтда адабий танқид (таҳлил) ва шахсий майлларни қоришиқ ифодалайдиган оралиқ жанр пайдо бўлаяпти. Бу ҳақда Ўзбекистон санъат арбоби Иброҳим Ғафуров шундай ёзади: «Адабий танқидни эссе жанрига яқинлаштириш, икки жанрни омухта қилиш учун кўп йиллардан бери уринаман». О. Тошбоевнинг саъй-ҳаракатлари таҳлил объектини ҳам олим, ҳам адаб кўзи билан кўриш имконини берган, бу ҳол эса таниқли ёзувчи оламини тўлароқ тасаввур қилиш шароитини яратади. Натижада, тасаввурларимиз тасдиқлайдики, Шукур Холмирзаев ҳақиқатан жаҳон ҳикоячилиги тарихида «ўзбек ҳикоячилик» мактабини бойитган, уни бепоён сарҳадларга олиб чиқсан буюк ижодкор. Ёзувчи бу жанрнинг ҳавосини олгач, дастлаб 40 та, сўнгра 70 та, кейин эса 73 та ҳикоя яратиб, бир ижодий гулчамбар ҳосил қилишни орзу қилган экан...

Бундан ташқари атоқли ёзувчи амалга оширган миллий адабиётимиз тараққиёт йўлиниң таҳлили, адабиётшуносликдаги хизматлари, ёш иқтидорларга муносабати ҳам китобда маромида акс этган. Бу қирралар ҳам адаб тимсолини яна кўркамлаштиради. Умуман, «Абадий замондош» китобининг фазилатлари кўп. Шу билан бирга у янги тадқиқот уфқларига ҳам назарни қаратишга даъват этади. Жумладан, ўша давр китобхонлари адаб асарларини танқидчилар таҳлили орқали қабул қилган. Танқидчилик эса Шукур Холмирзаев мўъжизаларини англай олавермаган, ҳатто тескари хulosалар чиқарган. Ёзувчининг ўзи бир асари («Сўнгги бекат» романи)га муносабатдан ўкиниб, шундай ёзган экан: «Умуман, роман ўша вақтда... қадр топмади. Унинг ғоясини анлаган дўст-ёронлар ҳам бирон калима илиқ сўз айтмади». Эндиликда жаҳон бадиий тафаккури ютуқларидан фойдаланиб, ўша пайтдаги икки қирғоқ – ёзувчи ва танқидчи(лар) қарашларини таҳлил қилиш ва баҳолаш имкони бор. Энг инсофли олимлар ҳам қарамлик шароитида яхши

асар яратиб бўлмайди, деб турганда Ш. Холмирзаев иқтидорнинг (жумладан, ўз иқтидорининг) кучига ишониб, «яхши асар яратиб бўлади» деган фикрни илгари суради ва буни амалда уddeлайди ҳам.

Эҳтимол, шу ўринда ёзувчи шахсиятидаги ўзига хослик, иқтидорини юзага чиқаришини таъминланган омиллар ҳақида бугун жўяли гап айтиш мумкин бўлар. Бу ҳол миллий бадиий тафаккуримиз бисотида, ижод табиатини тушунишда янги кашфиётларга олиб келиши мумкин. Шунингдек, Шукур Холмирзаев ижодини замондошлари, жаҳон адабиёти вакиллари, жумладан, Чингиз Айтматов ижоди билан қиёсий ўрганиш ҳам адабиётшуносликни янги холосалар билан бойитиши шубҳасиз. Эътибор берилса, Шукур Холмирзаев ва Чингиз Айтматов бадиий олами бир-бираiga яқин. Ижод ва тақдирнинг умумий ва хусусий томонлари тадқиқи ҳам адабиёт манфаати нуқтаи назаридан фойдали бўлади.

Хуллас, Олим Тошбоевнинг «Адабий замондош» китоби шу йўналишдаги янги китоблардан бири сифатида яхши таассурот туғдиради. Олайлик, муаллиф олим ва тадқиқотчи сифатида ўша кунлардаги даврий нашрлар қиёфаси, уларнинг замон ижтимоий муҳитидаги ўрни ҳақида жўяли далиллар келтиради. Масалан, «адиб ижодининг гулга кирган даври» ҳисобланмиш «Гулистон» журналидаги фаолияти ва журналнинг Иброҳим Раҳим бош муҳаррирлиги пайтида амалга оширган миллатпарварлик ташабbusларини меҳр билан қаламга олади.

Умуман, О. Тошбоевнинг адабий жараён, босма маърифий маҳсулотларнинг тақдири ҳақидаги муроҷазаларида ватанпарвар ижодкорнинг нуқтаи назари, бугунги аҳволдан қониқмаслиги, қолаверса, шундай имкониятдан фойдаланилмаётганидан надоматлари акс этган. «Дарҳақиқат, XX асрнинг 60–80-йилларида адабий ҳаёт... жуда қизғин бўлган экан, тинимсиз адабий анжу-

ману йиғилишлар, қўлёзмалар мұхокамалари, матбуотда эълон қилинган кичикми-кattами асарга дарҳол муносабат билдиришлар, ёзувчи-шоирлар билан китобхонлар учрашуви – буларнинг бари бугун ҳам ибрат олишга муносиб». Муаллиф йирик адид яратган бадиий қашфиёт ҳақида ёзади: «Умуман, Ш. Холмирзаев тасвирлаган ҳаёт сеҳру таровати ва оҳанрабоси билан биз кўриб турган реал ҳаётдан мафтункор ва жозибали эди. Бу бадиий олам фуқаролари – асл ўзбеклар кеча қандай даражада ўлчов-ибрат бўлган эса, эрта ва индин ҳам ўшандай мавқеда собит қолади, чунки улар аслиятда ҳам аъло, гўзал ва бутундир». Бинобарин, боболар удумига ҳурматан Шукур Холмирзаевни «алп ёзувчи» деб аташ ўринли бўлади. Албатта, «Абадий замондош»да ёзувчининг кичик прозаси атрофида сўз боради. Ҳали романлар таҳлили, ижтимоий фаолият, адиднинг эсслари ҳақидаги, умуман, давримизнинг йирик ижодкори хусусидаги тадқиқотлар давом этади. Китобга салмоқли холоса етишмаётгани ҳам шундан бўлса керак – муаллиф уни насияга қолдирганга ўхшайди.

Мутолаани тугатар эканмиз, кўнгилда бир соғинч уйғонгандек бўлади. Бу – тириклигида дуч келган, сухбатидан баҳраманд бўлган устозлар тимсолилини китобларда кўриш... Бутун умрини сўз заҳматига бағишилаган ҳали қанчалаб ватандошларимиз ҳақида арзирли эҳтиром намойиш қилингани йўқ ҳисоби, уларнинг номи бир қур эсланмагани ҳам бор гап. Ҳолбуки, қаҳрамон қидириб узоқларга бориб ўтириш шарт эмас – бу борада Шукур аканинг ўзи яхши ибрат бўлиб турибди. Умид билан шу майдонга кирган, ўз иқтидори даражасида нимадир қилган, баъзан тазийклар остида хатоларга ҳам йўл қўйган (барибир уларнинг нияти эзгу бўлган) зотлар ҳақида шундай асарлар кўплаб яратилса, миллий маданиятимиз бундан фақат ютган бўлади. Ҳар қандай гапни маромида, «кифтини келиштириб» айтса бўлади (Олим Тошбоев

бу борада яхши ибрат күрсатди). Гоҳ шогирд мақомида ёки қариндош сифатида, ҳеч қурса ватандош рутбасида шу руҳдаги асарларнинг яратилиши бизнинг ўтмишга ҳурматимиз бўлиши билан бирга келажакка сармоямиз ҳам ҳисобланар эди. Ахир Навоийлар туғилмаяпти эмас, туғилаяпти, фақат улар Навоий бўлиб вояга ета олмаяпти.

{«Миллий тикланиш», 2018 йил, 7 ноябрь}

## ҲИНДОНА – ҲИНДУВОНА

### Амир Файзулланинг кўнгил куйи

«Бир бор экан, бир ёр экан, бир отанинг икки ўғли бор экан. Каттасининг исми – Амир, кичигиники Тимур экан»... Эртак руҳида бошланган ривоя шу жойга етганда ...тўхташ олади. Сабаби – одатдаги оҳанг ўзгарди, гап девлар, алвастилар устида эмас, ака-укалар йўриғида айланана бошлади. Албатта, ҳаммамизга азиз бўлиб қолган исмлар дикқатни торғади ва лоқайд зеҳн ҳушёrlашади. Муҳокама бошланади: нуридийдаларига бундай «оғир» исмларни қўйган ота ким бўлди экан? Агар отанинг от танлаши бизнинг ҳуррият замонимизда эмас, балки тоталитар тузум қиличини қайраб турган даврларда рўй бергани маълум қилинса, саволлар яна қуюқлашади: наҳотки падари бузруквор ўз жигарбандларига мазлум қисматни рало кўрган бўлса? Ахир «Муҳаммад Раҳим»лар Мамараим, «Муҳаммад Амин» – Мадамин ва ҳоказо бўлиб ўзгариб турган, исмларга ҳатто «бой, бек» сингари эркалаш қўшимчаларини қўшиш ҳам қўрқинчли туюлган пайтларда таъқиблардан кўрқмай, Соҳибқироннинг муборак исмларини ўғилларига тақаш уларни яrim шубҳали одамга айлантириш эди-ку! Ёки ота Хизирна зар, узоқни кўра оладиган зот бўлганки, қачонлардир дарёлар ўз ўзанида оқишини сезганми? Балки кейинги мулоҳазада жон бордир. Ҳар ҳолда эртакнинг давоми бундай: ака улғайиб, филолог бўлди, ука – рассом. Бу қайдлардан кейин қизиқиш кучайса, кучаядики, асло сусаймайди. Келинг, яххиси, бир бошдан хикоя...

Кўёнда ўзига тўқ, маърифатли бир оила бор эди. Нуфузи ҳам ёмон эмасди. Ҳатто Файзуллахон кимсан

Кўқон хони Худоёрхоннинг яқин ҳамшираларидан Пошшахонга уйланганди. Ўғил Саъдулланинг эса тақдири бутунлай чалкашиб кетди. Ахир одатий тутумлар ўзгариб, йўқсиллар замони бошланган эди-да. Узунқулоқлар унинг никоҳи ислом аҳкомлари асосида бўлганини, боз устига келин бўлмиш вояга етмаганини керакли жойга етказган экан, ёш эр-хотинни қамоқقا олиш тадориги кўрилаётганини ишончли одамлар отага маълум қилишади. Ҳали қурилиб улгурмаган оила боши устида қора булат айланәётгани аниқ.

Кутилаётган бу кўргуликдан факат қочиб кутилиш – таваккалга боришни афзал билиб, Саъдулла ва завжасини кечалаб, тун қоронғусида тақдир ҳукмiga ҳавола этиб, номаълум ёқларга ронда қилишади. Яқинлари ўн гулидан бир гули очилмаган ёшларнинг ҳўрланишларини кўриб, эзилишдан кўра Яратганга таваккул қилиб, тубсиз жарга отиб юборишни афзал биладилар гўё. Кейинчалик хотиралар тилга киргач, маълум бўладики, уларга, яъни қочиб кетаётган келин-куёвга таҳлика маконини тезроқ тарқ этиш ва иложи борича узоқча кетиши маслаҳати берилган экан. Яйдоқ даладан ҳафтада бир марта ўтадиган поезд қўналғаси атрофида икки-уч кун жон сақлашади ва темир «тулпор»га ўтириб, номаълум ёқларга улоқиб кетишади. Вагондан Булунғурда тушиб қолиб, қишлоқларни кезиб, йўлларда адашиб, кечалари ит топмас жойларда тунаб, Фаллаоролга келиб қолишади. Нон-насиба шу жойдан ато этган экан, мулла Саъдулла ва оиласи Муғол қишлоғида муқим бўлиб қолишиди, мулла бобо шу жойда 88 ёшида омонатини топширди.

Ушбу маълумотлардан кейин сарсонлик дамларида маърифати бутун бўлган Саъдуллахон ватаннинг гуллаб-яшнаган тарихини кўз олдига келтириб, дориламон замонни яратган Соҳибқирон Амир Темурни қўмсаб, фарзандларига буюк орзусининг рамзи сифатида Амир ва Темур исмларини қўйган, дейилса, ҳеч

ким шубҳаланмайди. «Ҳикматли дунё» дейдилар, бир унсурда минг сир яширин. Шу ҳаракатда юракнинг қай бир оҳангдаги мусиқаси, қалбнинг нечоғли рангин кечинмалари, қўнгилнинг миллат ва ҳалқ меҳридан туғилган изтироблари, дилнинг уйғоқлиги ва эртанги ёруғ айёмларга бардам ишончи мужассам. Отальарнинг боқий орзуси тимсоли бўлиб дунёга келар экан фарзандлар. Ҳар ҳолда, ота ҳам, ўғиллар ҳам ўша хаёлдаги дориламон кунларга етишдилар.

...Ота маърифати ва она ардоғида улғаяётган ака-уканинг бир умумий томони бор эди: иккаласи ҳам мук тушиб, қоғозларни бўягани-бўяган эди. Амир рангларни қуюқ бериб чизарди, Темурнинг суратларида эса нақшлар устунлик қиласади. Амирга рассомлик таҳсили насиб этмади: қишлоқда ўсган бола билим юртининг синовлари, ижодий танловларига тайёр эмас экан. Фақат кўрганлари асосида орттирган тажрибасини укаси Темурга ўргатди ва унинг бу соҳадаги таҳсилига монелик бўлмади. Амирга эса унчалик ҳам хаёлида кечмаган соҳа насиб этди.

Унинг шарқшунослик институти ҳинд тили бўлимига ҳужжат топширишига фақат ҳинд киноларини яхши қўриши сабаб бўлган, дейилса, хато чиқмайди. Ростдан, унинг бу борадаги тасаввури шундан ортиқ эмасди. Ҳужжатни топшириб қўйди-ю, ўқишга кира олишига ўзи ҳам, тоғаси Қурратилла Мусаев (кейинчалик филология фанлари доктори, профессор), бошқалар ҳам ишонишмасди. Лекин қишлоқ мактабининг таҳсили чакки эмас экан, тўқишимай кириб кетди. Шундай қилиб, Амир Файзулланинг қаршисида маҳобатли ва сирли дунё юз очди. Ҳинд тилининг жозибасими, ўқишга ташналиқ ҳиссими, таҳсилга жадал киришиб кетди. Айниқса, тўртинчи босқичдан кейин насиб этган бу сеҳрли мамлакатдаги ўн ойлик амалий машғулот дунёқарашида инқилоб ясади. У ер юзида шундай мўъжизалар борлигини ҳаётида кўрди. Ҳар бир таассурот унинг зеҳнида янги бир дунё яратарди.

Амир Ҳиндистоннинг Уттар Прадеж штатидаги Лакнау шаҳрини (ўқиши муддатини шу ерда ўтказган эди) кўп эслайди, тез-тез тушларига кириб чиқади бу чоғроқ шаҳар. Ўзи улғайган қишлоқларни эслатувчи масканда ҳамма нарса эртаклардагидек эди. Унда шир яланғоч одамларни ҳам, фақат кўзи кўринадиган, ҳамма жойини ўраб олган ратхаларни ҳам, бутун сулоласи бошпана кўрмаган саёқлар-у, осмонўпар биноларда оёғи ерга тегмай ўтиб кетадиган соҳибларни ҳам, нима кўрса оғзига тиқадиган очларни ҳамда овқатини спиртли лампада пишириб ейдиган шириントомоқларни ҳам кўриш мумкин эди. Ҳамма нарса қабариқ зиддиятда.

Бир куни шаҳар айланиб юрганларида шундай манзарага гувоҳ бўлишиди (у ҳозир ҳам кўз олдидан кетмайди). Туғилганидан бери сочига тиғ тегмаган бир ҳинди елкасидаги зилдай хуржунини дараҳт соясига ташлади-да, оғир чўкиб, тўрвадаги ашқол-дашқолларини олиб-олиб атрофига ёя бошлади. Унинг бу ҳаракати диққатни тортмаслиги мумкин эмасди. Терилган коса, лаган, яна бошқа катта-кичик ўнтача идишларга бошқа бир халтадан авайлаб ўралган қалампир чиқариб, минғирлаганча меҳр билан тарқатиб чиқди. Сўнгра тайёрлаётган овқатига нималарнидир қў shedi. Ҳаммаси тахт бўлгач, бир зум нафас ростлади-да, сўнгра дастурхонини айланиб рақс туша бошлади. Бироз ҳолдан тойгач, энди овқатини тановул қилишга киришди. У қалампирга роса тўйинган бўлса керак, ҳар луқма олганда бошини сарак-сарак қилар, оғзидан туфуклари сачраб кетарди, аммо оловдек ўткир таомни ейишдан тўхтамасди. Аччиқдан юзлари кўкариб кетса ҳам идишларни қоқламагунча тинчимади.

Бу уларнинг қадимдан сақланиб келаётган одати экан. Энг замонавий, унча-бунча тараққий этмаган мамлакатларда учрамайдиган супер-одатларни кўриб эса танг қолмаслик мумкин эмас. Кўчадан бир тўда одам тобут кутариб, ўз тилларида гўё дуо ўқиб ке-

лишарди. «Мусулмонлик одати бўйича тобуткашлик қилмоқчи бўлибмиз, – деб эслайди Амир ака. – Диққат қилиб тобутдаги ёзувларни ўқиб кўрсак, бир партия рақиб партияни ўзларича тобутга солиб, кўча айлантириб, дафн этишга олиб кетаётган экан. Буни демократия белгиси дейишадими?»

Умуман, бу ўлкада ҳамма нарса очиқ-ошкора. Оммавий ахборот воситаларининг тезкорлигига ҳайрон қоласиз. Хабарлар телба-тескари берилса ҳам ҳар бир киши ўзига кераклисини ажратиб олишга ўрганган. Одамларда бирорвга тақлид қилиб, мушукнинг думига арава боғлаш йўқ, ҳамма ўз фикрига эга. Сиёсатдонлар Ҳиндистондаги бир ҳолатга айрича эътибор беришар экан: ана шундай контрастлардан иборат, бир миллиарддан зиёд нуфусга эга улкан мамлакатда сиёсий силкинишлар кам учрайди (албаттга, тарихида қонли воқеалар кўп бўлган, аммо кейинги даврларда нисбатан тинч юрт). Бундай осойишталиктининг сабаби сифатида эса турли тақиқлар, чекловларнинг камлигини кўрсатишади. Ҳинд фалсафасининг бош ғояларидан бири ҳам эркинлик ғоясидир: инсон дунёда озод яшashi лозим. Шунинг учун кўчаларда бир шиорни кўтариб олган тўдаларни, доира бўлиб рақс тушиб ётган одамларни, бақириб қўшиқ куйлаётган ёки чарх уриб рақсга тушаётганларни учратиш табиий ҳол... Хуллас, бу диёр Амирни сеҳрлаб олди.

Кейинчалик йигирмадан ортиқҳинд тилидаги асарларни, 94 қисмли «Маҳобҳорат», 78 қисмли «Рамаяна» фильмларини ўзбекчалаштириши шу сеҳрнинг ифодасидир. Умуман, Амир Файзулла ҳинд фильмларининг моҳир таржимони сифатида тан олинди. «Бобур» (26 қисм), «Мирзо Ғолиб» (18 қисм) асарларидан ташқари жами 256 қисмдан иборат кўплаб ҳинд фильмларини она тилимизда сўзлатди. Булар орасида энг эсда қоладигани эса «Сангам» бўлса керак. Зотан, фильм ўз ғояси билан ҳам ноёб, бадиийлиги билан ўхшashi йўқдир.

Ҳинд фильмлари шу халқ қалбининг қўшиқларидир. Дини кўпхудоликка асосланган одамларнинг турмуш тарзида шундай сирли ҳоллар учрайдики, уларни ифодалашга сўз қудрати ожизлик қилиб қолади. Шунда соз, қўшиқ ва ракс кўмакка келади. Дейлик, қалампирдан вужуди ёниб кетаётган дарвиш ёки мархум эри билан ёнма-ён куйдирилишга маҳкум этилган аёл кечинмаларини бир сўз билан ифодалаб бўладими? З3 худога сифинувчи қавмнинг маросимлари шунчалик кўпки, уларнинг ташвишидан боши чиқмайди. Агар ҳинд ҳеч нарса ўқимай-ўрганмай яшаса ҳам ҳаёти шу маросимлар туфайли анча мазмунли бўларди. Кўпчилик шундай яшаш тарзини танлайди, аммо ҳам диний, ҳам дунёвий билимларни чуқур эгаллаган олимлар ҳам бисёр. Бир маълумот: ҳиндлар олимлар сони жиҳатидан дунёда етакчилик қиласи. Олим мақоми ҳам ҳаммага ҳадя этилавермайди!

Ана шу маънавият оламида «Сангам» ўзгача дунё. Бу фильмни турлича талқин қилишади: севги афсонаси, дўстлик ва садоқат мадҳияси, хиёнатга айбнома. Бироқ унинг ғояси буларнинг баридан юқори. Аввалио, «сангам» сўзи ҳақида. «Санг» ҳинд тилида «бирлашибишиш» маъносини билдиради, «-гам» қўшимчаси эса кучайтирувчи оттенкага эга: «жуда, қаттиқ, ажралмас» сингари. Маълум бўлиб қоладики, фильм бирлашишга, жуда қаттиқ, мустаҳкам, ажралмас бўлиб бирлашувга чорлов. Худди шунингдек, Ганга ва Жамна дарёлари туташган жой ҳам «Сангам» деб аталади: ошиқларнинг висолга этиши, кўнгилларнинг туташуви, инсонларнинг бирлашуви. Ҳинд ривоятларида бу жойнинг файз-баракали, тинч-омонлик қарор топган, барча эзгу орзулар ижобат бўладиган гўша сифатида улуғлашади. Ҳинди斯顿нинг буюклиги, азимлиги, келажагининг порлоқлиги Сангам туфайли эмиш. Амир Файзулла фильмнинг бор нафосатини ўзбек томошабинига етказиш учун астойдил тер тўқди. Гоҳ Гопал

бўлиб куйлади, гоҳида Сунгам сингари рақсга тушди ёки Радҳа бўлиб йиглади. Ўзбекча ифода қўшиқ, рақс, мусиқа сингари тўртинчи сеҳр бўлиб янгради. Шунданми, у ҳеч кимни бепарво қолдирмайди.

«Сангам»нинг ишқи таржимоннинг қалбига чуқур ботди. У 1966 йилда ўзбекчалаштирилганди. Ишонасизми, шундан бери Амир Файзулла унинг сюжетига тақлид қилиб, бир сценарий устида ишлайди. Унинг номи «Орол»! Тушунгандирсиз, шу ном билан аталувчи денгиз икки азим дарё – Аму ва Сирнинг учрашув жойи эди. Икки ошиқ-маъшуқ каби бу дарёлар туташганда атрофда тўқчилик, фаровонлик, тинч-тотувлик ҳукмрон эди, барака уммон қирғоқларига тўш уриб ётар эди. Ҳозирги аҳвол эса Амир Файзуллани қаттиқ ўйлантирумокда. У яратилажак фильмнинг ечимини излаб, йилларни ҳавога совурди. Финал эса аниқ эмас. Шунинг учун сценарий ҳам битмаяпти (лекин омади гап: сценаристга ҳақиқий аҳволни кўриш, яъни Орол бўйларида бўлиш ҳозиргacha насиб этмаган экан).

«Сангам» таржимасигача у бу борада анча тажриба орттирганди. Қолаверса, таржимонлик унинг йўлчироғига айланди. Эндиликда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Амир Файзуллани кўпроқ таржимон сифатида танийдилар. Бу соҳа ҳам унга кутимаганда бағрини очди, дейиш мумкин.

Лакнау билан хайрлашиб, Тошкентга қайтилди. Ўқишлиар яна ҳам юқори нотада давом этди. У фақат ҳинд тилини эмас, ҳинд диёрини ҳам билган, уни севиб қолган муҳиб эди. Бу ҳис таҳсилнинг одатдаги маромдан юқорида бўлишини таъминлабгина қолмади, балки баланд даражага кўтарди. Унда бўлажак етук мутахассиснинг шамойили мужассам эди. Юқори босқичда ўқиб юрган кезлари таниқли ҳинд ёзувчиси Яшполнинг китоби ўзбекчага чиқиши керак бўлиб қолади ва унга ҳам бир неча ҳикояни ўзбекчалаштириш топширилади. Аммо китобнинг чиқишини кўриш унга

насиб этмайди. Яна ҳинд киноларига хос кескин ҳолат: уни қишлоққа ўқитувчиликка жўнатишади. Мактабда ҳам ишга шўнгіб кетади, ҳатто у директор ёки район маорифи идораси раҳбари бўлиши мумкин эди. Фақат ҳинд ишқи, сехри уни тинч қўймасди. Илинж билан Тошкентга келди. Уни таниши Дадаҳон Нурий нашриётга бошлаб борди. Шу ташрифнинг ўзидаёқ уни ҳам ишга қабул қилишди, ҳам яхшигина пул беришди. Яшполнинг китоби чиққан, таржимонларга қалам ҳақи ёзилган, фақат Амир Файзуллани топиб бўлмаётганди. Ўртоқлари «Ҳамма ишга пул бериб кирса, сени пул бериб ишга қабул қилишди-я» деб ҳазиллашишди. Шундай қилиб, 1971 йилдан бўён турли нашриётларда, республика радиосида ишлади, қаламини чархлади, тилга тушди. Мана, 21 йилдирки, «Жаҳон адабиёти» журналининг эшигидан кириб-чиқиб юрибди.

Журналдаги фаолият ҳам иш, ҳам ижод бўлди. Таржимонликнинг ҳавосини олган тажрибали мутахассис сифатида дунё адабиётининг энг нодир намуналарини халқимизнинг маданий мулкига айлантириди. Бир мухлис Амир Файзулла таржима қилган китоблар ҳажми ни ҳисоблаб чиқибди. Унча тўла бўлмаган рўйхатда 45 номдаги асалар кўрсатилган, улар тахминан 9 минг саҳифани ташкил қиласар экан! Агар ҳар бир саҳифадаги ҳарфлар сонини ва ҳарфларни таржимоннинг қалами неча марта айланиб ўтганини кўз олдимизга келтирсак, қанчалик улкан меҳнат амалга оширилганини тасаввур қилиш мумкин бўлади. Бу таржималарнинг ҳар бири ҳақида маҳсус тадқиқотлар яратса арзийди. Бу хизматнинг маънавий томонларини айтмайсизми? «Ёзувчилар миллий адабиётларини яратадилар, таржимонлар эса жаҳон адабиётини барпо қиладилар», деган эди машхур адиллардан бири. Албатта, ҳинд фили ҳам ҳориб қоладиган бундай юмушни бажариш учун кишида ўз машғулотига улкан муҳаббат бўлиши лозим. Шубҳасиз, бу даражадаги фидойиликнинг манбалари ҳақида

гап кетса, Амир ака меҳнаткашликка ўргатган оилавий тарбия, фидойиликни сингдирган устозлар ибрати, дўстлар ҳамнафаслигию қўллаб-куватлаши қатори ҳинд мўъжизасини ҳам эътироф этиши шубҳасиз.

– Бу кўхна маданиятга яқинлик мени ювошлика, иккинчидан эса раҳмдилликка ўргатди, – дейди таниқли таржимон ва олим. – Дунёга шундай назар билан боқдим, одамларга шундай муносабатда бўлдим. Ҳаёт эса авайлаб ўтирмас экан, айниқса, келингиз. Албатта, бунинг бир томони ҳазил. Баъзан шу хислатларимдан ўкиниб кетаман, бошқачароқ ҳаёт тарзини танлашим лозим эдими?

Зиёлининг «Бой бердимми?» дегани, бу пушаймон эмас, балки ўзидан қониқмаслик, ҳали янги режалар билан яшаётгани аломати. Айниқса, ақли тўлишган, тажрибалар донишмандликка айланган ёшда, дунёнинг анча-мунча сирлари ошкор бўлган паллада кишининг бажараман деган иши, айтаман деган гапи кўпайиб қолар экан. Унинг унча-бунча одамга кўрсатавермайдиган кўнгил дафтари бор. Дафтардаги битикларда замондошимизнинг мураккаб ҳаётий синовлар жараёнида туғилган зиддиятли фикрлари акс этган: «а) Мен – қулман. Ҳа. Иқтидоримнинг қулиман. Унинг юзага чиқиши учун унча-бунча хўрликка ҳам чидайман; б) Мен шамол тегирмониман, олчоқ замон шу кўйга солди. Бугун нафратланган одамимни эртага авжи Сурайёга чиқариб мақтай оламан; в) Мен оғзи ёпиқ қозонман. Атрофимда шунчалик кўп ўйинларни кўрдимки, агар уларнинг ҳаммасини ошкор қилсан, бўрон қўпиб кетадими, деб қўрқаман. Яна юрагининг кўри ўчган, лоқайд одамлар бошини кўтара олармиди, дегандек таскин оламан; г)... Бу иқрорлар меники, айни пайтда менга tengdoш барча ижодий зиёлиларнинг эътирофи. Қани, айтсин-чи, ким эътиroz билдира олади? Ахир шароит бизни шу кўйга солди-ку! Азбаройи яашаш учун, ўз иқтидоримизни намойиш этиш учун бу ҳол бизга аталган шўриш бўлди. Аслида булар-

ни ёзғиришдан кимга наф?! Фақат бугунги авлод билб қўйисин, дейман-да. Ҳозирги шароитлар бизнинг тушимиизга ҳам кирмаган, аммо биз яшаганмиз, ижод қилганмиз. Натижаси? Натижаси чакки эмас-а!»

Моҳир таржимон, қалби уйғоқ фуқаро, етук замондошимиз Амир Файзуллаға насиб этган ҳаётдан чиқарган хулосалари бисёр. Хулосаларки, уларнинг ҳар бирини мукаммал шарҳлашга Ошо (Багвон Шри Раджниш)дек улкан ҳинд файласуфларининг иқтидори лозим бўлади. Нима бўлганда ҳам тириклик синоатларидан орттирган ёмбиларини дариф тутмай, яқинлари билан баҳам кўриши бу бағрикенг инсонга нисбатан меҳрингизни оширади. Ёшларнинг устози, тенгдошларнинг садоқатли дўсти, маслахатчиси Амир Файзулла ана шундай ҳаётсеварлик билан яшашда ва ижод қилишда давом этаяпти.

...Катта йўл бошидаги ўша манзара эса ҳамон ёдида. Ёзнинг охирлари эди. Поезднинг бекатда тўхташини кутиб турган ота, айниқса, унга қапишиб олган ўғил катта шаҳар сафари олдидан ҳаяжонда эдилар. Тонг бўзариб келар, уфқ қизариб ёрилмоқда эди. Айрилиқ лаҳзаси яқинлашди. Текислиқда униб чиққан қоядек тик туриб олган ота ички йигисини енгиб, қўлини дуога очди: «Меҳнатдан қочма, яхшилар билан бўл...» Поезд сигнал берди, тўхтади, бола кетди. У ҳамон йўлда. Отa тимсоли эса яланг уфқда шохларини тепага кўтариб тарвақайлаган дараҳт сингари кўз ўнгида абадий қолди. «Отам сўз сехрини амалда кўрсатган валий эди. Унинг дуосидан беморлар шифо топарди. Мен ҳам шу йўлдаман. Фақат шу ҳис безовта кўнглимга таскин беради».

Қадрдон ҳисларини бир зум узоқлаштириди-да, Амир Файзулла яна бир жаҳон адабиёти дурдонасини қўлига олди. Бундай юмушдан у ҳузурланади. Яқинда қадрдон китобхонлари навбатдаги бадиий кашфиётни ўз она тилларида ўқишига муяссар бўладилар. Бўлгани шу.

(«Миллий тикланиши», 2019 йил, 23 январь)



*Мошойна*

## МАЙДОНТАЛАБ

### («Тошойна»га муқаддима)

Маълумки, ҳар нарсанинг миқдори, қўламини ўлчайдиган мезонлари ишлаб чиқилган. Масалан, масофа метрларда, оғирлик граммларда, вақт дақиқаларда ўлчанади. Гарчи бадиий адабиёт тафаккур маҳсули бўлса-да, унинг ҳам ўзига хос мезонлари, яъни ўлчов бирликлари бор. Ана шундай шарафга лойиқ топилган зотларнинг ижоди у ёки бу аниқ адабиётга баҳо беришда тамал ҳисобланади. Худди шундай, Иван Тургенев ва Лев Толстойлар умуминсоният бадиий тафаккури мезонларида ўлчов вазифасини ўтаб келаётган буюк зотлардандир. Улар бадиий ижодда инкишоф этган натижалар ҳозиргача кўпчилик кўз тиккан олий нуқта бўлиб қолаётир.

Мазкур тўпламга киритилган эсселар замирига сингдирилган мақсад умумэътироф этган олийшон манзаралар тасвири кўзгуси билан ўзбек миллий адабиётимизнинг кейинги асрлардаги тарихига назар солиш, шу асосда «Бизда нега Тургеневлар ёки Лев Толстойлар чиқмаган?» деган мангу бошоғриқ саволга жавоб излашдир. Масаланинг бундай қўйилиши бироз жўнроқ туюлса-да, аслида, бор гап шу. Негаки, ҳар бир ватанпарвар киши энг нодир қимматликлар ўз юртида, ўз миллий маданиятида бўлишини истаганидек, бундай ҳис ўзга ҳалқ ёки миллатга ҳасад эмас, балки ҳаваснинг ифодасидир. Агар буюк бобомиз ҳазрат Навоийнинг бўйи XIV асрдаёқ осмон тоқига текканини ҳисобга олсак, бундай мавқенинг кейинги тадрижи, ростдан ҳам, шундай савол қўйишни кун тартибига чиқаради.

Албатта, бу битиклар жақон адабиёти силсила-сида улкан мавқега эга бўлган миллий адабиётини келажакда ҳам юқори мақомда кўришни хоҳлаган бир фуқаронинг кўз қарашлари, улар асло бошқа бир адабиёт қархисида ялтоқланиш ёки тиз чўкиш эмас; уларга қўшилмаслик, улар билан мунозара қилиш мумкин. Аммо ниятнинг холислигини таъкидлаш ўринли. Халқда «Пичоқни аввал ўзингга ур, оғримаса, бировга ур» деган пурмаъно гап бор. Адабий ҳаракат, адабиётимиз намуналарига баҳо беришда кескинлик кўзга ташланиши мумкин, лекин бу ҳамма нарсани қоралаш ёки инкор этиш муддаосидан эмас, балки ўз-ўзини алдаб, овуниб юриш ҳам нодонликдан эканини тан олишдандир. Башарти, жақон саҳнида ўз ўрнини тайин этишга киришган ватанимизда бундай мезонлар табиий ҳисобланади, яъни бургутнинг парвози у кўзлаган чўққининг баландлиги билан ўлчанади, деганлариdek, биз маррани қанча баланд олсак, зиммадаги бурч ва масъулият шунча аниқ намоён бўлади ҳамда кўзланган манзилни забт этиш осонроқ кечади. Бой тарих ва маънавий салоҳият ҳам шуни тақозо қиласди.

Хозир адабий танқидни эссеистикага яқинлаштиришга уринишлар бўлаётган экан, яъни қаламкаш воқеликни ташқаридан туриб кузатиб ва фикр билдириб турмайди, балки жараённинг ичида юриб, унга фаол аралашади. Шу маънода «Тургенев турткиси» ёки «Ибратсўз» (пассив) кузатувчининг шунчаки эътирофлари эмас, балки иштирокчининг жонли мулоҳазалари сифатида қабул қилиниши жоиз. Эс-селардаги тароват ўзига хослик ҳам шу нуқталарда яққолроқ кўзга ташланади. Агар уларни ўқиб чиққач, ҳеч курса: «Шундай нарсалар ҳам керак» тарзидаги эътироф уйғонса, уринишларимиз беҳуда кетмаганидан тасалли топган бўлардик.

## ТУРГЕНЕВ ТУРТКИСИ

### Эссе

*Фикр тошни ёрап.  
Ҳикматли сүз*

*Публицистика поэзия эмас, бироқ  
у поэзиядан баланд бўла олади.*  
И. С. Тургенев

Бир замонлар мафкура полигони сифатида Адабиёт буғдойзорга айлантирилгани рост. Агар хўжайиннинг ноғорасига ўйнасанг ва унинг қўшигини кўйласанг, бу ризқ-рўз хирмонидан истаганча баҳраманд бўлишинг мумкин. Гўё чаман-гулзорга мўлжалланган майдонга дон экилган ва бу худуд бор-йўғи тирикчилик манбаига айлантирилган эди.

«Адабиёт инсоншуносликдир» деган эди улуғ ёзувчилардан бўлган Максим Горький. Аслида унинг замонида инсон адабиётшуносликнинг тажриба майдонига айлантирилди ва олиймақом хужжатларда белгилаб қўйилган янги, тарихда ҳали кўрилмаган (коммунист) инсонни, унинг уюшган жамоаси – (совет) халқини яратишга бел боғланди. Мазкур тафаккурга қўра, табиатнинг ҳали кашф этилмаган мўъжизаси, ҳатто Яратганнинг ўзи ҳам баъзан таассуф билдирган бўйсунмас қувват – инсон улар истагандек фикрлаши, яشاши ва ... ўлиши лозим эди. Мана, моҳият! Ана шундай шароитда буюртма адабиёт вужудга келди. Унинг тамойиллари адабиётчилар эмас (афсуски!), сиёсатчилар томонидан белгилаб берилди. Бу

тамойилнинг амал қилиш қоидаларининг сони, ҳатто қўрадаги қўйдек аниқ эди: бешта! Жумладан: бош қаҳрамон, албатта, коммунист бўлади; асарда эскилилк (яъни, шўро тартибларигача эришилган жами қадриятлар)ка қарши янгилик (моҳияти материалистик қараш бўлган ғоя) ўртасидаги кураш кўрсатилади ва бу муҳорабада янгилик эскилилк устидан ғалабага эришади ва ҳоказо.

Бундай адабиёт яшаб кета олмади, аввало, тузумнинг ўзи фаторот топди. Кейин у адабиётни орзу ҳам қилишмади. Табиий, халқ бадиий даҳоси гувлаб турар, қолаверса, замон қаҳрамонларини кашф этиш қун тартибидаги доимий орзу эди. Қалам тутганлар, ўзларини шу улкан хазинанинг вориси деб билганлар йўллар излай бошлади. Баногоҳ, дунё саҳнида бу чўққининг боқий даҳолари ўз буюклиги билан муҳокамаларда ҳаммани лол қилиб турарди. Уларнинг жозибаси кўпчиликни мафтун этди ва уларга эргашиб, ижод қила бошлишди. Жонли ҳаёт воқеалари рамзий тимсолларга ўралиб, аллегорияларнинг мубҳам оламида фақат ўзбекча исмларгина чайқалиб, қаламга олинган мавзуларни ҳис қилиш, идрок этиш ва ниҳоят, тушуниш (кабул қилиш) учун жиддий, ҳатто академик илм керак бўладиган битиклар пайдо бўлди. Ўша айёмларда «Шеърингизни тушунтириб беринг» деган заифгина изтироблар эшитилиб қолгани ҳам бор гап.

Адабиёт илми одамлари бу изланишларни сюрреализм, суперреализм, модернизм, постмодернизм ва яна бошқа бурама сўзлар билан атаб, уларни баҳолашга киришиб кетдилар. Бу уринишлар, умуман, ижобий баҳоланди, адабиётимиз жаҳон билан бўйлашаяпти, тарзида жар солинди. Балки шундайдир, аммо бир далил ҳақиқатки, на «Гений» (Теодор Драйзер), на «Анна Каренина» (Лев Толстой), на «Ўткан кунлар» (Абдулла Қодирий) даражасидаги асарлар яратилди, ҳатто уларнинг руҳи ҳис ҳам этилмади. Бу ҳолни ҳам

оқлаш мумкин эди: буюк кашфиётлар, айниқса, бади-ий кашфиётлар юз йиллар давомида яратилади. Бу хулосани тан олиб, бошқа бир ҳақиқатни ҳам эътироф этиш керак бўлади: тақлид ҳеч қачон аслият бўла олмайди. Кейинги йиллардаги уринишларнинг бари тақлид эди ва дастлаб экспримент тариқасида (гўё лаборатория шароитида) эришилган натижаларни такрорлаш, шу усулда нодир асарлар яратиш амри маҳол. Яна, бошқа ижтимоий муҳит (тарих, маданият, менталитет) ва ўқувчилар оммаси шароитида ўзгача ахлоқ эгаси бўлган одамлар қалб гўзалликларини акс эттиришга яраган радикал усул билан консервативликка таянган миллий тафаккурни «ёриб» кириш мумкин эмас эди.

Агар адабиётнинг ижтимоий илдизлари заиф бўлса, чуқур кетмаган бўлса, шу куннинг нафаси, ҳарорати сезилиб турмаса, у хаёлий ёки аллегорик эртак мисоли санъат бўлиб қолаверади. Адабиётнинг, жонли сўзнинг кучи эса ижтимоий ҳаётга таъсир этишида. Жамият кўзлаган манзилларни тафаккур, жумладан, бадиий тафаккур ўн қадам, юз қадам олдиндан ёритиб тургандагина бу хазинанинг қадри ва обруси баланд бўлганини ҳозиргача кечган одамзод тарихи тажрибаси тасдиқлаб турибди. Демак, адабиётнинг жони замонавийлиқда.

Халқ тақдиридаги буюк ўзгаришлар барча соҳани қайтадан тафтиш қилиб чиқиши талаб этади. Янги йўл излаш эса тўхтамайди. Тақлид бекорга пайдо бўлмайди. Негаки, ана шу изланишлар жараёнида тайёр намуналар ўзига чорлаб туради. Бундай пайтда кечмиш тарихдаги зиддиятлар, баъзи қўнгил хиаликлар, олди-бердидаги чалкашликлар сингари майда тирикчилик гиналари хаёлга ҳам келмайди. Негаки, асил, нодир қадриятлар майда иззатталабликларни гина эмас, тарих тўфонлари ўборларини ҳам писанд қилмай, ўзига мафтун этаверади. Қолаверса, кундани

ёриш керак, катта муҳрали болта эса құшнида бор. Үйни иситиши мажбурияты ички араз бўлса ҳам қўшнига мурожаат қилишга мажбур қиласди-да. Бунинг нимаси ёмон. Қолаверса, ўз олдига буюк мақсадлар қўйган, дунёга чиқишига дадил интилаётган миллат учун умуминсоният маънавий хазинасиға мурожаат қилиш фарзи айнадир. Оламшумул қадриятлар эса тил, миллат танламайди.

Ўз қобигида ўралиб қолиш маҳдудликка (чекланышга) олиб келар экан. Гаплар – маҳаллий, фикрлаш тарзи бир хил: олайлик, «фақат ёруғ нарсалар» ҳақида, яъни мақтов руҳида. Бундай шароитда одамлар майдалашиб (бачканалашиб) кетар экан. Энг катта дард эса жимжимадор кошона қуриш ёки қимматбаҳо хориж машинасини харид қилиш ташвиши; энг жиддий муҳокама эса маъракада қанча одамни таклиф қилиш ёки қозонга қанча гурунч бостириш мунозараси қабилида. Шу даражага тушган қавм «охур»дан бош кўтара олмаслиги, бурнидан нарини кўролмаслиги тайин.

Ери туташ бўлмаса-да, тақдирида кўп умумийликлар бўлган рус халқи билан кўп соҳаларда алоқалар азалдан давом этиб келган. Ким кимга «ошириб қўйган», кечаги кунларда нима бўлган – булар бутунлай бошқа масала. Қолаверса, Адабиётдек умуминсоний қадрият учун бундай чегаралар писанд эмас.

Маълумки, тил – маънавият қурули, тафаккурнинг воқеъ бўлиш воситаси. Неча юз йиллар давомида кўплаб олиму фузало учун бағрикенг майдон бўлиб келган рус тилида барча соҳаларда жуда улкан маданий бойлик яратилди. Турли миллат ва эътиқодга эга бўлган тафаккур аҳлини рус тили бағрикенглик билан ўз қучоғида жам қила олди. Муаллифлар қайси миллат ёки эътиқодга эга бўлмасинлар, улар рус тилида иншо этади – ижод қиласдими, демак, у рус олими ёки ёзувчиси, деб қаралди. Таъбир жоиз бўлса, рус тили бу миллатни буюк қаҳрамонликлардан, оламшумул кашфиётлар-

дан-у, бекиёс тараққиётдан, инсоният тарихида турли даражада из қолдирган даҳолардан ҳам кўп эъзозлади, булардан ҳам кўп обрў ва эътибор келтирди. Агар гап рус адабиёти ҳақида кетар экан, таниқли шоир ёки ёзувчилар қаторида дунёнинг ўнлаб миллати вакилларини кўриш мумкин. Рус халқи уларни ифтихор билан «Бизники!» дейди. Мана, бағрикенглик, буюклик!

\* \* \*

Иван Сергеевич Тургенев – буюк сўз санъаткори-нинг ҳаётини яхлит кўз олдимиизга келтирсак, унинг фаолияти худди саккиз қиррали юлдуз каби ўз даври-нинг маданий муҳитини туташтириб турганига гувоҳ бўламиз. У Россияда ижтимоий тафаккур ўз тараққи-ётида шаклланиш даврини бошидан кечириб, тўли-шаётган ва катта тезланиш олишга ростланаётган даврда яшаб ижод қилди.

Россия тарихида мислсиз из қолдирган Пётр I нинг ислоҳотларидан сўнг мамлакатда буюк кўтарилиш юзага келди. Ана шу пўртананинг акс-садоси ўлароқ тафаккур майдонида Михаил Ломоносов пайдо бўлди. «Адабиётимиз Ломоносовдан бошланади, – деб ёзади Белинский, – у адабиётимизнинг отаси ва мураббийси, адабиётимизнинг буюк Пётри эди». Ўз пайтида ватанпарварлик ва миллатсеварлик туйғуларининг ифодаси сифатида Ломоносов шундай деган экан: «Одатда, испан тилида руҳонийлар билан, инглиз тилида дўстлар билан, француз тилида аёллар билан, немис тилида душманлар билан сўзлашиб лозим, дейишади. Рус тилида эса ҳамма билан баравар мулоқот қилиш мумкин, чунки бу тилда испан тилининг малоҳати, инглиз тилининг нафосати, француз тилининг назокати, немис тилининг шиддати мужассамлашган».

Миллат камолотининг қалитларидан бири сифатида шу ҳол эътироф этиладики, ҳукмдорларнинг ҳаммаси санъатга, айниқса, адабиётга яқин бўлган.

Кейинчалик ҳам халқ эътироф этган ёзувчи-шоирлар императорнинг доимий эътиборида бўлганини, ҳукмдор уларнинг гапига қулоқ тутганини, маслаҳатларини тинглаганини, ҳатто ҳузурларига борганини кўп учратамиз. Жумладан, шоир Гавриил Державин саройга яқин бўлган. Уни «даврининг чинакам акссадоси бўлган гениал рус шоири», деб аташади. Яна бир бошқа шоир – Василий Жуковский ҳақида «унинг пайдо бўлиши Россияни тонг қолдирди. У ватанимиз Колумби эди» деганлар. Нихоят, Александр Пушкин, Николай Гоголь. Иван Тургенев бу улуғ зотлар билан бақамти учрашган, ҳатто улар ёзувчи таржимаи ҳолида маълум чизгилар қолдиришган.

Унинг умри улуғ Пушкин ва буюк Лев Толстой даврининг оралиғида кечди, у тақдирнинг инояти билан ана шу ибтидо ва интиҳо (рамзий маънода; катта гирдоб ичидаги ўрамага ўхшаш)ни боғлаб турувчи кўприк аъмолига эришди. Тургенев қолдирган мероснинг кўлами ўз даврида ҳам, бугунги кун тарозисига қўйганда ҳам улкан салмоқ касб этади. Тургенев адабиётни халқ ҳаёти қобиқлари билан тўйинтирган (аслида, Россия ҳаётининг ички, пардозланмаган жайдари муҳитини адабиётга олиб кирган), Гоголдан бошланган халқчилликни маромига етказган буюк ёзувчи. Иккинчи муҳим қирра эса, тўла ҳуқуқ билан айтиш мумкинки, унинг Европа бўйлаб бетизгин кезишлари туфайли рус адабиёти дунёга чиқди – Тургеневни ўз вақтидаёқ миллий маданиятнинг кўхна қитъадаги элчиси сифатида тан олишган.

\*\*\*

Ўз даврида фақат ўзи учун эмас, балки халқи, адабиёти учун янги йўл ахтариб, тинимсиз чарх урган, саъй-ҳаракатлари давомида инсон кечириши мумкин бўлган турли ҳолатлар: яккаланиб қолиш, мусоффирлик, ўзаро тушунмовчиликлар туфайли аразлашлар, таҳқиқ ҳамда тазииклар, шу тариқатда ва албатта,

севги-муҳаббат можароларини кечирган, руҳий изти-  
робларини асарларида ҳам чуқур дард, ҳам самимий-  
лик билан ифодалаган, окибатда, инсоний түйғулар-  
нинг сўз орқали гўзал куйчиларидан бирига айланган  
Иван Тургеневнинг ҳаёт ва ижод йўли нақадар жози-  
бали. Шубҳасиз, унинг таржимаи ҳолида янги босқич-  
га кўтарилиш азми-шижоатида бўлган халқининг  
кайфияти, руҳонияти қуюқ акс этган.

Тургенев саҳро баҳодирларига ўхшаган йирик одам  
бўлган. Уни ардоқлаб «Спасск Гарпагони» (Мольер-  
нинг «Хасис» комедияси (1668) асосий қаҳрамони) деб  
аташган. Лев Толстойнинг ўғли Сергейнинг хотирала-  
рида дарж этилганки: «Мен Тургеневнинг бўйи баланд  
эzkанини эшитгандим, курганимда эса кутганимдан  
ҳам зиёда бўлиб чиқди. У менга мулоим нигоҳлари  
билан боқиб турган, қизил юзли, яхши таралган қалин  
оқ, ҳатто сарғиш сочли паҳлавондек туюлди. Отам гар-  
чи бўйи ўртадан юқори бўлса-да, унинг олдида кички-  
на бўлиб қолди. Муомалаларидан сезилардики, Иван  
Сергеевичнинг ёши улуғ, отам унга босиқлик, қизиқиш  
ва ҳурмат билан, Тургенев эса жўшиқинлигига қарамай  
биroz эҳтиёт бўлиб муомала қилишарди».

Бу манзара Тургенев 50 ёшга тўлганда намоён  
бўлган, бунгача икки муҳтарам зот ўртасида кўплаб  
сир-савдолар кечганди.

Тургеневнинг саҳро баҳодирларига ўхшashi беҳу-  
да эмас эди. У насл-насаби ва келиб чиқишига кўра  
туркий қавмларнинг вакили эди. (У ўзининг томир-  
лари билан фахрланиб юрган; Бадендаги вилласини  
сотишга тўғри келганда пинагини бузмай, «Мен учун  
уй-жой ҳеч нарса эмас, чунки томиримда кўчманчи-  
лар қони оқади, уларга ўтов ҳам бошпана» деган экан.  
Гончаров эса уни кўриб, «Дарё бўйлаб кезади чечен»  
сингари мисраларни тўқиган).

1440 йилда Олтин Ўрдадан ўрта даражали амал-  
дорлардан бири мирзо Арслон Турғун (мурза Лев Тур-

ген) улуғ князь Василий Васильевич хузурига келиб, рус фақиригини қабул қилганини билдиради ва ўзига қўнимжой сўрайди. Князь унга Иван деган русча исм ва Калуга губерниясидан ер беради. Шундан сўнг Тургеневлар Русь тартибларини қабул қилишади ва ўрта тоифали дворянлар қаторидан ўрин эгаллашади. Тургеневлар сулоласининг кўплаб вакиллари Россия тарихида ўз мавқеига эга бўлишади. Айниқса, уларнинг кўпчилиги «давлат полки» – ҳарбий кучларнинг олий табақасида нуфузли мавқеда бўлади. Яков эса Пётр I саройида масхарарабоз ҳамда боярларнинг соқолини оладиган (бу юмуш ўшандада давлат аҳамиятига эга бўлган) сартарош ҳам бўлган, бошқа бир қариндошлари – бобокалони Роман Семенович Нарва юришида қатнашгэн, Полтава жангидага ярадор бўлиб, подшонинг назарига тушган экан.

Иван Сергеевичга эса бошқа тақдир насиб этди. Бу борада унинг она томон авлоди (гарчи улар давлат бошқаруви ёки ҳарбий соҳада жиҳдий ютуққа эришмаган ва рус йилномаларида бу сулола номи қайд этилмаган бўлса-да) муҳим ўрин эгаллади. Қолаверса, ёзувчи Тургеневнинг таржимаи ҳолида онаси Варвара Петровна Лутовинованинг ўрни бўлакча.

Орлов губерниясининг чўлолди унумдор ерларида Чаплигин ўрмони, унда Спасск боғи ёйилиб ётар, унинг бағрида дворянлар авлодидан бўлган Лутовиновлар умргузаронлик қилишарди. Уч ўғил ва беш қизнинг отаси Иван Андреевич Лутовиновнинг кенжаси Пётр Екатерина Ивановна Лавровага уйланади ва ягона фарзанди туғилишидан иккى ой олдин вафот этади.

Ўғилларнинг қолган иккаласи ёлғиз ўтишади, бироқ иккинчи ўғил Иван Иванович яхши маълумот олади, Пажлар корпусида машҳур файласуф А. Н. Радишчев билан бирга хизмат қиласди. У француз, лотин тилларини ўрганганди, анча маърифатли бўлиши билан

бирга ота мулкида катта боғ ва уй-жой яратади. Ота вафотидан сўнг туғилган қиз (ёзувчимизнинг бўла-жак онаси) кейинчалик ана шу мулкка ягона қонуний меросхўр деб топилади (буни ўша замон судлари қо-нун йўли билан барҳақ қилишади, ҳолбуки, мулкка даъвогарлар кўп бўлган) ва кутилмагандага катта бой-ликка эга бўлади. Етим қолиб, турмуш зарбаларига учраган (онаси бошқа эрга теккан, Варвара у муҳитда доимий хўрлаш ва камситиш шароитида яшаган) қиз анча пишиқ-пухта, қолаверса, шафқатсиз бўлиб тар-бияланган эди. У бир муддат Ватан уруши ярадорла-рига кўнгилли бўлиб шафқат ҳамшираси (!) сифатида ёрдам ҳам кўрсатади. Катта мулкка эга бўлгач эса уни қаттиққўллик билан бошқаради. Ҳатто бошқарувда император аёллардек тутумни йўлга қўяди (хизма-тидаги амалдорларини «министрлар» деб атар экан). Ҳамма нарса кўнгилдагидек эди-ю, фақат Варвара-нинг ёши ўтиб бораётган, у бўлажак шаҳзоданинг оқ отда келишини интизорлик билан кутиб тонгларни оттираётган эди.

1815 йил Орёлга отлиқлар полки кўчирилган эди. Тезда ҳарбий мақсадларда от сотиб олиш учун сафар-бар этилган ремонтёрлар сафида Спасскка йигирма икки ёшли навқирон, хушрўй поручик Сергей Нико-лаевич Тургенев келиб қолади. Бу жойларнинг танҳо бекаси Варвара Петровна тақдир унга мўъжизани дуч қилганини дарҳол сезиб (кўзи анча пишиб қолган-да), гарчи ўзидан олти ёш кичик бўлса ҳам, поручик атро-фида парвона бўлади, бу омадни қўлдан чиқармаслик-ка тиришади. Бутун санъатини ишга солиб, муомала қиласи, мулкини кўрсатиб, меҳмоннинг кўнглини ов-лайди ва яна келишига ваъдасини олиб жўнатади. Бу пайтда Тургеневларнинг моддий аҳволи яхши эмас, воқеадан хабар топган отаси «Лутовиновага уйлан, уйлан, бўлмаса, рўзғоримиз тўзиб, гадойнинг ҳоли-га тушамиз» деб астойдил қистайди. Шундай қилиб,

1816 йил 14 январь куни түй маросимлари бўлиб ўтади. Бу никоҳдан уч ўғил фарзанд туғилади. Биз учун қадрдон ўртанча ўғил Иван 1818 йил 28 октябрь, душанба куни кундуз соат 12 да дунё юзини кўрган экан. Бу ҳақда Варвара Петровна уй дафтарига аниқ-тиник ёзиб қўйган эди.

Варвара Петровна ва Сергей Николаевичнинг нижоҳини икки тиниқ чашманинг қўшилишига қиёслаш мумкин. Зеро, асил насллар тоза палакларда туп ёзади. Бу ҳолни минг йиллик ҳаётий тажрибалар исботлаган. Бизнинг турмуш тарзимизда ҳам мазкур ақида-га қатъий амал қилинади. Инсон қавмини тенглаштириб, ягона миллат яратишга уринишлар бўлган шўро тартиблари даврида хира тортган бундай қадриятлар энди яна турмушимиздан мустаҳкам ўрин эгалла-моқда, бўлажақ қудалар бир-бирининг насл-насабини суриштириши оддий таомилдаги ҳол бўлиб қолди.

Ўшанда, бундан икки юз йил олдин Спасскдаги черковда никоҳ маросимига гувоҳ бўлганларда ҳам шундай туйғу бўлгани шубҳасиз: Тургеневлар ҳам, Лутовинлар ҳам ўз насл-насаби жиҳатидан эътироф этилган оиласлар эди. Бу тантаналарнинг бошқаларга ўхшамаган яна бир жиҳати бор эди: амалда бўлган тартибларга зид равишда түй куёвникида эмас, келиннинг мулкида бўлаётганди. Мазкур вазиятни келинойимнинг ҳаддан ташқари иштиёқи баландлиги ва куёвхонтўранинг моддий имкониятлари пастлиги билан изоҳлаш мумкин. Кейинчалик ҳам табиатан шаддод, биринчиликка мойил Варвара Петровна мавқеини кўлдан бермайди, ичкуёв унга қулоқ тутишга мажбур, мулқда эса аёлнинг хоҳиши қонун.

Каттагина ер-мулкка, икки юз нафарга яқин жон боши (крепостной деҳқонлар)га эга бўлган бу оиласнинг ички тартиблари XIX аср рус ҳаётининг узвий қисми эди. Аср бошларида Наполеон қўмондонлигидаги француз армиясининг бостириб келиши гўё

үйқудаги рус айғини уйғотиб юборган (миллий зиёлилар бу қонли урушни Россия тараққиётини юз йилларга тезлаштирган зарб, деб баҳолашади), мамлакатда бекиёс, олдин күрилмаган күтарилишни юзага келтирганди. Айникса, мавжуд тартиблар – зулм ва шафқатсизликка қарши (бундай муносабат ахолининг кескин табақаланишига олиб боради: жорий этилган тартиблардан манфаатдор гурух бекиёс имтиёзларга эга бўладилар ва бойиб кетадилар; қарши тараф эса қашшоқликка маҳкум этиладилар) оддий халқ манфаатларини қўзлаб (жамиятда муросаю мадора муҳити ҳукмронлик қилса, имтиёзлар бекор бўлади ва нисбатан тенглик ҳукм суради; бу ҳол ахолининг барча табақаси, жумладан, қашшоқ халқ манфаатларига ҳам мос келади) бой табақалардан чиққан йигитларнинг 1825 йил 14 декабрдаги исёни бутун дунёни ларзага келтирган, ер юзидағи афкор омма бу күтарилиш туфайли рус халқига муносабатини яхши томонга ўзгартириб, айрича синовчанлик билан қараётган эди.

Европада ярим ёввойилар, варварлар сингари тавқилаънат билан яшаётган рус жамияти муҳитида эркин ижтимоий фикрнинг туғилиши, уни амалда томир отиб, ҳаракат сифатида майдонга чиқиши кибор Европа ва ундан узоқлардаги ҳашаматли саройлар тинчини бузган, уларни азим Россия билан ҳисоблашишга мажбур қилганди. Декабристлар қўзғолонидан кейин мамлакатда шафқатсиз сиёsat кучайганилиги, исённи қонга ботирган император Николай I бир-биридан аёвсиз кўплаб декретлар қабул қилгани ҳам бор гап. Бундан деҳқонларнинг аҳволи баттар ёмонлашган, улар бутунлай «қалъаларга тамбаланган» (крепостной) эди. Инчунун, Варвара Петровна ҳам ўз йўриғида иш тутар, унинг қўл остидагиларга муносабати аёвсиз, шафқатсиз эди.

\*\*\*

Шундай воқеа рўй берганди. Варвара Петровна чеккадаги ерларидан хабар олишга жўнайди ва аравага зарур нарсалар қаторида сув қўшилган мусаллас ҳам жойлашни амр этади. Хизматкорлар бошқа ташвишлар билан бўлиб, бу юмушни унутиб қўядилар. Йўлга тушишдан олдин бундан хабар топган Варвара Петровна жуда дарғазаб бўлади. Юмуш топширилган казак бола Павлуша қочиб, уйга яширинади. Фазаби жунбишга келган бойвучча «Ярамасни судраб чиқинглар!» деб бақиради. Бу гап қулоғига етган Павлуша кутиб турган жазодан қўрқиб, осиғлик турган милтиқни олади-да, ўзини отади. Ўқ овозини эшитган хонимга қандайдир овчи қушларга ўқ бўшатди, деб айтадилар ва алдаб-сулдаб жўнатадилар. Сафардан қайтгач эса Павлуша касалланиб ўлганини маълум қилишади. Бунга Варвара Петровна пинагини ҳам бузмайди.

Кейинчалик ов қилиб юрган чоқларда ҳордиқ пайтлари Николай тоғашуларни сўзлаб берганда Иван Сергеевич Павлушкинг тақдиридан таъсиrlаниб, онаси наҳотки унинг ўлимида ғайритабиий бир ҳол юз бергани билан қизиқмаганидан чуқур афсусланган эди. Ўшанда онасига битта нонхўрнинг камайгани маъқул келгандир, ўғил эса бутунлай бошқа рухда тарбия топган, унда оддий одамларга нисбатан чексиз ҳурмат ҳислари кучли эди ва катта ҳаёт майдонига чиққач, умрининг бош мақсадларидан бири крепостной тартибларига қарши курашиб бўлди ва Россияда бу шафқатсизликнинг бекор қилинишида жуда катта кўшиш кўрсатди.

И.С. Тургенев шахсиятидаги юксаклик унинг болалик чоғларидан нишон берганлигини тасдиқловчи кўплаб далиллар ёзиб қолдирилган. Унинг гўдаклиги даноқ шириントйлиги, кулгили қиликлари ҳаммага ёқса-да, тўғрисуёзлиги, қолаверса, бетгачопарлиги Варвара

Петровнани ноқулай ҳолатларга тушириб қўйган чоқлар кўп бўлган. Бир сафар уларникига теварак-атрофда эътиборли княгинялардан бири меҳмонга келди. Унинг ёши ўтиб қолган, кўриниши ҳаддан ташқари оҳанжама, пардоз-андозга зўр берганди. Унга чуқур ҳурмат кўрсатилди, болаларга таништирилди. Коля ва Серёжа мўмин-қобиллик билан бош эгишди, хонимнинг қўлини кўзларига суртишди. Ваня эса меҳмонга узоқ тикилиб қолди, ранги ўчди ва бирдан томдан тараша тушгандек ҳаммага эшитарли қилиб шундай деди: «Сиз маймунга ўхтайсиз!» Онаси бўлганича бўлди.

Ёки оиланинг яқин дўстларидан масалчи шоир Иван Иванович Дмитриев ташриф буюради. Обрули меҳмоннинг ҳурмати учун 3-4 ёшларда бўлган Ваничкани таклиф қилиб, масаллардан ёддан ўқиб беришини сўрашади. Болакай уйнинг ўртасида туриб олиб, баланд товушда шеърни ўқииди. Бундан кекса шоир жуда таъсирланади. Бола эса ялтоқланиб меҳмонга яқинлашади, унга тикилиб, «Сизнинг масалларингиз яхши, аммо Иван Андреевич Криловники жуда яхши», дейди.

Бола бундай тўғриликка туғма равишда мойилга ўхшарди, унинг бошқача бўла олмаслиги маълумдек эди. Ҳа, шундай ҳам бўлиб қолди. Ёзувчи Иван Сергеевич Тургенев жаҳон адабиёти тарихида ҳақиқатни гапирган (ёзган), уни ҳимоя қилган, у учун курашган буюк қаламкашлар рўйхатида мангу қолди. Зотан, ҳар қандай шароитда адолат тарафида бўлиш, бор гапни кўрқмай айти олиш ҳам нодир хислат ҳисобланар экан. Ҳамма ҳам тўғри гапни борича сўзлай олмайди, бу хислат одамнинг тарбиясига боғлиқми ёки табиий фазилатми – бир нарса дейиш қийин. Ахир салобатли одамлар арзимаган манфаат учун фирт ёлғон гапириб турганини ёки чин гапни айтиш лозим бўлганда тил чайнаб қолганини кўп кўрганмиз. Ҳар ҳолда «Гар қилич бошимга ҳам келса дегаймен ростин» – бу инсонни безайдиган маънавий юксаклик!

У тўрт ёшга қадам қўйганда оила биринчи марта ўз транспортлари – от қўшилган фургонларида хориж сафарига чиқадилар. Бунгача отаси полковник унвонида ҳарбий хизматдан бўшаган, Орёлдаги уй-жойларидан бутунлай Спасск-Лутовиновога кўчиб ўтишган эди. Сафарда кейинчалик Лев Толстойнинг қайнотаси – Софья Андреевнанинг отаси Андрей Евстафьевич Берс ҳам шифокор сифатида бирга эди. Йўл Берлин, Дрезден, Карлсбад, Цюрих, Берн орқали Париж сингари Европанинг машҳур тарихий шаҳарлари бўйлаб ўтади. Агар Берндаги ҳайвонот боғида рўй берган ҳаяжонли воқеани ҳисобга олмагандан (таъсирчан ва қизиқувчан Вания айиқлар ўраси қирғоғига яқин бориб, кулаб кетишига бир баҳя қолганда отаси эпчиллик билан кийимидан тутиб олганди) сафар кўчгили ўтади. Мурғак гўдакларнинг шаффоф онгидаги санъатнинг сеҳру жодулари, шаҳарлар кўрки, табиат гўзалликлари, йўл хотиралари ўчмас бўлиб муҳрланади.

Оқ қоғозга ёзилган биринчи ҳарф ўчмас бўлганидек, киши шахсининг шаклланишида дастлабки хотираларнинг ўрни бўлакча. Баъзи оилаларда гўдакни «Эси йўқ, нимани билади, кўрганини бир зумда унтулади» деб ўйлашади. Ҳолбуки, ҳаётий далиллар ўзи раққоса бўлган, гўдагини каравотда ётқизиб қўйиб, ойна қаршисида яланғоч рақсга тушган онанинг фарзанди улғайгач, урён аёлларга ўч манъяқ бўлиб етишганини тасдиқлайди. Ёки кимгадир бир мусиқа жуда ёқимли, кўнглига яқин бўлиб туюлаверади, ҳатто тайёргарликсиз пианинода уни ижро ҳам этади. Маълум бўладики, у ҳомила пайти онаси аксар шу мусиқани ижро этар экан. Бизда эса мешкопнинг идишини нина санчиб тешиб кетаверган бола ҳақидаги ривоят кенг тарқалган. Демак, боланинг тарбияси билан ҳали у орзу бўлиб турган пайтдан бошлаб шуғулланиш тақозо қилинар экан. Бу масаланинг бир томони. Олимларнинг холосалари бўйича эса иқтидорнинг юзага

чиқиши учун табиий ген ва соғлом турмуш тарзидан иборат муҳит бўлиши лозим экан. Одам табиатан иқтидорли (ген) бўлиши мумкин, бироқ у етарли таъминланмаган шароитга тушса, генлардаги нодир хислатлар юзага чиқмай қолади. Ёки табиатан ўзида (генида) бўлмаган одамни қанча парваришлаб, жаннатий шароит яратиб берганда ҳам ундан бирор ёруғлик чиқмаслиги мумкин. Шундай нуқтаи назарлар билан ёндашганда, Иван Сергеевич Тургеневга ҳавас қилса бўларди. Аммо бу ҳали ҳаммаси эмас, одам ўзини тўлалигича намойиш қилиши учун жуда кўп омиллар зарурки, буни ҳар бир маърифатли одам тасдиқлай олади. Ҳаммаси учун муҳими – асоснинг мавжудлиги эди, бу борада ёзувчининг омади келганди.

Умуман, уларнинг оиласи ўзига тўқ бўлиши билан бирга (кўпроқ она томоннинг ютуғи, ҳиссаси) маърифатга ошно, жамоатчиликка танилган машҳур кишиларга яқин (ота тарафнинг мавқеи тан олинганди) эди. Ана шу икки омилнинг қўшилиши ва бола (Ваня)даги табиий иқтидор Россия тарихида маълум бир йирик шахснинг камолга етишини таъминлаган, деб айтиш мумкин. Демак, оила муҳити ҳавас қилгудек эди. Масалан, шу мактабнинг асосчиси, дастлабки рус романларидан бири «Юрий Милославский»нинг муаллифи М. Н. Загоскин отасининг дўсти бўлган, уларнига тез-тез келиб турган. Роман билан эса немис муаллими Краузенинг пансионатида танишади. Рус халиқининг польяк-литва босқинчиларига қарши 1612 йилги курашини акс эттирган асар халқона ширали тили билан ўкувчини жалб қилган бўлса, Минин, Пожарский сингари халқ йўлбошчиларининг қаҳрамонлиги васфи билан ёшларда ватанпарварлик туйғуларини чўғлантирган эди. Ўша йилларда француз, инглиз, немис маданияти исканжасида бўлган рус зиёлилари ана шундай қаҳрамонномалар таъсирида миллий ғуурлари уйғона бошлаган, улар миллий ўзлигини топиш борасида бирлашаётган эди.

Үқиши йилларида ҳам Тургенев кўплаб таниқли зотлардан сабоқ олиш баҳтига мұяссар бўлган. Москва давлат университетининг илоҳиёт факультетида таҳсил олиб юрган чоқлари учинчи курсда тарих фанидан Н. В. Гоголнинг маъruzalарини тинглаган. Шуниси борки, домлаликда ўз услубига эга бўлган Гоголнинг сабоқлари унга бошқа томондан таъсир этган. Имтиҳонда домла ва талаба бир-бирини тушуммаган, жуда кўп китоб ўқиган Тургенев Ўрта асрлардаги жазо турлари ҳақидаги саволга шунчалик кўп мисоллар келтирганки, уларни на Гоголь, на асистентлик қилаётган ректор Шульгин билар эди. Буёғи қизиқ: баҳо «қониқарсиз» бўлган ва бундай муносабатдан кейин Тургенев ўқув юртини тарқ этган. Шунақаси ҳам бўлиб туради.

Кейинчалик Тургенев катта ёзувчи сифатида танилган пайтида бу икки йирик шахс қайта учрашади, талабалик йиллари эсланганими-йўқми, билмадим, аммо Гоголь «Биз анча олдин учрашишимиз керак эди», деб таассуф билдирган экан. Маълумки, Николай Васильевич Гоголь рус бадиий тафаккурида ўчмас ва ёрқин из қолдирган, ўз вақтида тан олинган машҳур шахс. Беҳудага 1836 йил 19 апрелда Александринский театрида «Ревизор»нинг премьерасига подшоҳ Николай I қатнашмаган.

Худди шундай, Берлин университети фалсафа факультетида ўқиб юрган чоқларида «XIX аср Аристотели» деб шуҳрат қозонган Карл Гумбольдтнинг маъruzalарини тинглайди, меҳмондорчиликларда суҳбатларидан баҳраманд бўлади. Россияда «Ҳақиқий ҳаёт ҳақида оғиз очиш мумкин эмас, бироқ истаганча фалсафа сўқса бўлади» тарзида ақида қарор топган шароитда йирик олимлар, гуманистлар билан суҳбатлар ёш йигит дунёқарашида кенг қамров ва теранликини тарбиялади.

Бўлажак ёзувчининг шахсияти шаклланиши, адабий иқлимини ҳис қилишида Виссарион Белинский би-

лан учрашуви ва кейинги муносабатлари катта роль ўйнайди. Маълумки, Белинский рус бадий тафаккури тарихида катта мавқега эришган ва ҳамон алоҳида ҳурмат билан эсланадиган зот. Гарчи «биронта ҳам хорижий тилни билмаган бўлса-да» (рақиблари уни шундай деб ёзғиришарди) рус маърифати ва ҳалқ ҳаёти билан тўйинган олим ўзидан ёрқин из қолдирди. Бағрикенглик ва фидойилик билан қалам тутган кўплаб ижодкорларга тўғри йўл кўрсатди, улар ижодини беғараз таҳлил ва тарғиб қилиб, бутун бир авлоднинг маънавий устозига айланди. Тадқиқотчилар «Агар Белинский бўлмаганда Пушкинни кашф қилиб бўлмасди» деб очиқ эътироф этишади. Унинг Гоголга ёзган машхур хати эса фан тарихида компасни қандай тўғрилаб олишнинг бир намунаси бўлиб қолган.

Тургенев Белинский билан юзма-юз кўришгандаги 25 ёшда эди. Бунгача у машхур шоир Жуковский билан учрашган, «Современник» журналида юртдоши, йирик олим Тимофей Грановскийнинг ёрдами билан учта шеъри эълон қилинган, поэмалар ёзган, немис классик фалсафаси руҳидаги донишмандлар билан баҳслашган, Фауст (Гётенинг машхур қаҳрамони)нинг бирданига олийжаноб шахсга айланиб қолишидаги сунъий талқинни танқид қилиб, тилга тушган, Берлин университетини тугатган эди. Белинский унинг «Параша» поэмасига юқори баҳо беради. Параша-нинг Фауст, Онегин, Печориндан фарқ қилиб тақдир инъом этган тухфалардан маст бўлиб, ўзини турли кўйларга урадиган романтик қаҳрамон эмас, балки эзилган, хўрланган кишилар (Россияда бундайлар тиқилиб кетган эди)нинг тимсоли эканлигини таъкидлаб, шоир унинг ғам-түссаларини жуда таъсирили ифодалаб, жамоатчиликда қуи табақа вакилларига эътибор ва меҳр-шафқат уйғота олганини мақтайди. Тургеневнинг ўзи сезиб-сезмай қилган хизмати – адабиётни оддий ҳалқ ҳаётига яқинлаштирганини улуғ

мутафаккир ва инсонпарвар табриклайди. «Умуман, у Русни тушунади, – дейди Белинский Тургенев ҳақида. – Унинг барча мулоҳазаларида ҳақиқат ва ҳаққоният кўриниб турибди. У ҳар қандай мавхумликнинг душмани. Шунинг учун унга қуллуқ қиласман». Тургенев эса «Менга фақат куч-қувватга тўлиб тошган ташаббускор зотлар таъсир қила олган. Белинский шу тоифага мансубдир» дея ўз маслақдошига муносабатини билдирган экан. Кейинчалик «Белинский ҳақида хотиралар»ни ёзди, унда замондошини бадиий тафаккур тадрижида марказий шахс, йўлбошчи, ўз даврининг биринчи кишиларидан, деб улуғлади.

Ўзларига миллат, ватан тақдирига дахлдорлик туйғусини юқтириб олган бу икки зиёлининг инсоний муносабатлари самарали давом этди. Белинский учун барча масалаларда Тургенев тенги топилмас сухбатдош эди. Берлиндан яқинда қайтган собиқ талаба Оллоҳнинг мавжудлиги ва мангулик масалаларида кечалари уйқуси қочиб юрган олимнинг кўплаб саволларига машҳур файласуф Фейербах таълимотидан келиб чиқиб, жўяли жавоблар қайтарар, салмоқли хулосалар янги талқинларга уфқ очар, сухбатлар эса қизигандан қизирди. «Белинскийнинг хотини эрига ва менга ялиниб, бироз тин олишимизни сўрап ёки врачнинг қоғозини эслатиб қўярди, – деб эслайди Тургенев. – Белинский эса бироз зарда билан менга «Биз ҳали Худонинг мавжудлиги ҳақида бир тўхтамга келмадик. Сиз овқатланишни хоҳлайсизми?» деб қўярди».

Албатта, бу сухбатларнинг бош мавзуси абадийлик фонида Россиянинг кейинги тақдири бўлгани шубҳасиз. Ҳа, буюк келажак буюк тафаккур туфайли туғилади. Олдин хаёл – кейин амал. Моддий (табиий) бойликлари мўл-кўл мамлакатлар эмас, тафаккури юксалган мамлакатлар инсониятни бошқарган. Ўша дамларда Россиянинг келажаги ҳақида икки хил қараш мавжуд эди. Farbchilar тараққиёт андозасини

Европадан ва ундан наридан олиш кераклигини уқтиришса, славянпаратлар ватанлари келажагини қадимий славян маданияти унсурларида, деб билишар, ҳатто Пётр I ни миллий тартибларга заха етказгандықда айблашарди. Давраларда бу икки оқим тарафдорлари муросасиз курашар, ҳар ким ўз фикрида ҳақ эди. Бу борада Белинский ва Тургенев ҳамфир чиқиб қолишади. «Белинский Буюк Пётр кўрсатган йўлдан бошқа нажот йўқлигига қатъий ишонарди, – деб қайд этган Тургенев, – у Ғарб тажрибасини фақат қулларча, кўр-кўронга эмас, хусусиятларни, тарихни, ҳатто иқлимни ҳисобга олиб қўллаш тарафдори эди. Ҳа, у Россияни севарди; шунингдек, у оташин эҳтирос билан маърифат ва эркинликни севарди: ўзи учун энг олий қадрият бўлган ана шу икки нарсани ягона воқеликда кўришни хоҳларди – мана, унинг ҳаётининг мазмуни нимадан иборат эди, мана, у бутун умри давомида нимага интилган эди». Кейинчалик ҳам уларнинг дўстлиги самарали давом этди, мутафаккир танқидчи Тургенев ижодини муттасил кузатиб, ўз баҳосини бериб борди. Тургенев таржимаи ҳолида ёрқин из қолдирган буюк шахслар кўп бўлган. Шулардан бири В.Г. Белинский эди.

\*\*\*

Тургеневни юзаки таниғанлар уни овчи-ёзувчи деб билишади. Бу бекиз эмас. Аввало, ов, шоҳона ов (царская охота) рус киборлари жамиятида алоҳида урфга айланганини таъкидлаш керак. Фақат Тургенев ёки Николай Некрасов сингари адиллар эмас, ҳар қандай рус кишиси овга чиқиши, она табиат билан учрашишни хумор қилганлар, ов, овчилик улар ҳаёти (ҳатто, нурсиз ҳаёти)ни безаб турган машғулот бўлган. Тургеневнинг турмуш тарзида эса бу ҳол ҳар жиҳатдан унинг қиёфасини белгилашда муҳим чизги бўлиб қолди. У шу заминнинг фарзанди сифатида

табиат гүзаллигини, унинг сир-синоатларини ва сна табиат фалсафаси (денишмандлыги)ни ов воситасида кашф этди, ов туфайли оддий одамлар ҳётига жуда яқинлашди, ер юзида қушлар, ҳайвонлар ва одамзот вобасталигида тирикликтинг моҳиятини теранроқ ҳис этди. Ов унинг учун ўзига хос дорулғунун, ҳатто ундан ҳам юксакроқ мавқе касб этди. Буюк ёзувчи-нинг арсенали (хазинаси)да ана шундай ёмби ҳам бор эди. Унинг асарларидағи латофат, тиниқ ва равонifo-да, қаҳрамонларининг қалб гүзалликлари ов кўмаги-да табиатдан олинган тоза унсурлар, шунинг учун ҳам улар бетакрор ва фақат Тургеневга хос.

Табиатга ошуфталиқ ҳали унинг гўдаклик пайти-даноқ руҳига сингиган эди. Маълумки, Тургеневнинг она томонидан бобоси Пётрнинг акаси Иван Лутови-нов яхшигина маълумот олган, бир неча тилларни билган, бой шахсий кутубхона ташкил қилган. Уй-ланмай ўтган бу сдам ҳарбий хизматни ҳам эрта тарк этиб, бутун кучи, меҳрини боғбонликка бағишилаган, қишлоғида улкан боғ барпо қилганди. Қаровсиз қир бағрида кўкка бўй чўзиб турган арғувон, болут, эман, заранг, шумтол сингари улкан дараҳтлар пойида ма-йин шивирлаб турадиган арча, қарағай, қора қарағай сингари нинабаргилардан иборат фусункор боғ бу-тун худуднинг кўрки эди. Иван Иванович уларнинг кўчатини нарироқдаги қадимий боғ майдонидан кўчириб келтирган, қарийб икки тонна келадиган ниҳолларни бир неча от қўшилган аравалар пиш-наб, аранг тортиб келгани дәхқонларнинг ваҳимали суҳбатларига мавзу бўлганди. Уларнинг боғбони бор ғайратини, санъятини сарфлаб, шундай парваришла-ган эдики, боғ чинакам мўъжизага ўхшар, ҳар қандай лоқайд одамни ҳам бепарво қолдирмасди. Ёзувчи-нинг болалиги ана шу яшил дўстлар бағрида кечди, йиллар ўтиб, дараҳтлар яна ҳам улғайган, уларнинг шохи осмон билан бўйлашиб, киши қалбига ўзгача

сурур ва юксаклик бахш этарди. Арғувонларнинг қораси узоқ-узоқлардан ҳам кўзга ташланиб туради. Бир йил баҳорда улкан арчалардан бири бўрондан қулаб тушди ва унинг тарвақайлаган шохлари болалар учун севимли арғимчиоққа айланди. Яна боғ ва дараҳтлар, улар қуршовида кезиб юрувчи алвости-жинлар билан боғлиқ ваҳимали ҳикоялар болалар ўй-фикрини мавхум ёқларга олиб кетар, мурғак хаёлларида олийжаноблик, мардлик, ёвузлик суратларини жонлантириб, тасаввурларини кенгайтира, ёмонликка нафрат, эзгуликка муҳаббат ҳисларини тарбияларди. Одам ҳаёти давомида кўплаб яхши-ёмон хотираларга эга бўлади, иссиқ-совуқни кечиради, аммо болалик эсдаликлари тошга ўйилгандек ўчмас бўлиб қолади. Тургеневнинг табиатга яқинлиги, асарларида бу сирли олами эҳтирос ва эҳтиром билан тасвирилаши ҳам болалик хотиралари билан боғлиқ бўлса, ажаб эмас.

Улғайгач, елкасида ов халтаси, қўлида ўқланган милтиқ, ёнида сергак този ит билан номаълум пучмоқлар сари иштиёқ билан йўл олар экан, бу муҳитда ўзини асло бегона ҳисобламас, адашиб кетишдан, йўл топа олмай қолишдан заррача чўчимас – ўзини ҳеч ҳам бегона ҳисобламас, аксинча, бир қадрдоникига меҳмондорчиликка бораётгандек, болалиги билан хилватда учрашишга кетаётгандек бардам кайфият билан йўлга чиқарди. Гарчи бу кезинишлар унга чексиз завқ берса-да, ўқ бўшатиб, навбатдаги ўлжасини садоқатли тозисидан қабул қилиб, халтасига жойланда ўзгача ҳузур ҳис этса-да, асосийси – бу машғулотлар оддий ҳалқ оламига сафар, улар турмуш тарзи, ўй-хаёллари, феъл-атвори билан танишиш эди. Бундай юзма-юз келишлардан оддий рус кишисининг қалбини яна ҳам теранроқ англар, уларнинг тўпорилиги, соддалиги, самимияти дворянда қизғин меҳр уйғотардики, бу ҳисни бошқачароқ бир шароитда туйиш мумкин бўлмасди. Тургенев овга чиққанда

кўпинча ўзи билан мулкларида хизмат қилиб юрган, ўзига ёқсан очиқкўнгил, меҳрибон кишиларни бирга олиб кетарди. Уларни гапга солиб, ҳикояларини қизиқиш билан тинглар, жониворларнинг товушларини адашмай ажрата олишлари, ўсимликларнинг ҳолатига қараб, об-ҳавонинг келишини бехато айтиб беришлари, турли ирим-сиirimлар билан овнинг бароридан башорат қилишлари сингари ҳалқона қилиқларидан ўзгача донишмандлик сезар, буларнинг барчаси оддий одамларга меҳрини, хурматини алгангалатарди.

Бир сафар ўзи билан Афанасийни олиб кетди. Тарқалиб ов қилишди, тушлик яқинлашгач эса ҳамроҳини излаб топди. Егуликлар унинг ҳалтасида эди.

– Энди қоринларни алдаб олсак бўлади, – деди Тургенев очиқ иштаҳа билан.

– Ҳамма нарсани еб-ичиб қўйдим. Кулчалар ҳам, вино ҳам йўқ, – бепарво жавоб берди Афанасий.

– Э, қизиқ. Сен қандай бунга журъат қилдинг?

– Шундай бўлиб қолди, – пинагини бузмай давом этди содик хизматкор. – Шишанинг оғзини очдим, қўйдим, ичдим, кулчаларни едим. Қарасам, тугаб қолибди.

Крепостной тартиблар тегирмон тошидек айланаб турган замонда ушбу муомалага чидаш мумкинми? Тургенев учун эса бундай ҳолатлар кайфиятни туширишга ҳам арзимайдиган майда гаплар эди. «Овда бундай ҳоллар учраб туради. Афанасий менинг қиёфамда имтиёзли барин (хўжайн)ни эмас, овчини, ўзига ўхшаган одамни кўрган. Мана, нима учун мен овни яхши кўраман: унда эркинлик борлиги учун уни севаман». Эркинлик – гуманист Тургенев бир умр излаган ва интилган бойлик эди. Инсон ўзида Яратган томонидан ато этилган жами қобилияtlарни юзага чиқариши учун у эркин бўлмоғи лозим – азалдан буюк мутафаккирлар интилган ва қарср топтироқчи бўлган улкан ҳаракатларнинг содда ифодаси шу. Эркин-

ликда одам ўзини ўзи топади ва зуваласида йўғрилган эзгуликларни юзага чиқаради.

Катта ҳаётий мактаб ҳисобланган ов Тургенев ижодининг ўқ илдизи, илгарига ҳаракатлантирадиган олдинги ғилдирагига айланди. Кейинчалик «Овчининг мактублари» дея номланган ва муттасил тўлдириб борилган тўпламдаги ҳар бир иншо ёзувчи сифатида унинг ижодий манифести бўлиб қолди. Кейинчалик уларнинг мағзи романларга асос бўлди, тадқиқотларга мавзу берди, ижодий шамойилининг тамал тоши мақомини касб этди. Юксалиш пиллапояларини забт этиб, баланд рутгаларга эришганда ҳам у дастлаб «Овчининг мактублари» муаллифи сифатида тилга олинди, эътироф этилди, эъзозланди.

Муаллиф ўз кечинмаларини қоғозга туширар экан, гарчи уни ҳамма севиб ўқишини, машхур бўлиб кетишини истаса-да, асарининг тақдирини аниқ башорат қила олмайди. Бу борада аксарият тескари ҳолатлар ҳам воқе бўлади, яъни ўқ мўлжалга тегмайди. Баъзан эса кутилмаган жойдан (балки бу Яратганинг иноядидир) муваффақият жамол кўрсатади. «Овчининг мактублари», аниқроғи, унинг биринчи очерки «Хоръ ва Калинич» билан шундай ҳолат юз берди. «Хоръ ва Калинич» янгиланган «Современник» журналининг 1847 йилги январь сонида чоп этилган. Унга одатдаги, ҳатто ундан ҳам қуйироқ савиядаги нарса деб қарашган, майда ҳарфларда, хўжалик, агрономия ва бошқа иккинчи даражали мақолалар ичида кўзга ташланмайдиган жойда эълон қилинган. Унча-бунча одам бир қарашда илғаб олиши қийин бўлган бу битикни ўқувчилар нафақат пайқадилар, балки унга журналнинг биринчи рақамли маҳсулоти сифатида қарадилар, у ҳамманинг тилига тушди, кутилмаганда юқори муваффақият қозонди. Бунинг сири нимада эди?

\*\*\*

«Хоръ ва Калинич»да рус ҳаётига хос бўлган шундай воқеалар ҳикоя қилинади: у Орлов (ёзувчанинг ота юрти) ва Калуга (она юрти) одамларининг феъл-авторини таққослашдан бошланади. Шу қиёсда ватанинг бутун қиёфаси икки қирғоқда икки хил манзара ва умумий яхлитликда намоён бўлгандек. Орлов ҳар жиҳатдан ночор: одамлари ношуд, ўрмони сийрак, уйлари пастак. Калугаликлар эса баланд бўйли, ўзига тўқ, иш билармон, ҳовлилари дарвозали, ов қилиш ҳам ёқимли. Орловда эса дараҳтлар қуриб бораюпти, ботқоқлик. Овчи сифатида ёзувчи калугалик майда помешчик Полутикин билан танишиб қолади ва у қўрғонига бошлаб боришдан олдин ўз мужикларидан Хорнинг қўрасига таклиф қиласди. Хоръ йигирма беш йил олдин унинг мулкидаги ботқоқликни оброк тўлаш шарти билан олган ва шу кунларда уддабуронлиги, ишчанлиги билан бойиб кетиб, бино-йидек яшаётган эди. «У ақлли мужик», дейди хўжайин. Хоръ билан учрашганда у овчидаги яхши таассурот қолдиради. «Унинг қиёфаси менга Сукротни эслатди» деб ёзади Тургенев. Бошқа бир сафар эса Калиничнинг қўрасига дуч келади ва уницида уч-тўрт кун туриб қолади. Бу икки мужик ўзаро ҳамкор, бир-бири билан борди-келди қилиб турадиган оғайнилар эди. Суҳбатлар асносида ўрмон чечакларидек беғубор бу икки одамнинг ички дунёсига теран назар ташлаган ёзувчи уларда миллатининг кўплаб нодир фазилатларини пайқайди, бу чизгиларни асарида муфассал қайд этади. Иложи борича ўзини уларга тенг тутиб муомала қиласди (ахир у кимсан Европани кезиб чиққан, нуфузли университетда таҳсил олган, бунинг устига катта ер эгаси эди-ку), ишончларига киради. Шу туфайли уларнинг суҳбатлари қўр олади. Молхонага туташиб кетган сомонхонада тунашни ихтиёр этади, кечаси билан хўқизларнинг бўкириши, чўчқаларнинг

хуриллашидан қулоқлари батанг бўлиб чиқади, бироқ қадрдан замин бўйи ва ҳарорати уфуриб турган намчил сомонлар ичидаги уйқу унга ўта лаззатли туюлади. Улар жуда киришиб кетишгач, мужикларнинг ички оламини кашф этиб, уларни қиёсан тасвирлайди: «Хоръ очиқкўнгил, амалиётчи, калласи бошқарув ишларида моҳир, тежамкор киши; Калинич, аксинча, орзу билан яшайдиганлар тоифасидан, хаёлпаст; эҳтиросли...» Бир-бирининг бутунлай акси бўлган бу зотларни ўнлаб ўлчовларда қиёслаган ёзувчи гўё рус кишиси қалбининг уфқларини икки оралиқда чизиб кўрсатгандек бўлади. Хоръ ҳақида гапириб, «Мен биринчи марта оддий, ақлли рус мужигининг жонли суҳбатини эшитдим», деб ёзади ва ундан кўп нарса ўрганганини эътироф этади.

Уларнинг турмуш тарзи (урим пайти шаҳардан чалғи олиб келиб сотадиганлар билан олди-бердилари, газмол савдогарларига муносабатлари), майший ҳаётлари (нонуштада бир тахта атрофида жамланиб чой ичиш маъракалари), оиласиб муносабатлари (жаҳлдор бабаларнинг ғишғиshalari), қизиқишлиари (унинг чет элда бўлганини билиб қолишгач, роса саволга тутишади) юзасидан кузатишларини батафсил, меҳр билан акс эттиради. Бу манзараплар билан танишиб, унинг замирида урфга айланган ҳаёт зайлини инкишоф этиб, тоифалар (масалан, помешчик Полутикин ва мужиклар) ўртасида айирмачилик йўқлигини, фақат қарор топган тартиблар бўйича бир томон ўзини ҳукмдор, иккинчи томон эса тобе деб ҳисоблашини тушуниб олади. Мияга қўйилиб қолган бу ақидани ўзгартириш эса осон эмас. Овчи Хорга «Бутунлай эркин бўлишни истамайсанми?» деган савол беради. Бунга жавобан мутеликни севиб қолган одам «Нима керак менга эркинлик? Унда соқолимни олдиришимга тўғри келади. Хожамиз ҳам ёмон одам эмас», деб жавоб беради.

Халқ ҳаётининг бир томчисини акс эттирган мазкур асар жамоатчиликнинг диққатини тортган экан, унинг ютуғини муаллифнинг ўзига хос янгича ёндашувида – оддий одамларнинг кўп-да писанд қилинмай келинаётган нурсиз, жулдур турмуш тарзида яширинган олмосни, миллатнинг эртанги кунини таъминлашга қодир эмбрионни кашф эта олганида, деб тушуниш керак бўлади. Тургеневнинг мазкур очеркига ўқувчиларнинг қизиқиши сабабларини дастлабкилардан бўлиб Белинский очиб беришга жаҳд қилди: «Хорь ва Калинич»дек кичкина ҳикоянинг бундай муваффақият қозониши, – деб ёзади танқидчи, – тасодиф эмас: унда муаллиф халқ ҳаётига шундай томондан ёндашганки, ҳозиргача ҳеч ким бу эшикдан кирмаган эди».

Тургенев яратган икки характер: амалиётчи Хорь ва хаёлпаст Калинич халқ ҳаётининг бадиий талқинида «Коперник бурилиши» (олимни Фарбда геоцентрик эмас, гелиоцентрик назариянинг асосчиси деб билишади)ни юзага келтирди, деб ёзади рус адабиётининг тадқиқотчилари. Бу икки мужикнинг ёрқин қиёфаси қаршисида ҳозиргача эъзозлаб, умид кўзи тикилиб келинаётган синф вакили – помешчик Полутикин хира тортиб қолади. Гүё миллат келажагининг куртаклари кашф қилинган, бу – оддий халқ эканлиги бадиий тасдиқланган эди. Тургеневнинг ўзи ҳам очеркида миллий ифтихорни ҳис қилгандек бўлиб, «Хорь билан сухбатларимдан кейин шу нарса а қатъий ишондимки, буни ҳатто ўқувчилар ҳам кутмасликлари, хаёлларига келтирмаслиги мумкин. Буюк Пётр ўз юксаклиги билан айнан рус кишиси эди ва шунинг учун ҳам русларга хос ислоҳотларни амалга оширди. Рус кишисигина ўз кучи ва кудратига шундай ишонади», деб ёзган экан.

\* \* \*

Ижодий муваффақиятдан илҳомланган Тургенев шу руҳдаги ҳикояларини давом эттириди. Уларда бош образ сифатида талқин этилган овчи тилидан бир-бидан қизиқ ва жозибадор воқеалар баён қилинади. Услубнинг самимийлиги, одмилиги ўқувчини ўзига жалб этса, уларда тасвиrlанган халқ ҳаётининг калейдоскопдек манзараси фикр қилишга, ўйлашга ундейди. Айниқса, жамиятда янги бир тўлқин пайдо бўлган, илғор андозаларга тақлидан, муқобил йўллар изланаётган даврда бундай мутолаанинг самараси чукур ижтимоий мазмун касб этмасдан қолмасди. Жамият хушёр тортиб, энг муҳими, энди қолоқ тартиблар (масалан, крепостнойчилик) билан яшаб бўлмаслигини кўпчилик тушуниб, мамлакат ҳаётидаги қора доғлар тобора аниқроқ кўзга ташланиб қолаётган паллада янги соғилган сутдек ҳовурли ва ҳароратли оддий халқ ҳаётининг бадиий манзаралари нуқтаи назарларга, ижтимоий қарашларга кескин таъсир қилаётган эди. Айни шу палладарда умумиллат эътиборига «Ким айбдор?» (А.И. Герцен), «Нима қилмоқ керак?» (Н.Г. Чернишевский) деган саволларнинг кўйилиши ҳам тасодифий ёки ноўрин эмас эди.

Тургенев эса яна ҳам иштиёққа тўлиб, қаламини чархлаётган, энди ҳикояларида ўз эстетик мезонларидан келиб чиқиб, қулочни кенгроқ ёзаётган – асарларига янги-янги бадиий унсурлар киритиб, уларни тобора бойитаётган эди. Ёзганларида шавқ билан жона-жон рус ўрмони тасвирини қуюқ бўёқларда ифодалаб, адабиётда сўз рассомлигига эришаётган, дараҳтларни, ерни, дарёларни гапиртириб, бадиий имкониятлар чегарасини кенгайтираётган эди. Бунақаси ҳали миллий адабиётда учрамаганди. Тургенев халқ ҳаётида шундай умумиллий маънони топдики, кейинчалик уни Лев Толстой роман-эпопеянинг бадиий тагзаманинига айлантириди, дейди олимлар. Толстой даҳосида

порлаган машъала дастлаб Тургенев ижодида учқун сифатида намоён бўлганди. Рус илмий-ижодий жамоатчилиги (турли йўналишдаги журналлар, сиёсий тўгараклар, маърифий жамиятлар, фахрийлар уюшмалари ва бошқа кўплаб жамоат ташкилотлари) бу ҳолни ўз пайтида пайқаган эдилар ва Тургенев умуммиллий зиёлилар даврасининг эътиборидаги одамга айланди. Унинг ижоди эса она табиат тасвири билан ҳамоҳанг чуқур ижтимоий теранликка эришиб, ўзига хос тариқат касб этиб борди. Бу ҳолни «Овчининг мактублари»га кирган «Ермолай ва тегирмончининг хотини», «Бежин ўтлоғи», «Бурмистр», «Куйчилар», «Икки помешчик», «Учрашув» сингари ўша аср рус ҳаётининг қўйма манзаралари моҳирона акс эттирилган лавҳаларда кўриш мумкин. Уларнинг ҳар бир сатрида ватанга меҳр, ҳалққа ҳурмат руҳи уфуриб туради.

Хуржун орқалаган, гоҳ дилкаш ҳамроҳи билан, гоҳ ёлғиз овчи ўрмонларни кезади, бу сайрларида ўзини она қучоғида эркаланаётгандек сезади. Сафарлари давомида турли манзараларни кузатади, феъл-атвори, ички олами бир-бирига ўхшамаган, аммо умумий манзара – ягона рус миллатини тўлдириб турадиган әдамларни учратади, улар билан дилдан сұхбатлашади, оддий, беғубор, тиник ҳаёт тарзларидан таъсирланиб, уларни иштиёқ билан қоғозга туширади. Битикларда таассуротлар турли нуқталардан ранг-баранг акс этади. Йўлда кеч қолиб, дуч келган манзил – тегирмон яқинида тунаганларида («Ермолай ва тегирмончининг хотини») хўжайнилар уларни хушнуд кутиб оладилар, қоринларига қарашадилар ва янги ўрилган хашаклар орасида иссиқ жой қилиб берадилар. Ўчоқ, унда ловуллаб ёнаётган гулхан, челякда картошка қайнаяпти. Ермолай билан эски таниши тегирмончининг хотини сұхбатга киришади, аёл янги меҳмон билан қизиқади. Бирданига овчи Аринани таниб қолади: у жаноб Зверковнинг уй хизматчиси

эди. Бу хилват жойларда нима қилиб юрибди? Қизиқ, тақдирга доир ҳаяжонли ҳикоя... Жаноб Зверков бир пайтлар ёзувчига «Сиз ёшлар ватанни жуда оз биласизлар» дея танбек берганди. У хотинини Фаришта деб биларди, хонадонида турмушга чиқмаган қизларнигина юмушга олишар ва уларга оиласый ҳаётни тақиқлашарди.

Бир куни айнан шу Арина тап тортмай, унинг ҳузурига кирган ва «Рухсат беринг, мен эрга тегишни хоҳлайман», деган. Қарам қизнинг бундай журъатини Зверков ҳаяжон билан васф этганди. Энди эса аёл турмушидан мамнун, ўзини сотиб олган Савелий Алексеевични жуда хурмат қиласы. Хотиннинг мамнунияти меҳмонларга ором бағишлиди ва улар хашак ичига чуқурроқ күмилиб, уйқуга кетишади. Бор гап шу.

«Бежин ўтлоғи» (ҳикоя қўплаб тўпламларга кири-тилган)да эса овга қизиқиб кетиб, кеч қолган ва манзилини йўқотиб қўйган кишининг бироз ҳаяжонли ва ички ишончга йўғрилган кечинмалари жуда таъсиричан ҳикоя қилинади. Одам бепоён ўрмонда адашиб қолди (кўрганлар рус ўрмонлари чексиз-поёnsiz эканлигини, агар кимдир улоқиб кетса, уни вертолёт билан ҳам излаб топиб бўлмаслигини тан оладилар), чарчаган, ови бароридан келиб, халтаси ўлжага тўла – оғир, мўлжални аниқ ололмаяпти, бироқ бундай саргардонликдан заррача ваҳми йўқ. У барибир қайсиидир бурчакдан жонли ҳаётга чиқишини билади. Изланишлардан ўткирланган зеҳни билан эса атрофни зийрак кузатади, шунда ҳар бир тўнка, гиёҳ, шох-шаббалар унга ўз сирларини очаётгандек, уни манзил сари бошлиётгандек туюлади. Бундан унинг юраги ҳаприқади, меҳр ҳислари жўшади. Ўрмон қоронғулашади, тун чўкади, юлдузлар юз кўрсатади. Энди унинг ҳамкорлари кўпайгандек, ишқибозларининг сони ортгандек. Бирдан дарахтлар чекиниб, улкан ялангликка чиқиб қолади. Узоқдан дарё ялтираб кўринади. У жарлик-

нинг ёқасига келиб қолган. Қуйида, дарё ўзанининг қайрилиш жойида гулхан алангаси кўзга ташланади. У Бежин ўтлоғи дея шуҳратланган яйловга келиб қолганини тушунади. Гулхан атрофидаги беш бола қўшни қишлоқдан, от суреви билан яйловга чиқсан, фусункор июль оқшомида ўзларича гашт қилишаётган эди. Овчи-ёзувчи улар билан чиқишиб кетади, ўсмирларнинг беғубор дунёси акс этган ҳикояларини тинглаб, юртининг келажагини кашф этгандек бўлади. Ҳикоянинг росттгўй (негадир Тургенев асарларини ўқиш жараёнида ёзувчи асло китобхонни алдамаётгани, тўғри сўзларни қайд этаётганига ишонч пайдо бўлади}, самимий руҳи ўқувчида қадрдан ҳисларни жунбишга келтиради, хаёл узоқ-узоқларга олиб кетади. Бу балки воқеаларнинг ҳаққонийлигидадир.

«Овчининг мактублари»да турли ёш, касб, тақдир эгалари бўлган кўплаб юртдошлар ҳаёти қаламга олинган. Улар ёзувчи шахсан таниган, турли даражада мулоқотда бўлган кишилар. Бири қўшниси, бошқаси ҳақида бирордан эшлитиб, кейин топган, улар савдо-гарлар, кучерлар, ер эгалари, уруш иштирокчилари – ким бўлмасин ёзувчининг қалами уларнинг фақат ўзигагина хос қирраларини топа олади ва бетакрор тимсолларини чизади. Шунингдек, улар умумрус халқига, миллатига хос сифатларни намойиш этадилар. Бир нарсани тан олиш керак: бир қарашда чанг босган, унча-бунчада назарга илинавермайдиган, ҳар кун қўравериб кўз пишиб кетган, қолаверса, жонга тегиб бўлган нурсиз халқ ҳаётини бунчалик меҳр, иштиёқ билан тасвирлаш, яна улкан сомон ғарами ичиди яширинган нинани – халқ ҳаётининг оҳанрабосини топиш учун ёзувчи кучни қаердан олди экан? Агар жонли ҳаётнинг ҳар бир лавҳаси такрорланмас ва қайтарилмас эканлигини тан олсак, чиндан ҳам бу ҳаётдан кўплаб ҳикматларни кашф этиш мумкин. Ёзувчиман, деб ўзини маълум қилган ҳар бир кишида шун-

дай мақсад, уни рӯёбга чиқариш учун иштиёқ борми?

Илмий-адабий давраларда ўз вақтида «Овчининг мактублари» долзарблиги, янгилиги (шунгача бўлган рус адабиётини дворянлар ҳаётининг сийقا манзараси, деб аташ мумкин), тоза ҳавони димиққан миллий бадииятга олиб кирганлиги билан тан олинган бўлса-да, унга эътиrozлар ҳам бўлган. Жумладан, унинг хориж тилларига таржимаси билан танишган И. Гейзе (немис), Мельхиор де Богюэ (француз), шунингдек, П. Анненков (Россия) ва бошқа танқидчилар асарда ҳаёт ҳақиқати бадиий ҳақиқат даражасига кўтарилимаган, ҳолатлар, образлар талқинида такрорлар бор, айниқса, асар тузилиши пароканда, яхлитлик таъминланмаган, ҳикояларда композиция заиф (хусусан, воқеаларнинг ечими йўқ) сингари муносабатларни ҳам билдиришган. Буларда ҳам жон бор, масалан, ҳикоялар исталган нуқтада тўхтатиб қўйилади, иштирокчиларнинг кейинги тақдири ҳақида бошқа гап бўлмайди. Барibir, илм – илм, ҳаёт – ҳаёт экан, «Овчининг мактублари» жамиятнинг барча табақалари ҳаётига кириб борди, уларнинг меҳрини қозонди. Яхши, тан олинган нарсанинг баъзан нуқсони ҳам фазилат саналганидек, бу асар улкан хазинага эга бўлган рус адабиётида ўзига хос мавқе касб эта олди (балки унинг баҳти «биринчи» лигидадир). Умуммиллий ижтимоий фикрнинг шаклланишида ва юксалишида дастлабки уйғониш қўнғироғини чалганлардан бири – жонли ҳалқ ҳаётининг ёрқин ифодаси сифатида йўналишни тўғри белгилаб олишга кўмаклашгани билан ҳам бу тўплам тарихий ва қадрли бўлиб қолган.

\* \* \*

Ижоднинг умуминсоният маданияти тарихида яхлит жараён эканлиги, боқийлиги шундаки, мавзулар, тимсоллар, услублар дунё бўйлаб кўчиб юради. Бир мавзуда бошқа-бошқа тилларда бир хил шеърлар ёзил-

ганини адабиёт яхши билади. Албатта, катта гапларга даъвогарлик қилиш, оғир юклар (таъна-дашномлар) ни елкамга олишга иштиёқим йўқ-у, шу мавзуларни шарҳ этишга тайёрланиш жараёнида ўзим ҳам бехос дуч келган бир ҳолатни қайд этмасам, тӯғри бўлмас. Афсуски, бу яқинликни олдин сезмаган эканман.

2007 йилда «Имзоли хатлар» деб номланган китобим чиққан. Китобни бундай аташимга сабаб – имзисиз (аноним) хатлар кўпларни хафа қилган, асабига теккан, мен эса имзоли хатлар ёзаяпман, уларни ўқиб, одамлар яйрасин, деган орзум бўлган. Уни «Танланган бадиий публицистика» деб атаганман ва бир неча томли сериалларга ўхшатиб, «1» рақами билан белгилаганман (гўё десинларки, «давоми бор экан») ва тезда жамоатчилик назарига тушишини хоҳлаганман. Очифи, барча башоратларим, саъй-ҳаракатларим беҳуда кетди. Мен кутганимдек, на дабдабали эскартиш («Танланган бадиий публицистика»), на рақам бирорнинг эътиборини тортди. Менинг тахминим (кутишим)ча, китоб савдога чиққач, уни жавонда кўрган шу соҳанинг мутасаддилари, умуман, ўқувчи ҳаяжонлашиб, «Э, бадиий публицистика? Яна «Танланган» дебди, «1» рақамини қўйибди, ҳолбуки, ҳали ҳеч ким бунга журъат қила олмаган – танланган бадиий публицистика, эмиш, боз устига давоми бор чофи», қабилида эсанкираб қолиши, китобни тез сотиб олиши, зудлик билан танишиб чиқиб, матбуотда мақола эълон қилиши лозим эди... Мен шундай ҳолатда нима қилишимни хаёлан чамалаб, ўзимни руҳан тайёрлаб юрдим.

Хўш, «Имзоли хатлар» нимаси билан «Овчининг мактублари»га яқин (асло «тeng» деяётганим йўқ, дўстлар фаромуш бўлмасинлар!). Аввало, номланишида бир маънони ифодалайдиган сўзларнинг синонимлари қўлланган – «хат» – «мактуб». Бу юз фоиз тасодиф эканини ҳар қандай сўроқ қаршисида эътироф этаман. Китобга ном танлаётганимда бу машхур

асар умуман хаёлимнинг кўчасидан ўтмаган. Бўлмаса, мана, қарийб ўн йил ортда қолибди, фақат эндигина бу ҳолни ички фахр билан қайд этиб ўтирумасдим. Аслида, яхши нарсага ҳавас қилиш, ҳатто тақлид қилиш ёмонлик аломати эмас. Ўша пайтда шундай тақлид нияти бўлганда ҳам буни ҳозир яшириб ўтирумасдим. Асосий мантиқ бу ёқда. Гапнинг индаллосини айтганда эса яқинлик фақат икки сўзда эмас. Унда жамланган қирққа яқин лавҳаларда ҳам халқ – турли касб-кор ва даражага эга бўлган, мустақил Ўзбекистон давлатида яшаб, моддий неъматлар ишлаб чиқаришга қатнашаётган одамлар ҳаётининг турли қирралари қаламга олинган. Албатта, улар китоб ҳолида нашр этилибдими, нашриёт томонидан тўпламга киритилишга лойик кўрилибдими, демак, нимадир бор. Қолаверса, шунгача муаллиф қарийб ўттиз йил матбуотда хизмат қилган, катта-кичик китоблари нашр этилган, ижодий танловлар ғолиби бўлган.

Тўпламдаги лавҳаларда, олайлик, бепоён яйловнинг ўксик шоири – биринчи муҳаббатини қозонган севгилиси билан учрашишни 39 йилдан бери кугиб яшаётган ва асотирларда таъкидланганидек, висолга элтувчи қирқинчи йилдан умид қилаётган чўпоннинг беғубор, ўсмирларга хос қалб кечинмалари («Бу – ўша олис ва яқин муҳаббат»), ер олиб дехқончилик қилаётган, «хушёр тортган, зеҳни очилган, қараб турмай, зир югураётган» қишлоқ одамларининг дастурхон устидаги ҳангомалари («Англанаётган ҳақиқат»), азалий қадриятларни баланд тутган халқ ҳаётига янги эпкинларнинг кириб келиши («Яхшиликнинг баҳоси», «Олтин ойкумена»), мустақиллик кўзгусида миллий менталитетда юз кўрсатаётган баъзи доғлар («Ош», «Миссия», «Бир ажиб қавм», «Матриархат»), шунингдек, дали-ғули, ҳаммани, бутун дунёни ўзларидек сода, оққўнгил деб биладиган кишиларнинг гоҳ кулгига, гоҳ изтирасбга тўла турмуш тарзи («Қўнғироқчалар»,

«Тирикчилик «илми», «Синган одам», «Кўпкари») манзаралари ва, албатта, шу улуғ халқдан ифтихор («Бўйингдан...») сингари мавзулар ватанимиз ҳаётида рўй берган оламшумул ўзгариш мантиғи билан идрок этилади, меҳр билан қофозга туширилади.

Китобнинг иккинчи қисмидаги эиёлилар билан суҳбатлар («Сибирга кетмаган ўзбек», «Мен болаликдан ошиқман», «Ранглар мени ҳар кўйга солди», «Бахтиёр Ихтиёров «...касбини ўзгартиради»ми?»), баъзи портрет очерклар («Академик Холмуродов», «Ёлғиз дараҳт», «Рустамнинг шахмат достони» ва бошқа) да, маърифий мавзудаги лавҳалар («Сўзларда не гуноҳ?», «Шу тупроқни меҳроб деганлар»)да ҳам халқимизнинг бой салоҳияти, ўтмиш ва келажак вобасталигини таъминлашга хизмат қилаётган шу кунларда руҳиятда, маънавиятда рўй бераётган ўзгаришлар бебаҳо аъмол – истиқлол шукуҳи билан қаламга олинади. Ана шундай муборак кунлар арафасидаги ҳаёт манзаралари – тоталитар тузум шароитида ўз фурурини сақлаган, қадриятларини ардоқлаган, ёруғ кунларда умидини узмаган юртдошларимизнинг ички олами инкишоф этилган лавҳалар («Парда ортидағи ҳаёт», «Довдирнинг фалсафаси», «Кўпларга ёқмаган ҳақиқатгўй») учинчи қисмда жамланган. Хуллас, китобга киритилган турли жанрдаги публицистик асарларда жимжимадор гилам ёки гулдор шоҳи сингари халқимиз рангин оламига ўзига хос жило бериб турган манзараларнинг баъзи чизгилари имкон дарражасида нақш этилганди.

Бизда негадир кейинги пайтларда умумий тарзда китобдан безиш, қочиш кайфияти қузатилмоқда. Бир ёзувчининг ибораси билан айтганда, «Одамларимиз китобдан азроилдан қўрққандек тирақайлаб қочишади». Отчопардаги игна ташласанг ерга тушмайдиган одамлар ва машиналар издиҳомини кўрган икки киши ўртасида шундай суҳбат бўлиб ўтибди:

– Одамнинг қўплигини... Яна машиналарни айтмайсанми, еру жаҳонга сифмайди.

– Бу жойни хилват қилишнинг йўли осон, – дебди иккинчиси, – шу майдоннинг уртасида ё китоб магазини, ё кутубхона қуриш керак. Шунда ҳамма тарқаб, қочиб кетади.

Ҳа, бир замонлар илму урфони билан дунёни лол қолдирган боболарнинг авлодлари маърифатдан, китобдан шундай қочадилар. Албатта, бу ҳолнинг сабаблари анча теран. Жумладан, одамларни китобдан ихлосини қайтарадиган китобларнинг кўпайиб кетгани бир сабаб бўлса (Муқаддимада олғир қаламкаш 11 та китобим чиқди, дейди), нафс балосининг ҳакалак отиб, бир машинани иккита қилиш, бир қаватли қасрни икки қаватга кўтариш васвасаси ҳам, яъни таги тешик қозонни тўлдиришга уринишга ўхшаш нодонлик ҳам кишиларни шу кўйга солиб қўйди. Маърифатдан узоқлашиш маърифатсизликка олиб келади, маърифатсизлик эса маърифатга қарши курашади – ҳозиргача ана шундай занжир реакцияси юзага келиб қолган ва у ишлаб турибди. Бу занжирни узишнинг оддий йўли - яна маърифатга қайтиш, холос (хайрият, кейинги пайтларда бу борада инқилобий ўзгаришлар бўлаяпти!)

Ана шундай шароитда унча-бунча китоб, яна у мураккаб таҳдилларга қурилган, фикрлашга ундишган, яъни «ўтириб» қолган мияни ишлатишга мажбур қиласидиган бўлса, у ҳеч кимнинг эътиборини тортмаслиги, аксинча, жигига тегиши бор гап. Назаримда, ўқитувчилар, устозлар, ёзувчиларнинг ўзи ҳам китоб ўқимай қўйди. Бильъакс, журналистика факультетига эга бўлган дорулфунун талабалари-да замонавий муаллифнинг уринишларига назар қилган, унинг, борингки, муваффақияти эмас, нуқсонлари ҳақида амалиёт иши ёзган бўларди. Шу даражадаги таълим муасасасида ўқиган собиқ талаба сифатида тушунмайман:

ўзи, бугун журналистика бўлимларида нимани ўргатишаётпти? Ахир ёзишнинг бошланғич малакасига эга бўлмаган талаба интернет журналистикасини ҳам, электрон оммавий ахборот воситасини ҳам эплолмайди-ку! Тегирмоннинг дўлига буғдой солган бобслар, шундан кейин ун чиқсан... Айни кунларда таҳририятларда рационал фикрлайдиган, таҳлилга қодир, теран назария билан қуролланган ёш ходим эмас, ҳатто саводли мухбирнинг ташриф буюриши амримаҳол бўлиб қолаётгани ҳам бор гап. Бунақада ҳушёр жамоатчилик, янгиликни ўз пайтида пайқайдиган кузатувчи-синчилар ҳақида қандай гап бўлиши мумкин?

Ватан, миллат тақдирида истиқбол йўлини излаётган, пайдо бўлган ҳар бир янги шарпани кипригига найза қадаб, қулоғига қалам қистириб кузатиб бораётган ўн тўққизинчи аср иккинчи ярмидаги рус ҳаёти учун «Хоръ ва Калинич»нинг беиз кетмагани тасодиф эмас. Унга эътибор муаллифни янги ижодий парвозларга илҳомлантирган, очерк замиридаги теран ижтимоий моҳиятни ҳис этган жамоатчилик уни янги руҳдаги адабиётнинг қалдирғочи деб билган. Икки хил муносабат – икки хил тақдир!

Буюк мақсадларга фақат бирлик, ҳамжиҳатлик, жонни жонга тикиб зришилади. Миллатнинг юкини бир тўда «олтин тогора»да туғилганлар кўтара олмайди, уларнинг елкаси фақат ўз манфаатини кўтара олиши мумкин, шунинг учун нурли келажак аъмолига ҳамма сафарбар бўлмоғи жоиз. Бўлиниш, парокандалик ҳеч вақт яхшиликка олиб бормаган. Ўз пайтида «Овчининг мактублари» тўплами халқни, миллатни бирлаштирадиган бир восита бўлган. Биринчи очерки эълон қилинганидан беш йил кейин янги-янги ҳикоялар билан тўлдирилиб, алоҳида китоб ҳолида чоп этилган, дунё унинг рус миллатининг бадиий паспорти – миллий сурати ва сийрати сифатида қабул қилган. Шундан кейин бир неча марта қайта-қайта нашр этил-

гани, дунёнинг кўплаб тилларига таржима бўлгани айни ҳақиқат. Менинг қўлимда ҳам унинг 1985 йил «Художественная литература»да чиқарилган нашри бор. У икки миллион тўрт юз минг нусхада босилган экан.

\* \* \*

Ижтимоий фикр гуркираб ривожланаётган, маданиятнинг турли соҳаларида етук шахслар пайдо бўлаётган шароитда Тургеневнинг эътироф этилиши бежизга эмас эди. У, аввало, тақдирнинг инояти билан ана шундай мавқега лойиқ эди: етарлича моддий таъминланганлик, мукаммал тарбия ва таълим (боз устига – табиий иқтидор). У ҳали мактаб ёшиданоқ она тилидан ташқари уч тилда гаплашар ва немис, француз, инглиз адабиётини аслиятида ўқий олар эди. Кейинчалик юонон мифологияси ва антик давр фалсафасини оригиналда ўқиш учун грек тилини ўрганди. Унинг устозлари ҳам етук кишилар эди. Уй ўқитувчилари рус тилини жондан севган, бир вақтнинг ўзида чукур билимли, актёрлик, шоирликдан хабари бор кишилар бўлган. Улардаги уйфонаётган миллатнинг келажаги йўлидаги фидойилик, ҳозиргача бўйсундириб келган немис, француз, инглиз маданиятидан ўзиб кетиш истагининг чақноқ учқунлари мурғак қалбларга ватанпарварликнинг ilk куртаклари бўлиб пайвандланаарди. Оила муҳити, қаттиққўл ва тартибни, Спартанча педагогикани ёқтирадиган, ўша замоннинг юқори даражасида маълумот олган, адабиёт, шеъриятни тушунадиган ва қадрлайдиган онаси Варвара Петровнанинг алоҳида эътибори унинг баркамол улгайишини таъминларди.

Улар Москвадан уй сотиб олишади ва юқори даражали олий ўкув юртларига кириш учун жиддий тайёргарлик бошланиб кетади. Иван Тургенев дастлаб Москва давлат университетининг илоҳиёт факультетида, кейин Гоголь билан юз берган воқеадан сўнг

уни ташлаб, Петербург университетининг фалсафа факультетида ўқииди, кандидатлик даражасини олади. Кейинроқ Берлин университетида фалсафани яна ҳам чуқурроқ ўрганади ва магистр даражасини олади. Ижоди, ижтимоий фаолияти бутун дунёда тан олингач, унга Англиядаги Оксфорд университетининг доктори фахрий унвони ҳам берилган.

Шунингдек, шаклланиш йилларида умумрус миллий маданиятининг қўплаб машҳур вакиллари билан ҳаёт йўллари кесишган. Петербургда ўқишни тугатиб, ички ишлар вазирлигида хизмат қилганида девонхонада кейинчалик машҳур тилшунос олим бўлиб танилган, жонли рус тилининг изоҳли луғатини тайёрлаган В.И. Далнинг қўл остида фаолият юритганди. Кенг қамровли маълумот эгаси, она тилини чексиз меҳр билан севган оташин ватанпарвар Владимир Иванович ёш йигит шахсиятига кучли таъсир қилганди.

Ўша йиллари ёшларнинг идеали бўлган, ҳатто илоҳ даражасида улуғланган Александр Пушкинни икки марта кўрган. Хотираларда қайд этилишича, профессор Петр Плетнев хонадонига ташриф буюрганида йўлакда «ўрта бўйли одамга дуч келади. У шинели ва шляпасини кийиб олган, мезбон билан хайрлаша туриб, жарангдор овозда «Ҳа, ҳа. Бизнинг министрларимиз кўп яхши. Гап йўқ» деганча кулиб, чиқиб келарди». Тургенев унинг фақат оппоқ тишларини, тийрак, безовта кўзларини илғай олади. Шу зотнинг Пушкин эканлигини билгач, ҳам ағсусланади, ҳам хурсанд бўлади. Кейинги сафар шоирнинг ўлимидан бир неча кун олдин Энгельгардт концерт залининг эшиги олдида учратади. У ҳассага таянганча қўлини кенг кўкрагига қовуштириб, атрофга олазарак боқиб турарди. Тургенев унинг унча катта бўлмаган қорача юзини, африканча қалин лабини, йирик оқ тишлари, осилиб турган бакенбардлари, баланд пешонаси остидаги деярли қошсиз, ғазабли қора кўзлари ва жинга-

лак соchlарини күришга улғурди. Шоир ҳам унга бир күр назар ташлади, биринчи таассуроти яхши бўлмади чоғи, тез ўгирилиб олди. Умуман, у ўзида эмас эди, тезда йироқлаб кетди.

Орадан бир неча кун ўтиб, бутун Россияга қайғули хабар тарқалди: «Рус шеъриятининг қуёши ботди». Бу гал қўрганида Пушкин «Борлиғини қоплаган зулмат дунёсида жонсиз ётарди». Унга ихлоси шунчалик юксак эдики, хизматкордан улуғ шоирнинг бир тутам соч толасини қирқиб беришни ўтиниб сўради. Ўтинч жуда самимий, юракдан эди, уни рад этиб бўлмади. Тургенев Пушкиннинг бир тутам сочини энг муқаддас тумор сифатида умрининг охиригача медальонда сақлаб юрди. Ҳатто қаттиқ мутаассир бўлганидан марсия ҳам ёзишга киришди. Уни «Бизнинг аср» деб номлашни ўйлади. Биринчи варакдан кейин иккинчиси, кейин учинчиси... ғижимланиб четга улоқтирилди. Тушундикি, Лермонтовдан ўткара олмайди. Шундан кейин фикридан қайтди.

\*\*\*

Орадан бироз ўтиб, 1839 йил декабрида рус адабиётининг яна бир ёрқин юлдузи Михаил Лермонтовни княгиня Екатерина Шаховская (Тургеневнинг биринчи севгилиси, «Илк севги» қиссасининг қаҳрамони)-нинг хонадонида кўрди. Биринчи қарашдаги таассурот шундай эдики, шоирдан ваҳима ва фожелик бўй кўрсатиб турарди. Унинг қорамагиз юзида, тик боқадиган катта қора кўзларида ўйчан бир шубҳа аралаш хафагазак норозилик бор эди. Унинг босиқ, ғамгин нигоҳлари қарийб болаларча нозик қимтилган лабларига ярашмасди. Ялпайган қомати, қийшиқ оёқлари, кенг елкасига қўндирилган катта боши ёқимсиз таассурот ўйғотарди. Тургенев бир нарсани сезди: у кулганида кўзлари ғамгинлигича қолар, атрофга најжот сўрагандек

олазарак боқарди. Күриниб турадыки, у тақдир ўзини итқитган мухитдан зериккан, бўғилиб кетган.

Кейинги сафар шоирни дворянлар балида учратди. У ҳамманинг назарида, муҳлислар тинчлик бермас, атрофида парвонадек гирдикапалак бўлишар, у эса илтифотларни сукут билан тинглаб, ҳаммага ғамгин нигоҳларини ташлаб ўтиради. Тургенев ўшанда Пушкиннинг қўлидан тушган шон-шуҳрат гулчамба-рига эгалик қилган улуғ шоирга яқинлашиш, унинг қўлини олишга журъат этмаганди. Михаил Юрьевич Лермонтов ҳақида ўз вақтида тадқиқотчилар Пушкин чиқиб кетган эшикдан бошқа иқтидорли шоир шеъриятга кириб келди, қабилида гапиришган. У қисқа вақтда бетимсол истеъоди, илҳомининг Атлантдек кучи билан назм ва насрда дурданалар яратиб, ҳамма-ни ҳайратга солиб ташлаганди. Кейинчалик Лев Толстой у ҳақда шундай деган экан: «Яхшиямки, бу Миша деган бола эртароқ ўлиб кетди. Мабодо у узоқ яшаб, шу хилда ижод қилганида Пушкинни ҳам, мени ҳам ҳеч ким ўқимасди».

\* \* \*

Ўз замонасининг таникли кишилари билан учрашиш, уларнинг суҳбатида бўлиш ижодкор таржимаи ҳолида изсиз кетмайди, қолаверса, мўлжални тўғри олишида, ўз имкониятларини тўла ишга туширишида бундай мулоқотларнинг ўрни бўлакча. Талабалигида ўзига хос таассурот қолдирган Николай Васильевич Гоголь «Ўлик жонлар» поэмаси, «Ревизор» комедияси, «Шинель» ҳикояси сингари асарлари билан рус ижтимоий бадиий тафаккурида бўрон қўзғаган, унинг номи халқпарварликнинг тимсолига айланиб қолган эди. Гоголь Тургенев ижодини қизиқиши билан кузатиб борар, «рус адабиётида у энг катта иқтидор эгаси» деб тан ҳам берганди. Фақат бу икки улуғ шахснинг иккинчи учрашуви 1851 йил 20 октябрда содир бўлади. Орадан ўтган ўн йил томонларга ҳар хил таъ-

сир қилган, Тургенев улғайған, кучга тұлған бўлса, бир пайтлар тұла, бақувват малорус эса озгин, чарчаган, умрининг шомида яшаётган одамга айланган эди.

Гоголь хурсанд ҳолда юзма-юз бўлади, мамнуният билан Тургеневнинг қулини қисиб, ўз эътирофини изҳор этади. Тургенев асарларини деярли ёддан биладиган сұхбатдошига синчиклаб разм солади, унда казакларга хос қадрдон нұқталарни – қондошликтин кўради. Икки кун давомида адабиёт, ёзувчининг қадри, ўз асарларига қандай муносабатда бўлиши юза-сидан жонли сұхбатлар бўлиб ўтади. У Белинскийни тилга олмас, «бу ном унинг лабини куйдирарди». Герценнинг унинг ҳаётий қарашларини ўзгартираётганига (нуқул помешчикларни танқид қилган ёзувчи охирида уларни тарбиялаш мумкин, деган фикрни олға сураётганди) писанда қилиб, чет элдан юборган мақоласини эслайди.

Гоголнинг мулоҳазаларга бой, эҳтиросли, ҳар бир сўзни жилолантириб сўзлаган гурунглари Тургеневда ўчмас таассурот қолдиради. Афсуски, бу уларнинг сўнгги учрашуви эди. Кўп ўтмай Гоголь вафот этади. У мавжуд тартибларга исён сифатида жами қўл-ёзмалари, жумладан, «Ўлик жонлар»нинг иккинчи китобини ҳам (фақат тасодифан унинг тўрт боби ва тугалланмаган охирги бобларидан бири сақланиб қолади) ўлими олдидан ёқиб юборади. Бу айрилиқдан қаттиқ таъсиrlанган Тургенев улуғ ёзувчи хотирасига марсия ёзади. У узоқ қийинчиликлардан сўнг (Гоголни хушламайдиганлар кўп, унинг номи «қора рўйхат»да бор эди) 1852 йил 13 марта «Московские ведомости» газетасида босилади. «Бу мислсиз йўқотиш, – деб ёзганди Тургенев Полина Виардога ёзган хатида. – Шу дақиқаларда юраги қонга тўлмаган биронта рус йўқ. У биз учун ёзувчидан ҳам баландрок эди, у бизга ўзимизни танишни ўргатди. У ўзининг кўплаб ҳаракатларида биз учун буюк Пётрнинг да-

вомчиси эди». Мазкур ҳаракат маъмурий давраларга бутунлай ёқмайди, Тургеневни қамоқца олишади, узоқ суршувлардан кейин бир ой муддатга турмага ташлашади, сүнгра Москвадан переферияга – ўз мулкига узоқ муддат чиқмаслик шарти билан сургун қилишади.

Иван Сергеевич учун икки йилга яқин ёлғизлик кўп нарсаларни қайта мулоҳаза қилиб кўриш имконини беради. Пушкиннинг тўпламлари ҳамроҳи эди, тарихни чуқурроқ ўрганади. Ижод билан банд бўлади, халқ ҳаётини теранроқ қузатади. Шу йилларда машҳур «Муму» қиссасини ёзади. Уни кўргани Спасска дўстлари, жумладан, Александр Фет, Николай Анненков ва бошқалар келишади.

Бу йиллар рус ҳаётининг изланишларга тўла долғали даври эди.

\* \* \*

Ўша асрнинг 30-йилларида рус зиёли ёшлари Ғарбга чиқиб кетишни, эмиграцияни хуш кўришарди. Уларга биқиқ маҳаллий мұхит ёқмас, немис класик файласуфлари, инглиз сиёсий иқтисодчилари ва француз хаёлий утопистларининг эркин ва озод тузум ҳақидаги назарий қарашлари билан тўйингган Европа мұхити уларга жозибали туюларди. Бу интилиш ўз ўрнида Николай I ҳукуматининг ички ноқобил сиёсатига муқобил йўл – норозилик аломати ҳам эди. Ёшларнинг аниқ муаммолар юзасидан фикр юритиши тақиқланган, ижтимоий фикр кўнгилхушлик ва мамнунлик йўналишига буриб юборилган эди. Рус ҳаётининг ҳақиқий манзаралари ҳақида сўзлаш мумкин эмас, бироқ умуминсоний қадриятлар ҳақида ҳар қанча ваъзхонлик қиласа бўлади. Ана шундай мұхитдан безиб, хорижда – Англияда яшаётган рус зиёлиларидан бири Александр Иванович Герцен эди. У декабристлар ғояларига хайриҳоҳ, уларга нисбатан чуқур

эҳтиром сақлар, «Қутб юлдзузи» («Полярная звезда») номли альманах ташкил қилиб, ўз садоқатини изхор этган эди. Кейинчалик «Ватандан мактублар» журнали юзага келди. Четдан Россиядаги аҳволга назар солиб, мавжуд вазиятнинг сабабларини излаган ва «Ким айбдор?» дея сўрок қўйган ҳам шу мутафаккир бўлади. У Фарбда яшаса-да, славянпаратларни қўллаб-қувватлаган, уларнинг оддий халқ турмушидан олган ғояларини қадрлаган. (Бир гал даладан ўтиб бораётганларида рус аёлларининг эркаклардан тортинмай ярим яланғоч ҳолда жавдар ўраётганларини кўриб қолишади. Бу воқеага ҳар ким ўз муносабатини билдиради. Шунда Герцен «Аёлларнинг шу қўйга тушиб қолишида адабиёт айбдор», дейди).

Тургенев Герцен билан яқин ҳаммаслак ва қаламкаш дўст эди. Уларнинг крепостнойликни бекор қилиш, адабиётда халқчилликни таъминлаш, ягона ижтимоий фикрни шакллантириш борасидаги ҳамкорликлари рус маданияти тарихига қўплаб дурдоналарни ҳадя этди.

Бундай сермаҳсул ҳамкорликни Фёдор Михайлович Достоевский билан ижодий муносабатларда ҳам кўриш мумкин. Уни биринчи марта «Бечора кишилар» қиссасини Гоголь ижоди билан тенглаштирган Белинскийнинг нафис адабиёт тўгарагида учратади. Унинг феълида тундлик, дардчиллик кўриниб турарди, мағрурлик, виқор ҳолатидан бирданига мунғайиб, ожиз қиёфага киради. Хаёлига келган фикрни баланд овозда, дадил ошкор қилас, алангадан кўзлари чақнаб кетарди-ю, кутилмаганда ғамгин тортиб, қизариб, дудукланиб қоларди. Тургенев тушундики, Достоевскийдаги сиртқи манманлик қандайдир ички кўркувдан, ишончизликтан юзага келади, у жуда мураккаб, касалмандлик даражасидаги серзарда, жizzаки ва ўз вақтида ҳимоясиз одам эди. Тургенев эътибор ва дўстона очиқкўнгиллик билан унга пешвоз чиқади ва

бу Достоевскийга жуда ёқади. У акасига ёзган хатида «Мен тубан одамлар орасидан энг тартибли киши билан танишдим» деб қайд этган экан.

Хотираларда эсланишича, Белинский тұғарагида унинг атрофида истеъодли ёшлар йиғилган, уларнинг сафида Достоевский үзини кеккайгандек тутар, бошқаларга тепадан назар ташларди. Унинг бундай беписанд муносабати эса тенгдошларининг ғаси-ни келтирап, табиатан ишонувчан ва довдир бўлган Федъяни турли қитмириклар билан мазах қилишарди (Баъзи ўткир эпиграммалар сақланиб қолган). Бундай юмушларга, айниқса. Тургенев уста бўлган экан. У атайлаб Достоевскийни баҳсларга тортар, үзининг шумликлари билан уни дарғазаб бўлишга, үзини унтишга мажбур қиласарди. Шунда Белинский аралашиб, «Бас қилинглар, йигитлар. Сизлар касал одамни бехуда гижгижляяпсизлар. Ҳозир у қизишиб кетиб, нима деяётганини ўзи ҳам билмаяпти» тарзида дакки бериб қўяр экан.

Бирок Достоевскийнинг истеъоди барибир баланд эди. Масалан, Пушкиннинг 80 йиллигига Тургеневга оммабоп рисола ёзиш топширилади, жамоатчилик қаршисида нутқ сўзлайди (у Пушкинни бошқалардан қизғанар, рашқ қиласар, ҳеч ким уни үзичалик яхши кўришига ишонмас экан). «Пушкин шеърияти бутунлай халқчил ва миллий руҳни акс эттиргани билан беназирдир, – дейди Тургенев. – У тилимизга пардоз берди. Типик қаҳрамонлари билан рус кишини дунёга танитди. Рус халқи үзини буюк деб ҳисоблаши мумкин, негаки, унинг Пушкин сингари буюк фарзандлари бор». У нутқида Пушкин ижодининг жаҳон шеъриятидаги мавқеини эътироф этишга шошилмаган экан: «Пушкинни Шекспир, Гёте ва бошқалар каби миллий шоир, деб атай оламизми, деган сўроқни ҳозирча очиқ қолдирамиз. Балки замон келиб, янги бир иқтидор майдонга келар ва у ўз устози даражасидан

ҳам юксалиб, жаҳоншумул миллий шоир рутбасига эришар».

Унинг маърузаси ҳаммага ёқади, зал оёқда тик туриб олқишлиди. Шундан кейинги кун Достоевскийга сўз берилади. У ҳаммани «музлатиб» ташлиди, Пушкин ижодини рус руҳониятининг илоҳий даражада намоён бўлишидир, дейди. У асло ҳеч кимга, жумладан, Байронга тақлид қилмаган, унинг «Лўлилар» поэмасидаги Алеко бутунлай миллий характер бўлиб, Манфреднинг сояси эмас. Пушкин ҳали биронта Европа шоирига насиб этмаган даражага эришди. Пушкин даҳоси бутун дунёда эътироф этилган меҳр-шафқатга асосланган рус даҳосидир... У сўзини «Тақдир Пушкини сийлади, у ўз вақтида дунёни тарк этди. Бизнинг кунларимизга етганда, ким билади, нима бўларди?» деб тугатади ва бошини қуи эгиб, минбарни тарк этади. Нутқ тугагач, бир зум сукунат чўқади, кейин эса ўзига келган жамоат нотиққа тан бериб, «Даҳо, даҳо!» деб ҳайқиради. Ундан кейин сўзга чиқиши керак бўлган Иван Аксаков минбарга чиқмай кўя қолади. Ана шу юбилей тантаналарида Толстой қатнашмаган, «Адибларнинг юбилей йиғинлари қандайдир ғайритабиий, ҳатто улуғ шоир руҳига ҳақоратомуздир», деган экан.

\* \* \*

Ёзувчилар нимани прозада ёзса, ўшани қийналмай шеърда ифодалаган истеъдодли шоир Николай Некрасов билан Тургенев машҳур «Современник» журналида танишганди. Некрасовнинг ҳаётий таомойили «Шоир бўлмаслигинг мумкин, бироқ гражданин бўлишинг шарт» деган шеърий мисраларда ифодаланган. Тургеневнинг мулкида Некрасов билан шу шеър борасида сухбат кетади. Тургенев ундаги «Шуҳратга ҳам, санъатга ҳам хизмат қилма» (аслиятда: «Служи не славе, не искусству») мисраларини ўқиб, «Нима, хато босилганми? Балки шуҳратга эмас,

санъатга хизмат қил, бўлиши керакдир» («Служи не славе, но искусству») дейди. Некрасов тўғри босилганини тасдиқлайди. Фақат иккаласи санъатни ва унинг ижтимоий онгнинг бошқа турлари қаторидаги ўрнини икки хил тушунишар эди, холос.

Ҳаётда ўз ақидаларига эга бўлган Некрасов Тургеневнинг илтимосига, ҳатто ялинишига ҳам қарамай, сюжетни рус ҳаётидан ташқарида олган, бош қаҳрамони ҳам муҳожир бўлган «Арафа» романни юзасидан ёзилган Н. Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади?» классик мақоласини «Современник»да эълон қилиб юборади. Дўстлик муносабатларидан, ширингупторликларидан адабиёт манфаати устун келади. Шундан кейин уларнинг алоқаларига дарз кетади. Умуман, бетизгин, ҳатто бир қадар саёқ ҳаёт тарзига эга бўлган Тургеневда қизиққонлик кучли бўлганми ёки кимнидир қаттиқ яхши кўрса, ундан тез хафа бўлганми, атрофидагилар, ўртоқлари билан тез-тез аразлашиб, узоқ вақт юз кўришмас бўлиб юрар экан. Бу борада бир кетишда 17 йил аразлашиб юрган Лев Толстой билан муносабатлари эътиборга сазовор.

Тургенев Толстойдан ўн ёш катта бўлган. Шунинг учун ўзини унинг қарисида ака, устоздек тутган. Буни Толстой ҳам сезган ва қадрлаган. «Севастополь ҳикоялари»ни ўқиб, рус адабиётига янги бир иқтидор эгаси кириб келаётганини сезган Тургенев 1854 йил «Современник»да «Ўсмирлик» қиссаси эълон қилингач, 24 октябрда Покровскоега йўл олади. Кечқурун қисса тўпланганлар ҳузурида ўқилади. Шунда Тургенев Мария Николаевнага қаратса ҳаяжонланиб, шундай деган экан: «Қаранг, сизнинг акангиз ёзувчи сифатида мендан қанча баланд ва иқтидорли».

Нихоят, «Рудин» романни устида қизғин иш бошлаган Тургенев Спасскдан Лев Толстойга биринчи хатини ёзади. Унда «Ўрмон кесиш» ҳикоясини ўзига бағишилагани учун миннатдорчилик билдириб,

тезроқ Қримни тарк этиш ва ўзини борлигича ада-биётга бағишилаши истаги изҳор қилинган эди. «Сизнинг қуролингиз қилич эмас, қалам. Илҳом эса беҳуда югур-югурларни ёмон кўрибгина қолмайди, рашк ҳам қиласди», деб ёзади Тургенев. Шундай қилиб, 1855 йил 19 ноябрда Петербургга келиб тушган Лев Толстой Москва вокзалидан тўғри Тургеневнинг хонадонига йўл олади. «Овчининг мактублари» китобининг муаллифи учун бу ташриф узоқ кутилган ва исталган совға, уларнинг биринчи юзма-юз учрашуви эди. Севастополь жанггоҳларидан бирданига нафис сухбатлар даврасига тушиб қолган Лев Толстой учун бу мусоҳабалар тақдирнинг инояти эди. Тургенев уни узоқроқ ушлаб туришга ҳаракат қиласди, давраларга олиб кириб, адабий жамоатчилик билан таништиради. Етарли ҳаётий тажрибага ва чукур маълумотга эга бўлган Иван Сергеевич Толстойдаги фалсафий қарашлар, адабий саводхонлик ва умуммаданий тайёргарликларда бўшлиқлар борлигини сезади, унда Шекспир ижодига муҳаббат, Станкевич, Белинский, Герцен, Огарёв сингари қурдошлари шахсиятига қизиқиш уйғотишга ҳаракат қиласди.

Лев Толстой эса ҳаётнинг кескин лаҳзаларини кўрган, уруш суронлари унинг ақлини анча пешлаб қўйганди. Бастионлардаги муҳсрабаларда халқнинг, миллатнинг тақдирни картага тикилганди. У жойларда ёлғон, мунофиқлик қанчалик қиёфасини ўзгартирасин, дарров фош бўлиб қолар, мардлик эса жуда оддий, ҳатто жўн бир тарзда намоён бўларди: душман юзма-юз келади, пешвоз чиқасан, ё уласан, ё қоласан – учинчи йўл йўқ. Толстой шу даражадан туриб, атрофига баҳо берар, ўзидан олдинги романтикага мойил авлоднинг ички дунёсига назар ташлар эди. Уларнинг силлиқ ибораларга ўранган фикрларидағи мавхумликка қарши ўзининг очиқ, дангал мулоҳазаларини хуш кўрарди.

Кўп жиҳатдан табиати мос келмайдиган, ҳатто қарама-қарши нуқтаи назарга эга икки йирик шахс дуч келганди. Уларнинг «боши бир қозонда қайнамас»-миди? Буни келажак кўрсатади. Ҳақиқатан, уларнинг ўзаро муносабатлари ҳеч қандай қолипни писанд қилмайдиган даражада мураккаб кечади. Турли муҳитда улғайган, ҳаётга қарашлари ҳам бир-бирига ўхшамайдиган бу зотлар ўртасидаги муносабатлар мураккаб кўриниш касб этиб, унда бир-бирини тан олмаслик ёки писанд қилмаслик эмас, балки бир чўққини ҳар ким ўз сўёмоғи билан кашф этиш истаги устунлик қиласарди. «Сизнинг умрингиз келажакка интилади, менини эса тамоман ўтмишга қурилган. Мен Сизнинг кетингиздан юролмайман, Сиз ҳам менинг кетимдан юролмайсиз», деб ёзганди Тургенев хатларининг бирида. Баъзан ўртадаги тирқиши бекитиш иложи бўлмай қолар, ундан «туядек шамол кириб», муносабатларга совуқлик тушарди. Тургенев томогини ўраб олганча пиҳпиҳлар, йўталиб, «Бронхит; мени бронхит қийнаяпти» деб зорланар, йирик қадамлари билан хона ичидаги бориб келарди. Толстой эса «Бронхит – касалликка ўхшаш нарса, у аслида касаллик эмас, шунчаки металл» деб масхара қиласарди. Бу ҳазилдан жанжал чиқиб кетмасин, дегандек Некрасов юрагини ҳовучлаб ўтиради.

Авлодлар алмашаётган, 60-йиллар ёшлари ўзларини намоён қила бошлаган эдилар. Тургенев Толстой қиёфасида биринчи марта янги, характери ва ақли демократик ғоялардан куч олган авлод билан тўқнашди. Тезда муросасиз, кескин рақиб билан баҳслашишига тўғри келиб қолиши аниқ эди; уларнинг иттифоқлиги ва бир-бирларини тушунишлари ҳақидаги умидлар амалга ошмайдигандек эди. Толстой Тургеневдаги бағрикенглик ва динларга хайриҳоҳликни қабул қила олмас, ҳар қандай шароитда пировард ҳақиқатни тошишга, «сўнгги сўз»га, «тизимлар»га ишонмаслигига тушунмасди.

1856 йил 31 майда Толстой Спасскка Тургенев хонадонига меҳмон бўлиб келади ва хотира дафтирига шундай деб ёзиб қўяди: «Унинг уйи насл-насабини кўрсатиб турарди ва кўп нарсаларни маълум қиласарди. Шунинг учун у билан ярашиб олдим». Шундан кейин улар Покровскоеда, Толстойнинг синглиси Мариянинг хонадонида кўп марта учрашдилар, овга чиқдилар, яйрадилар, шахмат ўйнадилар. Барибир муносабатлардаги совуқчилик сақланиб қолди.

Толстой ва Тургенев ўртасида шундай жарлик пайдо бўлган эдикни, худди «Яқинда бўлса, тепишади, олисда бўлса, кишинашади», дегандек, фақат масофа сақлаб, бир-бирларини ҳурмат қила олар эдилар. Шунданми, Толстой ўз мулки Покровскоеда ҳиссиётларини махфий тутиб яшар, кечинмаларини кундалигига қайд қилиш билан чекланар эди. «Афсуски, Тургенев дағал, совуқ ва оғир табиатли одам. Мен у билан ҳеч қачон чиқиша олмайман». «Унинг бутун ҳаёти фирибгарона соддалик. Менга у қатъян ёқмайди». У Тургенев феълида ўзини ижтимоий ҳаётдаги мустаҳкам, аниқ нарсага боғлашни хоҳламаслик, шахсий турмушида ҳою ҳавас, жонли интилишнинг йўқлиги, доимий кўнгилхушликларга ўчлик, бутун ҳаётини бетайин ўйинга айлантириб юбориш кайфиятини сезди. «Тургенев ўз ҳаётини нодонларча тузган. Ҳаётни ноодатий тузиш мумкин эмас». «Тургенев ҳеч нарсага ишонмайди – мана унинг фожиаси, севмайди, бироқ севишлирини севади». Тадқиқотчилар тасдиқлашадики, гарчи Толстойнинг баҳоси анча кескин бўлса-да, у билан ҳисоблашмаслик мумкин эмас.

Тургенев табиатан шунга яқин одам бўлган. Бир нигоҳ баҳосини қирқ йил – умрининг охиригача унута олмаган, барқарор турмуш тарзини йўлга қўймай, ўткинчи ҳислар таъсирида дунё кезган, ўз майлларининг қули бўлиб яшаган. Бироқ ана шундай ҳаёт тарзи инсониятга бир буюк ёзувчини инъом этганки, эҳтимол,

бошқачароқ яшаш йўриғига дуч келганда у ниҳояти бир помешчик ёки давлат хизматчиси бўлиб қоларди. Аҳволини ўзи ҳам яхши тушунган, афсус қилган пайтлари ҳам кўп бўлган: «Мен лўлиларча ҳаётга маҳкум этилган эдим – на атрофимда мулозимлар, на мен туп ёзив қоладиган маконим бўлган». Толстой унга нисбатан эътирозларини очик изҳор қилиб юрганда ҳам Тургенев муносабатини ошкора билдирамас, атрофдаги дўстлар эса улар ўртасидаги ғуборни тарқатишга уринишарди. Некрасов бир сафар Толстойга: «Азизим, у сени қанчалик қадрлашини ва севишини билмайсан. Кўп ҳаяжонланма!» тарзида дакки ҳам беради.

Тургенев эса ўз ҳаёт тарзидан чекинмай яшашда давом этади, оламшумул ғоялар қуршовида чарх уриш билан бирга Полина Виардонинг бир нигоҳига муштоқ бўлиб, Парижга ёки у гастролда бўлган бошқа шаҳарга учади, дарбадарликда узоқ санқиб юради. Ҳаётни кенг эпик кўламда акс эттириш, шу орқали фикрларини батафсилоқ изҳор этиш учун романлар ёзади. Россиянинг келажаги қайси қутбда экани билан юракдан қизиқаётган, бу оламшумул ишга ҳаётини бағишилаган файласуфлар, сиёсатчилар, адабий танқидчилар ва албатта, ўз ҳамкаслари – ёзувчи, публицистлар билан мунозаралар олиб боради. Баҳсларда унинг бошқаларга ўхшамаган қарашлари бор эди, шу туфайли яккаланиб қолган, изтиробга тушган, ҳатто онасининг илтифотидан маҳрум бўлиб, моддий қийинчиликларга дуч келган пайтлари ҳам бўларди.

\* \* \*

Шу йилларда рус миллий ижтимоий фикри тараққиётида янги оқимлар, йирик шахслар пайдо бўлаётганди. Хусусан, Н.А. Добролюбов ва Н.Г. Чернишевскийнинг «Современник»да пайдо бўлиши ижтимоий фикр ривожини бошқа ўзанга бошлаб юборганди. Бир қадар ўзидан олдинги қарашларни ҳам, ютуқларни

ҳам тан олмайдиган оқим – нигилистларга яқин бўлган Добролюбов ва Чернишевский радикал қаравлари билан тез кўзга ташланади. Улар ҳар қандай муросани четга итқитиб, ислоҳотлар ўтказиш ва Россиянинг келажагини таъминлаш йўли – олдинги яроқсиз нарсалардан воз кечиш, уларни бузиб ташлаш ғояси билан чиқадилар. Бу жўшқин ёшларнинг ғайрати таҳсинга лойиқ эди, бироқ ўтмишга беписандлик билан қаравши, ҳатто Пушкиндан ҳам айб топиб (унинг маҳсус маълумот олмаганлиги, таҳсилиниң изчил ва чуқур бўлмаганлиги уларнинг назарини тортган, шунинг учун у халқ ҳаётига теран кира олмаган, қабилида ёзғиришарди), қадриятларга соя ташлашлари кўпчиликнинг эътиrozига сабаб бўлаётганди. Ахир ҳамма ким томонидан ўртага ташлангани ҳам номаълум бир ғояни, унинг тўғри-нотўғрилиги, прогрессив ёки реакционлигини чуқур муҳокама қилмай, қўл кўтариб маъқуллаб турган шароитда ижтимоий фикр тараққиётида юксалиш бўладими? Шу маънода янги қаравшларга ҳам хурмат билан муносабатда бўлиб, улардан яна ҳам илғор фикрлар кутилаётганди. Ана шундай шароитда «Нима қилмоқ керак?» (Н.Г. Чернишевский романы) деб масалани кўндаланг қўйиш ҳам табиий эди.

Мамлакатда бошланиб кетган фикр уйғоқлиги, замон руҳини чуқур ҳис этиб, эртанги кун шамсийилини уфқларда тасаввур қилаётган илғор зиёлиларнинг саъй-ҳаракати билан 1861 йил 19 февралда император Александр II тарихий ҳужжатга қўл қўяди: Россияда крепостной ҳуқуқ бекор қилинади. Бу жуда катта ижтимоий портлаш, мислсиз воқеа эди. Гўё юз йиллардан бери орқа қилиб турилган девор олиб ташланганди. Ҳаётга йўлланма олган эркинликнинг жорий бўлиши ҳам осон кечмаган. Дастрлаб деҳқонлар ўз помешчигининг пинжига суқилиб олаверган, ҳужайин туртиб ташлаганда эса озод бўлганидан, ер текканидан фойдаланиб, бир-бирларига тажовуз қилиш-

га, ерларини талаш – иайҳон қилиш, мол қўйиб юбо-ришга киришиб кетишган. Бир неча авлоди тутқунликда яшаган халқ эркинликни ўзича қабул қиласади (халқимизда «Камбағалга эрк берсанг, чориғи билан тўрга чиқади» деган мақол бор). Энда мамлакат ва жумладан, зиёлилар олдида янги муаммолар кўндаланг туради: оддий одамларни маърифатли қилиш орқали уларга маданиятни ўргатиш. Агар рус адабиётининг шу даврдаги намуналари сарҳисоб қилинса, таълим-тарбия, маърифат мавзуси етакчи ўринда турганига гувоҳ бўлиш мумкин. Катта ёзувчи сифатида эътироф этилишга улгурган Лев Толстойнинг ўзи ҳам халқ маорифини татбиқ қилиш мавзусида уч юз – тўрт юз сақифали рисолалар ёзган.

Шу йил 24 майда у Спасскка, Тургенев ҳузурига келади. Улар катта кўл тўғони бўйида туриб, узоқ сухбатлашадилар. Бир пайт Толстой пастга тушиб кетади ва ўтлоқда юрган йилқига яқинлашиб, ёлларини силаб, унинг тилидан нималардир дея бошлайди. Буни кўриб турган Тургенев қўлларини силкитиб, «Ҳа, Лев Николаевич, шу кундан бошлаб қатъий ишондимки, сиз бир пайтлар от бўлган экансиз» деб бақиради. Кейинги кун улар Тургеневнинг янги романи («Оталаар ва болалар»)ни ўқиши тадбирини уюштиришлари лозим эди (Ўша пайтларда асарлар жамоа бўлиб бошидан-охиригача овоз чиқариб ўқиларкан). Толстой ўзи якка ҳолда шошилмай, таҳлил қилиб ўқийман, деб қўллёмани сўраб олади. Тургенев рози бўлади ва қўллёмани беради; Толстойга диванда ўнғай жой тайёрлаб беришади. Иван Сергеевич уни ёлғиз қолдириб, ўз асари талабчан китобхонда қандай таассурот қолдиришини ўйлаб, ҳаяжонланганча ташқарида айланиб юради. Анча вақт ўтгач, эшикдан хонага разм солар экан, жуда ноқулай, аламли вазиятга гувоҳ бўлади: Лев Николаевич диванда яйралиб ухлаб ётар, қўллёманинг тахи ҳам бузилмаган эди. Бундай масалалар-

да жуда батартиб бўлган Тургеневга ушбу ҳолат ёмон таъсир қиласди.

Кейинги кун эрталаб экипажларни ҳозирлаб, сафарга чиқадилар. Ҳаво чараклаб турибди, кушлар сайроғи, ов шавқидаги итлар хуриши, уйғонаётган майсаларнинг ифори кечаги нохушликни эсдан чиқарган-дек бўлади. Йўл шоир Александр Фетнинг Степановка-даги янги мулки орқали ўтарди, у Тургеневга тирикчилигидан мақтаниб, Парижга роса хатлар ёзганди. Кенг далада ҳашамдор уй кўзга ташланади. Дараҳтлар уни куршаган, тунука томида куёш нурлари жилва қиласди. Меҳмонлар яқинлашгач, уй эгаси уларга пешвоз чиқди. Унинг соқоли белига тушган, қулоқларини ҳам соч толалари қоплаб олганди. У фермерга айланган, агрономлик билан жиддий шуғулланаётган эди, адабиёт ҳақида гапиришни хоҳламас, журналларни сўкарди. Дастурхон устида Фетнинг хотини Тургеневга қизи Полина учун инглиз тили муаллими танлаб яхши қилганини тилга олиб қолади. Суҳбат асносида шундай гап кетадики, оқибатда, омонат муносабатларга бутунлай дарз етиб, бу икки ёзувчининг қаттиқ аразлаб қолишига олиб келади.

Яйраб кетган Тургенев:

– Бу англичанка қизимга инглизларга хос хислатларни сингдирмоқчи, – деди. – Қизим камбағалларнинг йиртилиб қолган кийимларини олади-да, ўз қўли билан ямаб, яна эгаларига қайтаради.

– Шу ишни сиз яхши деб ўйлайсизми? – деб сўради Толстой.

– Албатта, меҳрибончилик юмуши қизни оддий одамларга яқинлаштиради.

– Менимча эса тиззасида кир, йиртилган либосни ушлаб турган қиз носамимий театр саҳнасини ўйнагандек бўлади.

– Илтимос, бунаقا ўйламанг, гапирманг, – дейди ҳаяжонланиб Тургенев овози қалтираганча.

- Нимага мен ўзим қатъий ишонган нарсамни айтмаслигим керак экан, – жавоб беради Толстой. Бу Тургеневнинг кечаги аламини қўзғаб, сабр косасини тўлдириб юборади ва юзи бўзарган ҳолда:

– Мен сизнинг ҳақорат қилишингизга йўл қўймайман, – деганча ғазабланиб, нариги хонага чиқиб кетади.

Воқеани А.Фет шундай эслайди. Бошқа мемуарнавислар ўшандага қўшимча равишда Тургенев «Бас қилинг, бўлмаса, башарангизга тарсаки тортиб юбораман», деганини ҳам қайд этишган экан.

Жанжалдан кейин орага муздай совуқлик тушади, ҳар ким ўзи истаган томонга кетади: Толстой Фетнинг поччаси яшайдиган Новосёлкага, Тургенев Спасскка... Бироз ўтиб Тургенев Толстойдан ёзма кечирим сўрайди, бироқ ғишт қолипдан кўчган, ҳаммаси барбод бўлганди.

Гарчи муносабатлар издан чиққан эса-да, рус жамоатчилигининг ҳалтиборида турган бу икки йирик шахс бир-бирининг ҳаёт тарзини зимдан кузатиб борар, ижодларидан етарлича хабардор эдилар. Йиллар ўтиб, аламлар босилгач, вазият изга туша бошлади. Айниқса, хориж сафарлари, беҳуда кезинишлардан жуда чарчаган ва кетма-кет яқинларидан ўлим туфайли айрилиб қолаётган Тургенев ўз қадрдон укаси ва дўсти билан учрашишни жуда хоҳларди, бу кайфиятини ўзгалар орқали изҳор қиласар, хатлар ёзарди. Хусусан, Салтиков-Шчедрин ва бошқалар бу икки буюк инсоннинг дўстлиги тикланишини жуда истаган ва ўртага тушган эдилар. Ниҳоят, 1878 йилнинг апрелида Толстойдан биринчи марта хат келади. Унда бутун Европада аллақачон мартабаси энг баланд деб тан олинган машхур ёзувчининг қадрдонига ўз хурмати юракдан баён этилган, шунингдек, асло бир-бирларининг орасида душманлик бўлмагани, қалбидиа унинг меҳрини сақлаб келгани ва истаган пайтда яна дийдорлашишга тайёр экани изҳор қилинади.

Эслашларича, Тургенев бу хатни ўқиб, йиғлаган экан. Тезда жавоб хати ҳам йўлланади, унда «Узатилган қўлингизни маҳкам қисаман ва мен ҳам сизнидан кам бўлмаган ўз меҳримни, ҳурматимни билдираман» дейилган эди. Муроса яхши-да, одамларнинг бир-бирлашини севиб яшашларига нима етсин.

Шундай қилиб, 17 йиллик айрилиқча чек қўйилади, августда улар Тулада учрашадилар ва Ясная Полянага йўл оладилар. Энди бу яқинлик бир умрга давом этади, момақалдироқдан тозарган осмонда юлдузлар яна ёрқинроқ порлай бошлайди.

1881 йил 9 июлда Толстой кутилмагандан Спасскда пайдо бўлиб қолади. Бу пайтда Григорович ва Полонский оиласи билан Тургеневнинг меҳмонлари эди. Лев Николаевичнинг ташрифи даврага ўзгача файз бағишлайди. Кузда эса Тургенев Парижга йўл ола туриб, Ясная Полянага кириб ўтади. Тургеневнинг кейинги ҳаёти, асосан, хорижда кечгани учун яқин дийдорлашиш кам насиб этади. Бехосдан қарилик ҳам остонаяга келиб қолганди... Иван Сергеевич 1883 йил 29 июня Толстойнинг «Ҳасратнома» асари билан танишиб, унга ҳурматини изҳор этади. Мактуб «Бошқа ёзолмайман, чарчадим» деган сўзлар билан тугалланган. Албатта, адабиёт муҳиблари Толстой ва Тургенев номлари қанчалик шон-шарафларга бурканганигини яхши билишади.

\* \* \*

Тургенев Толстойга ёзган хатларининг бирида «Хозирча теранликка ўсганингиз каби энди энига шоҳ отиб ўсинг, бизлар эса вақти келиб, Сизнинг соянгизда ўтириб, бу дарахтнинг чиройи ва салқинини мақташайлик» тарзида ўз меҳрини ифодалаган эди. Бу пайтларда улар яқинда танишган, Тургенев биринчи романини ёзишга ултурган бўлса, Лев Николаевичнинг буюк ихтиrolари ҳали олдинда эди. Шундай ҳам бўлиб чиқди: муazzам дарахтнинг соясидан кўплар баҳра олди, бу икки азamat

адиб эса фақат рус тилидаги адабиётнинг эмас, жаҳон бадиий тафакқурининг ифтихорига айланишди.

Бизнинг кўп асрлик адабиётимиз тарихида ҳам уларнинг, хусусан, Лев Толстойнинг танилиши анча эрта бошланган. Қолаверса, бу яқинлик жиддий адабий ҳодиса сифатида эътироф этилади. Мабодо шу ўринда миллий адабиётимизнинг кечган аср бошидан ҳозиргача ўтган йўлини қисқа тасаввур қилсак, бу ҳолни яна ҳам яққолроқ ҳис қилиш мумкин бўлади. Шубҳасиз, миллий адиларимизнинг тоталитар тузум шароитида темир қолиплар исканжасида ижод қилганларини унутиб бўлмайди. Шу ҳол адабиётимиз тақдирида ҳал қилувчи мезон бўлгани ҳам аниқ. Ҳолбуки, ижоднинг энг биринчи шарти эркинликдир. Кейинги тараққиёт эса ўз йўлида, бир-бирига ўхшамаган тарзда давом этган. Бу тадрижда гарчи умумий ҳолатлар бўлса-да, кескин контрастлар ҳам мавжуд. Шу туфайли бу икки адабиётнинг ҳозирги манзараси ҳам, мавқеи ҳам, даражаси ҳам ҳар хил. Зоро, ўтмиши рус адабиётидан анча қадимий ва бой бўлган бизнинг тилимиздаги адабиётга шу ракурсдан разм солиш яхлит манзарави яна ҳам ойдинлаштиради. Аниқроғи эса бақамти яшаётган бу икки адабиётнинг бугунги аҳволини таққослаб, хулосалар чиқаришга изн беради.

Демак, 1905 йилгача туғилган ўзбек адиллари араб имлосида савод чиқарган ва аввалбошида адабиётимиз панд-насиҳат руҳидаги чинакам Одоб илми, яъни Адабиёт бўлган. Уларни маърифатпарварлар ҳам деб атаемиз. Фақат кейинроқ туғилганлар шўро тартиблари билан рўбару бўлдилар ва ўша давр мафкурасининг исканжасида бутунлай ўзгача талабларга дуч келдилар. Аксарият уларни қабул қилмади, шу туфайли умрлари фожиа билан яқунланди. Қабул қилганлар эса янги руҳдаги адабиётнинг асосчисига айланишди.

1915 йилгача туғилган адиллар гўё янги тузум берган имкониятдан фойдаланиб, бутун илҳомлари-

ни уни улуғлашга сарфладилар, ҳатто дастлабки асарларини ўзлари истаганча шакл ва мазмунда ёзишга ҳам улгурдилар. Бироқ мағкура дастгоҳи ишлади ва ҳар бир катта-кичик битикка ўз тамғасини босишига киришди. Романлар ҳам қайта-қайта ёзилди. Адабиёт бутунлай сиёсатлашди, инсон қалб кечинмалари ҳам шу қолипга солиб тасвиirlанди.

1925 йилгача таваллуд топган қаламкашлар энди анча эпақага тушиб қолган, асарининг биринчи ҳар-фиданоқ қандай руҳда ёзишга тайёрланган эдилар. Бундай шароитда ҳар қандай ижодий майл ҳам маълум ўлчовлардан ташқарига чиқа олмаслиги аниқ. Бу авлод вакиллари ўша мағкурага хизмат қилишни қисмат деб билдилар ва ортиқча саркашлик қилиш фойдасизлигини тан олдилар.

1935 йилгача туғилган авлоднинг болалик ва ўсмирлик чоғлари даҳшатли уруш йилларига түғри келди. Конуниятни қарангки, бу ҳол адабий жараёнга ҳам таъсир қилди, кейинчалик улар ўзларидан катта акалар, ҳатто укалар соясида қолиб кетишиди.

1945 йилгача дунёга келганлар эсини таниганда ижтимоий муҳитда сиёsat кишанлари анча бўшалган, бутун эътибор уруш вайроналарини тиклашга қаратилган эди. Ҳамма имконият шу мақсадга йўналтирилгани учун ижтимоий иқлим бироз мусаффо эди. (Шўро-чилар мақсадга эришиш учун этик тор келганда ҳамма усуллардан воз кечмаганлар. Масалан, уруш йиллари масжидларда ибодат қилиб, Худодан ғалабани сўраш амр этилган). Мағкуравий чорловлар заифлашганда, аникроғи, барча куч иқтисодиётга сафарбар қилинганидан сиёsat машинаси тин олиб турарди, гўё тўплар гумбурлаганда музалар сукут сақлайди, деганлари-дек, тўплар сукут сақлаганда музалар тилга кирганди. Ана шундай иложсиз ва мажбурий рўшнолик туфайли бироз эркин улғайган авлод миллий адабиётда ёрқин из қолдирди, дейишга асос бор.

1955 йилгача туғилғанларни «Илиги пуч авлод» ҳам дейишади. Уларнинг болалик ва улғайиш йиллари уруши асоратларини тиклаш палласига тұғри келди. Күп нарсаларни янгидан барпо қилиш ёки қайта назардан үтказиш талаб қилинарди. Тараққиётни изга солиб юбориш мақсадни найзадек бир йұналишга қаратишни тақозо этарди. Шу туфайли янги авлод келажаги ҳақида қайғуриш ҳам күп-да әсга келавермасди. Шундай мұхитда улғайиб, адабиётга кирган авлод, тұғриси, олдинги авлод даражасига күтарила олмади. Бунга мағкуравий тазийқларнинг янада күчайғанлиги ҳам сабаб бўлди.

1965 йилгача ва ундан кейин туғилған ижодкорлар ҳатто ўз қиёфаларини ҳам топа олмадилар. Уларнинг энг пешқадам вакиллари миллий асослардан юз үгириб, бегона миллатлар маданиятида ўзини намоён қилған йўл ва усулларга кўр-кўронга тақлид қилишга киришиб кетдилар. Ҳолбуки, бу тажрибалар ўз ватанида аллақачон четга ирғитилған, ҳатто уларнинг прогрессивлигига ўша юрт тафаккур эгалари ҳам ишонмай қолған эдилар. Истисно тариқасида шуни таъкидлаш ўринсиз бўлмасди: айни кунларда Ғарбда юзага келган маънавий бузилишларнинг илдизлари билан қизиққан кўплаб мутахассислар бу айниш санъатнинг боқий анъаналаридан чекиниб, уларда борлиқни модерн ёки абстракт усулда акс эттиришдан бошланганини эътироф этишмоқда (масалан, Ванг Гог ёки Пикассоңинг шедевр деб баҳоланган асарларини тушуниш, майли, ҳис этиш учун бошқача-роқ одам бўлиш лозим).

Кўплаб маданият арбоблари эса ўз даврида санъатнинг, жумладан, адабиётнинг кучи ҳам, қадр-қиммати ҳам ҳаётга, халқ ҳаётига яқинликда, уни бутун бўй-басти билан акс эттиришда ва унинг гўзаллашиб боришига таъсир этишда, деб билғанлар. Ана шундай титанлар сафида Тургенев ҳам бор эди. Унга оддий

рус ҳаётидан олиб ёзилган қуюқ бүёқли лавҳалар катта-катта романларидан ҳам юксак хурмат келтирғанди. Шу фазилати билан у бутун адабиёт муҳибларининг боқий дўстига айланиб қолди.

\* \* \*

Иван Сергеевич Тургенев кўплаб ижодкорлар каби дастлабки қадамларини шеър ёзишдан бошлиганди. Албатта, бу машқлар ўша даврнинг машхур шоирлари, хусусан, Пушкин ижодига тақлиддан иборат эди. Уларнинг бир дастасини Москва давлат университетидаги устози, профессор Пётр Плетневга топширади. Устоз улардан учтасини танлаб, «Современник» журналида эълон қилинишига кўмаклашади. Шундан сўнг одалар, поэмалар ёзилади. Шубҳасиз, уларда чинакам шеъриятдан кўра ўсмирикнинг эҳтирослари устунроқ акс этганди. Жумладан, «Стено» поэмасида бош қаҳрамон Рим улуғворлиги, Колизейнинг вайроналаридан таъсирланиб, узоқ монолог ўқиди, ҳаётнинг мазмуни, абадийлик ҳақида романтик ҳиссиётларини изҳор этади. Поэма билан танишиб чиққач, Плетнев машғулот давомида муаллифини атайлаб тилга олмай, атрофлича таҳлил қиласи, қўллэzmанинг Байрон, Пушкинга тақлидан романтик руҳини таъкидлаб, ҳар бир ижодкор аввалбошданоқ ўз йўлини излаши лозимлигини одоб билан айтиб ўтади. Танаффусда эса устоз меҳрибонлик билан ёш шоирнинг бoshини силаб кўяди (афсуски, баъзан бундай ҳолларда пешонасини ғурра ҳам қилишади).

Шуниси эътиборга моликки, Тургеневнинг биринчи асариданоқ келажакда унинг бутун ижодий манерасини белгилаб берган конфликт қўзга ташланган: бир томонда қалби бўм-бўш, жонли интилишларга қобилияйтсиз, худбин, хаёлпарат Стено, иккинчи кутбда эса ўз туйғуларини журъат ва очиқкўнгиллик билан ошкора маълум қиласидиган, гўзал қиссаларнинг

безагига айланган қизлар тимсоли – Жулия. Унинг ижодий тақдиди шундай белгиланган эди.

Тургеневнинг фалсафа хазинасига яқинлашуви, кенг доирали билим соҳиби бўлган устозларнинг маърузалари уни ҳаётни эпик планда тасаввур ва тасвир қилишига унданганмикан, кейин у шоир эмас, ёзувчи қисматига восил бўлган, асосан, насрой асарлари унинг абадийлигини таъминлаган. Ёзувчининг қаламига мансуб олти роман, ўнлаб қиссалар, юзлаб публицистик асарлар, насрой шеър (мансура)лар, саҳна асарлари (водевиллар, комедиялар) рус миллий адабиётининг олтин хазинасига киритилган.

Ҳар бир одамнинг бошқаларга ўхшамаган қиёфаси бўлганидек, ҳар бир ижодкорнинг ҳам ажralиб турадиган дастхати бўлади. Шу маънода Тургенев ижодини батафсил ўрганган, унинг яратган асарларини, уларда кўтарилиган мавзуларни қиёсан таҳлил қилган тадқиқотчилар ёзувчининг бир нурли қиррасини алоҳида таъкидлаб: Тургеневни рус аёлларининг буюк куйчиси, деб атаганлар. Ҳақиқатан, унинг асарларида рус аёлининг, умуман, аёл зотининг бетимсол дунёси рангин бўёқларда мислсиз маҳорат билан акс эттирилган.

Биз чарчаганимизда, зерикканимизда онамизнинг қучоғига интиламиз ёки онамиз бағрида кечирган фараҳли дамларни хаёлимизда тиклаймиз. Биласизми, одам зотининг жон чиқар олдидаги охирги сўзи ҳам «Она!» бўлар экан – у бу калимани ё ошкора, ё ичиди такрорлаб, онаси қучоғига йўл олгандек кетар экан. Тирикликтининг икки қутби ҳам эркак ва аёл. Кўпинча эркакни қуёшга, аёлни эса ерга қиёслашади. Қуёш ўз орбитасида событ, у ҳаётни таъминлайди; барча заҳматлар, оғирликлар эса Ернинг зиммасида. Ер тоғлар, уммонларни кўтариб туради, ундан ҳосил унади, унда ҳаёт гуллайди, қуёшнинг қуёшлиги – ҳаётнинг моҳияти ана шу жараёнда – яратилган маҳсулотларда намоён бўлади.

Яшнатувчи, гуллатувчи қудрат соҳиби – Аёл тимсоли Тургенев асарларининг руҳи ва жони эди. Бу туйғу балки оила мұхитида онаси Варвара Петровнанинг ҳукмронлиги салтанатидан үтгандир, балки жанговар онанинг сути билан қонида ишқ алангаси мурғаклигиданоқ синггандир. Ростдан, уларнинг оиласида отаси момақалдириқдек хотинининг қаршисида ғира-шира билинар, болаларига ҳам меҳри жозибали эмас, ҳаётда шарпа мисоли эди: собиқ ҳарбий хизматчи вақтини асосан маишатда үтказди. У Сергей 16 га тұлғанда дунёни осойишта тарк этиб кетди ва унинг кейинги бутун ҳаёти онаси осмони остида үтди. Ана шу «матриархат» болалик унинг ижодида ассоций лейтмотивни ташкил қылды. Унинг аёллар қалб кечинмаларини ёритишига бағишлиланган қиссалари шеърдек равон үқилади, шаробдек таъсир қилади. Асарларида қаламга олинган ва ёрқин тасвирланган қаҳрамонлар, яъни аёллар эса ёзувчи ҳаётда дуч келгандар, қайсибир даражада мулоқотга киришган, шахсан танийдиган, қолаверса, ҳаётида у ёки бу даражада из қолдирған кишилардир. Бунга унинг таржимаи ҳолидан баъзи лавҳаларни күздан кечириб, янада ишонч ҳосил қилиш мүмкін.

\* \* \*

1843 йил Тургенев ҳаёти ва ижодида алоҳида из қолдирди. Шу йилда у давлат хизматига кирди – ички ишлар вазирлиги девонхонасида ишлай бошлади, Белинский билан танишди, адабий давраларда шаклланған ёзувчи сифатида эттироф этилди. 1 ноябрь эса Тургенев ҳаётида бир умр эсдан чиқмас сана бўлиб қолди. Шу куни – уни кейинчалик ёзувчи «муқаддас кун» деб атади – Петербургда, Александринский театрининг қаршисидаги Невский проспектидаги уйда Россияга гастролга келган Париждаги Италиян опера театрининг актрисаси Полина Виардо-Гарсия

билан биринчи марта учрашди. Полина келиб чиқиши испан бўлиб, Севильядаги циганлар маҳалласидан чиқсан Европада машхур қўшиқчи, тенор Мануэль ва ашулачи Хаокина Гарсияларнинг қизи ва шогирди эди. У ўзининг беқиёс иқтидори – овози билан қитъани лол қолдираётган, у куйлаган ариялардаги ўтли нафас миллионлаб қалбларга ҳарорат бағишлаётган эди. Полинанинг исми уни чўқинтирган онаси Прасковья Андреевна Голицына номидан олинган, унинг руслар билан яқинлашуви йўргакданоқ бошланганди. Кейинчалик ҳам у бу юртни ўзининг иккинчи ватани, деб билади, қолаверса, унга жаҳоншумул шуҳратни ҳам Россия саҳналаридағи концертлари, улардан мутаассир бўлган рус зиёлиларининг эътирофлари ҳадя этади.

Унинг Тургенев билан танишиши ва яқинлашиб кетиши ҳам шу муҳитда кечади. 3-4 кун олдин бир зиёфатда Тургенев Полинанинг эри Луи билан учрашиб қолади. Улар ўртасида суҳбат тез қўр олади, айниқса, французнинг ҳам овга ўта ишқибозлиги икковининг қадрдонлашиб кетишини тезлаштириб юборди. Луи Виардо итальян театрининг директори, санъатшунос ва танқидчи, хотинидан йигирма ёш катта, унинг истеъдодини қадрлайдиган, санъат ишқибози ва билимдони эди. Полина билан уни ёзувчи Жорж Санд таништирган экан.

Ўшанда Луи унинг опаси, таниқли хонанда Мария-Феличити Малибраннынг дўсти ва маслаҳатчиси эди. Қизларининг истеъдодини яхши билган Гарсия «Марияни ишлашга темир таёқ билан мажбур қилиш керак. Полинага эса ипак арқон ҳам етарли» деган экан. Бироқ дастлаб Полинанинг ўғил болаларга хос шўхликлари, балки қоматининг беўхшовлиги (у жуда сарвқад бўлмаган экан) Луига ёқмайди. Оталарининг вафотидан кейин сингилни опаси ўз тарбиясига олади. Ташқи кўриниши ҳам унчалик жозибадор бўлма-

ган Полинанинг қўшиқчиликда бирор муваффақият қозонишига ишонч йўқ эди. Уни тирикчилик важдидан мусиқачи (созанда) қилиб тарбияламоқчи бўладилар ва Полина композитор Ференц Лист (кейинчалик жуда машҳур) қўл остида пианино чалишни ўрганишга киришади (дастлабки «роман» ҳам у билан рўй берган). Улғая бошлагач, унда кучли ва сеҳрли овоз пайдо бўлади. Буни онаси – машҳур қўшиқчи – сезиб қолиб, унга вокаль санъати сирларини ўргата бошлиди.

18 ёшида Париждаги «Ренессанс» театрида Полина Гарсия биринчи концертини беради. Унда иштирок этганлар бўрондай кучли, бир вақтнинг ўзида шамолдек майнин бу овоз сеҳрига мафтун бўлиб қоладилар. Жорж Санд «У Рашелдан ҳам афзал, опаси ёки Паста ҳам ҳеч қачон бундай куйлай олмаганди», деб қайд этади. Шоир Альфред де Мюссе эса «Худди нафас олгандек куйлайди!» дея ҳаяжонланади ва ёш актрисани севиб қолади. Аммо уларнинг муносабати поёнига етмайди, Полина Жорж Санднинг маслаҳати билан Луи Виардога турмушга чиқади. Аламзада бўлиб қолган шоир эса нафратини 17 та сатирик карикатуралирида ифодалайди. Уларда Санд, Виардо, Полина турли қиёфаларда масхара қилинган эди.

Полинанинг ишқий саргузаштлари ана шундай жозибали лавҳалар билан бошланади. Жорж Санд Россияда катта обру қозонган эди. Достоевский уни бутун Европада юзага келган янги тўлқиннинг энг илғор ёзувчиси, деб атаганди. У Полина Виардонинг нодир иқтидорини қадрлайди, ундан қўлидан келганча қўмагини аямайди (аммо ўғлининг у билан яқинлашишига йўл қўймаган экан). «Консуэло» романни Полинага бағишиланган. Жорж Санднинг ижодини жуда қадрлаган, ҳатто унга сажда қилиб юрган Тургеневда шу ҳол ҳам беихтиёр Полина Виардога қизиқишини кучайтирган бўлса, ажаб эмас.

Шундай қилиб, илк учрашув рўй берди. Унда Тургенев чуқур ҳаяжон ва ўзгача интизорлик билан келган

бўлса, атрофида мухлислари хира пашшадек айланиб, безор қилиб юборган қўшиқчи эса оддий ишқибоз билан кўришаётган кайфиятда, бепарво эди. Кейинчалик Виардонинг эслашича, унга Тургеневни «У таниқли ёш помешчик, самимий суҳбатдош, яхши овчи ва ёмон шоир» деб таниширишган экан. Ҳар ҳолда дастлабки суҳбат аёлда яхши таассурот қолдирган бўлса керак, уни гастроллари давомида даврасида лойиқ кўрилган тўрт кишидан бири сифатида танлайди. Уларнинг ҳаммаси бошловчи шоирлар ва овчилар эди. Полина ҳар гал спектаклдан сўнг маҳсус хонада улар билан 2-3 соат гаплашиб ўтирар эди. Тўртовлон ҳам актрисанинг кўнглини олишни хоҳлар, унга турли совғалар тайёрлашар, эътиборини кўпроқ жалб қилишни исташарди. Бир сафар ўзлари овлаган айиқнинг терисини келтиришиди. Тургенев уларнинг сафида биринчи ҳам, схирги ҳам эмас эди, бироқ илк нигоҳданоқ қалбига тушган чўғ уни аёвсиз кўйдирар, Полина санъатининг ҳам, қалбининг ҳам мислсиз ошиғига айланган эди.

Агар бу муҳаббат тарихини бошдан охир кўз олдимизга келтирсак, Тургеневнинг Полинага муҳаббати ғайритабиий ва шафқатсиз бўлган. У ўрта асрларда рицарларда урф бўлган «гўзал хонимлар»га илоҳий маъбуда сингари қараш ва уларга сажда қилишга ўхшаб кетади. Тургеневнинг назарида хонанда ўзининг мислсиз гўзаллиги ва қудрати билан кўл етмайдиган шоҳсупада турарди; у эса аёлнинг оёқларига йиқилишни, кўйлагининг этакларини кўзига суртишни, ерда қолдирган қадам изларини ўпишни истарди. Маҳбубасининг бир қараб қўйиши, у томонидан қўрсатилган тирноқча илтифот унга бебаҳо қувонч бағишиларди, таассуфки, хонанда уни иқтидорининг кўплаб мухлисларидан бири, деб биларди, лекин баъзан ўз пардозхонасига таклиф қилиб, дилдан суҳбатлашишга ҳам изн берарди (бундай илтифот ҳаммага ҳам кўрсатаверилмас эди).

А. Панаевнинг эслашича, бир оқшом Тургенев уларнинг ҳузурига ўзида йўқ шодон ҳолда кириб келган.

– Жаноблар, мен шундай баҳтлиманки, ер юзида бугун мендан ортиқ сийланган одам йўқ, – деб мақтнарди у. Унинг кириб келиши билан карта ўйнаб ўтирган Белинский, Боткин ва бошқалар жимиб қолишади. Боткин нима рўй берганини тезроқ билишни хоҳлаб, Тургеневни қистай бошлайди, бошқалар ҳам бунга қизиқиб қолишади.

Шундай бўлган эканки, Тургеневнинг боши қаттиқ оғриб қолган ва Полинанинг ўзи одеколони билан унинг чаккаларини артиб қўйган! Тургенев аёлнинг бармоқлари чаккасига текканда қандай ҳузур қилганини тинмай такрорларди. Ўйиннинг бўлиниб қолганидан норози Белинский ҳаммани даврага чорлар, Тургенев эса хонада тиним билмай кезиб, пошналари билан полни тарақлатганча ўз баҳтиёрлигини такрорлашдан тўхтамасди. Ҳафсаласи пир бўлган Белинский картасини ирғитиб, дейди:

– Хўп, сизнинг бунаقا жазавали, шалдироқ севгинизга ишониб бўладими?

Бундай дарвишлик Некрасовга ҳам, Репинга ҳам, Толстойга ҳам, умуман, кўпларга ёқмаган, аммо ким нима деса-десин, Тургенев шундай сеҳрга дучор бўлганди ва ундан умрининг охиригача кутула олмайди.

Файласуфларнинг эътироф этишича, севги – дунёни мунавар қилиб турувчи ҳар ишга қодир туйғу. У Яратганинг, илоҳий руҳнинг, энг сўнгги чегарадаги имкониятнинг туҳфаси. Севги орқали ҳаётнинг хаёлий тасаввури билан ҳақиқий борлиқ туташади (гўё ер ва осмон бир пустга киради), яъни мавҳумлик ҳақиқатга айланади. Севигига дуч келган одам ана шундай дунёда яшайди. Аёлга муҳаббат – борлиқни яратувчи умуминсоний дунёвий севги қонунларининг аниқ тарзда намоён бўлишидир. Бунда инсондаги жами ботиний салоҳият бир нуқтага – аёлга қаратилади ва эркак-

нинг борлиғи игна тешигидан тушган нур таъсирида күзғалган зарралар каби жунбишга келади. Шуниг учун севгига дуч келғанлар ундан масрур бұладилар, унда буюк ижодкорликни күрадилар. Севган одам нур билан ўраб олинғандек атрофдагилардан ажралиб тураты. Унинг билан бошқалар ўзгача хислатли, илохий наざр билан сийланған одам сифатида муносабатда бұладилар. Севги киши тийнатидаги жами маънавий гўзалликларни юзага чиқаради, шу орқали борлиққа эзгулик таратади. Умуман, муҳаббат фалсафасини узоқ давом эттириш мумкин. Албатта, унга дуч бўлғанларнинг ўзига хос кечинмалари, хулосалари бор, зеро, севги «кўп эски бўлса-да, уни ҳар бир юрак янгилайди».

\*\*\*

Тургеневнинг Полина Виардога муҳаббати ҳам бошқаларга ўхшамаган бир достон эди. Агар қарс икки кўлданлигини ҳисобга олсак, бу муносабатда у тарафнинг ҳам хайриҳоҳлиги кўп рол ўйнаган. Полинанинг Луи Виардо билан никоҳини баҳтли деб бўлмасди. Ёшдаги фарқ уларни ажратиб турарди. Луи хотинини севарди, уни тўғри тушуниб, баъзи қилиқлари учун рашкнинг майда тазийқлари билан азбламасди, унинг эркинлигидан хижолат бўлмасди. Ҳатто уни Жорж Санд тунги қалпоққа ўхшатганди. Полина эрини катта ҳаётга олиб чиққан устоз ва ҳомий сифатида қадрлар ва севарди. Албатта, буюк туйғу – севгининг буюк сирлари ҳам мавжудлигини ҳисобга олсак, уларнинг муносабатларида буюк ҳамкорликни ҳам кўриш мумкин. Полина Тургеневнинг қистови ва қўмагидада рус тилини ўрганди, русча романсларни куйлади. Ҳатто Тургенев асарларини ўқиб, у билан ижодий мулоқотга киришадиган бўлди. «Руслар менга бир жиҳатдан қуллуқ қилишлари керак, – деб ёзади у бироз кеккайиб, – Тургенев ёзишда тўхтамайди, унинг

бирон сатри ҳам менинг назаримдан ўтмасдан уларга етиб бормаган». Луи эса рус ёзуучиси таклифи билан Пушкиннинг «Капитан қизи» повестини ва бошқа асарларни француз тилига таржима қилди. Бу юмуш катта аҳамиятга эга эди. Францияда ўша йилларга келиб ҳам Пушкинни яхши билишмас, Гоголни эса танишмасди. Таржималар орқали жонли рус адабиёти француз ва бошқа Европа халқлари маданий ҳаётига кириб борди, улардаги беписанд кайфиятни ўзгартириб, русларга эътибор ва хурмат билан қарашни юзага келтирди. Шунингдек, Луи Тургенев тавсия қилган маълумотлар асосида Россиядаги ижтимоий ҳаёт ҳақида мақолалар ёзди. Бу саъй-ҳаракатлар миллий маданият тараққиётида сезиларли қадамлар эди.

Тургеневнинг Полинага бўлган муносабати унинг кўплаб асарларида, масалан, «Ортиқча одамнинг кундалиги», «Ёзишмалар» қиссалари, умуман, бутун ижодида у ёки бу даражада акс этган. Шуниси борки, йиллар ўтган сари бу муносабатлар эскириб, хира тортиб эмас, балки янги-янги қирралари билан бойиб, ёшариб, нурафшонлашиб борган. Охирида Тургенев бутунлай «қул» ҳолига тушган, гарчи бошқа аёллар атрофида пайдо бўлса-да, Полинадан ажрала олмаган. «Унинг сўзи мен учун қонун» деб тан олган ўзи. Дўстлари эса «Агар унга бир мамлакатда шоҳ бўлиб, давру даврон сурасанми ёки Полинага хизматкор бўлиб, Африкага кетасанми, деб сўрасалар, у иккинчисини танларди», дея эътироф этишган. Унга танқидий муносабатда бўлган ва камчиликларидан кулиб юрган Толстой ҳам «Мен унинг шунчалар сева олишига ишонмагандим» дея тан берган экан.

Тургеневнинг Виардолар оиласи билан муносабати кўнгилдагидек бўлган. «Тақдир менга ўз оиласи бўлишини насиб этмади, – деб ёзади у, – мен бегона, французлар оиласига боғланиб қолдим ва уларнинг қаторига қўшилдим. Аллақачон улар мени бу жамоа-

нинг одами деб ҳисоблашади. Бу жойда менга ёзувчи деб эмас, оддий одам сифатида қарашади. Улар билан бўлиш менга ёқимли ва ўнғай» тарзида эътироф эта-ди. Уларнинг болаларини ўз қизидан кўра яхшироқ кўрарди. Бу оила учун қўлидан келадиган ҳар қандай хизматга шай турган. Бутун Европада танилган ёзув-чи, катта-катта давраларда эътироф этилган шахс курорт шаҳарларнинг бирида Виардолар учун қулай вилла излаб мулоzимлардек тентирагани ҳам шундан.

Умуман, бундай муносабатларни тадқиқотчилар турли хил баҳолайдилар. Баъзилар улар ўртасидаги муносабат соф ҳурматга асосланган эди, жумладан, моддий аҳвол ҳеч қандай мавқе касб этмаган, дейишса, бошқалари Полинанинг фалон ўғли Тургеневнинг фарзанди бўлган, дейишади. Албатта, Ғарб ахлоқи, оиласда мутлақ эркинликка интилиш мухитида бирор нарса дейиш қийин. Тургеневнинг ўзи эса Полонский билан суҳбатида Полина Виардо афсунгар эканлигини шипшиштан экан. Дўсти Анненков «У аёл қалбини бўй-сундира олмаслик ва уни бошқара билмаслик туйғуси билан азоб чекди» деган экан. Эҳтимол, ўзига ортиқча ишонган ва қатъиятли ёзувчи хонанданинг қалбини бутунлай забт этишни мақсад қилган, мағрур аёл эса бунга йўл қўймагандир, шунинг билан бирга «ширин луқмалар» ташлаб, ошиғини қўйиб ҳам юбормагандир. Мавхум ва мураккаб синоат!

Ўғлининг ажнабий аёлга илакишиб қолганини сезган онаси Варвара Петровна тезда ундан воз ке-чишни талаб қиласди, лекин ҳар қандай тазийклар «қўл-оёғи боғланган» йигитга таъсир қилмасди. Бир сафар у Полинанинг Москвадаги концертига тушади. Оналик меҳрини яшира олмай, «Лаънати лўли яхши куйлади», дейди. Одамларни қандай йўлга солишни билган помешчик аёл шундан кейин харажатларга маблағни камайтиради, оқибатда, Тургеневда кон-цертга тушиш, ижара ҳақи тўлаш, ҳатто тушлик қи-лиш оғир бўлиб қолади.

Варвара Петровна бутун умидини шу Иванга тиккан эди. Касалманд туғилган кенжаси болалигига нобуд бўлиб кетади. Тўнғичи Николайнинг умри хизматда ўтади, ёғли ишнинг бошини тутмай, онанинг қўлтиғидан чиқмайди. Боз устига оқсочи Анна Шварц билан дон олишиб юргани маълум бўлади. Улар қочиб кетиб, яширинча никоҳдан ўтишади. Изидан эшик-оғаси Федор Лобанов жўнатилади. Варвара Петровна Петербургга бориб, гап нимадалигини билиб келган Лобановни ҳам, Николайни ҳам қаттиқ жазёга гирифтор қиласди. Николай паст табақа аёл билан никоҳдан ўтганлиги учун меросдан маҳрум қилинади, Лобанов эса ёмон хабар билан келгани туфайли ишдан ҳайдалиб, чекка қишлоққа ахлоқ тузатиш ишига сургун қилинади (мана, муносабат).

Она ўртанчасининг ютуқларидан ҳозирча мамнун эди. Берлинда таҳсил олганида пулни аямади, у йил ўтиб, қишлоққа қайтганида тантанали кутиб олиш байрами ташкил қилди. Одамлар шу кунлари жаҳлдор хотиннинг хушфеъл, сахий бўлиб қолганини сезганлар. У Иван Сергеевичнинг ҳар томонлама чўғини оладиган катта шахс бўлишини истар, қадам олишларини синчиклаб кузатиб, муносабатини кескин билдириб турарди. Унинг ижодий уринишларига шубҳа билан қарап, бу машғулотдан бирор наф чиқаришига ишонмасди. «Менимча, котиб билан ёзувчи бир хил касб эгаси, – дерди у, – иккаласи ҳам пул топиш учун қоғоз қоралайди. Иван, дворянин қалам қитирлатиб ўтирмаслиги, аксинча, мансабга эришиб, мўмай даромад қилиши, яхши яшаши лозим. Ўзинг Пушкин бўла олмаслигингни тан оляпсан, ҳозир ким китоб ўқиёди? Ҳаётга жиддий қара, бир вазифанинг бошини тут, кейин уйлан, Тургеневлар сулоласини давом эттири».

Ўғил Берлиндан хатларига шеърларини қўшиб жўнатарди, бу онанинг энсасини қотирарди. «Сендан қаерларда бўлдинг, кимларни кўрдинг – шулар ҳақи-

да хабар кутиб турсам, бирданига шеърлар. Саёз, яна қофияси жойида эмас. Мен Пушкиннинг дастхатини севаман. Сен Федосья холани эслатасан. Нотани олади·да, ўзича скрипкани ғийқиллатиб ўтиради, шу билан чалгандек бўлади». Кейин мана бундай хатлар ҳам кела бошлайди: «Оҳ, қандай гўзал шеърлар жўнатибсан. Тўғри, мен баъзиларини тушунмадим, бироқ Оллоҳ сени ёрлақасин. Бундай ёзиш...» «Параша» поэмасини ўқигач эса «Шубҳасиз, сенда иқтидор бор» деятан олади.

Қобиқ ичида етилган мағиз ўз борлиғини инкор этганидек - қобиқни ёриб, дунёга чиққанидек, турли муҳит ва шароитларда ўсган, тарбияланган она ва ўғил ўртасида ихтилофлар ҳам бўлиши табиий эди. Хусусан, онанинг қўл остидаги крепостнойларга муносабати Иван Сергеевичга ёқмас, ҳақли норозилигига сабаб бўларди. Қолаверса, эркинликни ёқлаган инсонпарвар сифатида жонли ҳаётда дехқонларнинг мазлум аҳволини ўз кўзи билан кўриб, бу лавҳаларни дунёқараши билан таққослар, унга рус мужигининг озодлиги миллатни қутқаришнинг ягона йўли бўлиб туюларди. Шу туфайли у крепостной тартибларнинг ашаддий душманига айланди ва илғор рус зиёлилари сафида туриб, бу тартибларнинг бекор қилинишига катта ҳисса кўшди.

\* \* \*

Петербург университетининг талабаси 1834 йил қишида қишлоғига келиб биладики, болалигида бирга ўйнаб катта бўлган дехқон қиз Лушани онаси Айиқ лақабли помешчик хотинга сотиб юборибди. Ўғил онасига савдони бекор қилиш, Лушани қайтариб олиш талабини қўяди. Ҳар қанча ёлворишлар кор қилмайди. Шунда ўсмир биринчи марта онасига ўз характеристини намойиш этади: Лушани қайтариб келиб, унга қўриқчилар тайинлайди. Бундан ғазаб-

ланган Айиқ ҳокимиятга «ёш барин» дәхқонларни исёнга чорляяпти, деб шикоят қиласади. Спасскка уезд полициясининг бошлиғи қуролланган икки муло-зими билан етиб келади. Тургенев ўқланган милтиқ билан ҳайқирганча уларга пешвоз чиқади, бунақаси-ни кутмаган тартиб соқчилари бошларини оғритиб ўтиришни лозим кўрмай, жўнаб қолишади. «Мценск уездининг ёш помешчиги Иван Тургеневнинг тўполо-ни» юзасидан жиноий иш кўзғалади, бу узоқ йиллар, то крепостной ҳуқуқ бекор қилингунча давом этади. Варвара Петровна барибир катта пул эвазига Лушани қайтариб олади.

Тадқиқотчилар Тургеневда аёлларга эътибор, хур-мат оила муҳитида шаклланганини таъкидлайдилар. Аввало ўша йилларда рус жамияти ўз маданияти, ин-сонпарварлигини айнан шу нуқтада намойиш этишни бошлаган эди. Бу рух Франция ва бошқа Европа мам-лакатларидан ўтганди, деса ҳам хато бўлмайди. Шу орқали ҳам рус дворянлари ўзларини ҳеч кимдан кам эмасликларини кўрсатмоқчи бўлишардими? Бадий адабиётга, умуман, санъатга яқин бўлган Тургенев учун эса бу ҳол шахсият билан боғлиқ эди. Яна Евро-панинг энг муҳташам маданий марказларида бўлиш, уларда тантанали кибор давраларида иштирок этиш, ўзи ҳам эътибор қозониб, арзирли кавалерга айлан-гани ҳам унинг юқори маданият мезонини ушлашга ундарди. Қолаверса, ота-онаси ўргасидаги моддий то-мондан тўла таъминланган, бироқ тунд, севги-муҳаб-батдан йироқ оила шароитидан нимадир истаган, то-полмаган ва ўша излаганига аёллар билан муносабат-ларда эришгандир.

Жамиятда етарли мавқе қозонган, аммо йиллар-нинг шафқатсиз тазиёки остида сочига оқ, юзига ажин тушиб, ошиқлари сафи камайиб бораверган ва ниҳоят, ёлғизланиб қолган мадамлар, маркизалар ҳали сўнмаган ҳаёт завқи, қониқмаган кўнгил истаги

билан навқирон ёшликка интилишар, ёш йигитчаларни «ов»лашар, энди муносабатлар мазмуни ўзгариб, улар тарбиячи, ҳомий, онахон сифатида саҳнада ҳаракат қиласидилар. Ҳар қандай таъмадан йироқ, бирор манфаатни кўзда тутмаган бу алоқалар кўнгилда яшаётган гўзаллик соғинчини қондиришга йўналтирилган бўлар, навқирон кавалерлар билан суҳбатлар адабиёт, мусиқа, тарих, умуман, маданият масалалари хусусида кечарди. Яхши таҳсил олинганининг маҳсулли – кенг маълумот, аристократлар давраларида урф бўлаётган энг нафосатли одатлардан хабардорлик, шахсий маданият ва бошқа омиллар ёш муҳибларни салобатли устозларига боғлаб қўяр, бундан икки тараф ҳам баравар ҳузур қилишарди.

Жаҳон адабиётининг йирик вакилларидан бири Оноре де Бальзакка нисбат берилган «Бальзак ёши» деган ибора унинг яшаган йилларини эмас, балки «лаби дўрдайган, тиши сарғайган, айиққелбат паҳлавон йигит»га раҳнамолик қилган, ижодининг юзага чиқишида ҳомийлик кўрсатган, ҳаётининг тӯғри изга тушиб кетишини таъминлаган марҳаматли хонимларга нисбатан пайдо бўлганди. Улар Лаура ё маркиза де Берни, ёки де Абрантес бўладими, исм-шарифлари Зюльма Карро ёхуд Марселина Деборд-Вальморми, саргузаштлари бир неча жилдга сиғмайдиган герцогиня Анриетти Мари де Кастро бўладими, хонимлар бўйи баравар қарзга ботган, суткасига ўн беш соат қимирламай ишлаш қурратига эга бўлган ёзувчи ҳар қанча ҳаракат қилмасин, бу гирдобга тушиб қолган ҳамда ғарқ бўлиши аниқ бўлган йилларда унга марҳамат қўлларини чўзганлар, уни ҳалокатдан сақлаб қолиб, у орқали жаҳон адабиётига юз жилдлаб романлар ва бошқа бадиий адабиёт намуналарини ҳадя этганлар. Улар ҳақидаги миш-мишлар унтилди ёки арзимас ахборотга айланиб, ҳеч қандай аҳамият касб этмай қолди, бироқ эҳтирослар қонда ёқкан алан-

га туфайли туғилган асарлар инсониятнинг бебаҳо маданий мулкига айланди. Бундай китоблар ҳамон ўқувчиларни ўзига мафтун этиб келмоқда. Уларда акс этган аёл қалбининг гўзаллиги неча юз йиллардирки, такрорланмас жозиба касб этиб, одамларни ҳайратга солиб келаяпти.

Тургенев ана шундай эстетик тамойиллар қарор топган дунёning ёзувчиси эди. Унинг шахсиятидаги бир неча қирралар: оила муҳити, онасининг тимсолидаги аёлларга хос туганмас қудрат, нафосатга ошуфталик, хотиралар, юқори давраларга яқинлик, қадимий маданият унсурлари билан ошнолик, ҳаётида Полина Виардо сингари сирли хилқатнинг мавжудлиги уни бу тилсимли ва ваҳимали оламга яқинлаштирган, борлиғини тебратиб ўтган ҳаётий воқеалар таъсири остида вулқондек илҳом забти шиддатида бир зарб билан гўзal севги қиссаларини қоғозга тушириб ташлайверган эди. Унинг асарлари ўзи кўрган, билган кишилар ҳаёти асосида яратилган. Улар фотосурат сингари муҳрланмаган, балки моҳир устанинг диди билан қайта сайқалланган.

Албатта, онасининг хизматкори, шартнома билан ишлайдиган чевар Авдотья Ермолаевна Иванова билан юз берган очиқ осмонда чақнаган момақалдироқдек воқеа унинг тасаввурнида беиз кетмаган. Қизнинг шипиллаб қадам олишлари, саволларга тортиниб жавоб беришлари, яна ақллилиги, камтарлиги 23 ёшли баринни бепарво қолдирмайди ва уни севиб қолади. Кундан-кунга қиз майин табассуми, ёқимли овози билан севимлироқ бўлиб бораверади. Бундай эътиборга жавобан жами рус қизларида бўладиганидек, Авдотья бутун борлиғини ўзига қаратилган муҳаббатга бағишлади. Бу хонадонда сир ётмас эди. Варвара Петровна ишқий саргузаштларни эшитиб, жуда дарғазаб бўлади, ҳатто бир зум хушини йўқотади. Бошқа бир вазиятда бўлганда бу майда нарсага эътибор ҳам бермас-

ди, бироқ шу ўғлидан умиди катта эди-да. Зум үтмай қизни ҳибсга олиб, ертұлага қамайдилар. Ўғилни эса ердан олиб, күкка солиб, роса таъзирини беради. Айбдор ўз гуноҳини бўйнига олади, ҳатто унга уйланишини маълум қиласи. Бу онани баттар ғазаблантиради. Ўзига келгач эса биринчи навбатда қизни мулқдан ҳайдаш, уни Москвага жўнатиш қарорини эълон қиласи. Москвада Авдотья фарзанд кўради. Авлодини бошқа кишилар қўлида сифинди бўлишини истамаган Варвара Петровна қизалоқ набирани олиб келтиради. Полинета кейинчалик отасининг хоҳиши билан Полина деган исмга эга бўлади (сабаби аниқ), Парижда Полина Виардолар оиласида тарбияланади, Тургеневнинг ягона зурриёди сифатида улғаяди.

\*\*\*

Кейинчалик катта сиёсий арбоб сифатида Россия озодлик қураши тарихида қолган Михаил Бакунин билан Тургенев жуда эрта танишган, бу яқинлик бир-бирларининг дунёқарашлари шаклланишида муҳим рол ўйнаган эди. У билан Берлинда яна учрашади, каникулга кетаётганида Бакунин Тургеневдан Премухинодаги мулкларига бориб, туғишиларига ўз саломини етказишни сўрайди. Қишлоқда у хилватда яшаётган малакка дуч келади. Ўзидан уч ёш катта бўлган Татьяна Бакунина кўрган кишини бепарво қолдирмайдиган малоҳатга эга эди. У меҳмонни меҳрибонлик билан кутиб олади, уни зериктирмасликка интилади. У немис фалсафаси оламида яшар, Новеллис, Рихтердан ёдан цитаталар келтиради. Тургенев яхши танийдиган Беттини Арним ҳақида ҳаяжон билан сўзлайди. Тургенев ҳам қиз олдида паст тушмаслик учун билганларини эҳтирос билан ҳикоя қиласи, Пушкин, Лермонтов, Кольцов ва ўзининг шеърларидан ўқийди. Яхши маълумотли ва тажрибали қиз (бир вақtlар уни Белинский ҳам севишга ул-

турган экан) Тургеневнинг туғма шоир эканини тезда илғайди. Суҳбатларининг учинчи куни ёлғиз қолғанларида Татьяна «Сиз Худо томонидан эъзозланган илоҳий, мўъжизалар яратишга қодир зотсиз. Сизнинг тийнатингизда Унинг улуғлиги, марҳаматининг белгиларини кўраяпманки, сиз буюк, кудратли, эркин ва ардоқли киши бўлиб етишасиз», дейди.

Қишлоқ қизининг беғубор қалбидан чиққан бу эътирофлар Тургеневни осонгина мафтун этади. Премухинодан жўнаб кетишида Татьяна уни севиб қолганини тан олади. Эҳтимол, бу томондан ҳам шунга яраша жавоб бўлгандир. Тезда жўнатилган хатга вафот этган опасидан хотира бўлиб қолган хоч қўшиб юбориленган ва унда «Менинг биринчи муҳаббатим Исо Масих эди, охиргиси эса Сиз бўласиз» деган сўзлар дарж этилган эди. Шундан кейин Берлинга хатларнинг кети узилмади. Иван Сергеевич эса қишлоқи қизнинг қарашларида қандайдир чекланганлик унсурларини сезган, гарчи унинг туйғуларини қадрласа-да, илк таассуротлар хира тортиб борарди. Татьяна билан бўлиб ўтган гап-сўзлардан шуни ҳис этдики, одамлар ўртасидаги бир томонлама драматик муносабатлар, улар қанчалик оҳанрабо ва жозибали бўлмасин, иқтидорли кишилар учун ҳақиқий ҳаётдан узоқлашишга, борлиқни унутишга мажбур қиласиган афюн сингари таъсир қиласиган экан (афуски, ўзи ҳам шу комбинацияга тушиб қолди). Жўр бўлиб куйланмаган бу қўшиқ ўз-ўзидан поёнига етди.

Толстойлар оиласига яқин бўлган Тургенев Мария Толстаяни анча олдиндан биларди. У аъмолини излаб, юртларни кезиб юрганда Мария турмуш йўригини тутган, эрга чиқиб, оиласи ҳаётини бошлаб юборган эди. Аммо ўз туйғуларини қадрлаган ва ҳурмат қилган Тургенев бу гўзал, билимдон ва оқила аёлни эътибори доирасидан ташқарида қолдира олмас эди. Покровскоега келишларининг асосий сабаби Лев Николаев-

вич билан адабий сұхбатлар бўлса-да, бироқ мафтункор Марияни кўриш, унинг сўзларини эшлиши истаги ҳам бўларди. Буни аёл ҳам ҳис қиласар, ҳатто турмушидан кўра Иван Сергеевичнинг муносабатларини қадрлар эди. Бир сафар яқин дугонасига: «Дастрўмолим қўлимдан тушиб кетганда Иван Сергеевич уни ердан олиб, лабларига босди» деган экан. Аммо тақдир хукми ўқилган, бирга яшаш насиб этмаган.

Ана шундай руҳий тазиик остида Мария Николаевна таркидунё қилиб, монастирга боради, умрини зоҳидликда ўтказади. Йиллар ўтиб, Тургенев бу дунёни бадар этганида Мария Николаевна Тургеневнинг фотосуратини кўрсатиб, «Агар у ҳаётда бу даражада бир сўзли бўлмаганида ва Полина Виардони бунчалик қизғин севмаганида, мен у билан баҳтли бўлардим, монастирга ҳам келмасдим. Биз Яратганинг иродаси билан қовуша олмадик. У бебаҳо одам эди, уни тез-тез эслайман», деб ўз надоматини изҳор қилган экан.

«Одам баҳтини йўлда (сафарда) топади», дейишади. Бу жиҳатдан Иван Сергеевичга барака кулиб боққанди. Унинг бутун Европа бўйлаб кезишиларида кимлар ҳамроҳ бўлмасди? Биринчи марта Берлинга жўнаганида давлат арбоби ва таниқли шоир П. Вяземский ҳамда машҳур адаби Ф. Тютчев оиласи билан кетганди. Кемада рўй берган ёнғин ўсмир Иванни жуда кўрқитган, жони ҳалқумига келиб, «Онанинг ёлғиз ўғлини қутқаринглар, эвазига 10 минг рубль бераман» деб дод солганди. Ҳайтовур, курбонлар бўлган ўша фалокатда у омон қолувди. Муҳожирликда юрган кезлари хорижда яшаган, бироқ рус умуммиллий маданиятида ёрқин из қолдирган Фроловлар, Ховринлар, Хомяковлар, Оловлар оиласлари билан танишди, уларнинг севимли кишиларига айланди. Сиёсий қарашлари туфайли она юртини тарқ этган ва ҳар бир куртакда эртанинг шамойилини излаётган бу зиёлилар ўз миллатларига мансуб ҳар қандай иқтидор эга-

сини қадрлашар, унга имкон даражасида күмак берар әдилар. Ватан соғинчи билан яшаётган мусофиirlар даврасида ўзининг эҳтиросли қарашлари билан кўзга ташланиб қолган Тургенев уларга гоҳ Онегинни, гоҳ Печоринни, ҳатто гоҳида Хлестаковни эслатарди. Ўша давраларда унинг событ дунёқараши шаклланди.

1856 йил майида Лев Толстой билан суҳбатларини тугатиб, Спасскка кетиш арафасида ўзига хос шахсиятга эга бўлган, ўта диндор ва аскетик (зоҳидона) ҳаёт тарзини танлаган Елизавета Егоровна Ламберт билан учрашиб ва суҳбатлашиб қолди. Унинг танишуви хорижий паспорт ташвиши билан юрган кезларида рўй берди: Қрим уруши тугаган, чет элга чиқиб, қизининг ва Виардоларнинг омонлигидан хабарлашиб келиш имконияти пайдо бўлганди. Шунда юқори олийнасаб давраларга мансуб бўлган бу аёл тимсолида кутилмаганда ўзига хайриҳоҳ ва ақлли, яқинлари бошига ташвиш тушганда кўмагини аямайдиган, бирорга яхшилик қилишга шошадиган жонҳалак дўстни топгандек бўлди. Аёлнинг қотиб улгурган ўз турмуш тарзи бор, аллақачон унинг тартибларига қатъий амал қиласарди. «Шуниси маъқулга ўхшайдики, биз кўп учраш маслигимиз лозим, – деб ёзди Ламберт Тургеневга, – яххиси, тез-тез хатлар алмашиб турайлик; менинча, юзма-юз суҳбатларда қуруқ олди-қочди гап кўпаяди – мен эса бошқачароқ одамлар билан руҳий яқинликка бормоқчиман». Спасскка келгач, Тургеневни зиддиятли туйғулар исканжага олди – наҳот шундай малоҳатли аёл билан қовушиш имкондан хориж; баъзан уларни Елизавета Егоровна билан хат орқали баҳам кўрарди: «Эҳ, графиня, баҳт истаги – агар ибодатда ҳам баҳт бўлмаса – қандай бемаза туйғу! Умид қиласман ва ишонаманки, ҳаммаси тинчиб кетади, ботинимдаги ёзувчи, умуман санъаткор учун зарур бўлган ўзига хос осудалик ва эътиборни таъминлайман». Шундан сўнг овни ҳам йиғишириб қўйиб, кўпроқ китоб ўқиши-

га машғул бўлади...Кейинчалик ҳаётининг драматик дамларида ўз кечинмаларини баён этиб, хатлар ёзиб туради, баъзи масалаларда маслаҳатлашади.

Баронесса Юлия Петровна Врёвская ўз шахсияти ва аянчли тақдирни билан Тургеневда ўчмас таассурот қолдиради. У билан Карлсбадда 1873 йилда танишган эди. Ёзувчидан 23 ёш кичик бўлган Юлияning эри генерал Вревский урушда ҳалок бўлган, у турмуш ўртоғининг хотирасини унута олмай, руҳий қийноқда яшар эди. Тургеневнинг қистови билан Юлия Петровна Спасскка ташриф буюради ва беш кун меҳмон бўлади. «Сиз билан хайрлаша туриб, – деб ёзади изидан унга йўллаган хатида Иван Сергеевич, – илтифотингиз учун зарур даражада миннатдорлик билдира олмаганимни сездим. Ташрифингиз менинг қалбимда маңгу яшайди. Сезаяпманки, менинг ҳаётим шу кундан бошлаб бир нур билан музайян бўлди. Орамизда пайдо бўлган дўстликни бир умр қадрлайман ва бундан кейин Сизнинг тақдирингиз менинг эътиборимда бўлади». Баронесса негадир бундай эҳтиросларга бепарво қарап, унинг совуққонлиги эса ёзувчидаги янги ҳисларни аланголатарди. Хатларида «Агар сизнинг аёл асрингиз бошланиб, менинг эр фаслим тугаётганидан кўнглингиз хижолат бўлаётган эса, орамизда бир-биримизни боғлаб турадиган дўстлик ришталари узилмасин», дея ундан воз кеча олмаслигини изҳор этарди. Аёл эса бошқачароқ жавоб қайтаради: у Болгарияда давом этаётган урушга ихтиёрий равища шафқат ҳамшираси бўлиб йўл олади. Унинг бу ечими ни Тургенев киноя билан қабул қиласди. «Агар омон қайтсан, бирга яшаймиз», деб далда беради Юлия. Аслида у мангу айрилиқни ихтиёр қилган эди.

Шундан сўнг Болгариядан хатлар келиб турди. Тургенев уларни кўзига суртиб ўқирди. Айнан Юлия Петровна унга Некрасов оғир бетоб эканини, унинг саноқли кунлари қолганини маълум қилганди. Қисқа

фурсат адабий ҳамкорлик қилиб, бирданига душманлашиб қолган Тургенев гиналарни ўртадан кўтариш учун шоирни кўргани боради. У жуда ночор аҳволда эди, Тургеневни кўриб, нимадир дейди (сўзларини тушуниб бўлмайди), қонсиз юзига икки томчи сарғиш кўз ёшлари думалаб тушади. Мажолсиз қўлларини Тургенев томон чўзади. «Бизни ўлим яраштириди», деб ёзади Тургенев кейинчалик. 1878 йил бошидан Болгариядан хатлар келиши тўхтаб қолади. Тахмин қилинган фожиа рўй берганди: куршовда қолган полк билан тиббиёт бўлинмаси ҳам янчиб ташланган, жумладан, Юлия Верёвская ҳам ҳалок бўлганди. Бу хабарни Иван Сергеевич аччиқ изтироб билан қабул қиласди, Юлия йўллаган ўнтача хатни бебаҳо бойликдек бир умр асраб юради.

Тургеневнинг таржимаи ҳолини ёзган биографлари ёзувчининг сўнгги севгилиси сифатида актриса (яна актриса!) Мария Гавриловна Савинани қайд этишган. Иван Сергеевичнинг истеъоди бутун Европада тан олинади, Англиядаги Оксфорд университетининг доктори аталади. Нихоят, сукутда бўлган рус жамоатчилиги Тургенев шарафига тадбирлар ташкил қиласди. Москва ва Петербург университетларида тантанали учрашувлар бўлиб ўтади, драматик асарлари саҳналаштирилади. Ана шу мулоқотларда «Қишлоқда бир ой» пьесасида Верочка ролини ўйнаган ёқимтой актриса унинг меҳрини қозонади. «Менинг нотавон, қари юрагимни навқирон аёл қалбининг сехри бутунлай қоплаб олди – эркаловчи нигоҳлар жодуси билан унинг аллақачон тусини йўқотган ранглари яна жилвалана бошлади», деб ёзади у. 1879 йил 24 апрелда Москвадан Савинага шундай хат ёзади: «Сиз йўллаган икки хатдаги мөхр менга шундай сехр ато этдики, энди ўзимни сиздан айро яшай олишимга ишонмай қолдим...» Уни Москвага таклиф қиласди, Савина рад этади. 16 майда гастролга кетаётган актриса билан

Мценскдан Орёлгача поездда бир неча соатни бирга ўтказади. Шу дамлар унинг Мария Савинага бўлган муҳаббатининг энг юқори нуқтаси бўлиб қолади. Кеъин аёлга бир неча ўтли ишқий мактублар йўллади.

1881 йил ёзида Спасскка Григорович, Лев Толстой, Полонский меҳмон бўлиб келган, даврада Савинанинг пайдо бўлиши кутилаётган, унинг ташрифига атайлаб Москвадан янги пианино келтиришган эди. Эркаклар жамоаси гўзал ва оқила аёлсиз ўзларини ғариб сезишарди. Бу гал Савина мамнуният билан ташриф буюрди ва беш кун меҳмон бўлди. Даврага ўзгача файз кирди. Оқшом чоқларининг бирида, ботаётган қуёшнинг заррин нурлари дараҳт баргларида жилваланаётган чоғ балконда Тургенев Савинага «Фолиб севги қўшиғи» қиссасидан парчалар ўқиб берарди. Асарнинг сехри аёлни ўз оғушига тортади, унинг нигоҳларида учқунлар пайдо бўлади. Бу шуълаларни кўрмасанг ҳам у вужудни куйдириб ўтарди. Истеъдоди учун ёзувчи олий мукофотга сазовор бўлади: Савинанинг ўтли лабларидан бўса олади. Бу бўсадан унинг Спасскдаги уйи балконида вужудидан ўт чиқиб кетишига оз қолганини Тургенев бир умр такрорлаб юради. Унинг қуёши ботаётган пайтларда севги ана шу хилда видо сўзларини айтади...

\* \* \*

Кўриниб қоладики, Тургенев ҳаётида аёллар фақат гўзаллиги, ақли билан эмас, шахсияти билан ҳам намоён бўлишади. Бири эр-хотинлик муносабатларига хиёнат қилишни хоҳламай, монастирга кетишини авло билади, бошқаси бевақт ажralиб қолган эрининг хотирасини унута олмай, унинг тирик руҳини жанггоҳлардан излайди ёки ўзгаси умр шомида тўкилиб бораётган вужудга аланга ёқиб, унинг сўнгги нафасигача ҳарорат ато этади... Буларнинг ҳаммаси ёзувчининг кўрганлари – ҳаёт синоатлари, аёл ола-

мининг олмос қирралари эди. Ана шундай мўъжизага дуч келган санъаткор бу дунёга игна тешигидан мўрлади, унинг асрорларини инкишоф этишга ҳаракат қилди ва бунга эришди ҳам. Тургеневнинг кечинмалари шунчаки кўнгилхушлик ёки енгилтаклик – эҳтирослар билан ўйнашиш шарҳи эмас, балки ҳаётнинг айнан ўзидир. Зеро, ана шу ўзандаги тирикликтининг не бир синоатлари воқе бўлмайди? Гоҳида ўзини ўзи ҳам тушунмайдиган аёл дарё ичида туриб чанқайди, сахрова яшаб эса борлиғини денгиздагидек ҳис қиласди. Энг кўп жабр кўрсатган, ёмонлик қилган кишини меҳри оғушида ардоқлайди, севган одамини эса мислсиз қийиноқларга дуч қиласди – у ўз орбитасидан чиқиб кетмасин. Баъзан уни мусиқа асбобига ўхшатишади, ёқимли куй чалиш учун созанда, албатта, моҳир созанда бўлиш лозим.

Тарозининг икки палласи – ҳар куни ҳаёт эркак аёл вобасталигида ўтади. Улар бир-бирларига оилада, иш жойида, майший ҳаётда, кўча-кўйда дуч келадилар. Ана шу учрашув лаҳзаларида кайфиятга, дунёқарашга, тақдирга таъсир қиласидиган нимадир юқади, худди бўёқдек из қолдиради, уни бирдан ўчириб ташлаб бўлмайди, барибир, ўрни қолади. Арбоблар, миллиардерлар, ҳарбийлар, олимлар, умуман, турли касб ва қиёфадаги кишилар бу сехр тузоғига тушиб қолишлари мумкин, шунда улар кечираётган ва шарҳ этиб бўлмайдиган интим туйғулар кўринмас куч бўлиб, ўлжасини бошқаради. Таассуротлар эса ўчмас. Агар ҳислар жунбишга келса, бир инсон ҳаётини бошқа ўзанга солиб юбора олади. Ё барбод қиласди, ё мақсадга муяссар этади. «Спартак» кинофильмида шундай лавҳа бор: гладиаторлар эртага жангга чиқадиган оқшом уларнинг хонасига сулув аёллар киритиб юборилади (бу ҳам ўша замон ахлоқининг бир кўриниши бўлса керак). Валенсия Спартакдан имдод кутади. У эса жим. Нихоят, аёл тилга киради: «Тегинмайсанми?»

Эркак жавоб беради: «Мен ҳайвон эмасман!» Бу ўқтам иқрор аёл ҳамиятини қўзғайди, унинг борлиғидаги ғурур уйғонади ва жавоб беради: «Мен ҳам». Аёлнинг бу эътирофи эркакни хушёр торгтиради, у одамдек яшаш мақомини танлайди. Аёл муҳаббати унинг қонидаги ғурур, мардлик туйғуларини алангалатади. Валенсиянинг гўзаллигидан илҳомланиб, қулларни оёққа турдиради, уйғонган эрк темир панжараларни синдириб, озодликка интилади...

Жамият маънавиятини аёл маънавияти белгилайди, деган гап бекорга айтилмаган. Шунинг учун улардан жамият бир умр қарздор, шунинг учун улар билан ҳурмат кўрсатиб, эҳтиёт бўлиб, қолаверса, қўрқиб муомала қилинади. Жамиятнинг даражаси аёлга бўлган муносабат билан ўлчанади, дейишлари шундан. Тургенев иқтидори ва ҳаёт тажрибаси билан бу оламга назар ташлади, ундан теран ҳикмат топа олди. Тургенев асарлари аёлдек нодир хилқатни тушуниш ва қадрлашда ёрдам беради. Бинобарин, боқий ва мафтункор бу мавзу ижодининг гултожи бўлиб қолди. У чинакамига аёл қалбининг муҳандиси эди.

Севги саргузаштлари... Уларнинг ҳаммасини қомусий луғат сингари батафсил қайд этиб бўлармикан? Инсоният онгли ҳаётида қанчалаб қалам соҳибларининг истеъоди уни кашф этишга йўналтирилди – уларнинг ёзганлари, чамаси, ҳали дарёдан томчи бўлса керак. Бу уммоннинг чек-чегараси йўқ, бўлмайди ҳам. Ана шу уммонда сузиг юрган қайиқларгина элас-элас қўзга ташланади, холос. Шу сузғичларнинг бири Иван Сергеевич Тургеневга тегишли эди. Унинг ижоди давомида яратган «Илк севги», «Ася», «Фауст», «Чўл қироли Лир», «Баҳор тошқинлари», «Клара Милич», «Голиб севги қўшиғи» сингари ўнлаб қиссалари олийжаноб туйғу – севги-муҳаббатнинг турли оҳангларини акс эттиришга бағишиланган. Қиссаларнинг қаҳрамонлари русларда кўп учрайдиган Ася, Вера, Анна, Наталья,

Валерия ёки мағрибона қоришиқ Эллис, Сусанна, Евлампия, Элеонора, Метридия, Платонида исмлари билан ёки бошқачароқ аталадими, ҳаммасида севилган аёл қалбининг ботиний ва сирли жозибаси ифодаланган.

Гўзал қиз ёш болага алоҳида илтифот кўрсатади, бундан дунёга камолот нигоҳи билан қараётган ўсмир ҳайрон, аммо у отасининг қалб кечинмалари ва қизнинг унга муносабатидан бехабар; икки қадр-дон дўст бир соҳибжамолни баравар жондан севиб қолади, бироқ маҳбубанинг қарори номаълум; уларни ака-сингил деб бўлмасди, бироқ ошиқ-маъшуқлар ҳам эмас. Қисқа мuloқot асносида қиз учинчи кишидан ошиқ қалбига шафेъ истайди, аммо у жим. Фақат эр-как буни кейин сезади, бу пайтда кеч бўлган, фаришта узоқларга учиб кетганди... Қанчалаб драматик ҳолатлар, ички коллизиялар... Тургенев асарларининг мазмунини сўзлаб бериш мумкин эмас, унда ёзувчининг беназир, инжа ижодига заха етади, худди гулдастани нуқиб кўрсатгандек бўлади. Бу ҳикояларни ёлғиз қолиб, ошиқона бир кайфият билан мутолаа қилиш лозим... Ана шундай эътироф юз йиллардан бери яшаб келмоқда ва қанчалаб мутаассир қалблар ўзига бетакрор ором ва лаззат олмоқда.

\* \* \*

Тургенев рус адабиётига кўплаб янгиликлар олиб кирди. Бу новаторликни таъминлаган бир қанча омиллар мавжуд. Аввало, унинг жаҳон адабиёти дурдоналари билан яқиндан танишлиги бунга йўл очган. Шунингдек, у Италияда, Францияда, Англияда бўлиб, инсоният бадиий тафаккури яратган дурдоналар: меъморий ёдгорликлар, нодир суратлар, мусиқа асарлари билан ошно бўлишга улгурган эди. Шунингдек, унинг ана шундай юксак эстетик қимматга эга бўлган хазиналарни яратадиган ва яратган ижодкор-

лар билан жонли мулоқотлари, адабий ҳамкорлиги истеъдодининг бутун борлиғи ила намоён бўлишини таъминлади. У Гюго, Флобер, Золя, Жорж Санд, Мопассан, Миреме, Диккинс, Тиккереј сингари ҳар бири бир руҳий олам яратган буюк ёзувчиларнинг яқин дўсти ва ҳамкори эди. Ўз миллати маънавиятида, ижтимоий фикр ривожида ўчмас из қолдирган Н. Станкевич, П. Панаев, К. Аксаков, П. Плетнев, Д. Писарев сингари ўнлаб том маъносидаги миллий зиёлиларнинг маслақдоши, маслаҳатчиси эди. Шунингдек, иншомиз давомида ўзаро борди-кечиларига батафсилоқ тўхталган рус миллий маданиятининг таниқли намоёндалари билан муносабатлар ҳам Тургенев фаолиятини ва умуман, ўша давр ижтимоий муҳитини атрофлича тасаввур қилиш имконини беради, тасаввурлар эса тўла маънода бу плеяданинг қанчалик ўрни салмоқли бўлганини тасдиқлайди. Улар ўзларининг у ёки бу даражадаги маънавий жасоратлари билан рус халқига буюклик мақомини тухфа этган улуғ зотлардир.

Русларни фақат космик ракеталари, сувости кемалари, баллестик қуроллари борлиги учунгина эмас, балки мислсиз ижтимоий тафаккур эгалари бўлганликлари учун ҳам дунё тан олади. Аслида ҳам миллатнинг юксалиши фақат маънавият орқали эканлигини тараққиёт тажрибаси тасдиқлаб турибди. Не баҳтки, Тургенев ва унинг салафлари умргузаронлик қилган йиллар бу борадаги тадрижи, юксалиши билан ажralиб туради. И.С. Тургенев ана шу маъраканинг нафақат иштирокчиси, балки унинг юксалишида сезиларли из қолдирган йирик вакилларидан бирига айланди. Йиллар оша у янги уфқларни забт этишдан тўхтамади, ижоди ҳам мавзу, ҳам жанрлар бўйича боийиб борди. Ҳаёт манзараларини кенгроқ масштабда акс эттиришга киришиб, романлар ёза бошлагани шу тадрижий улғайишнинг ҳосиласи эди.

У яшаган асрнинг 50-йилларида келиб ижтимоий ҳаётда янгича рух пайдо бўлди. Тор давраларда келажак ҳақидаги сұхбатлар, тортишувлар ҳеч нарсанни англатмай қолди. Қуруқ ваъзхонликлар ўтмишга айланиб улгурди, энди гапдан амалга ўтиш фурсати етишганини жамиятдаги қатламлар ўргасида юзага келган ажримлар ва янгиланишлар талаб қилаётган эди. Ана шундай тарихий паллада Тургенев биринчи романи устида иш бошлади. Дастрлаб уни «Нодир нусха» («Гениальная натура») деб номлади. Асарда ҳозиргача қарор топган тартиблар асосида шаклланган, бироқ ривожланиш эпкинини ҳис қилиб, янги йўл излаётган қаҳрамон тимсоли ва унинг атрофида кечаётган кураш, интилиш жараёни акс этиши лозим эди. Роман воқеалари автобиографик руҳда бўлиб, Дмитрий Рудин дастрлаб Покорский (Станкевичнинг прототипи) тўгарагида фалсафадан сабоқ олади, кейин таҳсилини Берлин университетида давом эттиради. Асарда жуда қўп замондошларнинг қиёфаси бадиий тарзда мужассамлаштирилган эди. Роман устида ишлаш жараёнида унинг дастрлабки номи муаллифни қаноатлантирмайди ва барча воқеалар Рудин атрофида кечаётганини назарга олиб, асарни ҳам «Рудин» деб атайди. Роман «Современник» журналининг 1856 йил январь-февраль сонларида босилгач, адабий жамоатчилик унга диққат билан муносабатда бўлади. Асарнинг долзарблигини таъкидлаган ҳолда бош қаҳрамоннинг Дон Кихот сингари ҳаракатларини маъқулламайдилар, унинг исён пайти баррикададан отилиб чиқиб, ҳалок бўлишини мақсадсиз яшаган одамнинг ҳаракати сифатида қоралайдилар. Асарнинг кульминациясини ташкил қилиши лозим бўлган Рудиннинг Натальяга муҳаббатида қаҳрамоннинг бутун борлиги намоён бўлмайди. Унда қўлланган «Овчининг мактублари»га хос услуб ўзини оқламаган эди.

\*\*\*

Биринчи романи эълон қилингандан кейин Тургенев ҳаётида кўплаб ўзгаришлар содир бўлди. Аввало, Толстой билан яқиндан танишди, бир-бирларининг уйларида меҳмон бўлдилар. Парижда, ундан кейин Лондонда яшади. Франциядаги илҳомбахш Бжуверь, Куртавнель шаҳарларидағи ижодхонасида иштиёқ билан қалам тебратди. Шу йилларда яратган «Ася» қиссаси Некрасовнинг чуқур эътирофига сазовор бўлди. Демак, ижодий салоҳияти анча юксалди. Бу натижажа унинг «Дворянлар уяси» романида ўз изини қолдирди. Уни хорижда тугатиб, 1858 йил охирларида Петербургга йўл олди.

Анненков Некрасов, Дружинин, Писемский, Гончаров ва Панаевнинг даврасида асарни овоз чиқариб ўқыйди. Тургеневнинг ўзи ўқиши мумкин эмас, у ўткир бронхит билан оғриган эди (врач унга ҳатто гаплашишни ҳам тақиқлаганди). Роман қарсаклар билан кутиб олинади. Ҳеч қандай эътиrozсиз «Современник» журналиниң кейинги йил биринчи сонида эълон қилинади. Романин ўқиб чиққанлар унинг муваффақиятини эътироф этишди, баҳо эса кутилганидан ҳам юқори бўлди. Салтиков-Шедрин Анненковга ёзган хатида кўпдан бери бундай ҳайратланмаганини қайд этади. Писарев «Дворянлар уяси»ни Тургенев асарлари ичидаги энг пишиқ ва мукаммали деб атайди, уни «Евгений Онегин», «Замонамиз қаҳрамони», «Улик жонлар» билан бир қаторга қўяди.

Роман жамоатчилик ҳукмига ҳавола қилинган йиллар Россия ҳаётида бир тўлқин поёнига етиб, янги кўтарилишлар кутилаётган эди: ижтимоий вазият таранглашган, афкор омма ҳаёт рад этган қарашлардан воз кечиб, янги тамойиллар излаётган эди. Жамиятнинг асосий илғор кучларини бирлаштирган инқилобчи-демократлар ва либераллар бирга ҳаракат қилаётган, гарчи ихтилофлар кўзга ташланаёт-

ган бўлса-да, ажралиш рўй бермаганди. Бироқ ўз кузатишлари асосида бу бўлиннишни сезган Тургенев мазкур ҳолатдан безовта эди (чунки беихтиёр қарама-қарши икки фронт юзага келаётганди) ва оқибатидан ташвишланарди. Яна ёзувчи шуни тушуниб етган эдики, дворянлик тартиблари ўзининг поёнига етиб бораётган, ҳаёт уларни инкор этган, дворянлар тарих саҳнасида сўнгги кунларини кечираётган эдилар. Ана шундай шароитда XV асрларда шаклланган, Иван Грозний, Пётр I, Екатерина II томонидан имтиёзларга эга бўлиб мавқе қозонган қатлам вакиллари жамиятни бошқарувчи куч вазифасини бажара оладиларми? Крепостной деҳқонлар олдидағи айбларини юва оладиларми? Хўш, шундай шароитда етакчилик ролини ким ўйнайди? Роман воқеалари ана шу саволлар атрофида айланади. Бу асар Тургеневнинг бош қаҳрамонни дворянлар орасидан излаган охирги уриниши бўлиб қолди. Унинг умидлари оқланмаган, энди жамиятни бошқарадиган янги кучларни изләш лозимлигини асар орқали бадий инкишоф этди.

Романнинг бош қаҳрамони Лаврецкий ўзида либерал дворянларнинг энг яхши фазилатларини мужассамлаштирган. Асарда фақат битта унинг ўзи ҳаракат қилмайди, балки орқасида бутун дворянлар авлоди турибди. Ёзувчи Лаврецкийлар «уяси»га разм солар экан, уларнинг турмуш тарзини жонли лавҳаларда акс эттиради. Бу ҳаёт умуман заминдан узилган, атрофда кечаетган воқеаларга бепарво, «дунёни сув босса ҳам майли, менинг кулбам омон қолса бўлди» қабилидаги боқибеғам кишилар. Улар Фарбга кўр-кўронада тақлид қиладилар, Лаврецкийнинг отаси бошида галломан, кейин англоман эди, ҳамма масалада Россиядан нафратланади, уни бўшлиқ, ҳар қандай эксперимент ўтказса бўладиган майдон, деб билади. Уларнинг ҳаммаси крепостной деҳқонларга тубан назар билан қарайдилар, уларни одам ўрнида кўрмайдилар. Муал-

лиф бош қаҳрамон тимсолида күплаб автобиографик унсурларни күрсатган: болалик хотиралари, оиласда шафқатсиз тарбия усули, ўғилнинг отага муносабати. Лаврецкий ички дунёсини чуқуроқ очиш мақсадида унинг Лиза Калитинага бўлган севги кечинмаларидан фойдаланади. У хориждан юргига қайтар экан, ўзида ватанпарварлик туйғуларини чуқур ҳис қиласди, шу маконда қолишни, хотинидан ажралиб, Лиза билан янги ҳаёт бошлишни хоҳлади. Бошқа муҳитда тарбияланган қиз Лаврецкийнинг ички кечинмаларини қабул қила олмайди, ҳаммасидан воз кечиб, монастирга кетади. Романинг сўнггида қариб бўлган эски дворян ёш авлодни катта йўлга кузатиб қолади.

«Дворянлар уяси»дан кейин Тургеневнинг адабий давраларда обруси ошиб кетади. Ҳаваскор қаламкашлар қўллэзмаларини топшириб, ундан маслаҳат кутардилар, бир лаҳза учрашишни орзу қиласдилар. Турли табақалар эса у билан яқинлашиш, ўз сафлари га қўшиб олишга интилишарди. Бироқ Тургенев бундай илтифотларга парво қилмайди. Романинг юқори давраларда яхши кутиб олинмаганини билиб, турмушнинг янги қирраларини, улғайиб бораётган ижтимоий фикр қўламини кўрсатишга бел боғлади ва янги асар устида бош қотиради. 1859 йил баҳорида Спасскдан Елезавета Ламбертга шундай ёзади: «Ҳозир мен янги қиссанинг режасини тузиш билан бандман. Бу жуда чарчатадиган юмуш, боз устига у ҳеч қандай кўринарли из қолдирмайди – диванга чўзиласан ёки хона бўйлаб тентирайсан, бошингда бирор характер ёки вазият тафсилоти айланади. Қарайсан, уч, тўрт соат ўтиб кетибди, ҳар қалай иш бироз жилибди. Очифини айтганда, бизнинг хунаримизда хузур-халоват кам – аслида ҳам шундай. Ҳамма – ҳатто артистлар, ҳатто бойлар юз терини артиб яшashi лозим. Ким терламаса, унинг ўзига ёмон: юраги ё касал, ё тошқотган бўлади». Ноябрда И. Аксаковга ёзган хатида янги қиссасида шахс «хайрли ишлар

учун онгли-қаҳрамонларча ҳаракат қилиши»ни маълум қилади.

Янги роман устида ишлаш баробарида ўз адабий қаҳрамонларининг бадиий табиатини, муаллифнинг ижтимоий позициясини тушунишда аскотадиган «Гамлет ва Дон Кихот» сарлавҳали публицистик мақола ёзди. Маълумки, одамзот фикр оқими икки ўзандаги оқар экан, бир қирғоқда ўта хаёлпастлар, қарши тарафда эса амалиётчилар бўлиши тайин. Гарчи бир ёқда нуқул Гамлетлар, нари томонда фақат Дон Кихотлар тўпланиб олмаган бўлса-да, борликқа шу хилда қараш аҳволни тўлароқ тасаввур қилишни таъминлайди. Қайсиdir даражада улар инсоний қарашларнинг руҳини ўзларида мужассамлаштирганлар. Гамлетда ичкарига разм солиш тамойили фожиа даражасида намоён бўлган; Дон Кихотда эса завқу шавқ шунчалик меъёрдан ошиб кетганки, оқибатда, бу кулгига сабаб бўлади. Гамлетда асосийси – ақл, Дон Кихотда – эрк. Ана шу ажралишда Тургенев инсон ҳаётининг фожиасини кўради: «Ҳаракат учун эрк керак ва ҳаракат учун яна ақл керак, аммо ақл ва эркни ажратиб қўядилар ва кун ўтган сари улар орасидаги оралиқ узайиб бормоқда». Тургенев Гамлет тимсолида «ортиқча одам»ларни, дворянларни кўради. Дон Кихот эса жамоат арбоблари янги авлодининг тимсоли. Уларни «демократлар» ҳам деб атайди. Ўз тахминига ишониб, онгли қаҳрамонларни дворянлардан бошқа майда тоифадаги зиёлилардан (уларни «разноченецлар» деб аташган) чиқишини кутади.

Гамлет ва Дон Кихотларнинг кучи ва заифлиги нимада?

Гамлетлар худбин ва ишонмайдиган кишилар. Улар бир умр ўз қобигида яшайди ва ташқи дунё билан қизиқмайди. Ёлғон билан курашиб, ҳақиқатни ҳимоя қилгандек бўладилар, бироқ ўша ҳақиқатга ўзлари ҳам ишонмайдилар. Чуқур таҳлилга мойил бўлганларидан

эзгуликка шубҳа билан қарайдилар. Шунинг учун улар фаол, таъсирчан ибтидодан, ташаббусдан маҳрум, уларнинг ақлий қуввати, мулоҳазакорлиги қўрқоқ қилиб қўяди ва ироданинг заифлигига айланади.

Гамлетлардан фарқ қилиб, Дон Кихотлар худбиникдан, ҳамма нарсани ўзи ўйлагандек, ўзи ҳис қилгандек бўлиш фикридан йироқ. Ҳаракатларининг мақсад ва маъносини ўзида эмас, алоҳида кишидан ташқарида бўлган ҳақиқатда кўради. Дон Кихот унинг тантанаси учун ўзини қурбон қилишга тайёр. Шубҳа-гумонлардан, ақидалардан холи ташаббускорлиги билан халқнинг қалбини алангалаตา олиш ва уни ўз ортидан эргаштиришга қодир. Аммо нуқул бир ғояга сифиниш, бир мақсадга интилиш унинг тафаккурини бир хил мушоҳадакорликка, ақлини эса бирёқламаликка олиб келади. Тарихий арбоб сифатида Дон Кихот, албатта, фожиали вазиятда қолади: фаолиятининг тарихий тақдири ҳар доим у интилган идеалдан ва қурашида кўзда тутган мақсаддан ўзгача бўлиб чиқади.

\* \* \*

Жамоат арбобининг феъл-атвори, табиати, онгли қаҳрамоннинг кучли ва заиф томонлари 1860 йил «Русский вестник» журналида эълон қилинган «Арафа» романида тўла ифодасини топган. «Арафа» – Россияда янги ижтимоий муносабатлар кучаяётгани, деҳқонларни озод қилиш ҳаракатини олға бостирадиган онгли қаҳрамон сабрсизлик билан кутилаётгани ҳақидаги роман. Шу билан бирга асарда одамзотнинг туганмайдиган надоматлари, ижтимоий камолот учун доимий интилишлари, инсон шахсини «бепарво табиат» бағрига ирғитиб юборадиган бепарво қарашларга қарши мангу ҳайқириғи бадиий инкишоф этилади. Унинг бош қаҳрамони Елена Стакова катта йўл айрилишида турган Россиянинг тимсолига ўхшайди. Унга тарихчи Берсенев, рассом Шубин, хизматчи Курнатов-

ский, болгар революционери Дмитрий Инсаров «оғиз солади». Танлов рамзий маъно касб этади: Россиянинг келажаги учун ким кўпроқ асқатади: фан ва санъат кишиларими, давлат хизматчисими ёки қаҳрамонлик қилишга шай шахсми? Албатта, Елена инқилоб кайфиятига эга Инсаровни танлайди.

Асар эълон қилингач, у жамоатчилик орасида турлича муносабатларга сабаб бўлди. Айниқса, Н. Добролюбовнинг «Ҳақиқий кун қачон келади?» мақоласи жуда қизиқиш билан кутиб олинди. Тафаккур майдонига ёниб кириб келган Добролюбов радикал қарашдаги ёшлар авлодига мансуб эди. Улар келажакка ўз назарлари билан боқишар, уни «эски уйни ёқиб юбориб, ўрнини текислаб ташлаш ва янги иморат қуриш» тарзида тасаввур қиласардилар. Бундай кескинлик мунозарапларга сабаб бўлган, бу қарашга ғарбчилар ва славянпарастларнинг ўз муносабатлари мавжуд эди. Добролюбов мақоласида Тургенев истеъдодига юксак баҳо бериб, янги романига (хусусан, бош қаҳрамоннинг муҳожир шахс, боз устига туркий қавмлар вакили – болгар бўлишига) аёвсиз муносабат билдирган эди. Бу ҳол Тургеневга ёқмайди, уни Некрасов журналида эълон қилаётганини эшлитиб, қаршилик кўрсатади, босмасликни талаб қиласади. Масалани «Ё мени дейсан, ё Добролюбовни!» тарзида кескин қўяди... Мақола эълон қилингач, у жамоатчиликда кучли таассурот уйғотади. Гарчи мақола миллий ижтимоий фикр тараққиётида ўчмас из қолдирган бўлса-да, Тургеневга қаттиқ таъсир қиласади. Муаллифни «-лайбов» деган сирли ном билан мақолаларида масхара қиласади. Адабиёт жамғармасининг бир йиғилишида Чернишевскийга оғир киноя билан: «Ҳа, Николай Гаврилович, сиз илонсиз, шукурки, оддий илон, Добролюбов эса қўзойнакли илон!» деган экан. Ҳолбуки, ундан ёшроқ бўлган бу йигитлар Тургенев асарларининг ишқибози, ижодининг муҳлиси эди. Добролюбов

унинг «Ортиқча одамнинг кундалиги» асарини бетимсол дурдона деб атаган, Чернишевский унга ёзган хатларининг бирида «Сизни хафа қилиш, бу – бизнинг адабиётимизни хафа қилиш. Сиз қандайdir Островский ёки Толстой эмассиз, сиз бизнинг шаънимизсиз» деб ёзган эди. Бу сафар эса «орадан қора мушук ўтиб қолди». Нима дейсиз, жараён...

\*\*\*

Кўп ўтмай, Россия тарихида муҳим воқеа содир бўлади: крепостной ҳуқуқ бекор қилинади. Бу халқаро ҳамжамиятнинг мамлакатга муносабатини ўзгартириб юборади, ички муҳитда ҳам жиддий янгиланишлар содир бўла бошлайди. Ана шундай драматик шароитда жамиятнинг юрак уришларини бадиий акс этириш хизматига астойдил бел боғлаган Иван Сергеевич Тургенев янги романини эълон қиласди. «Арафа» асарининг қаҳрамонлари охирида изсиз йўқоладилар – ёзувчининг воқеаларга эстетик муносабати шундай муҳрланади. Айтиш мумкинки, ўша қаҳрамонлар янги бир қиёфада «Русский вестник» журналининг 1862 йил февраль сонида эълон қилинган «Оталар ва болалар» романида пайдо бўладилар Асарнинг асосий образи Евгений Базаров тимсолида муаллиф ўзи яхши билган ва маълум муносабат билдирган Добролюбов, Чернишеский, Писарев шахсиятидаги нигилистик қарашларни бадиий инкишоф этган. У ижтимоий муҳитдаги янгиланишлар таъсирида пайдо бўлган ёшлар вакили. Улар учун хос ҳолат – ўзидан олдинги ҳар нарсага шубҳа билан қарап ёки тан олмаслик – нигилизм. Ана шундай қарап асоратидан жамиятда кераксиз шахслар – «ортиқча одамлар» пайдо бўлган ва шу икки тоифа ўртасида кўзга ташланмас курап кетади. Бу муҳорабага ёзувчининг муносабати романнинг финалида аниқ бўлади: жамиятга беписанд қараган, унинг ички эволюцион тараққиётини тан олмаган ва шу туфайли катта авлодни менсимаган Базаров таби-

ат қонунларини ҳам писанд қилмайди. Касалликларнинг юқумли бўлишини назарга илмай, терламага чалинади ва шу дард билан дунёни тарк этади. Унинг сўнгги кунлари, умрининг охирги лаҳзаларидаги кечинмалари бетимсол маҳорат соҳиби Тургенев қалами билан шундай таъсирли ифодаланганки, уларни ўқиб, тирикликтинг бутун келбатини қайта тасаввур қиласа бўлади.

«Оталар ва болалар» романи орқали ёзувчи авлодлар ўртасидаги азалий боғлиқлик қанчалик кучли экан, тараққиёт шунча бардавом бўлишини тасдиқлаб кўрсатди. Бу нуқтаи назари билан ўтмишга «ўт кўйиш» васвасасига мубтало бўлган инқилобчиларга қаттиқ зарба берди. Умуман, у ҳар қандай зўравонлика қарши эди. Романларида бош қаҳрамон сифатида танлаган шахсларининг руҳий нотоблиги, уларнинг ўзини маҳв этиши орқали инқилоб ақли расо одамларнинг иши эмаслигини тасдиқламоқчи бўлганди. «Оталар ва болалар»да акс эттирилган «ортиқча одамлар» тимсоли эса Тургенев яратган ва унинг дунё адабиёти аҳолиси сафига қўшган кашфиёти, янги образлар эди. «Ортиқча одамлар» тузумлар ўзгариши билан эланнинг устида пайдо бўлаверди, уларга муносабат эса Тургенев ақидалари билан ёндашиш тўғри эканлигини қайта-қайта такрорлаб турибди. Ҳатто жамиятни ағдар-тўнтар қилиб, ижтимоий тараққиётни янги базисга ўтказган инқилобчилар ҳам етмиш йил ўтиб, бу фоя нотўғри эканлигини тан олдилар ва инсониятдан кечирим сўрадилар.

Кейинги йиллар Тургенев шу пайтгача кечирган умрининг тарозига қўйилган дамлари бўлди. У кутган, умид қилган, васф этган қадриятлар ҳаёт синовларига дуч келиб, сараги саракка, пучаги пучакка ажрала бошлиди. Ёзувчи олға сурган кўплаб ғоялар амалиётда тасдигини топмай, унинг ёлғизланиб қолган пайтлари ҳам бўлди. Полина Виардо билан муносабатла-

рида эҳтирослар ўрнини ақл эгаллай бошлади. Барibir ички түгёнларини енгишга қодир эмас, иккинчи томондан эса ватан меҳри унда жунбишга келаётган, ёзувчими, актёрми – ким бўлмасин, ҳар қандай инсон ўз юртида азиз эканлиги ҳақидаги қадимий ақида-нинг исботини кўраётган, қўнимсизлик уни безовта қилаётган, чарчатган эди. Лев Толстой билан муносабатларини йўлга қўйиб олган бўлса-да, Герцен билан аразлашиб қолди (унинг «Колокол»да эълон қилган бир мақоласи унга жуда ёқмаганди). Революционер Бакунинни ҳам моддий, ҳам маънавий томондан қўллаб-қувватлаб, сиёсий муҳитга аралашди. Россияда кечеётган ўзгаришларга фаол муносабатда бўлиб, эркинлик олган дехқонлар ҳаётини янги асосларда йўлга қўйиш юзасидан ўз фикрларини изҳор қилди, шу мавзуда маҳсус рисола ҳам яратади. У демократик тамоилиларга асосланган жамоа (община) тарафдори эди. Қарашларини ифодалаб, Париждан император Александр II га хат ёзди, шундан кейин уни Сенатга таклиф қилиб, турли сиёсий оқимларга муносабати билан қизиқишиди. Петербургда адабий давралардан ўзини олиб қочди, бу жаноблар унга «тинимсиз шовқин чиқарадиган ичи бўш пақилдоқлар»ни эслатди...

\*\*\*

Ана шундай мубҳам кайфиятда 1865 йил «Тутун» романини ёзишга киришди. У «Русский вестник»нинг 1867 йил март сонида эълон қилинди. Чуқур изтироб ва милтиллаб турган умид шуъласидан иборат бу романда Тургеневнинг олдинги асарларидан фарқли ўлароқ сюжетни ўз атрофида тутиб турадиган бош қаҳрамон йўқ эди. Етакчи персонаж Литвиновда Рудин, Лаврецкий, Инсаров ёки Базаровга хос журъат, жамоат арбоблигига даъвогарлик кайфияти етишмасди. У Россиянинг чекка бир жойида тинчгина дехқончилик билан шуғулланиб юради. Хорижга агрономия

соҳасидаги кўникмаларини ошириш учун келган. Шу ерда рус эмиграцияси вакиллари билан танишади, уларнинг турмуш тарзини кузатади. У билан Потугин бирга, унинг тилидан гўё ёзувчи ўз фикрларини баён қилгандек бўлади. Баден-бадендаги муҳожирлар ҳаёти тутун ичида қолгандек, унда яшовчилар йўлини йўқотган, эртанги кундан умиди йўқ, тутун тарқашини кутиб яшайдилар. Ниҳоят, романда Тургенев асарларига хос бўлган кучли ва ҳаётбахш севги туйғусига эга, мақсади йўлида ўзини қурбон қилишга ҳам тайёр аёл образи ҳам йўқ. Ирина истеъфога чиққан ва қувғин қилинган генералларнинг даврасида бузилиб бўлган, йўлини йўқотган хотин. Унинг иродаси тамом топган, шу муҳитдан чиқиб кета олмайди.

Жамоатчилик асарни танқидий баҳолади. Революцион-демократлар инқилобий кайфиятдаги муҳожирларга сатирик муносабатга эътиroz билдирилар. Либералларга юқори табақанинг танқид қилиниши ёқмади. Бошқалар Потугиннинг Россияяга туҳмат қилиб, Гарбни ёқлаган монологларини қабул қила билмадилар. Қисқаси, асар шуҳрат қозона олмади, кўплар Тургенев истеъдодининг сўниб бораётганини башорат қилди.

Орадан ўн йил ўтиб эълон қилинган «Кўриқ» романни («Вестник Европы», 1877 й., №2) кескин воқеалар гирдобида ўтган йилларнинг ҳосиласи эди. Унга агрономнинг «Кўриқни омоч билан юза ҳайдамайдилар, плуг билан чукур ағдарадилар» деган сўzlари эпиграф қилиб олинган. Унинг бош қаҳрамони Нежданов революционер, келажак орзузи билан яшайди, романтик хаёллар суради, севгилиси Марианнага эртанги куннинг ёруғ дамлари ҳақида тўлиб-тошиб сўзлайди. Марианна ҳам севимли кишисининг мақсади рўёбга чиқиши йўлида қурбон бўлишга рози. Аммо орзулари амалга ошмаётганини кўрган Нежданов руҳий қийноқда қолади, ўзини ҳақиқий севигига ло-

йиқ әмас деб ҳисоблайди. Унинг фожиаси фақат халқни яхши билмаслигига әмас, балки сиёсий саводи йўқ музиклар унинг ҳаракатларини тушунишмайди. У келиб чиқиши билан оддий халқдан йироқ бўлганидан ҳам ғоялари анча ҳавойи эди. Романтик ошиқларнинг ҳаёти фожиали тугайди.

Келажак тимсоли Соломин образида мужассамлашган. У ҳар томондан ақл билан иш тутадиган, севгида ҳам мустаҳкам, ўз касбининг устаси, эртанги кунни аниқ тасаввур қиласди. Бундай шахслар у пайтда йўқ, бу муаллифнинг орзуси эди, холос. Шунинг учун Соломин образи схематик чиқиб қолганини тадқиқотчилар ўз вақтида кўрсатиб ўтадилар. Соломин инқилобчиларнинг ҳавсий гаплари устидан кулади, уларни ғоявий чалғиган кишилар деб билади ва ўзи ҳам революцияга ишонмайди. У Россия озодлик ҳаракатининг учинчи оқимиға мансуб. Тургенев Соломин тимсолида унинг мулоҳазалари орқали ўз позициясини ифодалагандек бўлади. У 1848 йилги Франция революцияси амалга оширилганда қандай аҳвол рўй берганининг жонли гувоҳи эди. Париж кўчаларида отишма туфайли нобуд бўлган юзлаб одамларнинг жасадларини, бегуноҳ тўкилган қонларни ўз кўзи билан кўрган эди. Бундай мислсиз фожиага олиб келган ҳаракат билан ҳеч нарсага зришиб бўлмаслигини тушуниб етганди. Айниқса, маърифатсиз оломон инқилобни амалга ошира олмаслигига имони комил бўлганди.

\* \* \*

«Инсонни маҳв этиш мумкин, аммо енгигб бўлмайди» деган гап бор. Худди шунга бақамти «Инсонни тарбиялаш мумкин, лекин уни бошқариб бўлмайди» қабилидаги фикр ҳам тўғрига ўхшайди. Масалан, бироннинг белига арқон солиб судраб ҳамма жойга олиб борса бўлади, аммо унинг калласидаги хаёли ўзича

қолади – унга тазийқ қилиб бўлмайди. Ёки одамни нақ жаннатнинг ўртасига ўтқазиб қўйиш мумкиндири, лекин унинг фикри мазкур ҳолни идрок этмаса, бундай рўшноликнинг қадрини билмайди. Ҳатто ўзига шундай фаровонлик бахш этган зотга қўл ҳам кўтаради. Инқилоб аввало онгда, тушунчада рўй бериши лозим. Тургенев бу тарихий ҳақиқатни ўз пайтида тушуниб етганди. Кейинги ҳаёт тажрибаларидан жамиятда зиёлиларгина жиддий ўзгаришлар қила оладилар, деган холосага келди. Революционерлар дунёқаршидаги ижтимоий нуқсонни уларнинг келиб чиқишидан излайди. Масалан, Нежданов ярим аристократ, ярим фақир одам: отасидан эстетизм – ҳақиқатдан йироқ ва ҳалқ ҳаётига ёт «соф санъат», ҳаводорлик ва заиф феъллик ўтган бўлса, деҳқон онасидан аксинча, ҳалққа хос дангаллик юқсан. Бундай қарама-қарши чинни қутбда улғайган одамларни кучли маънавий тазийқ таъсирида ё руҳий, ё жисмоний хасталикка чалинган кишилар сифатида талқин этди. Шунинг учун уларнинг аксарияти ҳақиқий ҳаётдан йироқ орзулари амалга ошмаганда ўз жонларига қасд қиласидилар.

Ижодининг сўнгги палласида Тургенев ҳақиқий реформатор-революционер образи бош қаҳрамон бўлган эпик асар яратиш фикри борлигини бот-бот такрорлаган, бироқ бунга вақт етмайди... Ҳаётда рўй берадиган туб ўзгаришларни кўриб, уларга ўз муносабатларини билдиришни ёзувчилик, фарзандлик бурчи деб билган тафаккур эгалари имкони борича ижтимоий фикрга таъсир қилиш, уни эзгулик сари йўллашга интиладилар. Бу санъатнинг умуминсоний мезонидир. Зоро, ижтимоий фикр йўриғи узоқ йиллар суратини белгилаб беради. Санъат ҳам ижтимоий онг кўринишларидан бири сифатида бу жараёнга фаол, ҳатто ҳал қилувчи таъсир қилиш қурдатига эга.

Ижтимоий фикр жамоатчилик фикри (масалан, «ер – ризқ-рўз манбаи» эканини ҳамма билади)

дан шаклланади. Жамоатчилик фикри эса жамият аъзоларининг умумий фикри ҳосиласи («ер – миллий бойлиқ»). Ижтимоий фикр жамоатчилик фикрининг маълум ижтимоий мақсадга («уни асраб-авайлайлик») қаратилган умумий шаклидир. Ижтимоий фикр эзгу («ернинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва бошқа ижобий тадбирлар кўриш») ёки разил («ўғимга тўйдириб, иложи борича қўпроқ ҳосил олишиш») лигига қараб, тузумнинг моҳиятини белгилайди. Эзгу мақсадларга йўналтирилган ижтимоий фикр туфайли жамият гуллаб-яшнайди, разил мақсадга хизмат қилган ижтимоий фикр оқибатида эса жамиятда урушлар, вайронкорликлар юзага келади. Ана шундай йўл-айрилиш бошида турган Тургенев барча тараққийпарвар зиёлилар сингари жамиятда эзгуликнинг тантанаси, ёруғ келажак учун курашди. Унинг қаҳрамонлари ана шу издиҳомда йўл ахтараётган безовта одамлар эди. Улар ўз фикрига эга шахслар бўлиб, камалаксифат қарашлар умумий гармонияни тўлдириб турар, мақсад йўлинни турли йўсинда инкишоф қиласарди.

Файласуфлар инсон тақдири фикр орқали ҳал бўлишини таъкидлаганлар. Фикр – ташқи таассуротлар олий нерв тизимида қўзғаган хуруж, у мияда пайдо бўлган тимсол – гап (сўз) орқали моддийлашади. Бу щунчаки маълум қилиш – фикрлар уммонига янги бир томчи ташлаш. У агар амал олмаса, изсиз йўқ бўлиб кетади, агар амал олса, одатга айланади. Одамларни кўпинча одатлари билан хотирада тиклайдилар. Демак, одат шахсиятни тасдиқлайди. Шахсда мужассам яхши-ёмон хислатлар унинг тақдирини белгилайди. Бинобарин, фикр, фикрга эга бўлиш одамни шахс сифатида ўрнини тайинлади.

Аммо муаммо шундаки, аввало, жамиятнинг барча аъзолари ёруғ фикрга эга бўлмайдилар, қолаверса, кўпларнинг ўз фикри, шахсий фикри бўлмайди. Шахсий

фикр – атрофда кечеётган воқеа·ҳодисаларга алоҳида бир шахснинг ё ижобий, ё салбий муносабати (*шу ўринда индивид – одам Шахс сифатида намоён бўлади*). Истисно тариқасида таъкидлаш жоизки, ҳамма одам ҳам Шахс сифатида намоён бўлавермайди, яъни фикрга эга бўлавермайди. Келишган қадди-қомату кўркам лиbosлар ҳали Шахс (демак, инсон) дегани эмас. Фақат ўз қарашига (фикрига) эга инсонгина ижтимоий субъект ҳисобланади. Афсуски, савлатидан от ҳуркадиган, лекин «ичи бўм-бўш» индивидлар кўплаб учрайди. Улар халқда «фикри йўқ, тайини йўқ, фикрсиз одамлар» деб юритилади. Фикрсизлик жамият учун лоқайдликдан ҳам ёмон, хавфли иллат. Ҳатто лоқайд одамда ҳам фикр бор – у ҳамма нарсага бепарво. Унинг бепарволиги – муносабати, демак, фикри. Фикрсиз одамда эса умуман тайин йўқ, у шамол қайси томондан эssa, мажнунтолдек шу тарафга оғиб тураверади.

Тургенев романларини ўқиган киши ундаги турли тоифа одамларнинг ранг-баранг фикрлари билан танишиб, мазза қиласди. Улар ким бўлмасин, фикри тиник, ёрқин шахслар. Тўғри, улар билан чиқишмаслик, қабул қила олмаслик мумкинdir, аммо етарлича фалсафий малака ҳосил қилган, ҳамма нуқтанинг моҳиятига чуқур назар солиш иқтидорига эга бўлган моҳир санъаткор фикрлар камалаги билан даврининг бетимсол фалсафий суратини чизган. Шу билан бирга у ижтимоий фаол киши эди. У ва салафлари сўз санъаткорининг жамиядта мавқеи баланд бўлиши учун курашдилар ва бунга эришдилар ҳам. Ёзувчиларнинг фаолияти император даражасида эътиборда турадиган бўлди. Уларнинг саъй-ҳаракати билан Россияда бир томондан ижтимоий фикр ривожланди, иккинчи тарафдан эса бадиий тафаккур юксалди. Бу асрда забт этилган чўққи кўп йиллик тарихга эга бўлган миллий маданиятнинг қўлетмас чўққиси бўлиб қолди. XIX аср адабиёти рус адабиётининг олтин аслиридир.

\*\*\*

Шу каҳкашоннинг йирик вакили ҳаётига бир кур назар ташлаб, она тилимиздаги адабиёт бўстонини кўз олдимизда гавдалантирсак, қоришиқ манзаралар ҳосил бўлади. Бошиданоқ кейинги юз йилликларда бизнинг биронта шоир ёки ёзувчимиз умумжаҳон миқёсида эътироф этилмаганини, дунёда энг кўп севиб ўқиладиган китоблар рўйхатига биронта асаримиз кирмаганини тан олиб қўймоқ масаланинг залворини тасаввур қилишда асқатади.

Қолиплар қарашларни ҳам тизгинлаб ташлаган пайтлар орқада қолди. Энди вазиятга хушёр нигоҳ билан қараш, бутун жараённи танқидий назардан ўтказиш фойдадан холи бўлмайди. Маҳаллийчилик, гуруҳбозлик асъасаю дабдабаларини қўйиб турайлик, асарга соғ муносабат ҳам кўнгилдагидек эмас. Жараённи кўз олдимизга келтирайлик. Аввало, бизда ёзилган асар мамнуният билан эмас, ранж-алам билан қабул қилинади (худди қашшоқ оиласда яна бир чақалоқ туғилгандек). Биринчи муносабатларданоқ кўллаб-қувватлаш, майда-чуйда юмушларда кўмаклашиб кайфияти эмас, рад этиш, йўққа чиқариш, «ўлдириш» нияти сезилиб қолади. Шу маънода ҳар бир сўздан хато топиш, ҳар бир сатрдан ишкан излаш бошлилади. Маслаҳатлар ардоқлаш, қайта ишлашга рағбат оҳангиди эмас, бошни ғурра қиладиган, «Сенга ким қўйибди?» қабилидаги беписандлик, «Китоб ёзмай қўлинг синсин, сенингсиз ҳам ташвишлар тўлиб ётибди» дегандек ҳақоратомуз тарзда бўлади. Шу хилдаги иддао билан қабул қилиб олингач, асарнинг қўлёзмаси билан замонамизнинг Тургеневлари, Добролюбовлари танишиб чиқади. Сезасанки, қўлёзма ҳатто жиддий ўқилмаган (бунга имкон ҳам йўқ). Ҳар доимгидек «чўқилаб» – назарга илинган бир абзац ёки қизиқроқ эпизод хатм қилинган, холос. (Икки киши суҳбатлаша-

япти: «Мен чўқилаб ўқийман, хулоса қилишим учун шунинг ўзи етарли». Суҳбатдоши: «Шунинг учун ҳам билимингиз ғалвирдек тешик-тешик-да!») Ҳолбуки, ёзувчи айтмоқчи бўлган гап бир сатрда, ҳатто бир сўзда яширган бўлиши мумкин. Ҳамма гап – олимликнинг моҳияти ўша ёмбини топиб, уни инкишоф этишда. Юзакигина ёзилган «такриз»дан нима олиб бўлади – ғалвирда сув ташиб бўлмайди-ку!

Ана шунга ўхшаш муносабатлар миллий адабиётни мажруҳ ҳолга келтириб қўяди, бу эса маҳдудликка олиб келади. Шунда юз йиллар олдин яратилган класик асарлар юзга парда қилинади. Ҳолбуки, ҳамон мақтаб келинаётган намуналар жаҳон адабиёти дурданалари қаршисида мактаб ўқувчиси ёзган иншодек бўлиб қолади. «Гений» (Теодор Драйзер), «Бальзак» (Стефан Цвейг) сингари асарларнинг тилимизга таржима қилиниши миллий адабиётимиз ривожига маҳаллий мезонлардаги ўнлаб классикадан самарали таъсир этиши мумкин. Масалага аниқ ёндашиш керак-да. Ба ҳоказо.

Тургенев замонида бадиий адабиётга ижтимоий онг шаклларидан бири сифатида қаралган. Ижтимоий фикр ривожида унинг ўрнига катта аҳамият берилган. Қолаверса, у давр ижод оламида «Шоир бўлмаслигинг мумкин, гражданин бўлишинг шарт» деган эстетик тамойил қатъий амал қилган. Ёзувчининг кучига қанчалик мураккаб, тушунарсиз ёзганига қараб эмас, мураккаб масалаларни қанчалик содда, халқона тушунтириб бера олгани, давр муаммоларини нечоғлиқ акс эттира билгани, халқ, миллат қалбига яқинлиги, замондошлар дунёқарашига қай даражада таъсир қилганига қараб баҳо берилган. Бадиий адабиётнинг аъмолига аслида ҳам шу ёзилган-да. У кўнгилхушлик орқали жамият фуқароларини эркинлик сари етаклай олса, жонли ҳаётда борлиги билинади, катта бозорда маҳсулот сифатида сотилади ва сотиб олинади... Тур-

генев ва замондошлари асарларининг «харидоргирлиги» ҳам шунда эди.

Кутилганидек, XIX асрнинг охириларида Россияда кескин вазият юзага келади. Фикр эски ақидалар қобиғини ёриб, ўзига йўл излайди. Афуски, унинг жилови агрессив кишилар қўлида эди. «Эски уйни ёндириб юбориш»ни истаганлар 1881 йил 1 мартда император Александр II жонига қасд қиласидар. Мамлакатда туполон бошланади, барча эркин фикр тарафдорлари қувғин қилинади. Жумладан, тахтга чиққан Александр III Тургеневнинг ҳам Россиядан чиқиб кетишини галаб қиласиди. Унинг сўнгги кунлари Парижда, Виардолар оиласида кечади. Бу миллатнинг буюк бир вакили учун оғир фожия эди. Тақдир...

\* \* \*

Императорнинг маҳв этилиши унинг ижрочила-ринигина эмас, либерал ҳаракат тарафдорларининг ҳам мағлубияти эди. Тургенев доим қўрқиб юрган фанатизм ғалаба қилганди. Икки ойдан кейин вазиятнинг яхши томонга ўзгарганига умид қилиб, Франциядан келди. Аммо аҳвол кескин, унинг Россияга бутунлай қайтиш ҳақидаги орзуси ҳам рўёга айланганди. Маъмурлар янгиликни газета хабарларидан билиб қолиб, уни қишлоққа кетишини талаб қилишди. Шундай қилиб, Яков Полонскийнинг оиласи билан ўзи учун қадрдон ва қалбининг орзуси бўлган Спасска йўл олди. Бу унинг охирги сафари эди.

Иван Сергеевич ўзи билан табиат: ўсимликлар, қушлар, замин ўртасида қандайдир ботиний боғланиш борлигини сезарди. Ҳикоя қилиб беришича, бир гал шундай бўлган экан. У пастроқ қайнин олдида туриб, бу дарахт бир пайтлар аёл киши бўлганини хаёлидан ўтказган ва овоз чиқазмай: «Сен бир гўзал бўлгансан, гапир», деган. Шу пайт дарахтнинг бир шохи ғамгин ҳолатда эгилиб туша бошлаган. Бу ҳолдан

соци тикка бўлиб кетган, кўрқиб қочган . Умуман, ота маконда унинг ботинидаги кўплаб синоатлар юзага чиқар ва шунинг учун ҳам бу гўшага интиларди.

Ёмғирли қунлар ўтиб, ёз келиши билан Спасскка меҳмонлар ташриф буюрди (жумладан, Григорович, Савина, Толстой ва бошқалар), улар билан дилкаш суҳбатлар бўлиб ўтди, қизиқарли ўйинлар ўйнашди, эски қадрилга, янги урф бўлаётган канканга рақсга тушишди. Ҳатто канканда кескин ҳаракат қиласман деб йиқилиб тушгани кулгига сабаб бўлди. Барибир ташқи томондан қанчалик хурсандчиликка урғу берилмасин, ботинда мужмал дардлар бош кўтараётганди. Энди кулгилар ҳам, ҳазиллар ҳам олдингидек самимий, тотли, қувонч улашадиган эмасди. Унинг ватанни тарқ этиш фурсаллари яқинлашаётганди. Боз устига қизининг оиласи билан муаммолар юзага келди. Бу ҳам етмагандек, касаллик хуружи ҳам кучайди.

Куз бошланиши билан муқаррар сафарга тайёргарлик кўрди. Жавоб тариқасида Лев Толстой хузурига, Ясная Полянага кириб ўтди. Шу куни Софья Андреевнанинг туғилган куни экан, эски қадрдонлар дилдан яйрашди. Ҳаёт ианзаралари эса чўкиб ётган ҳақиқатларни юзага чиқараётганди. Ўша дамлар ҳақида Толстой қундалигида шундай ёзувлар қолдирган экан: «Тургенев. Канкан. Ғамгин».

Россияни тарқ этиб, дастлаб Англияга ташриф буюрди. Бирданига янги роман яратиш фикри пайдо бўлиб қолди. У инқилобчининг икки типи – рус ва француз ҳақда бўлиши керак эди. «Наҳотки қуриган эски тўнкадан барглар, ҳатто шохлар ўсиб чиқади? Кўрамиз» деб ёзиб қўйди у. Аммо 1882 йил Тургенев учун қаттиқ синов билан бошланди. Шафқатсиз касаллик уни исканжага олди. Орқа мия саратони бошланган, у шунчалик даҳшатли оғриқ билан кечардики, ёзувчи одам чидаш мумкин бўлмаган сикув исканжасида қо-

ларди. Кутилаётган қора күнни қаҳрамони Базаровдек мардона қутиб олишга ўзини руҳан чоғлади. Июль ойи унинг учун онгли ҳаётиниң сўнгги кунлари бўлди. Ёзишни бошласа, беш қатордан кейин даҳшатли оғриқ қўзғалар, афюн қабул қилишдан бошқа чора қолмасди.

Ёзда Виардолар оиласи у билан биргаликда Буживалда яшади. Сентябрда Парижга кўчиш масаласи кўндаланг бўлганда Иван Сергеевич шу ерда қолишни ихтиёр қилди. Ёлғизликда, оғир кунларида ҳам ижод дарди, ватан муҳаббати уни тарқ этмади. Ота юрти – Спассск яқинида поезд ҳалокати рўй берганини эшитиб, қаттиқ изтиробга тушди. Адресига келаётган хатларга жавобларни кечиктиргади. У ҳақида Россияяда турли миш-мишлар талқалганди, уларга жавобан ҳаммаси яхши эканини таъкидлаб, мактублар ёзиди. Ҳатто баъзан ҳаёт осмонида адашган булатдек илҳом жунбишга келиб қолар, шунда трагедия, роман ёки ҳикоя ёзишни ихтиёр қилиб қоларди. Ҳатто «Охир» сарлавҳали ҳикояни айтиб туриб ёздиришга жаҳд қилди. Шундай қилиб, 1883 йил 29 июнда Лев Толстойга охирги хатини ёзди. У «Чарчадим» деган сўз билан тугаган эди.

Тургенев васиятномасида Волхов қабристонига, дўсти Виссарион Белинскийга яқин жойда дағн этишларини сўраган экан. «Балки Пушкиннинг оёқ томонига... Йўқ, мен бундай шарафга арзимайман» – ўзича шивирлади у. Шундай қайд этишган гувоҳлар. Ёруғ оламни тарқ этиш онларида атрофида нуқул французлар эканини унутиб, анча вақт русча гапириб ётган: «Менга яқинроқ келинглар, яқинроқ, яқинроқ. Сизларнинг атрофимда эканингизни билай. Айрилиқ фурсати келди... Шабадасиз, илиқ кунлар, янги соғилган сут...» ва бошқа гаплар.

22 август куни айни туш, соат иккита Россияга сиғмаган қалб омонатини топширди. Ўша йил 27 ав-

густда Петербургда бутун иззатини жойига қўйиб, вაсиятига мувофиқ мислсиз иқтидорига яраша тантана билан дафн этишди. «Унинг тақдирида янги саҳифа очилди: ўлимидан кейинги боқий ҳаёт» (Ю. Лебедев).

\* \* \*

Ҳар бир тақдир – бир сабоқ. Инсон умри эса бир-бираға ўхшамаган, қайтарилемас мўъжиза. Манзил сари кетаётган йўловчи ўнгу сўлига аланглаб қараб борганидек, ана шу ўхшашсиз сафарда ўхшаш нуқталарни ахтарамиз, ҳеч қуриса манзилни юлдузларга қараб белгилаймиз. Шунга ўхшаш ҳис билан китоб муқоваларида кўриб юрадиганим соқолли чеҳраси самимий, қарашлари маҳзун бир инсон ҳаёт баённомасига дуч келиб қолдим. Ҳаммаси фараҳли кунларнинг бирида Чилонзордаги Фарҳод бозори биқинида жойлашган эски китоблар дўконига киришимдан бошланди. Жавонда чанг босиб, «ЖЗЛ» сериясида нашр этилган Юрий Лебедевнинг «Тургенев» китоби туради. Ёзувчининг кенжা замондоши Лев Толстойнинг ижодини миллий китобхонлар ўртасида оммалаштириш мақсадида бироз саъй-ҳарақат қилганим учун ўша муҳитни тўлароқ тасаввур қилиш ниятида китобни бир сих кабоб (3 минг сўм) нархида сотиб олдим.

Мутолаа жараёнида шундай бир туртки олдимки, бошқа бир дунё кўз олдимда намоён бўлди. У воқеаларни бугунги кунларимизни безаб турган манзаралар билан солиштирдим. Қандайдир мулоҳазалар туғилди. Очифи, миллий адабиётимиз таҳлилига бағишлиган шу савиядаги тадқиқот-асар хаёлимга келавермади. Китобдан олган таассуротим таъсирида уни ашаддий бир китобхонга тавсия қилдим, у танишиб чиққач, ҳафсаласи пир бўлиб, «Эски гаплар экан», деди. Бир ёзувчига шундай китоб бор экан, десам, «Уларни талабаликда қалпоқ қилиб кийиб қўйгани» ни маълум қилди-ю, бироқ Тургеневнинг исм-шари-

фини ҳам эслай олмади. Менинг назаримда эса китоб алоҳида эъзозга арзирди. Филология фанлари доктори, профессор Ю. В. Лебедев қаламига мансуб, филология фанлари доктори Н. Н. Скатов тақриз қилган бу асар далилларга бойлиги, таҳлилнинг чуқурлиги, тарихий-фалсафий мушоҳадалар, мафтункор услуги билан китобхонда чуқур таассурот қолдирди. Таассуротларим эса эшитганларимдан ўн ҳисса, юз ҳисса бойроқ эди. Иштиёқ билан уларни қоғозга туширишга жаҳд қилдим, шу баҳонада мулоҳазаларимни изҳор этишга ҳам журъат этдим. Уларни сизга илиндим. Маъзур туласиз.

(«Жаҳон адабиёти», 2018 йил, 11-сон)

## ИБРАТСЎЗ

Ўғлим Анварбекка

### Эссе

*От тепкисини от қўтариади.  
Ўзбек мақоли*

Инсоният ўз олдига бурунгига нисбатан анча юксак идеал қўйиши туфайли аввалги идеалларининг ҳаммаси қуёш чиқиши билан хира тортган юлдузлардек сўнади ва инсон қуёшни кўриб турганидек, юксак идеални эътироф этмаслиги ҳам мумкин эмас.

**Лев ТОЛСТОЙ**

Бу муҳтарам шахснинг мадхини иншо этишга бўй баробар китоблар ҳам етмаган; истисно тариқасида ул беназир зотни фақат уч сўз билан таърифлаш мумкин: Лев Николаевич Толстой. Шу ифодада унинг бутун келбати намоён бўлади. Қайси маънода: олайлик, бирор аҳоли манзилига кираверишда унинг номи тахтачага ёзилиб, йўл четига осиб кўйилади. Шу белги бу жой ҳақидаги дастлабки маълумот бўлади. Мазкур манзилда олдин ҳам бўлганлар унинг паст-баландини яхши биладилар, тасаввурлари бор. Таассуротлар эса ҳар хил бўлиши мумкин: кимдир чинакам ҳайратда, оғзидан бол томади; кимгадир сувими, чивиннинг кўплигими ёқмаган – хуллас, баҳолар ҳар хил. Аммо, мабодо, шундай бўлиб чиқса, яъни кимнингки йўли «Лев Николаевич Толстой» деган «манзил»га тушиб

қолса, бамайлихотир мазкур жаннатий жой (бу асло муболага эмас)ни айланиб кўрса, унга мафтун бўлиши, ҳатто ақлдан озиш даражасида севиб қолиши бор гап. Ҳали бирор киши ушбу даргоҳни ҳайратга тушмай тарк этмаган.

Албатта, гап Лев Толстой ижодий мероси ҳақида кетмоқда. Рус халқи унинг ҳар бир сатрини қўзига суртиб жамлади ва ўттиз йил (1928–1958) давомида 90 жилдда нашр этди. Кейинчалик олиб борилган тадқиқотлар маҳсули сифатида яна 5 жилд қўшилди. Йиллар ўтиб, изланишлар шуни намоён этдики, буюк ижодкорнинг бисоти бундан ҳам салмоқли экан. Қолаверса, мафкура мезонларининг ўзгаргани ҳам баъзи табу қўйилган асарлари жамоатчиликка маълум қилиш мавриди келганини қўрсатди. Энди, айни кунларда рус илмий-бадиий жамоатчилиги даҳо ёзувчинининг 125 жилдлигини тайёрлаётгани ҳақида хабарлар тарқалди. Мазкур мажмуага олдин эълон қилинмаган асарлар билан бирга бирор роман ёки қисса, ҳатто мақолаларнинг муаллиф томонидан рад этилган (яъни фойдаланилмаган) парчалари, муқобиллари, умуман, унинг қалами нимага теккан бўлса, ҳаммасини йиғиб нашр этиш мўлжалланган. Шунингдек, изланишлар маҳсули сифатида баъзи шарҳлар тўлдирилади ёки энг тўғри ва тўла (барибир, нисбий бўлиб қолиши мумкин) кўриниши эълон қилинади. (Маълумки, мукаммал тўпламларнинг 25–30 фоизи мутахассисларнинг изоҳлари, шарҳларидан иборат) Ҳақиқатан, бир далил – ҳали Лев Толстой билан боғлиқ барча маълумотлар эълон қилинмаганига исбот – миллатдошимиз, Тошкентда таваллуд топган, Саратов юридик институтида таҳсил олган Убайдулла Асадуллаевич Хўжаевнинг 1909 йил 29 майдаги «Кўп хурматли Лев Николаевич»га ёзган хати ва унга жавоб ҳеч нашрда эълон қилинмаган. Бу ёзишмаларда зулмга жавоб қайтармай, муте бўлиб туриш фалсафасига

(Толстой бундай қарашини «Уруш ва тинчлик»даги Платон Карапаев ва бошқа асарларидаги маълум образлар воситасида тарғиб қилган эди) эътироф билдирилган ва жиiddий мунозара бўлган. Эътироф этиладиган қирраси шундаки, Толстой умрининг охирида «зулмга қарши туриш зулмдир» деган ғоясидан воз кечиб, зулмга қарши курашишни тарғиб этган, ишчи-ларнинг инқилобий чиқишларига хайриҳоҳ бўлган. Нима бўлганда ҳам бу бебаҳо меросга заргарона муносабат таҳсинга лойиқ.

Энди муддаога ўтадиган бўлсак, ана шундай мўътабар обида юзасидан бирон янги гап айтиш қийинлигини тан олиб, саъй-ҳаракатларимизни уммон соҳилида турган бир сайёхнинг ҳайрати, ўз-ўзига эътирофи эканини таъкидлаш баробарида ҳар бир мухлис бу мулк, бу хазина жозибасидан, тароватидан баҳраманд бўлиб орттирган (юқтирган) таассуротларини бошқалар билан баҳам кўриб, «енгил ошиш» истагигина эмас (нафсилаамрини айтганда, аслида шундай), балки ижод сабоқлари ва изтироблари юзасидан туғилган фикрларни мухлислар билан ўртоқлашишга интилиш тарзида баҳоласа ҳам бўлади. Зоро, буюк ижодкорларнинг ҳаёт йўли ибрат тимсоли бўлиши билан бирга катта мактаб ҳамдир. Ундан сабоқ олиб, қаламни қандай чархлашдан то инсон қалбига кириб бориш йўлларини топиш сирлари-ю, дунёга таъсир қилиш, уни ўзгартириш қудратидан тортиб мағлубиятни ҳам, ғалаба – шон-шуҳратни ҳам қандай истифода этиш машаққатларигача – қаламкашликнинг бутун алифбесидан алгоритмигача ҳамма нарсани инкишоф этиш мумкин. Бир умр йўл бошиданоқ чалғиб, қибласини топа олмай тентирашдан ўзининг оқимини бошқа ўзандан топиш машаққати адашганлар фожиасидан афзал-да. Қолаверса, кашф этилган чўққини узокдан кўриб, унинг маҳобатини ҳис этиш ҳам ўринсиз бир жойда нимадир (балки тепалик ўлчамида) тиклашга

(беҳуда) уринишдан фойдали. Мабодо, ҳамма ўз ишини билиб қиласа, хатоликлар озайган, фожиали тақдирлар камроқ бўлармиди?

Издиҳомдан олға интилган одам атрофидаги оломонни итариб ташлагани, туртиб юборгани, ҳатто срқасига тепгани бор гап. Агар ҳамма бир тирқишига интилса ёки бир чўққини чамалаб йўлга тушган бўлса, ҳаётининг давом этиши тирқишдан очиқ ҳавога чиқиб олиш ёки чўққини забт этиб, унга байроқ қадашга тикилган бўлса, издиҳомнинг қутуриб гувлаши аниқ. Унда йўл топиб юриш учун, ўз изини очиш учун шунга жаҳд қилган одам кўп нарсани инкор этади. Талвасага тушади, ўзини йўқотади, мислсиз қийиноқлар исканжасида қолади. Бундай вазиятга тушган аксарият маҳв бўлади-ю, аммо кимлардир мақсадга эришади. Ана шундай музafferдан бири сифатида Лев Толстой тан олинган. Унинг ғолиблик сабоқлари, албатта, ўрганиш шарафига муюссар бўлган ва қарийб икки асрки, бу жараён давом этмоқда. Ҳатто айтилмаган гап қолмаганга ўхшайди. Лекин буюклиknинг моҳияти шунда бўлар эканки, уммонга қанча чуқур шўнғиган сари нодир тошлар кўпроқ кўлга киритилгани каби, унинг меросига мурожаат қилинганда ҳам ҳар бир муҳлис янги бир нарса инкишоф этиши мумкин, балки тайиндир. Жумладан, Лев Толстой шахсиятининг жозибадорлиги сирлари ҳали кўплаб тадқиқотларга манба бўлади. Ҳақиқатан, даҳо санъаткорнинг шаклланишидан тортиб, чекига тушган иссиқ-совуқ кунларни кечиришда тобланган «мен»и жуда мафтункор. Ҳамма ҳам иқтидор билан туғилади, дейишади. Шундан кейин эса уни тўғри йўналтириш бир омад бўлса, самарали фойдалана олиш яна бир ютуқ экан. Ёзувчимизда бу жараёнлар қандай кечган? Бизда қандай кечади? Мулоҳазаларимизнинг доираси шу ўлчамларда чегара олади.

Лев Толстойнинг қанчалик зиддиятли умр кечиргани (балки ҳеч нарса билан қаноатланмай, истаганига эриша олмай, қарама-қарши туйғулар исканжасида яшагани)ни тасаввур қилиш учун ҳаётининг охирларида ёзган бир эътирофидан иқтибос келтириш ўринли бўларди: «Мен кишанбандман: қўлларимни бўшатишни истайман, бироқ буни эплай олмайман, ала-мимдан бақираман ва ўкраб йиғлайман, бу шаллақилигим ўзимга ҳам ёқмайди, аммо ўзимни тўхтатишга мажолим етмайди. Бошим устига кимдир энгашиб турибди, уни таний олмайман, булар фира-ширада рўй бераяпти, аммо икки кишини эслайман. Қичқириғим уларга таъсир қиласди: улар менинг ҳолатимдан безовта бўладилар, бироқ хоҳлаганимдек, мени бўшатмайдилар, мен эса яна ҳам қаттиқроқ шовқин соламан. Аслида, уларга шу (яъни, менинг бандилигим) керак экан. Шунда мени озод қилишга изн йўқлигини тушуниб етаман ва буни уларга тушунтиromoқчи бўлганим фойдасизлигини биламан-да, хоҳишимга зид равища ўзимни тута олмай, овозимни яна қучайтиравераман. Мен ноҳақлик ва шафқатсизлик инсонларга хос эмаслигини сезаман, негаки улар ҳам менга ачинаяпти, бироқ тақдир уларга ҳам ўз ҳукмини ўтказган – насиб этгани ва раҳм-шафқат ўз йўлига. Мен эркинлик истайман, у ҳеч кимга халақит бермайди, бироқ мен ҳеч кимнинг бошини ғурра қилмоқчи эмасман, бироқ мен заифман, улар эса кучли» («Менинг ҳаётим», 1878 йил). Ҳолбуки, ёзувчи умрининг бу палласида бутун жаҳон эътирофига сазовор бўлган, ўзининг бадиий ихтиrolари (унинг энг етуқ асарларини шундай деб аташ ўринли бўларди) билан мўйсафид Европани ҳайратга солиб улгурган эди. У шундай даражада эди, бироқ оддий рус мужиги янги «ислоҳот»лар исканжасида баттар эзилаётган, қолаверса, «жафокаш Русь» жамиятида катта бир портлаш (1905 йилги рус революцияси) етилиб бораётганди. Буюк инсонпарвар ва

оташин ватанпарвар бундай вазиятда «жим тура олмас»ди. Унинг шахсий эркинлиги миллатининг умумий баҳтидан ташқарида бўла олмасди. «Мен кейинги пайтларда ўз фаолиятимдан мамнунман, аммо ишларнинг умумий кетиши, яъни кўз олдимизда кечётган очарчиликдан халқнинг азоб чекиши ҳар куни баттардан-баттар қийнайди. Шундай bemаза манзара: бир томонда жаннат, бошқа ёқда азоб: бизнинг дастурхонимизда қип-қизил резаворлар, сариёғ, бўрсилдоқ юмшоқ нон, яшил боғда навқирон хонимларимиз гоҳ салқин, гоҳ офтобда яйраб, ҳарир лиbosларда кезишиди; у ёқда эса шайтон дўзахи – очарчилик ўз ишини қиласяпти, далаларни шўра босган, қурғоқчиликдан ер тарс-тарс ёрилган, эркак ва аёлларнинг товонлари қадсқдан шилиниб кетган, молларнинг туёқлари шақирлайди, ҳаммасининг силласи қуриган, шамолда йиқилгудек, ҳайҳот, биз эса соя жойларда ҳарир лиbosларда гашит қиласиз, яна тансиқ таомларни лузуми билан келтириб туришибди» (A. Фетга хат. 1865 иил). Мана, Толстой шахсиятининг ёрқин ва ибратли бир қирраси.

\*\*\*

Адиб Лев Толстой ҳақида гап кетганда, агар «ижодкор олами» деган истилоҳ ўринли бўлса, уни ҳар бир санъаткорнинг бадиий тарзда яратган ўз мамлакати, ундаги аҳоли масканлари, турли қиёфадаги фуқаролари мавжуд юрт тарзида тасаввур қилинса, Толстойни «Адабиётнинг тугал материғи (қитъаси)» деб аташ лозим бўларди. Битта «Уруш ва тинчлик» эпопеясининг ўзида қанчалик қўл етмас мэрраларни забт этди. Замондоши, танқидчи ва файласуф И.Н. Страхов ўз вақтида ҳайратини шундай ифодалаган экан: «Қандай маҳобат ва қанчалик хушбичимлик! Бирон адабиёт бунақасини таклиф эта олмайди. Минглаб тақдирлар, минглаб лавҳалар; давлат юмушлари ва шахсий

ҳаётнинг воқе бўлиши эҳтимол бўлган жами оҳанжамаларининг энг теран таҳлили; тарих, уруш, уларнинг ер юзида содир бўлган барча даҳшатлари; янги туғилган чақалоқнинг чинқириғидан тортиб тириклигига бир «ух» билан нуқта қўйишга маҳкум этилган мардумнинг охирги шивиригача инсон ҳаётининг бор тебранишлари ва изтироблари, қалб кечинмаларининг кенг қамровли манзаралари – ўз ўртоғининг чўнтағидан сўнгги чақасини ўмарган ўғрининг хижолати-ю, қаҳрамонликнинг олий намунасини кўрсатган баҳодирнинг ўқтамлиги ҳамда ички тозаришнинг тўлғоқли манзаралари... Санъатдаги бундай мўъжиза, яъни энг оддий восита (қофоз ва қалам) ёрдамида яратилган бундай нодирлик ҳали дунёда бўлмаганди». Орадан бир юз эллик йил ўтди, таассуфки, жаҳон бадиияти тарихида бундай асар бошқа яратилмади.

Толстой мўъжизасининг асрорлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган, фаразлар, тахминлар баён қилинган. Шубҳасиз, уларнинг ҳаммасида камида бир чимдим (балки кўпроқ) янги гап бор. Нима бўлганда ҳам бу сир кашф этилмай қолмоқда. Айтилган фикрлар, изҳор қилинган муносабатлар эса бадиий ижоднинг табиатини тушунишда, ижодкор иқтидорига баҳо беришда ўлчовлар бўлиб қолмоқда, холос.

Ўз пайтида пайдо бўлишиданоқ кескин фикрлари билан рус жамоатчилигини шошириб қўйган Николай Гаврилович Чернишевский Лев Толстойнинг илк қадамларини кузатиб, дастлабки ижод намуналарини таҳлил қилиб, фавқулодда тарзда унинг ёзувчилик иқтидори қирраларини аниқ кўрсатган экан. У Толстой ижодида намоён бўлган икки фазилатни таъкидлаб ўтган: биринчидан, руҳий жараёнлар (руҳий ҳаёт) нинг сирли табиати юзасидан чукур билим, руҳий жараёнлар, унинг шакллари, унинг қонуниятларини жуда аниқлик билан илғай олиш, қалб диалектикасини ҳайратланарли тарзда ифодалаш маҳорати ва иккинчидан,

ахлоқий нуқтаи назари, ҳиссиётининг беҳад тозалиги. Танқидчининг бу кашфиёти тўғри бўлганини кейинги давр тадқиқотчилари ҳам кўн таъкидлаганлар. Ҳақиқатан, Толстой асарларининг жозибаси кишини кўркувга соладиган даҳшатли воқеаларда эмас, балки қаҳрамонлар хатти-ҳаракатининг ички мантиққа бўйсунишида, вазиятнинг руҳий талқини билан қаҳрамонлар фаолиятининг уйғунлигидадир. Бундай вобасталик ўқувчи ни тез «занжирлаб» олади ва у ёзувчи иқтидорининг қулига айланади: асар воқеалари ичига тушиб қолади, ўзи маъқуллаган персонажлар тилида сўзлашади, уларнинг руҳий ҳолатини ўзиникидек қабул қиласи, хуллас, улар билан бирга яшайди.

Иккинчи фазилат – санъаткор назарининг беҳад тозалиги китобхонда мунавар туйғуларни юқтиради, мутолаа таъсири остида у ҳам тозаринади – покланади, маънавий жиҳатдан юксалади. Толстой асарларини ўқиб тугатгач, кўплаб китобхонлар ўзларига нисбатан талабчанликлари оргтанлигини, оғизларига ахлоқсиз сўзларни олиш (масалан, сўқиниш)-дан уяладиган бўлиб қолганликларини, шунингдек, юриш-туришларини назорат қилиб, ҳатто дазмолланмаган шимда кўчага чиқишдан истиҳола қилаётгандикларини таъкидлашарди. Булар юзаки таъсирлар, шунингдек, ботинда ҳам сифат ўзгаришлари содир бўлиб, киши ўзини пурвиқор, марҳаматли, одобли, илтифотли, умуман, маданиятли тута бошлаганини ҳам сезади. Китобхонлар Толстой «адабий аҳолиси» феъл-авторидан қаҳрамонлик, ватанпарварлик, саховат, олийжаноблик туйғуларини юқтириб олишган. Ваъдага вафо қилишнинг мукофоти, ҳалолликнинг хузур-ҳаловатини ҳис қилишган. Шунинг учун ҳам ер юзининг исталған нуқтасида уни миннатдорлик билан эслайдилар, ўзларининг устозлари, муаллимлари сифатида тан оладилар.

Афсуски, биз мутолаа қилган жами китоблар ана шундай ёруғ туйғуларни армуғон қилавермасди. Баъзи қаламкашларимизнинг ёзганларида инсоннинг ботиний олами билан умуман ҳисоблашилмайди, ма-салан, воқеалар ривожи ғазабланишни тақозо этса, персонаж кулади, умуман, шунга ўхшаган ички мантиққа бўйсунмайдиган лавҳалар. Қаҳрамонларни тे-ран руҳий ҳолатлар эмас, ёзувчи (бурнидан ип ўтка-зид) бошқарид юради. Шу туфайли улар зарур бўлма-ган ўринларда (ёки кутилмаган, яъни ўқирман руҳан тайёр бўлмаган думбул шароитда) қаҳрамонлик со-дир этадилар, афсуски, бу саъй-ҳаракат ҳеч кимни ларзага солмайди. Аксинча, ўша юксак фазилатни хидалаштириб, уни моҳиятдан маҳрум этади, олий-жаноб туйғуни жўнлаштиради. Оқибатда, ўқиган ки-шида шундай фаолиятга майл сусаяди.

Ёки бўлар-бўлмасга баландпарвоз гапларни так-рорлаб, оташин нутқлар сўзлаб, китобхон зеҳнига заҳа етказадилар, кишиларни юксакликка чорлаши лозим бўлган қанотли сўзларнинг оҳорини ва қадри-ни тушириб қўядилар. Буларнинг ҳаммаси йиғилиб, адабиётнинг инсон ҳаётига эстетик таъсирини сусай-тиради, адабиёт ҳаммабол юмушга айланиб қолади. Маҳсулот (китоб) ва истеъмолчи (ўқувчи) ўртасида кўринмас девор ҳосил бўлади. Яъники, китоб бир та-рафда, китобхон бошқа тарафда "уз ишини қилиб" юрибди-ю, кутилган мақсад – адабиётнинг, демак, китобнинг қарзи узилмаяпти – қадри юксалмаяпти. Баъзи ёзувчиларнинг инсоний руҳий олами жуда ҳам мусаффо эмаслигидан ҳаётдаги қора нуқталар-ни «кўришади». Ёзганларида нуқул ур-йиқитларга, фаҳш воқеалар тасвирига, ахлоқсиз ибораларга (бир фильмда – сценарий муаллифи Ё. Тўйчиев – шундоқ ҳамманинг кўз ўнгиди, синфхонасида ўқувчи ўз ўки-түвчисига «Қисир сигир» дейди!) зўр беришади. Бир китобхон сифатида улар ҳам Лев Толстойдан ўrnak

олсалар, «ижод» аталмиш мислсиз құдратнинг кучини «үтін ёриш»га эмас, хайрли юмушларга, нурли мақсадларга сарфласалар, инсониятни әзгуликка, олийжанобликка сафарбар қиласынан мавзуларда қалам тебратсалар, деб орзу қиласынан. Шундай йүл тутиб, Толстой бобо кам бұлмаган-ку, аксинча, у инсониятнинг ардоқли фарзандларидан бирига айланған.

\* \* \*

Лев Толстой дунёга келганды (1828 йил 28 август) Россия оғир босинқиравшдан үйғонған, яқында бұлып үтган бир воқеа нафақат мамлакатни, балки бутун дунёни ларзага солиб үтган эди. Мазкур юрт тарихида инқилобий ислоҳотчи сифатида шұхрат қозонған Буюк Пётр вафотидан нақд юз йил үтиб, 1825 йил 14 декабрда Петербургдаги Сенат майдонида исён содир бұлған, унинг түлкүни бутун Европани ҳүшёр тортириб қўйғанди. Инсоният тарихида кам учрайдиган ҳодиса – ӯзига тўқ, ҳар томонлама таъминланған ёшлар амалдаги тузум тартибларидан норози булиб, подшонинг жонига қасд қилғандилар. Кейинчалик Декабристлар деб аталған бу ҳаракатнинг моҳияти тўқ, кишиларнинг очларни ҳимоя қилиб майдонга чиқиши эди. Орадан ҳеч қанча вақт үтмай, афкор омма бундай ишга қўл уриш – ҳаётини гаровга қўйиб, эзилған халқа кўмакка келиш замирида нақадар ахлоқий юксаклик мужассам бўлганини тушуниб етган эди ва бутун дунё бу мамлакатда кечаётган воқеаларни қизиқиш билан кузатиб турғанди.

Тарихан олиб қараганды, муқаддас китоб – Куръони карим нозил бўлған юртнинг Переней яримсроли (ҳозирги Португалия ва Испания)ни босиб олиши, бу ерда олти юз йил давомида томир отган маданиятнинг маҳаллий тафаккур хазинаси билан қоришиғидан ҳосил бўлған нодир хазина Европа мамлакатларининг чегарадош ҳудудларига, жумладан, Францияга үтиб,

янги күлам касб этишидан юзага келган чўнг маданият атрофга ўз таъсирини ўтказа бошлаган, французлар қўлга киритган маданий ютуқлар таъсири 1812 йилдан анча олдин бошланган Наполеон юришлари билан оламшумул моҳият касб этаётганди. Жумладан, Наполеоннинг Россияга хужуми ўртадаги чегараларни пайҳон қилган, қолоқ ва ғафлатда ётган мазлум юртда уйғониш, сергаклашиш кайфияти пайдо бўлган эди. Юзага келган ижтимоий фаолликнинг маҳсали сифатида Декабристлар ҳаракати юзага келди, бу мамлакат тараққиётини, айниқса, ижтимоий фикр ривожини янги босқичга олиб чиқди. Худди қўй подасининг бўриларга хужум қилганидек кутиб олинган бу кўтарилиш, табиийки, қонга ботирилди: декабристларнинг кўплари осилди, Сибирга сургун қилинди ёки авахталарда чиритилди. Бундай қасоскорлик авомни ҳушёр торттирди, у душмани ким(лар) эканини билиб олди. Ва шу баробарида декабристлар байроқ қилган ғояларни ўрганиб, уларни ҳаётга татбиқ этиш чораларини излай бошлади. Бу исёнкор йигитлар миллий қаҳрамон даражасида улуғланди. Ёзувчи Лев Толстойнинг ижодий борлиғи биринчи қадамидан охиригача ана шу манбадан нур олган.

Ўттиз икки ёшли княгиня Мария Николаевна Волконская граф Николай Ильич Толстойга турмушга чиққанда Сенат майдонидаги бўхронга икки йил ҳам тўлмаганди. Тўй Тула обlastининг Крапивин уездига қарашли Ясная Поляна (маъноси: ясен – шумтол, поляна – дала, шумтол ўсган жой, шумтолзор) мулки (қишлоғи)да бўлиб ўтган эди. Никоҳ маросимини куёв томон ташкил қилган, келиндан тўрт ёшлар чамаси кичик бўлган қаллиқ ёшлигидан ҳарбий хизматга сафарбар қилинган, 1813-15 йиллардаги чет эл юришларида қатнашган, энди отасидан мерос бўлиб ўтган мулкка эгалик қилиб, қолаверса, бойвучча келиннинг илтифоти билан қарзлардан кутулиб, бир мардумдек

умргузаронликни ихтиёр этган йигит эди. У яхши тарбияланган, табиатан раҳмдил, ўша замон тартибларига зид равишда қарам дехқонларга шафқатли помешчик эди. У тўйдан кейин истеъфога чиқди ва бутун фаолиятини қишлоқдаги хўжалигига бағишилади. Ота Николай Ильич Толстой ўзидан яхши хотиралар қолдириб, Лев тўққиз ёшда пайтида вафот этди. Мутахасиссларнинг таъкидлашича, бўлажак ёзувчи кейинчалик отасидаги фазилатларни адабий қаҳрамонларига кўчирган. «Уруш ва тинчлик»даги Николай Ильич Ростов айнан отасининг прототипидир.

Рус жамиятидаги юқори даражали аристократлар сулоласига мансуб онаси Мария Волконская яхши маълумот олган, рус тилини чуқур ўрганиб, унда равон ёзадиган, бундан ташқари француз, немис, инглиз, итальян тилларини билган маърифатли аёл эди. Отаси Николай Сергеевич Болконский қизининг астрономия, космография, тарихдан ҳам чуқур маълумот олишини таъминлаган, амалий фанлардан ҳам етарлича сабоқ берганди. У санъатни нозик идрок этар, фортельянони маҳорат билан чалар, чиройли суратлар чизар, эртакларни жуда ширали ҳикоя қиласдики, бу эртакларни ўзи тўқиган бўларди. Ёзувчининг болалик хотиралари сирасида онаси ҳақидаги таассуротлар энг ёрқин эди. Афсуски, у икки ёшга тўлганда тақдир уни бу баҳтдан мосуво қилди – онаси кутилмаганда вафот этади. Бола тез жудо бўлган бу меҳрни бир умр унуга олмайди, унинг оғушида хаёлан яшаб улғаяди ва ўзининг шоҳ асаридаги асосий қаҳрамонлардан бири Мария Николаевна Болконская қиёфасида онасининг суратини қисман мужассамлаштиради. Шунингдек, Николай Сергеевич Болконский ҳам қизини етуқ қилиб тарбиялаган бобоси тимсолидир.

Агар гап ёзувчининг болалик йиллари, унинг шахсияти шаклланиши омиллари ҳақида кетар экан, бир инсонни эсламаслик мумкин бўлмайди. У ўзининг ҳа-

ётий маслаҳатлари, насиҳатлари билан ўсмир Толстой дунёқарашида кучли таъсир этган. Бу ота томонидан узоқ қариндошларидан бири Татьяна Александровна Ергольская бўлиб, у болалигидан етим қолган ва бувиси томонидан хонадонларига келтирилиб, тарбияланган эди. Қиз отаси билан баравар ёш (тенгдош) бўлиб, ўзининг қатъий, чўрткесар феъл-атвори, тўғри сўзлиги билан оиладагиларнинг ҳурматини қозонганди. Афтидан, қиз ва отаси ўргасида сирли муносабат – муҳаббат бўлган, аммо у Николай Ильичнинг моддий аҳволини яхшилашини кўзда тутиб, бой ойимчага уйланишига монелик қилмаган.

Онаси вафотидан кейин отаси шу ишни амалга оширишга ҳаракат қилган – Татьянага уйланмоқчи бўлган экан, аммо ўзи ва мазкур оила орасида шаклланган тоза муносабатларга путур етмаслигини кўзлаб, Татьяна Александровна таклифни рад этибди. Ёшлигига жуда гўзал бўлган ақлли, тадбирли бу аёл ёлғиз ўтди, Лев Толстойнинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси бўлиб қолди. Ҳар қандай масалада таъмасиз, чин юракдан, унинг камолини кўзлаб, доно маслаҳатларини аямади. Қолаверса, факат аёллар дунёсида рўй бериши мукин бўлган энг интим масалаларни ҳам сир тутмай ошкор қилас, бу сабоқлар ёзувчининг аёл дунёсини тўлароқ ва теранроқ ҳис этиши ва шу орқали (кейинчалик) ишончли тасвирашига ёрдам берарди. Ростдан ҳам, Толстой асарларида бўй кўрсатган аёллар тимсоли ўз мантиғи, табиийлиги билан жозиба касб этади ва эсдан чиқмайдиган бўлиб қолади. Асарларининг кўп ўринларида эркакларга зарур маслаҳатлар берган персонажларни гавдалантирган (масалан, «Крейцер сонатаси» қиссасида кекса аёл бўйдоқ йигиттга жўяли йўл кўрсатади), бу қиз-ўртоғининг таъсири бўлса, ажаб эмас. Ергольская вафот этганда Толстой уйланганди.

Лев оиласда түртинчи фарзанд эди, ундан олдин акалари Николай, Сергей, Дмитрий туғилганди. Кейинги зурриёт – Мария охиргиси бўлди, айнан уни дунёга келтириш чоғида она вафот этди. Акалар ва сингил бой хонадонда тўқис камолга етишди, бироқ биронтаси ҳам келажакда Лев даражасида қайсиdir жиҳати билан ёрқин из қолдирмаган. Қолганларнинг энг етуги Николай бўлди чамаси, у ҳам касаллик билан тез вафот этиб кетди. Мариянинг ҳаётидан эса, албатта, атоқли рус ёзувчisi Сергей Иванович Тургенев билан боғлиқ хотиралар эсда қоларли бўлгандир. У ота томонидан қариндошларидан бири Валерян Толстойга узатилган эди, турмуши татимай, ажрашиб, қолган ҳаётини монастирда ўтказган.

Мана, ниҳоят, муҳокама майдонида Лев Николаевич Толстой жаноблари қолар экан, унинг ҳаётига тафаккуrimiz заррабини орқали қараашда давом эта-  
миз.

\*\*\*

Гўдакликда унинг зийрак бўлгани, хотираси кучли эканини таъкидлаш янгилик эмас. Асосийси – уни қуршаган муҳит, шу муҳитнинг даражаси. Албатта, муҳитни тасаввур қилишда ёзувчининг автобиографик асарлари энг тўла, ишончли далил. Уларни бир қур кўздан кечириш шундан гувоҳлик берадики, оила ҳаёти гарчи ўша замонда қарор топган рус дворянлари турмуш тарзининг узвий бир қисми бўлса-да, ўзига хосликлари (умумийликнинг яккаликлари тарзида) мавжуд бўлган.

«Болалик» қиссаси уй муаллимининг эрталаб соат еттида болаларни уйғотиш лавҳаси билан бошланади. Ҳали ширин уйқу оғушида бўлган гўдаклар унинг немисларга хос шиддатли овозидан ҳушёр тортадилар, болага эса оромни тарқ этиш малол келади. Тарбиячининг қилиғи ёқмайди, ичида ёмонлай бошлайди. «Атайлаб менинг бошим устидаги пашшага қўл кўтар-

ди. Ахир Володя {асарда исмлар ўзгартирилган – Ҳ.С.) тарафда ҳам паша бўлади-ку. Йўқ, Володя катта, мен ҳаммадан кичикман, шунинг учун мени менсимайди». Нафратга тўлиб турганда муаллим унинг каравотига яқинлашади, чўнтағидан шириналлик чиқариб тутади, бошини силаб эркалайди ва ҳаммага қаратса, «Туринглар, вақт бўлди. Ойиларинг аллақачон кутаяпти», дейди. Энди бола бундай муомаладан эриб кетиб, бошини кўрпага чуқурроқ буркаганча, ўзини кулгидан аранг тийиб, ўйлади: «У қанчалик меҳрибон, бизларни жондан яхши кўради, мен аҳмоқ эса у ҳақида қандай хаёлларга бориб ўтирибман!» Болаликка хос бекарор хulosалар, алдамчи туйғулар ифодаси.

«Ўсмирлик»да эса оиласинг узоқ сафарга отлангани асарга калит бўлган. Энди дунёга қараш ҳам, атрофдаги одамлар ҳам ўзгарган. Бола улғайган. Ҳатто унга вино ичиш таклиф қилинади. «Ёшлик»нинг илк саҳифалариданоқ ҳаётга теранроқ назар ташлаётган, мутасил улғайишда бўлган гражданиннинг кечинмалири ўқувчини теранроқ мушоҳада юритишга ундейди. Ўзига «Мен ёшликнинг бошланиши нима деб биламан?» тарзида савол қўяди ва тенгдоши билан ўртасида пайдо бўлган муносабатни мулоҳаза қиласди. Ҳар қандай одамда ўзини ахлоқан юксалтириб бориш истаги пайдо бўлар экан, кечинмаларини ким биландир баҳам кўриш зарурати юзага келади. Энди муносабатлар ўткинчи, муваққат эмас, доимий тус олиши лозим. Шу ўринда ёшлик бошланади, деб хulosса қиласди у.

Умуман, ҳаёт манзараларини сархисоб қилганди, биз «муҳит» деб юритаётган (бу сўзнинг «атмосфера», «аура» ва бошқа ажнабий сўзлардан муқобиллари бор, яхлит олиб қараганда эса «келажак улғаядиган оғуш, қучоқ» маъноси истифода этилаяпти) воқеликнинг бир неча муҳим қирралари кўзга ташланади. Буларнинг асосийси – тартиб. Оилада ҳам, турмушда ҳам, ҳаётда ҳам тартибга қатъий амал

қилишган. Иккинчи бир жиҳат – болалар, умуман, оила аъзолари билан табиат қучоғида күпроқ бўлишга, болаларда табиатга, шу орқали яшаб турган заминга, унинг катта муқобили сифатида ватанга муҳаббат ҳисси сингдирилган, табиат гўзаллигидан баҳра олиш орқали ҳам гўзалликни қадрлаш, ҳам гўзалликни асраш руҳида тарбия берилган.

Оила қадриятлари сифатида болаларга муносабатда, умуман, турмуш тарзида диний маърифатга катта аҳамият қаратилгани кишини хушёр торттирадиган ҳол. Бизнинг бир неча авлодимиз даҳрийлик замонида яшади, диний рух, тарбия йўсини тақиқланди, бадном қилинди, ҳатто унга нафрат билан қараш қарор топди. Толстойлар, умуман, октябрь тўнтаришидан олдинги халқлар ҳаётини сарҳисоб қилсангиз, оиласда диний билимларга алоҳида эҳтиёж сезилганини, диний китоблар ўзгача қадрланганини, диний арбобларга меҳр, иззат-хурмат юқори даражада бўлганини кўриш мумкин. Болалар диний мароссимларга олиб борилган, диний арбоблар хона-донларга таклиф қилиниб, маҳсус маросимлар ўтказилган, алоҳида бир бола (агар зарурат туғилиб қолса) ёки болалар билан диний ходимларнинг учрашувлари, сұхбатлари ташкил қилинган...

Албатта, булар масаланинг юзаки, жўн тарафидек туюлиши мумкин, аммо мурғак қалбга нима қандай таъсир қилишини боланинг ўзи ифодалаб билмайди; бу сирни катталар эса кашф эта олмайди, яъни ўзига бир вақтлар ташқи таъсирлар қандай қўзғалиш юзага келтирганини энди тиклай олмайди. Шундай бир воқеага гувоҳ бўлдик: 10-11 ёшли болалар ўйиндан чарчаганми, чуғурлаб сұхбатга зўр беришарди. Уларнинг кўшни хонадан баралла эшитилиб турган овозидан қулоқни бекитишнинг иложи йўқ, гўдаклар эса «ички сир»ларининг ташқарига чиқиб кетаётганини сезишмас эди. Улар шовқин билан бир синдошла-

рининг отаси кимлигини муҳокама қилишарди. «У магазинчидан туғилган, ўзининг отасиники...»(яъни «Отаси – импотент» демоқчи). Нима дейишга ҳайронсан. Унча-мунчада исботлаб бўлмайдиган, тушуниш қийин ҳаёт жумбоғини она сути оғзидан кетмаган но расидаларнинг бунчалик жўшиб муҳокама қилишига сабаб нима? Бундай ёқимсиз ҳол катталарнинг қайси «хизмат» и эвазига юзага келган? Улар яна нималарни муҳокама қилишади? Шарҳи оддий – болажонлар катталардан эшитганларини бола тасавури ва зеҳни билан муҳокама қиласяпти. Агар бу ҳолатни тарбияга зид эканини эътироф этсак, унинг сабоғи ҳам жуда жўн: болаларнинг олдида ҳар хил нарсаларни гапиравер- маслик шарт экан.

Шу тарздаги «муҳит» (худди шундай, бола-Толстойнинг ҳам тенгдошлари, гаплашадиган «ғийбат»лари бўлган) болаларимизнинг келажагига қандай таъсир қиласди? Гапнинг нафсиларни айтганда, фарзандларимиз ҳар куни – эрталабдан то уйқуга ётгунча қандай гапларни эшитади? Шу ҳолатни – оиласидаги аҳволни – гап-сўзлар нималар атрофида айланишини кўз олдимизга келтирайлик. Кимнингдир қиммат- баҳо машина олгани ёки тўй қилгани, олий ўқув юртига пул билан киргани, энди «сессияни ёпиш» учун «домла»ларга ташиётгани (она ҳаромхўрларни тинмай қарғайди, ота ер тепиниб сўкинади), яна боғча опанинг айтганлари ва қилганлари – умуман, катталарнинг ибораси билан айтганда, эшитса, «илон пуст ташлайдиган» гап-сўзлар. Эшитганлар орасида кимнингдир ўз кучи билан олим бўлгани, ҳалол йўл билан уй қургани, умуман олганда эса ҳақиқатнинг рўёбга чиққани ҳақида хабарлар кам бўлади. Демак, шундай муҳитда улғайган фарзанд эсини шундай тартибларга мослаб таний бошлайди, яшашнинг бошқа йўлини кўрмайди. Мана, моҳият! (Шукроналар бўлсин, зеҳни миз уйғониб, болаларимизнинг хотинчалиш бўлиб

тарбияланаётгани, уларнинг «шабкўр» – ўз келажагини кўра олмай қолаётгани ва бошқа салбий иллатлар ҳақида очиқ гапира бошладик. Тўғри ташхис қасалликни даволашнинг ярмига тенглигини ўйласак, нохуш ҳолларнинг илдизлари ҳақида гапириш ҳам вазиятни ўнглаш учун комплекс чоралар қўллашда асқатади). Катталарнинг ибрати беиз кетмайди – бу оддий ҳақиқатни эсдан чиқарib бўладими?

Толстойлар, умуман, маърифатли оилаларда болалар билан катталар ўртасидаги муносабатлар қатъий тартибга асосланган. Бундай муносабатларнинг икки томон учун ўзгармас талаблари бўлган. Жумладан, катталар ҳар жиҳатдан ўзларини ўrnак сифатида тутгандар, шу даражадаги камолотга интилганлар («Ўзим учун эмас, зурриёдим учун китоб ўқийман» дегандек). Унинг белгилари сифатида гувоҳ бўлдик – она, Мария Николаевнанинг бир неча тилларни билиши, санъатдан, ижодкорликдан хабардорлиги; асранди қизнинг маънавияти... Миллий қадриятлар таҳқирланган шароитда она боласига қандай мазмундаги дастлабки сабоқни берарди? Нақадар нодонларча сўроқ. Бу ҳақда ўйлаш ёки бирор амалий ҳаракатни талаб қилиш ҳам худди шундай нодонлик бўларди. Билъакс, чекка қишлоқларда «Қиз бола ўқиб, бало бўладими?» тарзидаги зуғум хукмрон эди. Бу гапларга аслида зарурат ҳам йўқ, умр, вақт оқиб кетди, фақат бугунги мустақиллик, дориламон кунларда аҳвол қай даражада ўзгарганини муқояса қилиш учун соҳилнинг нариги томонига бир кур разм солдик. Бугун оилаларда миллий руҳдаги маданият шаклланди, мактабгача тарбияга давлат дараҷасида аҳамият қаратила бошланди, демак, имконият пайдо бўлди. Энди ғафлатга қолмаслик даркор. Зеро, бугун энг қиммат капитал – инсон капитали эканини ҳамма тушуниб етган чамаси, жўр бўлиб таъкидлашяпти ва мақсадга эришишда вақтни бой бермаслик ҳам ақлли одамларнинг иши.

\*\*\*

Албатта, гений Толстойни болаликда ўйинлар билан машғул бўлмаган, дейиш инсофдан эмас. Аниқ мақсадга йўналтирилган тарбиянинг изчиллиги, оиласдаги тартиб ва талабчанлик, шунингдек, жозибали эртакларнинг сехри ўйинларга ҳам кўчарди; уларнинг болалик машғулотларида ҳам жиддийлик, теранлик, борлиқ сирларини англашга интилиш мужасам бўлган. Бир характерли мисолни адиб таржимаи ҳолига доир деярли барча китобларда учратиш мумкин. Акалари Николай қайсиdir китобдан ўқиганми ёки кимданdir эшитганми, «Чумолилар дўстлиги» (муравейные братства) ҳақида гап топиб келади. Улар далада чумолиларнинг арқондек тизилиб юришини кўрган, ҳашаротларнинг бир маромдаги осойишта ҳаракатини кузатган эдилар. Ҳатто «Чумолилар дўстлиги» ўйнардилар (бунда стуллар тагига кириб, атрофини яшиклар билан ўраб, чилвирлар билан чирмаб олинар, қоронғиликда бир-бирининг пинжига кириб жим ўтириларди, кимдир гапириб кўйса, ютқазарди). Ўша пайтларда масонлар ҳақида энди гап тарқалаётган, шафқатсиз қийноқлардан сўнг сафига қабул қиувчи бу ҳаракатни император тақиқлаган эди. Табиийки, бунга болаларга хос қизиқиш пайдо бўлгандир. Коля худди шундай тарзда – қийноқлар орқали чумолилар дўстлигига кириш мумкинлигини айтди. Бунинг учун биринчи шарт – бурчакда тик туриш ва оқ айиқ ҳақида ўйламаслик, иккинчи – тирқишлардан тап тортмай, пол тахтасидан нари томонга юриб ўтиш ва (учинчи) йил давомида ҳар қандай ҳолдаги (ўлик, тирик, қовурилган) қуённи кўрмаслик. Шунингдек, ўртада бўладиган гап-сўзларни қаттиқ сир сақлаш, бировга айтмаслик ҳам талаб қилинарди...

Болалар ўзларининг жонли тасаввурларида одамларни севиш, ҳаммага яхшилик қилиш ҳақида ўйлашар, мунофиқликлардан, ёмонликлардан холи ўзга

бир дунёда яшардилар. Ҳали кун кўрмаган, заҳа етмаган болалик орзуларининг амалга ошишига ишонардилар. Чумоли дўстлари йиғилгач, «Яшил таёқча»га жами орзулар изҳор қилинар ва уни Николай қўлида тутиб, яловнинг четидаги Эски қўрғонга элтиб кўмардилар. Шундан кейин тарқалиб, орзулари амалга ошишини тилаб, албатта, хурсанд юрадилар. Бу ўйиннинг пайдо бўлишига сабаб – XV асрда Чехияда ер юзидаadolатли жамиятни барпо этишга жаҳд қилган «Моравия дўстлари» («муравей» эмас) жамияти пайдо бўлганди. Шу ҳақида хабар топган Николай қурдошлирига ажойиб ўйинни таклиф қилгандики, унинг замирида болалик дунёсига хос софлик, беғуборлик, шу билан бирга эзгулик мужассам эди.

Кейинчалик Лев Толстой гўдакликнинг бу кашфиётини эсдан чиқармай, тез-тез эслаб туради, мусаффо орзулар тимсоли – яшил таёқча бир неча марта кўмилган Эски қўрғон ёнидан ўтганида ўша беғубор дамлари, маънавий камолотга етишиш пиллапояла-ри билан юзма-юз келарди. Бу жой унга азиз туюлар, болалигини кўргандек, у билан учрашгандек бўларди. Эски қўрғон тилсимоти унинг борлиғини эгаллаб олди, вужудини тарқ этмади. Ўз кундаликларида ўша кунлар эсадаликларини ёзар экан, акаси Николайнинг хотираси хурмати, беғубор дамларнинг қанчалаб тотли орзуларини ўзида мужассам этган яшил таёқчаларни бағрида сақлаб турган шу жойда мангу қўним то-пиш истаги пайдо бўлганини баён қилди. 1908 йилда котиби Н. Гусевга ўзининг бу хоҳишини – вафот этганда шу жойда дағн этишларини айтиб туриб ёздириди. Икки йил олдин эса инсон бахти юзасидан мулоҳаза юритувчи «Яшил таёқча» мақоласини битган эди.

Ўйинлардан чарчаган кун ўтади, шом чўқади. Кечки овқатдан кейин болалар ётишга чоғланадилар. Кичкина Лев ўйинчоқни қўлтиғига босиб олган, унга қараб-қараб қўяди, у қандай ёқимтой, юмшоқ ва бе-

зор. Бола айиқчани қучоқлаб, шу ҳолда уйқуга кетади. Хизматкорлар – собиқ мусиқачи Николай ва немис Федор Рессель паст овозда қўрганларини гаплашиб ётадилар. Қўшни помешчикнинг иши чатоқ, қиморда ютқазиб қўйибди; наригисининг эса хотини талоқ сўраётган эмиш. Николайга Левнинг она томондан бобоси Николай Сергеевич Волконскийнида ўтказган дамларини эслаш ёқимли. Истеъфодаги генерал-аншеф қўрғонининг четида, қўриқхонадан ортиб қолган майдонда катта боғ барпо қилганди. Атрофи уч қатор қайрағоч билан ўралган, ўтиргичлар қўйилган. Эрталаб соқоли обдон қиртишланган, ёқаси баланд оппоқ батист қўйлакда, қўзлари қоп-қора, мўйлови қалин, жиддий қиёфада Николай Сергеевич қизи кузатувида чиқиб келади. Саккиз кишидан иборат оркестр саф тортган, созандаларнинг ҳар бири узун камзул, оқ пайпоқ ва парикда. Атрофда дараҳтлар шивирлаб турибди, гўё ҳаммаси ҳисоб-китоблидек. Йўлакларга қум сепилган, унга ҳали ҳеч ким қадам босмаган. Пюпитрлар шиқирлайди, нота варақлари очилади, аста йуталиб олишади-да, князнинг қораси қўриниши билан биринчи ҳаракат бошланади. Гайдндан жўшқин тарона ижро этилади. «Мен флейта чалардим», эслайди Николай. Мусиқа тугагач, ҳамма ўз юмушига отланади...

Толстойларнинг иши маромида, бой келиннинг сармояси билан жами юмушлар юришиб кетди. Тонг отади. Ҳаммаси кўнгилдагидек. Отанинг қарамоғидан яхши жой борми? Ёзувчи асарларида отаси Николай Ильични меҳр билан эслайди (барибир, онасини, гарчи эсини таниб, ёрқин тимсолини қалбида муҳрлашга улгурмаган бўлса-да, ундан юқори қўяди), Николай Ростов қиёфасида унинг баъзи характерларини мужассамлаштиради.

«Уруш ва тинчлик» эпопеясидан парчалар: «Николай Ростов юнкер бўлиб хизмат қилаётган эскадрон

Зальценек деган немис қишлоғига жойлашган эди. Ростов ем-хашак тайёрлаш ишидан эрталаб отлиқ қайтиб келганды, кечаси билан карта ўйнаган Денисов ҳали уйига қайтиб келмаган эди. Юнкерча мундир кийган Ростов эшик олдига келди, абжирлик билан эгардан ўзини олди-ю, худди отдан тушишга қўнгли бўлмагандай, узангида бироз турди ва ниҳоят ерга тушив чопарини чақирди.

– Қани, азиз дўстим Бондаренко, – деди отини ушлагани югуриб келаётган гусарга қараб. – Отни совит, – вақти жуда чоғ бўлган яхши йигитларга хос ширинсўзлик билан»...

«Полк командири Карл Богданич... Ростовдан бир қадам олдинда борар ва Телянин туфайли бўлган мояродан кейин уни биринчи марта кўриши бўлса ҳам унга ҳеч эътибор қилмас эди. Фронт шароитида ўзини унинг ихтиёрида ҳис қилиб, энди унинг олдида ўзини гуноҳкор ҳисоблаган Ростов полк командирининг кенг елкасидан, малла сочидан ва қизил бўйнидан кўзини олмас эди. Ростов гоҳ Богданич ўзини жўрттага мени қўрмаётганга соляпти, ҳақиқатда эса унинг бирдан-бир мақсади: менинг жасурлигимни синааб кўриш, деб қоматини тиклар ва атрофга қувноқ назар ташларди, гоҳ Богданич ўзининг жасурлигини менга кўрсатмоқчи бўлиб жўрттага менга яқин юряпти, деб кўнглидан ўтказарди, гоҳ душманим Богданич менга жазо бериш учун қасдан эскадронни қаттиқ атакага юборади деган ўйга бораради, гоҳ атакадан кейин ярадор бўлиб ётганимда келиб «кел, ярашдик» деб қўл узатар, деган хаёлларга борар эди»...

«Гусар ўртоқларидан ҳужумнинг таърифини кўп эшиятган Ростов унинг гаштини суриш пайти келганини сезиб, «тезроқ бўла қолса-чи», деб ошиқар эди... Ростов ўнг томонда ўз гусарларининг олдинги сафларини кўрди. Ростов улардан анча олдинда қорайиб турган нарсани кўриб, нима эканини ажратса олмаса

ҳам душман деб тахмин қилди. Узоқлардан милтиқ овозлари эшитилар эди...

У Грачикнинг чопқир чиқишига кўзи етган эди: ҳозир эса борган сайин вақти чоғ бўлиб борар эди. У узоқдаги якка бир дарахтни кўзлаб қўйди. Бу дарахт аввал узоқда, ўша даҳшатли кўринган чизиқнинг ўртасида эди, мана энди бу чизиқдан ўтишди ҳам, лекин ҳеч қандай даҳшат йўқ, аксинча, борган сайин ҳамманинг юраги дадилроқ бўлиб, руҳи кўтарилмоқда эди. Ростов қиличининг дастасини сиқиб ушлар экан, бир уриб, икки бўлиб ташлайман деб ўйлар эди...

Ростов Грачикнинг биқинига шпорини ниқтар экан, «Қани, юрагинг бўлса, менга бир рўпара келиб кўр-чи», деди-да, отини бошқалардан ўздириб, бошини қўйиб берди. Олдинда душман кўриниб қолди. Бирдан эскадронга каттакон супурги теккандай бўлди. Ростов урмоқчи бўлиб қиличини кўтарди-ю, шу чоғ олдинда от чопиб бораётган солдат Никитенко ажраби кетди. Ростов ўзи худди тушдагидай, ғайритабиий бир сурат билан олға бораётган бўлса ҳам жойидан қимирламаётгандай ҳис қилди. Орқасидан келаётган таниш гусар Бондарчук унга ўзини уриб олди-ю, ҳўмрайиб қаради. Бондарчукнинг оти ҳуркиб, унинг ёнидан ўтиб кетди...«Нима бўлди? Нега ўрнимдан қимирламайман? – Мен йиқилдим, ўлдим...» деб Ростов бир онда ўзига ҳам савол берди, ҳам жавоб. У майдонда ўзи якка қолган эди. Ҳалигина кўз олдида ҳаракат қилаётган отлар билан гусарлар ўрнида у фақат қора еру яйдоқ сахрони кўрар эди. У иссиқ қон устида ётар эди. «Йўқ, мен ярадор бўлибман-у от ўлипти».

Грачик олдинги оёғи билан туришга интилган эди-ю, йиқилиб Ростовнинг оёғини босиб қолди. Отнинг бошидан қон оқмоқда, от ҳарчанд уринса ҳам ўрнидан туролмас эди. Ростов ҳам ўрнидан турмоқчи бўлган эди, қиличи эгарга илиниб қолган экан, у ҳам йиқилди. Бизнинг қўшинлар қаёқда-ю французлар

қаёқда – сира билиб бўлмас эди. Теварак-атрофда ҳеч ким йўқ»... – устоз Абдулла Қахҳор таржимасидан им-лоси-ю, услуби сақланган ҳолда келтирилган ушбу кўчирмалар образнинг қиёфаси, ёзувчининг маҳорати ва бошқа қирраларни тасаввур қилишда асқатади, деган умиддаман.

Худди шунингдек, онасининг прототипи бўлган Мария Николаевна юзасидан қайдлар ушбудир: «Ёш княгиня Болконская зарҳалли барқут ишпечини олиб келган эди. Унинг чиройли, хиёл қора тук босган ихчам устки лаби тишларини ёпмас, шундоқ бўлса ҳам жуда нафис кўтаришлар ва чўзишилб пастки лабига текканда яна ҳам чиройлироқ кўринар эди. Ҳамма жозибали аёллардек, унинг нуқсони – устки лабининг ихчамлиги ва оғзининг очилиброқ туриши ўзига ярашар, хуснига хусн қўшгандай кўринар эди. Соғлом ва тетик, ҳомилани бу қадар енгил кўтариб юрган бу бўлажак онага қараганда ҳамманинг завқи келар эди. Чоллар ва зерикиб диққат бўлиб ўтирган ёшлар у билан бир-пасгина ўтириб суҳбат қилишса, ўзлари ҳам ўшанга ўхшаб қолгандай бўлишар эди. У билан гаплашган, унинг мулоийим кулишини, дам-бадам ярқираб турган оппоқ тишларини кўрган ҳар бир киши албатта «ҳозир ёмон шириңсўз бўлдим-да» деб ўйлар эди. Бу ерда ўтирганларнинг ҳар бири ўнуни кўнглидан ўтказар эди»...

Албатта, бадиий образ ҳаётий шахснинг айнан сурати эмас, балки ёзувчининг қаламида чархланган китобий нусха. Шу маънода Ростов ёки Болконскаянинг яратилишида ота-онасининг хотираси улги бўлган-дир, лекин ҳаётда улар бутунлай бошқа шахслар эди. Николай Ильич она томондан қариндоши Николай Иванович Горчаков ҳарбий вазир бўлганида унинг адъютанти эди, 1813–1814 йиллардаги чет эл юришларида қатнашган, французларга асир тушган, рус армияси томонидан озод қилинганди. У декабристларга яқин, улар билан ҳамфир бўлса ҳам адабиётдан йи-

роқроқ киши эди. «У лоқайдликни ёқтиар, шу билан үз мустақиллигини таъминларди» (В. Шкловский). Истеъфодаги полковникнинг энг ёрқин фазилати – хўжалик ишларида моҳир эди. Кўнгилчан, раҳмдил, болаларга меҳрибон отанинг атрофида гўдаклар парвона бўлишар, уларни эркалатар, қулида трубкаси билан Лев дунёга келган дивандада ўтириб, жужуқларни баъзан елкасига чиқишлирага ҳам қўйиб берарди. Уйга шоир Иван Язиков ташриф буюrsa, отаси ёш Левочкага ёд олган шеърлари – Пушкиннинг Байронга бағишланган «Денгизга», ундан кейин «Наполеон»инини қайта-қайта ўқитарди. Гўдакнинг бири бир юз йигирма, иккинчиси олтмиш қатор шеърни энтикиб, адашмай, мурғак қалбидан чиқариб ўқиши катталарни мутаассир этар, боланинг бу саъй-ҳаракатида ўзгacha бир ҳикмат туярдилар.

Қишлоқдаги ҳаёт гаштли ва мароқли эди. Осмон шишадек тиник, дараҳтларда қушлар чуғури тинмайди. Ҳавода кўнгилга завқ берадиган мусаффолик кезиб юрибди. Шундай паллада яқинлар билан табиат қўйнига чиқиш, ов уюштириш нақадар гаштли. Ота уйларига тез-тез ташриф буюриб турадиган меҳмонлар билан шундай қиласр эди. Меҳмонлар сафида уни жонидан яхши кўрадиган сўққабош бойвачча Темяшев (кейинроқ у Пироговдаги мулкини Толстойларга сотган эди), шоир Огарёв (унинг хотинини Николай Ильич ёқтиар эди) бўларди. Бу одат ўғилга ҳам ўтди. Лев Толстой болалик чоғларидан умрининг охиригача (Иван Тургенев каби) ов ишқибози бўлиб қолди. Сахий табиат қўйнида кезишлар унга кўп нарсалардан сабоқ берди. Бундай одат ватанини севган, унинг гўзаллиги учун қайғурган кўплаб ижодкорларнинг қисматига айланди. Ясная Полянадаги ҳаёт – болалик палласи ана шундай ўтди.

Катта ўғил Николенкани университетга тайёрлаш фурсати етишган эди. Улар 1837 йилнинг боши-

да Москвага келдилар. Отаси Левга шаҳар манзараларини кўрсатди. Черковлар, ўзига хос қурилган уйлар – уларнинг баъзилари тошдан, кўплари ёғочдан, дворянларнинг боғлар қуршовидаги ҳашаматли ҳовлилари болада ўзгача таассурот қолдирди. Биринчи марта отасини ва ўзларини танимайдиган одамларга дуч келди – ҳеч ким уларга букилиб таъзим қилмасди. Қишлоқда эса бошқача эди. У ерда ҳамма нарса, ҳатто мўридан чиқаётган тутун ҳам таниш эди.

Ижарада бир ярим йил яшадилар. Турмуш тарзини графларга хос ташкил қилишди, немис хизматкорни бўшатиб, ўрнига француз малай ёллашди. Шаҳарда ҳаёт қийин ва қўрқинчли эди. Москвага янги тартиблар кириб кела бошлиганди. Унда тантиқ Европага тақлид кучли эди. Болаларни ҳам янги шароитларга мослашишга мажбур қилишди. Бундай ёндашув тўғри бўлганини Лев Толстой кейинчалик «Болалик» қиссида мамнуният билан қайд этганди. Шунингдек, отасининг сирли кечган сўнгги кунлари ҳақидаги изтиробли хотиралари ҳам акс этган.

Гап, аслида, бундай бўлганди. Москвада Николай Ильичнинг соғлиғи бирдан ёмёнлашди. Шу кунларда оиласи дўстлари Темяшев билан мулк олди-сотдиси юзасидан жанжал чиқади. Унинг сингиллари Толстойларни сотиб олинган ҳовлини тўламаганликда айблаб, судга мурожаат этишади. Бу иззат-нафсини баланд тутган граф учун ёқимсиз эди. Гапнинг исини чиқармай, тезда тинчитиш учун бор пулларини халтага жойлаб, икки хизматкори билан Тула губернясига жўнайди. Йўлда тўхтамай, бир юз олтмиш верстни босиб ўтишади. Эрталаб шаҳар маҳкамаларига учрашади. Энди тилдан қолиб ётган Темяшев билан врачлар кўмагида гаплашиш лозим эди.

Маҳкама ходимлари, хизматкорлар эски қадрдинининг хонадонига шахдам қадамлар билан яқинлашаётган графга кўзлари тушди. Остонага бир неча

қадам қолганда Николай Ильич түсатдан ийқилиб тушди. Касаллик ва толиқиши үз ишини қилганди. У хушини йўқотди ва ўзига келмай, шу куни вафот этди. Бўлари-бўлди, аммо афсусланадиган жойи – катта миқдордаги пуллар изсиз йўқолди. Топишга бўлган ҳаракатлар наф бермади. Бу воқеа энди ўн ёшни қора-лаётган Левга қаттиқ таъсир қилди, айтиш мумкин-ки, уни бир неча йилга улғайтирди. Энди турмушда хоҳиш эмас, зарурат ҳукмронлиги бошланди гўё.

\* \* \*

Заруратдан пилта чироқقا қуйилган ёғни шўрвага ишлатиб юборса, нима бўлади? Ҳозирги маърифатли китобхон учун баъзи ўринларга изоҳ беришга тўғри келади. Ота-боболар китоб ўқиши, ёзув-чизув қилишда пилта чироқдан фойдаланган: сархонасидаги пахта момифи пилтасини ёкиб, шунинг шуъласида ёзган, ўқиган. Ҳа, «Саҳиҳи Бухорий» сингари буюк асарлар ана шундай шароитда яратилган. «Пилта чироқ» деганлари (уни биз томонларда, «қора чироқ» ҳам дейишарди) қўлнинг бир кафтини очиб турган мисол шаклга эга, эни икки бармоқ кенглигида, узунлиги бармоқдан чўзинчоқроқ, чўяндан қуйилган бўларди. Унинг билак томонида доира шаклидаги ҳовузча (сархона)си бўлиб, унга ёғ, аксарият, маҳаллий маҳсулот – зигир ёғи тўлдирилган, бармоқ йўғонлигидаги пилта унга ботирилиб, бурун томонига чиқариб қўйиладиган буюм эди. Пилта ёқилиб, ундан қоронғида ёруғлик ҳосил қилинган. Ана шундай содда ва моҳијатан бетимсол эди пилта чироқ. Ёруғлик манбаи – ёғ, воситаси эса пахта пилтаси, ёғни ўзига симдириб олган пилта ёниб, чўғланади ва ундан зулматни парчаловчи буюк қудрат ҳосил бўлади. («Федор Иванович чақмоқтошдан угадага учқун туширди, угадада ожиз алана пайдо бўлди, ундан шам туташтирилди» – В. Шкловский Ясная Поляна даги болалар ётоқхонаси-ни шундай тасвирлайди).

У (ёруғлик) маърифатга интилган дилларни му-  
наввар қиласи, инсон тұплаган тажрибаларни қалам  
воситасида қоғозга мұхрлаб, авлодларга мерос қилиб  
қолдиришда күмакдош бұлади. Мабодо ана шу пил-  
та чироқдаги ёғ очлик тазиқида ёки иложсизлик-  
дан овқатга ишлатилса, нима бұлади? Нима бұларди  
– ҳеч нарса бўлмайди: дунёда бўхрон қўпмайди, қўёш  
чиқмай қолмайди, ҳаёт измида давом этаверади. Ам-  
мо-лекин... жуда ёқимсиз бўлади. Хоссатан, шу ёғда  
пишган овқатни тановул қилиб, яшаб кетаман, деган-  
лар хато қиласи. Чироқ ёнмай қолиб, дилларни зулмат  
қопласа, хўранда бир киши бўлса, йўлдан озиши; кўп-  
чилик бўлса, бир-бирини маҳв қилиши бор гап. Шун-  
дай бўлиб келган – мазкур ҳолатни инсоният тарихи  
тасдиқлайди, минглаб-миллионлаб мисоллар билан.  
Шу туфайли одамзот доим нурга интилади, кулбаси-  
да чироқ ёниб туришини хоҳлайди, борини сарфлаб,  
тишининг кирини сўриб кун кўрса ҳам пилта чироқ  
хумчасидаги ёкқа тегмайди!

Ёруғликтан ёруғлик олиб, йўлимизни, толеимиз-  
ни ёритамиз, бутун умр ёруғлик истаб, излаб яшай-  
миз. Эсимда, отам ўша тунда онамдан ўтиниб сўраган  
эди: «Чироқни пешонамнинг тўғрисига қўй, ёруғлик  
егишмаяпти, ёруғликка тўймаяпман». Эҳтимол, ўша  
лаҳзада борликда омонат турган жон тубсиз зулмат-  
га ғарқ бўлиб кетаётган бўлгандир, ҳар ҳолда шу кеча  
отамнинг ёргу оламдаги охирги туни экан. Отам қайт-  
мас бўлиб кетди, бовужуд ўша зулмат салтанатига-  
дир... Ёруғлик ўлим ва ҳаёт чегараси экан. Ёруғликка  
сажда қилиш балки шундандир. Ҳаётсеварликнинг  
моҳияти шундадир.

«Ёзувчининг етим бўлгани ҳам яхши экан», дей-  
ди кекса адид (ЎзТВ, «Мен» кўрсатуви, 2017 йил 28 ян-  
варь.) (Ифодани таққослаш учун мисол: «Буюк ёзувчи  
бўлиш қийин эмас. Бунинг учун баҳтсиз болалик ва

табиий иқтидор бўлса, кифоя. Э.Хемингуэй). Болалар ёзувчисининг болаларга хос мурғак донишмандлиги, бу эътирофи қарама-қарши иштибоҳлар уйғотади. Гүё тунни яхши тасвирлаш учун кўр бўлиш ёки ҳеч курса, кўзни бекитиб олиш шартдек. Тўғри, ижодкор таржи-маи ҳолида ҳар бир унсур катта акс-садо бериши мумкин. Максим Горькийга китоб ўқишини тақиқлаганларидан кейин китоб ўқишига рағбати кучайиб кетади. Пушкин бувиси Арина Родионовнанинг эртаклари мурғак тасаввурида чинакам поэзия бўлиб сингиганини кўп эътироф этган. Бирор мамлакатда йигирма йил китоб ўқишини тақиқланishi мумкин, шунда неча ўн миллион нуфусли ҳалқдан юз, ўн, ҳатто бир нафар Максим Горькийлар чиқмас, аксинча, умуман, бошқариб бўлмайдиган оломон юзага келиб қолар. Момикдай бувилар эмас, давлат радиоси ҳар оқшом мамлакат гўдакларини эртак айтиб ухлатиб, қуёш чиқмасдан мультфильм билан уйғотишини йўлга қўйган юртлар бўлгандир, бироқ кейинги юз йилликлар дунё аҳди янги Пушкинга гувоҳ бўлмади. Худди ёзувчи бўлиш учун отани ўлдириб олиш шарт бўлмаганидек, даҳоларнинг юзага келишида аниқ қонуният амал қилишини бирор ҳаётий тажриба исботламаган. Гүё кўринмас куч ҳаммасини ҳал қиласди, ҳаммаси Яратганинг иродасига бўйсунади. Тафаккур қамраб ололмайдиган синоат шундаки, ер ҳаётида ҳаммаси жуда жўн кечади.

У пайтда ўн ёшли гўдакнинг толеига буюклик муҳри ўйилган эдими-йўқми, билмадик, бироқ инсоний фожиа сифатида ўғлининг бевақт вафотини она Пелагия Николаевна Горчакова қаттиқ изтироб билан қабул қилди. Фарзанди онасининг юксак аристократлик мақомини чуқур ҳурмат қиласди, унга олий шаън давраларда қарор топган жами оҳанжамаларни муҳайё этарди. Генерал-губернаторлар, олиймақом дворянлар кампирнинг зиёратига келарди, у оилада

фариштадек эъзозланар, ҳамма унга маслаҳат солар, гапига қулоқ тутар, унинг айтгани-айтган эди. Йўқотишга кўника олмаган она хилватхонага кириб олиб, ҳамма масалада марҳум ўғли билан хаёлан гаплашар, уни тирик ҳис қиласарди чамаси. Ана шундай оғир руҳий тазиик остида бир йил ҳам ўтмади, Пелагия Николаевна ғойибона гаплаша-гаплаша ўғлининг ҳузурига кетди – вафот этди. Болакайлар ҳукмфармо бувилари ни абадий яшайди, деб ўйлашарди, аниғи, ўзларини усиз тасаввур эта олмасдилар. Бу сафар кутилмаган воқеа содир бўлди. Жиккак, малласоч француз гувернер Сен-Том болалар нима билан машғуллигига сира ҳам эътибор бермай, бирданига:

– Бувиларингиз вафот этди, – деди. Хонада сукунат чўкди. Орадан фурсатлар ўтиб, ташвишли қадам товушлари эшитилди, таъзия маросими бошланди. Одамлар бир-бирларига ёш графларни кўрсатиб шивирлашарди: «Гирт етим бўлиб қолиши. Яқинда оталари бўлмаган эди».

Уй муаллими Сен-Том шусиз ҳам Левочкига ёқмас эди, энди у яна ҳам совуқ кўриниб қолди. Гувернер қаттиққўл, талабчан, ҳатто шафқатсиз одам бўлиб, гўё ўзининг кимлигини кўрсатиб кўйиш учун болаларни маҳкам ушлар эди. У ўзини французлардан таъзирини олган, ўз пёдшоларига қарши исён қилган русларнинг ёш авлодини одамсифат қилиб тарбиялашни зиммасига олган кишидек тутар эди. Ёзувчи кейинчалик қайд этадики, бу нодон одамнинг асло маъқул келмайдиган тарбия усули ўзида зўравонликка қарши дастлабки муносабатни тарбиялаган. Ўсмирнинг тасаввурicha, Сен-Томга чидаш мумкин бўлмаганидек, ҳақсизлик, зулм ва зўравонликка ҳам чираб бўлмасди. «Эҳтимол, бутун умрим бўйи ҳис этган ҳар қандай зўравонликка қарши нафрат ва қўрқув менда айнан ўша дамларда туғилгандир», – деб ёзади кейинчалик «Ўсмирлик» қиссасида ёзувчи.

Бундай йўқотишлиар турмуш тарзида чукур акс этди. Арzonроқ уйга кўчиб ўтишди, рўзғор харажатлари ҳам қисқарди. Қариндошларининг кўмаги билан Москвада жон сақлаб туришди. Бу ерда яшаш эса осон эмасди. 1841 йил бошида Дмитрий, Лев ва Мария қишлоққа кетишли, Николай ва Сергей Москвада қолишиди. Шунинг билан узоқ давом этган, турли қирғоқлардан ўтган ҳаёт оқими бошланди.

Етимларга қариндошлари раҳнамолик қилиб туришли. Эсда қоладиган ҳолат – шу йилларда уларнинг иссиқ-совуғига қарашиб турган Александра Ильинишна Остен-Сакен монастирда вафот этди. Лев бу аёлга айрича меҳр қўйганди, унинг вафотидан таъсирланиб, марсия ёзди. Бу саккиз қатор шеър ҳаммага маъқул келиб, уни марҳуманинг қабр тошига битиб қўйишни лозим кўришиди. Кампир ҳаётда нимага эришган бўлса, ҳаммаси унутилди-ю, тақдир иноятини қарангки, бошловчи шоирнинг илк шеъри унга абадий эсадалик бўлиб қолди. Сўзи абадийлик муҳри мақомини олган шоирга ҳам абадий шон-шуҳрат хабари камсуқум кампир руҳига ҳурмати ажри сифатида ёзилдимикан!? Ҳаётда нималар бўлмайди? Тириклик моҳиятини англашда мантиқ қоидалари ҳам заифлик қилиб қолади. Жумладан, зарбалар баъзан кишидаги ҳаётсеварлик туйғуларини жўштириб юборади. Ўзи, инсон тийнатида ташқи таъсирларга қарши таъсир ҳолати мавжуд. Тўқлика шўхлик қилинади, эркалатсанг, талтаяди. Худди шунингдек, азоблар роҳатни чақиради гўё. Ботиндаги қувват совуққа қарши иссиқни кўзғатгандек бўлади, тун зулматини чекинтириб, нурга йўл очади. Худди шунингдек, шу йилларда зарбалардан эти қотган қайсар болакай севишга, севги изтиробларини бошидан кечиришга ҳам улгурган экан. 1903 йилда ўз дўсти ва биринчи биографи Павел Бирюковга ёзган бир хатида «Болаларча (севгининг) биринчиси ва энг кучлиси Соняхон Калошинага бўлганди» деб қайд эт-

ган экан. Ҳатто бу ҳақда бутун бошли роман ёзмоқчи ҳам бўлган эмиш. Ҳа, бола улғаяётганди.

\* \* \*

Тирикчилик эса яшаб қолишни тақазо этарди. Акаси бу пайтда Москва давлат университетининг иккинчи босқич талабаси, Николай тирик бўлган ягона аммалари Пелагия Ильиничнанинг эри Владимир Иванович Юшковга хат ёзиб, укалари ва синглисини ҳимоясига олишни сўрайди. Юшковлар Қозонда яашарди ва хатда изҳор қилинган таклиф қабул қилинади. Шундай қилиб, тақдир Лев Толстойни Қозонга бошлаб келади ва бу шаҳарда у беш ярим йил қолиб кетади.

Фондаги воқеалар ўша давр ижтимоий муҳитини, одамларнинг ўзаро муносабатини тасаввур қилишга имкон беради. Фарзандининг катта шаҳарда ўқишини, замонавий маърифат эгаллашини истаб, ота раҳнамолигида оила иссиқ жойини ташлаб, шаҳарга кўчиб келишади; яқин ўртоғи билан олди-сотди ишларини унинг сингиллари чалкаштириб, тўланган пулни тан олмай, тухмат қилишади (бу иш ота вафтидан қейин ҳам уч йил чўзилган экан, даъвогарлар фикридан қайтмай, суд маҳкамаларига мурожаат қилаверишган, ниҳоят, уезд суди архивлардан тўланганик ҳақидаги ҳужжатларни топиб, марҳум Николай Ильични айбсиз, деб топган ва даъвони рад этган экан); катта миқдордаги маблағ изсиз йўқолади; қариндошларнинг меҳр-оқибати туфайли дворянларга хос оила ҳаёти давом этган, уй муаллимлари ва хизматкорлари билан боғлиқ муаммолар юзага келмаган – оқибати, Николай университетга муваффақиятли имтиҳон төпширган. Албатта, бу сатрларни мутолаа қилган кишида ўша даврда юзага келган оиласи шароит билан бизнинг турмуш тарзимизни таққослаш имкони бор.

Нима бўлганда ҳам, бола Лев Толстойнинг атрофидаги муҳит барқарор қолгани, мурғак жон бирор зарбага дуч келмагани муҳим. Ҳар ҳолда, тақдир ёзуғи шундай битилдики, қора чироқ сарҳонасидаги зиғир ёғ заруратдан овқатга ишлатиб юборилмади, ҳаёт шаъми ёруғ порлаб, тириклик кулбаси зиёдан мунаvvар бўлди. Албатта, унинг камолотида оиласий фожия (она, ота, бувидан ажралиб, «очиқ осмон» остида қолиши) тақдирини қуи томонга буриб юбориши мумкин эди. Омади гап эса буюк ёзувчи кейинчалик у дамларини эслаганда, бирор ўқинч ёки норозилик изҳор қилмаган. Балки акаси Николайнинг «топқирилиги» – поччаларига дард билан хат орқали мурожаат қилганлиги асқатиб қолгандир. «Амаки, сиз бошимизга тушган даҳшатнинг бутун кўламини тасаввур қилиб кўринг. Худо ҳаққи, амаки, бизни елкамиздан иттарманг, Яратган ва марҳум отамиз ҳурмати, Сиздан шуни сўраймиз» қабилидаги мунгли ҳасрат акс этган эди хатда. Бундай ҳаяжон таъсирида амманинг қўл қовуштириб ўтириши мумкин эмасди, унинг ўзи жабрдийда жиянларининг ҳузурига йўл олади. Манзил темирийўл вокзаллари, дарё портлари, кемаларда сузиш орқали ўтар эди. Кўч-кўрон билан қайтиб, Уп, Ока, кейин Волга орқали Нижний Новгород, сўнгра Қозонга етиб келишди. Энди Левнинг поччаси, истеъфога чиққан полковник, мўйловдор, кенг бакенбардли, ўзига бино қўйган собиқ ҳарбий Владимир Иванович Юшковнинг инжиқликларига чидашига тўғри келарди. Шунингдек, унда Қозон университетига кириб ўқиш имконияти мавжуд эди.

Қозон университети Россия ички-ташқи сиёсатида узоққа мўлжалланган стратегик мақсадларни кўзлаб, Пётр I томонидан таъсис этилган эди. Александр Герцен таърифи билан айтганда, «Буюк Пётр олдиндан кўра билганидек, Ғарбнинг Осиёга кириб боришида, унинг ғояларининг тарқалишида, шунинг-

дек, Европани Шарқ билан таништиришда, осиёча феъл-атворни ўрганишда, ҳеч шак-шубҳа йўқки, Қозон шаҳри бош карvonсарой вазифасини бажаради. Бу миссияларнинг ҳаммаси Қозон университетидаги мужассамлашган. Унинг кафедраларида кенг миқёсда Шарқ адабиёти ўқитилади ва бу курсларни аксарият осиёликларнинг ўзлари ўқитади. Унинг музейларида хитой, манъҷур, тибет лиbosлари, қўллётмалари, қадимги ашёлар, тангалар европача экспонатлардан кўп». Қозон Россия эгаллаб олган муҳим маскан эканлигини, шу жойдан олдинга сирли манзиллар (кўпроқ Марказий Осиё назарда тутилган) сари «саёҳат»лар бошланганини ўша давр рус ва Европа зиёлилари фахр билан қайд этганлар. Унинг университетидаги маҳаллий аҳоли вакилларидан шундай юришларда асқатадиган дипломат-таржимонлар (аслида айғоқчилар) тайёрланган. Нижний Новгород ва Қозон Россиянинг Шарқ билан алоқаларида икки муҳим жанубий нуқта эди. Ока, Кама, Волга дарёларида сузиб, Каспий денгизига ва Дон қирлари орқали Қора денгизга томон чўзилган йўллар шарққа олиб кетган. Айни дамларда халқаро даражада «Шарқ масаласи» яна ўткирлашган, Туркия янги ҳаракатларини бошлаб юборганди. Орадан кўп ўтмай, бу зиддият юзага чиқди ва оқибатда Толстой можаролар келтириб чиқарган урушни ўз кўзи билан кўрди, шунчаки кўриб қолмади, балки унинг бастионларида порох ҳидига тўйди – иштирок этди, қолаверса, жамоатчиликни ларзага солган биринчи асарларини шу уруш тафсилотларига бағишилаб, ҳамманинг назарига тушди. Унгача эса университет аудиторияларида маърузалар тинглаш, ўз йўлини излаш даври бор эди.

Уни бирданига университетга қабул қилишмайди, синов курсларини ўташига тўғри келади. Кейин оиласи мавқеи ўртага тушадими ёки бошга тушган ташвишлар ҳисобга олинадими (ёзувчининг таржи-

маи ҳолига доир асарларда шу нүктага – қабул қилиниш сабаблари – таниш-билишчиликка ҳам урғу берилган, демак, үша пайтда рус жамиятида инсоний ҳолатлар ҳам роль үйнар экан-да), уни шарқ факультетига қабул қилишади. Толстойлардан бири – Юшковнинг қайнотаси бир пайтлар Қозонда губернатор бўлган. Таниш давралар уни ҳали унтишмаган эди. Бу пайтда эса набираларда олдинги бойлик йўқ, отанинг бевақт вафоти эса ҳеч кимнинг эътиборини тортмади. Лев Николаевичнинг ўзи ҳам тундроқ, бўш-баёв, бунинг устига одамовироқ эди. У шарқ факультетида ёмон ўқиди. Гарчи тил ўрганишга алоҳида қобилияти бўлса-да, араб, турк тиллари уни ўзига жалб қила олмади. Шарқ тилларини бу ерда синдириб (пачоқ қилиб), тилнинг руҳини ҳис қилмасдан, худди ўрмонда қочиб юриб, шох-шаббага тилингандек ёки, аниқроғи, ботқоқдан оёғини тортиб олаётган одам ҳолига тушириб ўргатишарди. Қўшни хонада эса навқирон профессор ҳуқуқшуносликдан маъруза ўқир, унинг овози ёш талабанинг қулоқларидан кетмасди.

У атрофидагиларга ўхшамаган эркин дунёқараши борлигини ҳис қилиб, бу ҳолда дипломатия билан шуғуллана олмаслигини сезиб қолди. Биринчи курсни нари-бери тугаллаб, ёзда қишлоғига кетди. Ясная Полянага йўл ўнқир-чўнқирлардан ўтар, бундай сафарни ҳеч ким орзу қилмасди. Шуниси аҳамиятлики, аравада қанақа ҳолда кетган, саломатлиги қандай бўлган – буниси аҳамиятсиз, асосийси – манзилга етиб боргунча йўлда Александр Дюманинг саккиз жилдан иборат «Граф Монте-Кристо» романини ўқиб чиқди. Бу ҳам Толстойга хос бир ҳолат!

Қадрдон қишлоғида кўп нарсалар ўзгарган, ҳар сафар бўлганида бу жойга кузда кетиб, баҳорда келган-дек туюларди, негаки, бу йиллар улғайиш фасли эди, ўзгаришлар тез кечарди. Салобатли, эски уйга кириб борар экан, отасининг тенгдоши ва дўсти Татьяна Ер-

гольская уни мамнуният билан кутиб олди. Кампир билан тонготар сұхбатлар қурди, қадрдон сұқмоқлардан үтиб, таниш крепостнойлар, ҳовли хизматчилари билан гурунглашди. Ҳамма паст овозда гапириб, хұжайиларнинг муомаласидан шикоят қиласынан. Құп нарса үзгарған, муносабатлар шафқатсиз бўлиб қолгандек эди. Аммаси кексариб бўлганлигини сездирмасликка ҳаракат қиласынан, китоблар ҳақида кўпроқ сўзлар, ёш графга ҳакиқий эркак бўлиб етишишнинг француз романларида ёзилган йўллари юзасидан сабоқ берарди.

Ёзни кўнгилли үтказиб, Қозонга қайтди ва ўқишини ҳуқуқшунослик факультетига кучирди. Юриспруденцияга доир сабоқлар талабанинг келажак ҳәётида қанчалик асқатарди, буниси номаълумлигича қолди-ю, бу бўлимдаги таҳсил жараёнида ҳәёти бутунлай үзгариб кетди. Эҳтимол, шу даргоҳда у ўз аъмоли билан юзма-юз бўлгандир («излаган топади» дейишади-ку). Бу иқбол бир шахс тимсолида намоён бўлганди.

Янги факультетда профессор Дмитрий Мейер гурухига тушиб қолди. Профессор ёш талабасида нимадир борлигини аниқ сезди ва унга мустақил мавзуда шуғуланишни тавсия қиласынан. Унга Екатеринанинг «Наказ» («Насиҳат») ва Монтескьенинг «Esprit des lois» («Қонунлар рухи») асарини таққослаб, автореферат ёзиш вазифасини топширди. «Менга бу машғулот ҳаддан ташқари ёкиб қолди, – деб қайд этади кейинчалик Лев Толстой, – бирдан қишлоққа йўл олдим ва Монтескьени ўқишига киришиб кетдим. Бу мутолаа қаршимда чексиз уфқ очди; мен мавзуни чукурроқ англаш учун Руссони («Насиҳат»да Монтескьедан, унда Руссадан кўплаб кўчирмалар келтирилганди. – Ҳ. С.) ўқишига киришдим. Энди бу машғулотлардан ўзимни айротасаввур қила олмасдим ва университетни ташладим, шунинг учунки, айнан мустақил изланиш олиб боришини хоҳладим».

Кейинчалик Д.И. Мейер (1819–56 йиллар) талабалар ҳақидағи бир хотиралар тұпламида у пайтда ҳали танилиб улгурмаган Т. ҳақида (профессор айнан уни бир ҳарф билан атаганды) шундай ёзган экан: «Мен бугун уни имтиҳон қылдым ва шуни сездимки, унда үқишига умуман ҳафсала йўқ; бу афсусланаарлы ҳол: унда шундай ёрқин белгилар мавжуд ва күзлари шундай ақллики, үзининг эркин хоҳиши ва мустақиллигини ишга солса, унинг машхур одам бўлиб етишишига қатъий ишонаман». Устоз үшанда у қарийб пайғамбарона башорат қилган экан.

Толстой биринчи марта йирик шахс өа донишманд кишининг таъсирига тушган эди. Мейер Висарион Белинскийнинг даврасига яқин, ёш Николай Чернишевский билан таниш эди. Йиллар үтиб, Чернишевский Мейер ҳақида «У шундай одамлар тоифасига мансуб эдики, үзида нафақат чўнг ҳаққонийлик ва юксак иқтидорни мужассамлаштирган ҳамда энг қийин ёки жўн шароитларда ҳам ӯз бурчини сидқидилдан бажарган киши, балки миллат етакчилигига қобил бутун бир авлодни тарбиялаган мураббийлардан бири эди», деб эътироф этган эди.

\* \* \*

Шундай қилиб, бўлажак ёзувчи ҳаётида кескин қайрилиш юз берди. Мейер унинг тақдирида инқилоб ясади. Келажакда рўёбга чиққан даҳо истеъоди, унга ижобий таъсир этган омиллар юзасидан мулоҳаза юритганда, келиб чиқиши немис бўлган рус профессорининг келбати кишига уфқни кўтариб турган қояга үхшаб туюлади. Бир қараашда қоя кўзга ташланади, бинобарин, уфқ ортида нима борлигини билиш учун қояни забт этиш лозим. Уфқ орти эса бепоён, унда бутун бир мамлакат ястаниб ётарди. Нега бизнинг «қся»-ларимиз бундай юксак эмас? Дунё томини кўтариб турган ҳазрат Навоийнинг буюклиги дахлсиз, аммо,

нафсилаарини айтганда, биз юз йилларнинг нари-беришида ҳам шундай даҳоликни ҳис этишимиз, фақат «ҳис этиш»гина эмас, кўришимиз ҳам мумкин эди-ку! Биз ҳар жиҳатдан сийланган халқмиз: табиат, тарих. Нега бадиий даҳолар бизда кам, ҳатто йўқ ҳисоби? Бу туйғу Лев Толстой туғдирган ҳасаддан эмас, балки эртанги кундан кутилаётган юксак умиддан. Саъй-ҳаракатларимизда ҳам шундай хокисор ният мужассам. Бўлмаса, «ўзи ва у ҳақида»ги хазиналар бутун-бутун кутубхоналар пештахталарини тўлдириб ташлайдиган зот ҳақида айтилмаган гап қолганмикан?

Мен тушуниб етаяпманки, ҳали кўп гап айтиш мумкин экан. Айнан, Навоий авлодлари ҳали бу мактаб сабоғини кўп олишлари жоиз (фақат бадиий кашфиётлар учунгина эмас, ўзбек тарихини, она ватанинни севиш тимсоли учун ҳам). Мазкур саъй-ҳаракат ҳам шу йўлда экан, қўйган саволимизга ҳаётимиз ҳақиқатларидан келиб чиқиб, жавоб сифатида «Балки бизда Мейерлар етишмаётгандир!» тарзидаги фикр чақмоқдек ўтди. Мулоҳазамни қоғозга тушириб улгурмай, кўз олдимда бир нохуш манзара гавдаланди. Биласизми, нима келди: ўқувчисидан... нос олиб отаётган «домулло» қаршимда пайдо бўлди. Ўз соҳасининг ҳалол одамлари маъзур тутсин (негаки, оппоқ сиртда пашшанинг изи ҳам арқондек кўринади), халқимиз таълим-тарбия соҳасини жуда покиза ҳолда тасаввур қиласи ва бу соҳа кишиларига меҳрини ҳам, қаҳрини ҳам ошириб ифодалайди. Халқимизнинг назарида, азбаройи тирикчилик сабаб, ҳамма соҳада чайқовчилик қилиш мумкинdir, аммо маънавиятга дахлдор энг кичик масалада ҳам нопоклик кетмайди! Чунки бу масала ҳаёт ё мамотни ҳал қиласи.

Мен шахсан бир «профессор»ни биламан. Ҳарачатчан, ғайратли, тиришқօқ, айтганини қиласиган, ушлаган жойини кесиб оладиган. Рости, бу фазилатлар қайсиdir соҳа кишиларини безashi мумкинdir,

уларнинг маънавий юксаклиги – ишчанлигига кафолатдир, бироқ илм одамига булардан ташқари ҳалоллик (ҳаром-харишдан ҳазар қилиш, тийилиш – бу ифодалар ҳам камлик қиласяпти, умуман, ундан жирканиш, нафратланиш), фидойилик (миллатни, ватанни севиш маъносида) сингари юксак фазилатлар бўлмаса, унинг »ишchan»лиги нафсига ишлаб кетар экан. Таниш «пр» (уларга шу қисқартма ҳам етади) нинг илмга кириб келиши жуда жўн бўлган. Қайси-дир йиллар мисолида комфирқанинг хотин-қизлар озодлигидаги «рол»ини таҳлил қилиб, фан номзоди, босмачиликка қарши кураш мавзусидан докторлики «зашита» қилган. У ишлайдиган даргоҳ шу тарзда «наука қилган» муллаларни йиғиб олган шекилли, улар жуда инок, хизматга доир ҳамма икир-чикирлар сир тутилади, бамаслаҳат ҳал қилинади, норозилар бўлмайди.

Жумладан, қабулда «доктор»ларга ўнта ўрин, «кандидат»ларга беш-еттита ўрин (пуллашга) ажратилар экан. Мен шу илм даргоҳининг проректори қандай мақтанганини эшитганман: «Агар биз ишлаб турсак, бу университетга биронта ҳам бола пулсиз кира олмайди!» (Булар асосий мавзуга тегишли бўлмаган гаплар, узр.) «Пр»нинг профессорлиги ана шу жабҳада намоён бўлади. Аввало, зуваласи илм билан қорилган ҳалқ эмасмизми, «ўқийман» деган талабгор сон минг. «Пр»нинг изидан от солиб юришади. Яна Оллоҳим ризқини мўл яратган эканми, бир сувлат (ягона дарёдан сув ичадиган қавмларни «бир сувлатнинг одами», шу ўзанни «сувлат» дейишади)дан ёлғиз ўзи чиқкан. (Ўзи, докторлигини тезлаштиргани ҳам кўпроқ кишига хизмат қиласай – яъни кўпроқ ўрин олай, деган «улуғ» ният бўлган.) Ҳар мавсумда жарақ-жарақ «сўлкавой» оқиб келади (уларни нимага сарфлайди – «пр»нинг шахсий иши, бироқ мен унинг бирор мақоласини ҳам ўқимаганман). тийинини қолдирмай йиғиб ола-

ди. Баъзан унинг харжи камроқ келган одамларнинг сигирини етаклаб кетгани ёки пайсалга солганинг магазинини ёптириб ташлагани ҳақида гаплар тарқалади. Булар ҳам унга обру, «ҳазиллашиб бўлмайди домулла билан, қизилўнгачингни суғуриб олади», дейди қишлоқдошлари зўрга тан бериб. Энди унинг «ким»ни кашф қилишини тасаввур қиласкеринг. Улар ҳам талабасининг кўзига қараб, ботинида яшириниб ётган истеъодини кўра оладими? Балки кўзига эмас, чўнтағига қараб, қанча пулини адашмай айтишга ихтинослашгандир. Кимdir Левага ўхшаб, иқтидор билан туғилган бўлса-ю, шунаقا «пр»нинг қўлига тушиб қолган бўлса, ундан буюк яратувчи эмас, буюк бузувчи чиқишига шубҳа йўқ.

Николай Чернишевский давом этиб ёзган экан: «Сиз қаҳрамонлар ҳақида сўрайсиз. Улар бизнинг сафимиизда бор. Ҳа, бизда бутун ватанинг фахрланса арзийдиган одамлар бор. Фақат... улар нега бунча тез нобуд бўлиб кетишади? Вазиятнинг яна бир нохуш ҳамоҳанглиги шундаки, улар айни камолга етган, энди наф келтира бошлиган паллада, айниқса, кўплаб нобуд бўладилар». Қуёш чиқиби ботиши абадий бўлганидек, ҳаёт ҳақиқатларининг яшовчанлигини қаранг. Юз йиллар олдин қўйилган сўроқ бугун ҳам долзарб тарзда такрорланиб турибди. Мутафаккир маърифатпарвар бу саволни кўндаланг қўйганда, унинг мамлакати янги уфқлар сари интилаётган, тараққиётнинг яшовчан ҳаётий тамойилларини излаётган эди. Тарихнинг спиралсимон тадрижи боқий муаммоларни юзага чиқараверар экан. Агар қаҳрамонларнинг «айни камолга етган» паллада нобуд бўлиши сабаблари таҳлил қилинадиган бўлса, шахсий мулоҳаза шуки, бу ҳолнинг объектив ва субъектив (доим бўладигандек) жиҳатларига эътибор бериш лозим бўлади.

Мабодо жамиятда эзгу ғоялар таъқибга учраб, бундай қаҳрамонликка зарурат сезилмаётган бўлса, бар-

ча саъй-ҳаракатлар бехуда бўлиб қолади (худди шўро замонида бўлгани каби). Айни шундай жасорат талаб қилиниб турганда заволга йўл қўйилса, бунинг илдизини шахснинг ўзидан излаш лозим (айни кунларимиз заволни эмас, камолни кутаяпти). Таниш «пр»лар нимага эришади? Йиллар ўтиб, Д. Мейернинг номи тилларда айланаяпти, «пр»лар-чи? У ҳассага таяниб қолибди, қишлоқдаги тўй-ҳашамларга ҳам чиқмас (балки юзи шувутлигидан чиқолмас) экан. Қишлоқда одамлар шарттаки бўлади, кимдир унга «Борадиган жойинг шу экан-да!» деган ҳам бўлиши мумкин. Кўчада бирор салом ҳам бермаскан. Орттиргани шаҳардаги учта уйи, қишлоқдаги иккита ҳовлиси бундай паллада нимага ярди? Энди мулоҳаза қилиб кўринг – шулар қоя бўлиб, янги уфқларни кўрсатиб бера оладими?

Бир қизиқ ҳолат: олий ўкув юртларидағи пораҳўрлик бугун пайдо бўлган иллат эмас. Унинг илдизлари шўро замонидан сув ичган, бақувват томирга айланган. Ўз вақтида бу ҳолни ҳар ишга қодир (ернигина эмас, космосни ҳам эгалаб олган) ҳокимият билмасмиди? Шундай савол қўйилганда, мушоҳадаси анча кенг таниқли файласуф шўро тузумига хос бир сирни очган эди. «Таълимдаги пораҳўрлик Ўрта Осиё ва Кавказ республикаларида мавжуд, бу тоталитар тузумнинг бош ички сиёсатига мос келади». Марказ шу тарзда тайёрланган кадрлар яроқсиз бўлиб чиқишини билади. Бу эса уларнинг айни муддаоси, чунки виждони булғанган одамда ватанпарварлик, миллатсеварлик туйғуси бўлмайди, чаласавод, эътиқодсиз кишиларни муте сифатида тутиб туриш, улар орқали зарарли ғояларни тарқатиш осон бўлади! Ёки қуйидаги лавҳага эътибор беринг: ваколатли раҳбар ёши улуғ устозлардан бирини чорлаб, «Яқинда нуфузли анжуман бўлади. Қардошларимиздан ҳам ижодкорлар ташриф буюришади. Шунга бугунги ҳаёт нафасини яхши ҳис этаётган, ижод салмоғи ҳам баракали, яна биласиз –

уялтириб қўймайдиган бир ижодкорни тавсия қилишимиз лозим экан. Ушбу масалада сизни маслаҳатга чақирдим, ҳар ҳолда баланд-пастни биласиз. Бугун яхшилаб ўйлаб, мулоҳаза қилиб, муносиб бири номзодни топсангиз» деди. Устоз гапларни жон қулоғи билан тинглади, ҳеч бир ҳолатни ўтказиб юбормасликка тиришди. Учиб уйга қайтди – унга ишонч билдирилган эди-да.

Эшикни бекитиб ўйлади, ҳовлига чиқиб ўйлади; ётиб ўйлади, туриб ўйлади, ўтириб ўйлади. «География»ни яқиндан бошлади: ўзининг қариндошларидан пичоқقا илинадиган биронта ижодкор чиқмади-да. Хотиннинг уруғлари ҳам ҳаммаси савдогар. Ҳамтоворқлар, чойхона улфатлар, қўшнилар... ҳеч бири чамасини олмасди. Охири шогирдларга келди. Бир-икки мундайроқлари бор экан-у, бири вилоятда, бири бадном бўлган. Хуллас, узоқ ва самарали бош қотириди устоз. Бу орада олдин чой, сўнг овқат совиб қолди. Дераза орқали бир бокди-ю, бирдан фикри ёришди. Топди. Бор экан-ку.

Эрталаб өҳорли либосларини кийиб, анчадан бери истифода этилмаётган бўйинбоғини илиб, нуфузли маҳкамага йўл олди. Устоз хурсанд, ваколатли ходим эса шошар эди. У «Қулоғим сизда» дегандек энгашди. «Кўп ўйладим, – деди устоз. – Талант ҳам анқонинг уруғи бўлиб кетган экан. Ишонаверинг. Охири хуласам шу бўлдики, ўзимдан арзирли номзод йўқ экан». Бошқача ҳам бўлиши мумкин эмас.

Бундай усуллар нимага хизмат қилгани маълум бўлиб қолган экан, энди мұхитнинг мусаффолашуви давр тақозаси. Мустақил юртга ҳар жиҳатдан комил ходимлар зарур. Тарих ғаладонига итқитилган тузум каби унинг ярамас тартиблари ҳам барҳам топиб кетиши шубҳасиз.

\* \* \*

Университетдаги таҳсил Толстой учун қийин ке-чарди. Машғулотларга бормас, имтиҳонларга қатнаш-масди. Ўз дунёсида яшарди. Ўқиган китобларидағи қаҳрамонлардан бирини қаттиқ ёқтириб қолди, унинг қошлари бароқ эканлигига таассуб қилиб, қошларига қора порох суртди, порох безовта қилгач, гугурт чақиб юборди. Қошлари жизғанак бўлиб қолди, уни қириб ташлашга мажбур бўлди. Қошлари пайваста бўлиб ўсиб чиққанда севимли қаҳрамони эсидан ҳам чиқиб кетган-ди. Унинг таҳсилга совуққонлиги ўқув юрти маъмури-ятини қатъий чоралар қўришга олиб борарди. Ҳатто у карцерга ҳам қамалди. Саломатлиги ёмонлашиб, касал-хонага тушди (шу йилларда Лев Николаевич ўпка ша-моллаш хасталигини орттириб олганди; ундан халос бўлиш учун шифокорларнинг тавсияси билан кўчман-чи туркийлар овулларида узоқ вақт дамба-дам қумрон, қимиз ичиб даволанишига тўғри келди).

Шифохонада палатада ёлғиз эди. Ҳозиргача унинг атрофида одамлар парвона бўларди. Кўйлагини ечса, тозасини олиб келиб беришарди, қорни очса, дастур-хон тайёр. Ёлғизлик неъматини бирдан сезди. Бу им-коният унга ўз ҳаёти ҳақида чуқурроқ ўйлаб қўришга йўл очди. Ўз-ўзи билан сўзлашди, ўтган кунларини тафтиш қилди ва мулоҳазаларини қоғозга тушириш хоҳиши пайдо бўлди. Шундай қилиб, биринчи сатр-лар дафтарга муҳрланди. Ана шу жузъий ҳаракат билан Лев Толстой ҳаётида янги уфқ очилди. Шу кундан бошлаб кундаликни тўлдириб боришни одат қилди ва бу машғулот деярли узилишларсиз умрининг сўнг-ги лаҳзаларигача давом этди.

Толстойнинг кундаликлари нафақат бир шахс-нинг дил изҳори, балки рус миллий руҳонияти та-раққиётининг таҳлили, ҳалқ тарихининг ёрқин ифодаси, шу билан бирга адабиётда юксак чўққини забт этиш тадрижининг тебранишлари акс этган солнома

ҳамдир. Тәдқиқотчилар Толстойнинг кундаликлари энг яхши асарларидан кам бўлмаган мавқе касб этганини эътироф қиласидилар. Улар ўзининг хужжатлилиги, аниқлиги, ишончлилиги билан рус миллий адабиётининг олтин хазинасига кирган. Кундаликлар ёзувчининг тўла асарлар тўплами ва алоҳида ҳолда бир неча жилдларда қайта-қайта нашр этилган, жаҳоннинг кўплаб тилларига таржима қилинган.

Ана шу олтин мероснинг дастлабки сатрлари шундай бошланган экан: «17 март. Мана, клиникага тушганимга ҳам олти кун бўлди, олти кундан бери деярли ўз-ўзим билан машғулман. Мен бу жойда бутунлай ёлғизман. Менга ҳеч ким халақит қиласиди. Хизматкор ҳам йўқ, ҳеч ким ёрдам ҳам бермайди. Бинобарин, тафаккур қилишга ва ўйлашга четдан таъсир қилувчи йўқ. Демак, фаолиятимни ривожлантиришимга зарурат бор. Энг асосий фойда шундаки, мен кўплаб кишилар ёшлик ғўрликларига ёядиган, балоғатга етишнинг бузилишлари, деб қарайдиган ўсмирлик ҳаётимга ёрқин разм сола бошладим». Орадан бир ҳафта ўтиб, ёзувлар ўзгача оҳанг касб эта бошлайди. 24 марта Толстой ёзади: «Мен кўп жиҳатдан ўзгардим. Барibir машғулотларни ўзлаштиришда ўзим хоҳланган даражага кўтарила олмадим». Албатта, ўсмирнинг (17-18 ёш) ўзига талабчанлиги, феъл-авторининг ўзгартиришдаги тезкорлиги, қатъияти диққатга сазовор.

У ўзи истаган даражага етишиш йўлини қатъий белгилаб олади. Бунинг учун олдига олти шарт қўяди: «1) Бугунги ишни эртага қолдирмаслик; 2) Нима иш қилсанг, сидқидилдан, кўнгилдагидек бажар; 3) Китобга жуда керак бўлиб қолганда ҳам бирор белги қўйма (яъни, чизма), ўзинг эслаб қолишга ҳаракат қил; 4) Ақлингни ҳар доим бутун куввати билан ишлашига мажбур қил; 5) Ҳар доим овоз чиқарип ўқи ва ўйла; 6) Ўзингга халақит бераётган одамларга буни айтишдан

тортинма: аввал ўзлари тушуниб етишларига имкон бер, агар тушунмаса, кечирим сўраб, буни очиқ айт».

Аёллар даврасида тарбияланган, ҳали ички майларига ҳукмронлик қилиш малакаси бўлмаган, қарта ўйинларининг ишқибози, димоғдор, майшатни яхши кўрадиган, шу билан бирга ўта иқтидорли ўсмир ўзига мактаб ўқитувчисидек қатъий талабчанликни жорий этаяпти, гўёки иродасига таянган ҳолда лойдан янги бир идиш ясашга жаҳд қиласяпти. Буни балки ўз тақдирини ўзи белгилаш, ҳатто ҳал қилиш деб аташ мумкиндир. Шундай қилиб, ҳаракатларини таҳлил қилиш ва ҳаракатларини бошқариш даври бошланди.

Тадқиқотчилар таъкидлайдики, кўплаб мустақил ҳаётга кириб келаётган ёшлар ўз олдиларига шундай аниқ мақсадлар қўядилар, ўз-ўзларини тергайдилар, аммо, афсуски, бу ҳаракатлар изчиллик касб этмайди, маълум фурсат ўтгач, ҳафсалалари пир бўлиб, яна эркин ҳаётни ихтиёр этадилар. Толстойнинг кўплардан фарқланадиган томони шунда бўлганки, унда жуда кучли хоҳиш ва уни бошқарадиган, ушлаб турадиган ирода мужассам эди (Кейинчалик Толстойнинг ўзи «Истеъдод – бу иродадир» деганди). У ўзига нисбатан шафқатсиз даражада талабчан бўлган, олдига қўйган вазифаларни бажаришини қатъий назорат қилган, ҳатто ўзига баҳо қўйиб борган, ўзини ўзи жазолаган, ҳеч нарсани ўтказиб юбормаган, бундай ҳол узоқ йиллар қатъий тартиб билан амал қилган. Шуниси борки, унинг турмуш тарзи биқиқ, қандайдир низомларга асосланган тор ўзанда бўлмаган, эркинлик унинг орзуси эди ва шундай бўлиб қолган. Толстойнинг ютуқларини сарҳисоб қилганда, унинг һималарни амалга оширгани эмас, хатоларни қандай тўғрилаганига қараб баҳо бериш лозим, дейишади. Замондошлирининг қайд этишича, Лев Николаевич Толстой ўз ҳаётини ҳаддан ташқари қийинчиликларга дучор қилувчи одам бўлган экан. Бошқалар учун баландпарвоз

орзулар, адабий муҳокамалар, ўз нуқсонлари юзасидан мулоҳазалар шунчаки сафсата бўлса, Толстой учун булар меҳнат эди, дейишади.

Мустақил изланишлар олиб бориш, битириш имтиҳонларини бирданига топширишни мўлжаллаб, университетни иккинчи курсдан ташлайди. Шу дамларда унинг она қишлоғига қайтишига имконият ҳам пайдо бўлади. Отасидан қолган мол-мулк фарзандлар ўртасида тақсимланганда, унга Ясная Поляна тегади. Лев Толстой 1847 йилнинг апрелида Ясная Полянага йўл олади.

Шундай қилиб, ўқиб-ўрганиш, ўз-ўзини кашф этиш билан катта ҳаёт остонасига қадам қўйди. Бу босқич ҳаммада ҳар хил кечади. Умрнинг ўсмирилик даврини баҳорга қиёслашлари бежиз эмас, бу фаслда ҳамма бир очилади. Орзулар уфқни қучади, теваракдаги унча-буンча нарса писанд эмас, атрофидаги одамлар, бир устозимиз айтганидек, туфлисининг пошнасига ҳам келмайди. Ҳаёт эса ўз қонуниятлари билан давом этаверади. Унинг энг кўп амал қиласидиган «қонуният»ларидан бири инкор этишdir. Биринчи йил синдошларнинг ҳаммаси ўқишига ҳужжат топширади. Келаси йил ярми, шу тарзда сараланиб борилаверади. Беш-үн йил ўтиб, сарҳисоб қилинса, мақсад йўлида событ турганлар бармоқ билан санаарли, қолгандарни тириклилик ўриқлари ўз измига бўйсундириб олган, кеча учувчи бўламан, деган бола бугун бузоқ боқиб юрибди... Бу синоатнинг сирини ҳали одамзот билмайди – кимга толе кулиб боқади – сийлайди, ким эса умумий оқимга тушиб қолади.

«Ният инсонни бошқаради», дейди буюк бобокалонимиз Имом Бухорий ҳазратлари. Бу ҳикматда жуда теран маъно бор. Ҳар ким ҳам «ният»ини охиригача ушлаб тура слмайди. Ҳамма гап шунда. Бунинг учун ўз йўлини «тош келса, кемириб, сув келса, симириб» ёриб очишга тўғри келади. Толстойнинг ўз ниятида событ

тургани аниқ, унга ўз йўлини очишида қишлоқдаги тинч муҳит асқатди, фурсатни ғанимат билиб, энг керакли ва зарур машғулот – мутолаага зўр берди. Шу кунларда Жан Жак Руссонинг йигирма жилдли асарларини жами изоҳлари, ҳатто мусиқага доир луғатларигача (у дастлаб мусиқа ўқитувчиси бўлган) француз тилида ўқиб чиқди, мазмунини чақиш учун кўчирмалар олди.

Руссо Франциядаги энциклопедистлар оқимига мансуб қомусий олим бўлиб, у француз буржуа инқилобининг маънавий раҳнамоси эди. Инқилобчилар унинг асарларидан ўз-ўзига назар (таҳлил қилиш, баҳо бериш), ҳар бир инсон ҳаётига эътибор билан қарааш, инсонга ахлоқий талаблар қўйганда уларнинг ҳаётий ақидалари ахлоқий қонуниятлар ўзгармасдир, тарзидаги эски тартиблар ҳукмронлик қилган шароитда шаклланган ижтимоий ҳаётда юзага келганлигини ҳисэтишни ўргандилар (унинг моҳияти – «Кул абадий қулдир»). Руссо улуғ донишманд эди. У дунёга тақдири бир-бирига боғланган сон-саноқсиз одамларнинг ягона оиласи сифатида қарапарди (аммо халиқ донишмандлигида «Беш бармоқ баравар эмас», деган соддагина ифода борки, унинг моҳияти инсондек мураккаб хилқатни асло тенг тутиб – бир оила қилиб бўлмаслигини таъкидлаб турибди). Руссо қарапарди турмушни ўз қўллари билан ўзгартиришни хоҳлаш ва ўз ожизлиги учун аза тутишни англаш эди. Бу ўзидан хижолат тортмай, ўзидағи нуқсонларни фош қилиб ташлаш, неча юз йиллардан бери сукут сақлаб келингани учун ўз-ўзига танбеҳ эди. Руссо ўз айбларини очиб ташлаб, уларни тузатиш мумкин, деб ўйларди. Бу қарапарди Толстойнинг ўша пайтдаги руҳиятига мос эди. Жамиятни ўзгартириш учун эса унинг оғриқли нуқталарини топиш, бунинг учун чуқур таҳлил ва кузатишлар зарур эди.

Руссо асарлари ёш графга ҳаётни теран кузатиш сабоғини берди. Шу йилларда мулкидаги уч юз ўттиз

жонга хұжайинлик қилиш баробарида деңқончилик ишлари билан фаол шуғулланди. Унинг қарашларидан, анъанавий, бошқа заминдорлар тутумидан фарқли равища, үз даврининг инсонпарвари шамойили мужассам әди. Маълумки, шу йиллар Россияда крепостнойлик тартиблари авжига чиқсан пайтлар әди. Бундай шароитда Руссо қарашларини ҳазм қилиш ҳам осон эмасди. Тасаввурлари түлиқ бўлиши учун фалсафа билан батафсил қизиқди, турли таълимотларни чоғишириб, борлиққа үз нуқтаи назарини шакллантиришга ҳаракат қилди. Кейинчалик грек ва қадимги яхудий тилларини ўрганди, даврининг таниқли мутафаккири сифатида А.И. Герцен асарлари мутолаасини канда қилмади. Нафсилаамрини айтганда, шу йилларда Россияда катта бир ёзувчи шаклланаётган әди. Мазкур жараённи кузатиш ва таҳлил қилиш бугуннинг кўплаб муаммоларини тушуниб етишга кўмак беради.

\*\*\*

Катта режалар билан яшаётган Толстой қишлоқдағи эски уйни тұла әгаллаб олишни хоҳламади, катта хонаға үзи дунёга келган яшил қопламали диванни ўрнатди, икки-уч кресло қўйди. Кўчада гимнастика учун брус ва стол бор әди. Режалар тобора бойиб борарди. У инглиз ва лотин тиллари билан шуғулланар, грамматикани чуқур ўрганарди. Булардан ташқари икки йилга қатъий режа тузиб олди. Улар қуйидагича әди: «1) Университетни тугаллаш учун зарур бўлган юридик фанларнинг тұла курсини ўзлаштириш. 2) Амалий, қисман назарий табобатни ўрганиш. 3) Қуйидаги тилларни ўрганиш: француз, рус, немис, инглиз, итальян ва лотин. 4) Қишлоқ хўжалигининг ҳам амалий, ҳам назарий асосларини ўрганиш. 5) Тарих, география, статистикани ўрганиш. 6) Математиканинг гимназия курсини ўрганиш. 7) Диссертация ёзиш. 8) Тасвирий санъат ва мусиқада ўрта даражани такомиллашти-

ришни тамомлаш. 9) Қоида ёзиш. 10) Табий фанлардан бир қадар маълумот олиш. 11) Ўрганмоқчи бўлган ҳамма нарсаларимнинг иншосини тузиб чиқиши».

(Шу ерда ўзбекча қилиб, «Отангга балли!» деб юбормасликнинг иложи йўқ. Машхур адаб Абдулла Қаҳҳор «Мендек меҳнат қилса, маймун ҳам ёзувчи бўларди» деган экан. Агар икки йилда шу вазифалар ярмига уддаланганда ҳам Лев Толстойдан қандайдир мўъжиза содир бўларди. Аслида, яшаш мезонига айланниб қолган бу вазифалар ярмига эмас, умр бўйи дастуруламал бўлиб хизмат қилди, тириклик хирмони тасдиқлайдики, улар тўла уддаланган, Толстойнинг бутун ҳаёти шундай тартиб ва тиғизликда ўтган, ана шу ҳаракатлар туфайли унга Яратган ҳадя этган иқтидор тўла намоён бўлиб, инсониятнинг буюк фарзандларидан бирига айланган).

Тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, белгиланган бу вазифаларнинг аксарият қисми вақтида бажарилган. Бирданига инглиз тилини ўрганиш, мусиқа билан шуғулланиш, қишлоқ хўжалиги билан банд бўлиш бошлаб юборилган. Албатта, кундаликлар устида иш узлуксиз давом этган. Бир пайтнинг ўзида кўрганларига бадиий тус бериб, ўзи ўйлаб топган тўқима воҳеалар билан бойитиб, бадиий акс эттириш майли пайдо бўлди ва шу тахлит унинг дастлабки лавҳалари яратилдики, улар кундалиги мазмунидан келиб чиқиб, автобиографик руҳда эди. У ёзувчи сифатида ўзини намоён этиш учун ҳар жиҳатдан камолга етаётган эди.

Толстойнинг бутун ижодида таржимаи ҳолига оид тафсилотлар қизил ип бўлиб ўтади. Деярли ҳар бир асарида кўрган-кечирганларининг акси бор. Бу ҳолни кейинчалик ўзининг биринчи биографи Павел Иванович Бирюковга ҳам алоҳида таъкидлаган экан: «Менинг ёзганларимнинг ҳаммаси таржимаи ҳолимга доир». Гап фақат шунда эмас, балки уммондек теран ижодга «масаллиқ» бўла олган кўламли ҳаёт, уни ҳис

этиш ҳам кўпларни мафтун этади. Хира, надоматларга тўла кунларда қандай жозиба бор? Ҳамма нарса мавжуд: магазин пештахталари маҳсулоти кўплигидан букилиб кетган, бозорлар лиқ тўлиб, кўча юзасига оқиб чиқсан бўлса-ю, бундай бўғирсоқдек «бўрсиллаган» турмушда бир чимдим ижтимоий адолат топилмаса, бундай фаровонлик кимга татийди? Ўша пайтдаги рус жамиятида асрбошида пайдо бўлган уйғоқлик эволюцион тарзда давом этаётган эди. Бу юмушда кейинчалик миллатнинг ифтихорига айланган илмий, бадиий зиёлиларнинг ҳиссаси катта бўлган. Хусусан, ижтимоий фикр ўз ривожида такомилга эриша бориб, ҳаёт моҳиятини тўлароқ англаш бошланган эди.

Бу борада ўша йилларда пайдо бўлган ва халқ ҳаётининг кўзгусига, баҳс-мунозара майдонига айланиб бораётган журналларнинг ўрни бекиёс бўлган. Бугунги телевидение, радио, кино сингари ахборот восита-лари бўлмаган шароитда журналлар ғоя ташидиган, тарқатадиган минбар вазифасини бажараётганди. Давр ижтимоий рус тафаккурини «Польянная звезда», «Современник» сингари журналлардан ташқарида тасаввур қилиб бўлмайди. Масалан, 1847 йилда «Современник» журналида Иван Тургеневнинг «Хор ва Калинич» очерки босилади (бу ҳақда «Тургенев турткиси»да батафсил тўхталганман). Рус жамоатчилигининг хушёrlиги ва янги ахборотга ташналиги, бир вақтнинг ўзида тоза нафасни илғаш қобилияти шударажада бўлганки, очерк ва унинг муаллифи бирданига диққатни тортган, қолаверса, адабиётга янги руҳ кириб келаётганини ҳис этишган. Дворянлар хаётига доир одатдаги сҳанжамалардан чарчаган жамиятнинг илғор вакиллари мусаффо ҳаво қайси тарафдан эсаётганини бирданига сезганлар. Балки улар жами ҳашамлардан тўйган ва энди бундай яшаб бўлмаслигини, тараққиёт бошқа уфқда эканлигини англаб етгандир. Бу ҳам бир ҳаётий ҳақиқат.

Одам моддий эҳтиёжларидан юксакка чиқа олмас экан, бошини кўтариб, тепага қарашга мажоли етмайди. Жалолиддин Румий ҳазратлари XII асрда ёқ одамнинг моддий оламини отга, руҳий дунёсини чавандозга қиёслаб, таълим берган эди. Моддий тарафга эътибор кучайиб кетаверар экан, от чавандозга бўйсунмай кўяди ва уни охир-оқибат охурга бошлаб боради. Мабодо жилов чавандозда бўлса эди, аргумоқ пойгаларда ютиб чиққан, элнинг орини олган, одамларнинг тилига тушган тулпор бўлиб таниларди. Гапнинг нафсилаамини айтганда, охурдан бошини кўтартмаган от семириб кетиб, охир-оқибат сўйилишдан бошқа нимага ярайди? Афсуски, минг йил олдин айтилган бу ҳикмат ҳали қулоқларига етиб бормаган, ўрта асрчилик ақидалари билан яшаётган қавмлар бор. Улар бутун қувватини қорин (нафс) эҳтиёжини қондиришга сарфлаб, руҳий-маънавий эҳтиёж ҳакида ўйлаб кўрмаяптилар. Бундан юзага келган руҳий-маънавий қашшоқлик нималарда зухур бўлади?

«Ўзбек халқи китоб ўқимай қўйди», дейди бир нашриёт директори Темур Кўйлиев. Ёш йигитнинг ташвиши ўзи чиқарган китобларни пуллаб, даромад олиш истагидан баланд. У дунё кўриб, соҳанинг бошқа мамлакатлардаги тараққиётига гувоҳ бўлиб, дард билан шундай деяпти. Хориждан ўз юртига келган ўзбеклардан бири қайтиб боргач, қариндошларига алам билан шундай дебди: «Ҳамма тирикчилик уммонига фарқ бўлиб кетган. Фақат бой бўлай, машина олай, қаср қурай, деган ўй билан банд. Очилиб гаплашишга ҳафсаласи йўқ. Турмушда ёруғлик етишмаётгандек». Ҳақиқатан, «ёруғлик» сўзи, унинг тимсоллари дилни яшнатади.

Одамни ҳайвондан фарқловчи яна бир чегара – маънавият оламида китоб – ёруғлик тимсоли. Китоб ўқиб, қандай сеҳрларга дуч бўлмаймиз (дуч бўлмадик)!? Китобларсиз бу ҳаёт яланглик, тап-тақир саҳро

бўлиб қоларди. Китоблар гўё ана шу водийдаги нур манбаи, унинг саховатидан дараҳтлар, ўт-ўланлар, гуллар, чечаклар унади, «зоти шариф» – инсон учун тириклик водийси чаманг айланади. Шу туфайли «гул кўп, чаман кўп бу бўстон саҳнида» умргузаронлик қилиш гаштили, фараҳли. «Заковат» кўрсатувининг бошловчиси Расул Абдуллаев қалб туғёнини жиловлай олмайди, телевизор орқали миллионларга мурожаат қиласди: «Ииллар давомида бир варақ китоб ўқилмайди. Бир таниқли одамдан «Китоб ўқиб турибсизми?» деб сўрасам, «Бу, энди, ёш болаларнинг иши-да» дейди. Ҳайрон қолдим. «Ахир бешикдан қабргача илм изла, деган гаплар бор-ку», дедим. Бунга ҳам жавоби тайёр экан: «У пайтларда кўп нарса бўлмаган-да, одамлар бекорчиликдан китоб ўқиган». Бу – жаҳолат», дейди бошловчи. Балки ундан ҳам баттардир. Шундайлар бор жамиятда нурга эҳтиёж бўладими?

Бир ярим аср олдинги рус жамиятида ҳам (хақиқатан, бошқа эрмак йўқлигидан) китоб, китобхонликка муносабат ўзгача – мутолаа биринчи даражали эҳтиёж бўлган эди. Ёш граф Лев Толстой чекка қишлоқдаги ҳаётини китоб мутолааси билан безади. Ҳўжалик ишларига киришиб кетар экан, дехқонларнинг қашшоқлиги уларнинг ишни самарали ташкил эта олмаслигига эканлигини тушуниб ета борди. Шудгорни ҳам маромида қила олмайди, уруғ экиш, танлашни ҳам эпламайди, ҳосилни ҳам чала-чулпа, нари-бери йиғиштириб олади. Энди ҳамма юмушларни бошқачароқ ташкил қилишга киришди, лекин бу ҳам осон эмас экан. Ўрим машинасини одамларнинг кўзича ўз билганидек қайта созлаган эди, синаб кўрсалар, дастгоҳ гувиллади, хуштак чалди, аммо ўрмади. Ҳамма кулиб юборди.

Қўшнилари Гагаринлардан зотдор бузоқ сотиб олишга борди. Ҳўқизчалар семиз, ялтиллайди, улардан ёқимли ҳид таралади. Иши битмай, шу оқшом

ётиб қолди. Кечаси зерикмаслик учун бирор китоб, тұғри келганини топиб беришларини сұради. Бир шеър китобни келтириб бердилар. Үқишни бошлиди, китоб уни шундай сехрлаб олдики, үқиб тугатиб, яна қайтадан үқишига тушди. Ухламасдан, тонггача икки қайта үқиб чиқди. Бу «Евгений Онегин» романы экан.

Пушкиннинг шоҳ асари үқишига ишқибоз, таҳлилга мойил кишига ўз вақтида тұғри келиб қолғанди. Толстой бирдания атрофда кечәётган воқеаларни нафақат ёзиш, балки ёзувлар орқали тушуниш, тагига етиш мумкинлигини англаға. Бу пайтда у инглиз юмористи Лоуренс Стерн асарларини қизиқиши билан үқиган эди. Қишлоқ руҳонийиси бўлган бу одам сентиментал йўналишдаги патетик (ҳаяжонга соловучи) қиссалари билан ҳаётдаги яхшилик ва ёмонликни бўрттириб қўрсатган эди. Кундаликларида ундан кўплаб кўчирмалар келтириши беҳуда эмас. Руссо ва Стерн асарлари унга инсон туйғуларини тушунишида кўп нарсани ўргатди, у ташқи таассуротларни ҳаяжонли воқеалар орқали эмас, уларни юзага келтирган (чиқарган) ботиний туйғулар орқали тушунишга ҳаракат қиласарди. Кейинчалик бу ҳол унинг ёзувилик маҳоратини белгилайдиган қирралардан бирига айланди. Пушкиннинг қаҳрамонлари Онегин, Татьяна, Ленский фақат шахсий ҳаёт тарзлари билан эмас, ички туйғуларининг ёрқинлиги, жиддий инсоний муносабатлари билан унинг эсида қолди. Тонготар мутолаа унинг адабиёт ҳақидаги тасаввурларига жон бағишилаганди.

Инсон тақдирида акс этган барча икир-чикирлар мамлакат ҳаёти билан боғлиқлигини, ҳар бир шахс ҳаёти мамлакат тарихининг кичик бир қисми эканлигини идрок эта бошлади. Муаллиф ўз қаҳрамонлари билан бир неча марта дуч келади, уларнинг тақдирини белгилайди, унинг тадрижи (ўсиб-

улғайиши)ни кузатиб (бошқариб) боради. Толстой-га атрофидаги ҳар бир индивид (шахс) ижтимоий борлиқ, ижтимоий ҳодиса бўлиб туюлди. «Евгений Онегин» билан ёлғиз қолган ўша кеча Толстойнинг адабиётга ўқувчи эмас, ёзувчи сифатида муносабатга киришиши бошланган кеча бўлди, деб қайд этади тадқиқотчилар.

Бўлажак ёзувчи анча олдин адабиётнинг вазифаси устоз-мураббийлик эканлигини тушуниб етган эди. Адабиёт инсон қалбини яхши томонга ўзгартириш учун уни забт этиши лозим. Унинг бу борадаги дастлабки қарашлари жуда содда бўлган. Толстойнинг «Одамлар нима учун ёзади?» деган лавҳаси бор. Унда тъкидланишича, одамлар аввало кимлардир ёзганларини ўқиши учун ёзади; одамлар эса баҳтли бўлиш учун ўқийдилар; баҳтли бўлиш учун эса яхшилик қилишни билиш, одамни аҳмоқона ҳаракатларга олиб борадиган гумроҳликдан қайтариб, ўйлаб иш юритишга ўргатиш лозим. Яхшилик – одамнинг ўз ҳаяжонларини тафаккурга бўйсундиришидир. Буларни ўсмирлик кечинмалари, дея баҳолашади олимлар.

Ёш Толстой ўша давр рус киборлари даврасида урф бўлиб бораётганидек, мутолаани фаолиятининг муҳим қисми деб ҳисоблайди, ички майллари туфайли эса даврининг адабий янгиликларидан баҳраманд бўлиб боради. Д. Бегичевнинг дворянлар ҳаётидан ҳикоя қилувчи «Холмскийлар хонадони» романи жуда машҳур эди. Ўртамиёна бу асар ўткир қаламли, тафаккури кучли журналист Н. Полевнинг жиддий таҳрири билан эълон қилинганди, у ўша замон кишилари ҳаётини жонли ифодалагани билан унга кучли таъсир кўрсатади. Роман қаҳрамонлари атрофидаги одамларни айнан эслатиб турарди. Асар Толстойга реалистик рус романининг имкониятларини намоён қилгандек бўлди. У кейинчалик жанрга теран ёндашиб, романлар яратдики, Бегичевнинг китобини мутахассислар

декабристлар воқеасидан кейинги дворянлар романи билан Толстой романларининг ўртасидаги чегара сифатида баҳолайдилар. Шу орада Д. Григоровичнинг бугунги тасаввурлар билан баҳолаганда, жуда жўн, эркак кишининг фожиасини кўрсатишга бағишиланган «Антон Горимика» қисссасини қизиқиб мутолаа қилганди. Толстой машҳур ёзувчи бўлиб танилгач, деярли унтилган Дмитрий Григоровични олтмиш ёши билан табриклаб ёзган хатида унинг қисссаси ўн олти ёшли ўсмирга «Овчининг мактублари» сингари кучли таъсир этганини эътироф этади.

Албатта, Лермонтовнинг «Замонамиз қаҳрамони» романи мутолааси унинг учун жиддий воқеа бўлади. У Лермонтовдан табиат манзаралари, жуғрофий жойлар тасвирини журъат билан адабиётда қўллашни ўрганади.

Толстой изланишларини изчил давом эттиради. Миллий адабиётдан кўп сабоқлар олди. У катта майдонда буюк ва ўртамиёна қаламкашлар жамоасида ёзишни бошлади. Фақат унга ҳаётий тажриба ва бой таржимаи ҳол етишмасди.

\* \* \*

Шундай вақтлар бўлгандики, Декабристлар ҳаракати оҳанрабодек бутун Россия ҳаётини ўз измига бўйсундирганди. Унинг таъсир доирасига жами миллий қадриятлар, жумладан, дворянлар қатлами тушган, аммо крепостной деҳқонлар пинагини бузмаган, ҳолбуки, улар энг салмоқли массани ташкил қиласди. Бу оғир юкни уларнинг ўзларига »жон кириб« ҳаракатга келтирмаса, бошқа ҳеч бир қудрат жойидан жилдира олмасди. Жамиятда «жонсиз» аъзо бўлар экан, умумий тараққиётни таъминлаш мумкин эмаслигини илғор зиёлилар яхши англааб етган эдилар. Негаки, қул ўз тақдирни юзасидан ечим қабул қила олмайди. Боз устига, қул атрофидагилардан ҳам қуллик

талаб қиласи. Бир фильм қаҳрамони айтади: «Кулларнинг ҳаммаси сурбет ва иғвогар бўлади». Толстой мулкида фаолиятини давом эттирас экан, масаланинг янги қирраларини кашф қила боради. Бундай шароитда яшаб бўлмаслиги маҳкумларнинг тушуниб етиш, бу – қулликдан қутилишнинг бошланиши. Афсуски, улар дунёдаги ҳамма одам шу тахлит яшайди, одамзотга бошқа турмуш тарзи бегона деб ўйлашади (баъзи чекка қишлоқларда ҳаёт тарзини туғилиш, тирикчилик учун макка экиб, мол боқиш ёки далада ишлаш, кексалик ва умр ниҳояси, деб тушунгандар; бундай занжирни бузганларни, шоир айтганидек, «миясида қурти бор» деб ўйлаганлар).

Хилват жойдаги ҳаёт ҳам зерикарли эди. Катта ҳажмдаги юмушлар ундан анчагина жисмоний ва ақлий куч сарфлашни талаб қиласиди, Толстой ўзининг бундай шахсий турмуш тарзини ўзгартиришга қарор қилди ва олдин Москвага, кейин Петербургга йўл олди. Хуқуқ фанлари номзодлигига имтиҳон топширмоқчи бўлди. Унинг турмуш тарзи феълига таъсир этганди. Тор йўлакларда устозларни кутиш, уларнинг изидан юриш, аудиторияларда қисилиб ўтириш унинг машғулоти эмаслигини тушуниб етди-да, имтиҳонларни ҳам чала қолдириб, ҳарбий хизматга кирмоқчи бўлди. Барибир Ясная Полянага қайтиб келди. Жиддий мақсадсиз ва истиқболсиз режалар уни чарчатаётган ва ҳаётдан ношукурлик кайфиятини пайдо қилаётган эди. Табиийки, унинг «дардкаш»и бор эди, яъни ўз-ўзини фош қилиш ва танқидий қарашлар Кундаликларида акс этарди.

Бу пайтда Толстойнинг шахсий ҳаётида бўлгани каби рус жамиятида ҳам янги йўллар излаш, самарасиз усулларни инкор этиш жараёни кечаётган эди. Россияда оҳорли тўлқин – дунёни янгидан қайта қуриш, шаҳарларни қуллик ва мунофиқлиқдан озод этиб, аҳоли ҳаётига эркинлик ва тараққиётни олиб

кириш ғояси кучайиб бораёттанды. Фикр эркинлигі таъминланмаса, тафаккур ривожланмаслигини, тафаккур ривожисиз эса янги ижтимоий муносабаттарни ҳаётта татбиқ этиб бўлмаслигини илм ҳам, ҳаётнинг ўзи ҳам тасдиқлаб турарди. Ясная Полянада эса эски турмуш тарзи ўз оқимида давом этар, катта шаҳарлардаги уйгониш чекка жойларга ҳали-бери этиб келмайдигандек эди. Толстой бу ерда ўзига маъқул турмуш тарзини жорий қилишга интилди, кўнглига яқин кишиларни чорлади, атрофидаги одамлар билан хушчақчақ муносабатни йўлга қўйди. Унга, айниқса, лўлилар ҳаёт тарзи оҳанграболи туюларди. Лўли қўшиқларидағи кувноқлик, бардамлик, рақсларидаги шиддат жўшқинлик бағишилар, тетик кайфият ато этарди. Ҳатто унинг биринчи адабий режаси ҳам «Лўлилар турмушидан қисса» ёзиш бўлган эди.

Қишлоқдаги турмуш тарзи қанчалик биқиқ бўлмасин, Лев ўзига нисбатан талабчанликни сусайтирган. Ҳар куни фаолиятини муҳокама қилиб, ўзига ўзи жазо тайинлар, ҳатто ҳайфсан эълон қиласарди. У «Холмскийлар хонадони» романида ўқиган Франклайннинг ўн қоидасига қатъий амал қилишни одатга айлантириди. Ҳар оқшом ётиш олдидан бу кондуйт (насиҳат қитоби)да белгиланган шартлар бўйича бажарган ишларига белги қўярди. У ҳатто кундакларидан ҳамма нарса ҳақида очиқ ёзмаса ҳам бу журнални муттасил тўлдиришда бепарволик қилмаган экан. Кўпинча нимадандир сиқилса ёки хафа бўлса, кундалик ёзган.

Ёзувлар салмоғи ва кўлами кенгайиб бориши баробарида воқеликни атрофлича, кичик унсурлари билан ифодалаш истаги туғиладики, мазкур хоҳиш ёзувчиликка илк қадам ҳисобланарди. Бу йиллар бўлажак буюк адаб шахсиятининг камолга етишида изсиз кетмаган, аксинча, талабчанлик ва таҳлил асосида улғайиш босқичлари самарали таъминлаган. Шу

йилларда у үзининг биринчи адабий маҳсулотини ёзиб тугатди, қайта ўқиб чиқди, яна ўқиди. Бу «Кечаги кун тарихи» деб номланган, 1851 йил 24 марта содир бўлган воқеа – унинг тоғаси А. Волконскийлар хонадонига ташрифига бағишланган қисса эди. У анча муваффақиятли чиққанди, бироқ орадан етмиш тўрт йил ўтибгина биринчи марта эълон қилинди. Ёзувчининг хоҳиши, асарнинг тақдирни шундай бўлди. Уша йили автобиографик руҳдаги «Болалик» қиссасини ёзиб тугатди. У «Современник» журналиниң 1852 йил 9-сонида босилди. Бу Лев Толстойнинг жамоатчилик эътиборига ҳавола қилинган биринчи асари эди.

Ёзувчининг умрининг сўнгги йилларидағи бир эътирофи эътиборли: «Болалик»ни ёзганимда шундай туюлгандики, менгача ҳеч ким болаликнинг бутун сехрини менчалик ҳис қилмаган ва инсон умрининг бу мусаффо, бегубор даври поэзиясини мендек тасвирламаган эди». Ҳақиқатан, юз саҳифа атрофидаги асарда давр нафаси, унинг ижтимоий, ахлоқий жиҳатдан зоҳирий зиддиятлари ва нафосати, одамлар тақдирни, замон манзаралари бегубор гўдак тасаввурида шунчалик маҳорат билан ифодаланганки, уни чиндан ҳам болалик поэзияси, деб аташ ўринли бўлади – инсон умрининг катта йўл бошидаги мурғак даври бир полотнода мукаммал тарзда акс этган. Бу поэзия кечинмаларнинг таъсирчанлигига, табиатни кўришгина эмас, унда яшашда, борлиқни гўдак тасаввuri билан ҳарир ифодалашда кўринади. Болалигини соғинганлар, унга қайтмоқчи бўлганлар бу хоҳишлиарни «Болалик» қиссасини мутолаа қилиш орқали қондирганликларини мутахассислар кўп таъкидлаганлар.

Ёзувчи архивида «Болалик»нинг тўрт нусхаси сақланар экан. Айтиш мумкинки, адаб уни мукаммал ҳолга келтириш учун тўрт марта қайтадан ёзган. Олимларнинг эътироф этишича, тўрт муқобил вариант-

нинг ҳар бирини мустақил асар деб ҳисоблаш мумкин, фақат уларда ёзувчининг маҳорат даражаси фарқланади. Биринчи нусхада кўпроқ ташқи воқеаларга ургу берилган: омадсиз қурилган оила, «қонунсиз» туғилган болаларининг шафқатсиз ҳаётга дуч келаётганини сезган онанинг фожиаси. Ҳолатлар алманиб турар экан, кечинмалар анча юзаки ифодаланади, кўпроқ ҳаяжон, ифодалар эса анча дағал, бадиийлик саёз. Бу нусханинг муваффақияти – ёзувчиниг характерли деталлардан ўринли фойдалангани ҳисобланади. Кимнингдир сўйлоқ тиши, бурнининг доим қизариб юриши ёки қўлининг жундорлиги ўқувчининг эсида қолади ва ифодалар бу тасаввурни теранлаштириб боради. Кейинги нусхаларда муаллиф ўзи ҳис қилган нуқсонларни бартараф этиб бораверади, таъбир жоиз бўлса, асарини сайқаллади. Турфа манзаралар билан бойитади, тўқима образлар киритади, у(лар)нда ривоя эмас, бадиийлик устувор.

Қисса, умуман, автобиографик характердаги «Ўсмирлик», «Ёшлик» қиссалари Толстой ҳаётининг фотографик нусхаси эмас, ижодий асарлардир. Улардаги воқеалар таржимаи ҳолга айнан мос тушмайди, балки образларни гавдалантиришда, ҳаёт воқеаларини теранроқ акс эттиришда шахсий кузатишларидан фойдаланганки, уларда хотиралар беихтиёр тилга кириб кетиши бор гап. Қолаверса, болалик мавзуси ҳам янгилик эмас эди. Руссо ўз болалигини иншо этганди, рус тарихчиси ва ёзувчиси Карамзин бу мавзуда роман ёзишга киришганди.

Бу асарларини ёзувчи тўрт қисмдан иборат романга айлантиришни ният қилган. Унда инсоннинг шаклланиш босқичи бутун фалсафаси билан акс этиши лозим эди гўё. Толстой талқинича, «Болалик – туйгуларнинг ҳароратли ва қатъийлиги; бу пайтда Яратганга ва яқинларга муҳаббат кучли бўлади. Ўсмирлик – ўйинқароқлик, ўзига бино қўйиш, тажрибасизлик

ва димоғдорликнинг бошланиши; бу ҳислар болаликнинг мурғак кечинмаларини рад этади. Ёшлиқ – гўзал туйғулар оғушида яшаёт, димоғдорликнинг ривожланиши, шу билан бирга ўзига ишончнинг сусайиши; фаолиятда ақлга қулоқ тутилавермайди, «бир ишни қила оламан эмас, қиласман», сингари ҳис пайдо бўлади. Йигитлик – туйғуларда эклектизм (бир-бирига зид кечинмаларни қориштириб юбориш), ғўдайиш ва димоғдорлик ўрнини худбинлик, ўз қадри ва мавқеини англаш, кўп нарсага қизиқиш, дангаллик эгаллайди; туйғуларни баҳолашда ҳаётий тажрибаларга суюна бошлайди». Ана шу мундарижа ёш адабнинг қалами сехри билан бадиий инкишоф этилиши лозим эди, бироқ негадир тетралогиянинг охирги қисми ёзилмай қолади, унинг баъзи мотивлари «Помешчикнинг наҳори» ҳикоясига сингдирилган экан.

Уч қисса рус адабиётида бутунлай янгилик бўлди. Улар билан танишган бадиий жамоатчилик муаллифга қизиқиш билан қараб, уни кўриш, давраларига таклиф қилишни ўйлаб қолди. Толстой кўп масалаларда ўзига хос теран тарихга эга бўлган рус адабиётида биринчи кашфиётчига айланни бораётганди. Аммо унинг асарларининг қиммати фақат биринчилигига эмас, балки мавзуни ўзига хос теран, ижтимоий ҳаёт манзараларини ёрқин ифодалангани, инсон қалбини кашф қилиш борасида чукур назар ва донишмандона мулоҳазалари билан етуклигига, дея баҳоланганди ва шу тариқа адабиёт дунёсида янги шахс пайдо бўлганди.

Ҳақиқатан, тадқиқотчиларнинг таъкидлашича, бадиий тафаккур хазинасида Лев Толстой фақат янги ёзувчи эмас, балки ўзига хос такрорланмас Шахс ҳамдир. Балки ёзувчиликни унинг шахсиятидан ёки шахсиятини ёзувчилигидан ажратиб бўлмас, аммо кейинги йиллар тажрибаси, хусусан, «ҳаммани тенг қилиш»га уринган шўровий тартиблар туфайли шах-

сияти хира ижодкорлар пайдо бўлдики, бу ҳол ёзувчи (умуман, санъаткор аҳли) учун шахсий фазилатлар бирламчи экан, деган хulosага олиб боради, яъни шу қоидани яна бир бор тасдиқлайди.

Тўғри, ўз қарашига, нуқтаи назарига эга одамни йўлга солиш, айниқса, у қабул қилмаган ғояга бўйсундириш мушкул, бироқ ҳаммага ягона этalonни тавсия қилиш охир-оқибатда оломонни, ҳатто пода сурувини юзага келтириши мумкин эканки, бу ҳол ижтимоий фикр тараққиётида, умуман, ижтимоий ҳаёт тадрижида мислсиз фожиаларга сабаб бўлар экан (олайлик, етмиш тўрт йиллик тоталитар тузум шароитида коммунистик мафкурага муқобил бўлган ўзга қарашларга, одатда, улар озчилик бўлади, қулоқ тутилмаган-да. Шу жўн ҳолат қандай силкинишларга олиб келди!?) Буюк шахсларсиз, ҳатто, умуман, шахсларсиз адабиёт таназзули кўз олдимизда гавдалангандা, ўзи сифинган ғояни байроқ қилган, шунинг тантанасига ҳаётини тиккан зотларнинг фожиаси кўз олдимизга келади. Ўзбек адабиётининг етмиш йиллик тарихида бундай фидойилар кўп бўлган. Абдулла Қодирийнинг «Ўттиз йиллик эътиқодимдан воз кечайми?» деган залворли сўроғи давр манзарасини аниқ ифодалайди. Ёки Ойбекнинг нажот истаб боқсан нигоҳларида фақат мунг эмас, нафрат ва надомат акси бўлган. Улар ёрқин шахсиятлари билан ибрат бўлиб қолдилар.

\* \* \*

Шахслар ўз шахсиятларини кашф этиш, шу қираларни ривожлантириб бориш ва намоён қилиш орқали пайдо бўладилар. Қаламкашда шахсият унинг ёзганлари орқали намоён бўлади. Бир машҳур публицист қайд этганидек, олайлик, ёнғин ҳақида ёзган қаламкашнинг бири фақат унинг қандай ловиллаб, чўғланиб ёнганини – ўз эҳтиросларини ифодалайди. Бошқаси ташқи таассуротлари билан бирга унинг са-

баблари юзасидан мuloҳаза юритади. Учинчи бири эса булар ва ёнғин асоратларини қандай бартараф этиш ҳақида фикрни олға суради. Навбатдагиси мазкур фавқулодда ҳолатнинг умумхалқ мулкига етказадиган зарари ҳақида теран мuloҳаза юритиб, давлат даражасида унинг олдини олиш чоралари юзасидан мuloҳаза билдиради, яъни ҳар бир хабарчининг ўз «мен»и, ўз нигоҳи, даражаси бўр. Ана шу қирралар битиклардан-битикларга ривожланиб, шу аснода қаламкаш ҳам чархланиб, қарабсизки, жамиятда ўз дунёқараши ва нуктаи назарига эга, бошқаларга ўхшамаган бир фуқаро (фақир ҳам эмас, бош оғриғи ҳам эмас!) пайдо бўлади. Ҳар бир шахс воқеликнинг умумий манзарасини кўриши билан бирга, ҳеч ким пайқамаган бир қиррасини ҳам назари илғаши мумкин. Шунинг учун, кимларгadir ёқади-ёқмайди – тафаккур ривожини ўйлаб, барча фикрларга қулоқ тутилади (озчиликка алоҳида эътибор билан) ва уларнинг ҳаммаси билан ҳисоблашилади.

Демак, шахснинг камолга етиши учун мўътадил муҳит лозим экан. Мабодо бошқаларникига ўхшамаган фикргина эмас, ҳатто фикрлаш тарзи билан ҳисоблашилмаса, шундай муносабат қарор топмаса, ёзувчининг шахсияти панада қолиб кетаверади. Шахсиятнинг ташқи зоҳирланиши **услубда** намоён бўлади. Ҳамманинг ёзганлари ўхшаш, худди қолипдан чиққандек тасаввур пайдо қилса, шахсий услугуб намоён бўлмайди. Шахсий услугуб йўқми, демак, шахс ҳам йўқ. Тоталитар тузум, аввало, ягона ғояни таклиф қилди ва ҳамманинг унга бўйсунишини талаб этди. Бу талаб энг нуфузли қонунлар билан мустаҳкамланиб қўйилди. Бошқача фикрлашга интилганлар қатағонга учради, чунки бошқача фикрлаш бошқача – қолипларга тушмайдиган, борлиққа бошқача кўз билан қарайдиган ва баҳолайдиган шахс бўлишга интилиш эди. Бошқача шахс эса бошқача фикр билан майдонга

чиқади, бу фикр умумий фикр оқимиға түғри келмас-лиги аник, чунки у шунинг учун ўзини намоён қилишга интилаяпти. Мантиқ кўрсатадики, шахсларнинг пайдо бўлиши тоталитар муносабатларнинг илдизига болта уради, унинг туб моҳиятини фош қилиб, жамиятни үйғотиб юборади ва шу орқали бу тартиблардан воз кечиш фикрини туғдиради. Шунинг учун бу ҳолга – эркин фикрлашга умуман йўл қўйилмаган.

Албатта, манфур тузум юртимиз салоҳиятини яхши билган, шунинг учун ЎзССРга нисбатан бошқа қардош республикаларга ўхшамаган сиёsat қўллаган. Унинг тадрижи, ҳосиласини ўзбек совет адабиёти-нинг ривожланиш даражасидан ҳам билса бўлади: тараққиёт, асосан, пастга қараб кетган. Бунга сабаб – адабиёт аҳли – қаламкашларга нисбатан ярамас, йўқ қилувчи усувлар қўлланилганида. Жумладан, шахсий фикрга эрк берилмаган, демак, шахсларнинг пайдо бўлишига йўл қўйилмаган. Унинг механизми жуда оддий бўлган: ёзувлар синчилаб ўқилган. Ёқмайдиган ғоя, фикр эмас, ҳатто сўзлар ўчириб ташланган ёки таҳрир қилинган (Таникли журналист А. Мелибоев матбуот нозири «Fussaga ботса одам, муҳаббатга суюнгай» сатридаги «Fussa» сўзини «fusul» билан алмаштириб, вазифасини бажарганини аччиқ киноя билан ёзади. «Ризқ дарахти», 165-бет). Ана шундай кулгили, ҳатто шармандали муносабатда ёзувчи ўз услубини топа олармиди, демак, шахслар пайдо бўлармиди? Газеталарнинг инкубатор жўжалариdek бир қолипда чиқиши, асарларнинг бошланишини ўқиб, охирини тушуниб олиш мумкин бўлиб қолгани шундай юзага келган эди-да.

Ўз пайтида Лев Толстой ижодининг аввалида (Руссо ва Стерндан таъсирланиб) ёзганларида «кўнгилга доир» тасвирларга, лавҳаларга кўп урғу берган, бу ҳол бирданига ялтироқ ифодалардан зериккан китобхонлар диққатини тортганди. Кейинчалик у инсон

руҳияти манзараларининг моҳир ва бетакрор рассоми сифатида эътироф этилди, қолаверса, унинг ижодига мангулик тожини кийдирган фазилатлардан бири ҳам шу жиҳат бўлди. Дилга яқин, кишининг эмоционал ҳисларига таъсир этадиган иборалар, лавҳалар бўлмаса, у битиклар мажлис баённомаларидан кам фарқ қилиб қолади.

Яна шу ҳолат ҳам юзага чиқаяптики, адабий-бадиий битиклар (газета хабаридан энг йирик эпопеягача) орқали қалб кечинмалари билан танишмаган, асарлардаги чуқур драматик ҳолатларни ўқиб, улардан таъсиранмаган (кулмаган, йиғламаган) кишининг қалби тошга айланиб, у инсоний туйғулар – соғинч, интиқлик, нафрат, хурсандчилик ва бошқа ижобий эмоцияларни таъминлайдиган ваъдага вафо, ростгўйлик, ҳалоллик, ҳурмат, севги-муҳаббат сингари амаллардан маҳрум бўлиб борар экан. Майда ҳақиқатлар (гўё жамият осойишталигини, фуқаролар тинчлигини таъминлаш, ҳар хил бўлинишларга йўл қўймаслик, ҳаётда барқарорликни ушлаб туриш васвасаси сингарилар)га асир бўлиб, фикр ривожига тўсиқ қўйиш қандай ижтимоий иллатларга доя бўлаётганини тушуниб етиш учун бошқа далиллар ортиқчалик қиласа керак. Ҳалқимизнинг донишмандлиги, ақлу тафаккурига ишонган ҳолда фикрлар хилма-хиллиги, ҳур фикрлиликка эрк бериш, матбуотда (ҳозирча миллий телевидение бу борада ўrnak бўлаяпти) ва адабиётда бу умуминсоний тамойилни қарор топтириш кечиктирилмас вазифа бўлиб қолаяпти. Зоро, мамлакат раҳбари Шавкат Мирзиёев баралла: «Соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлиши мумкинми ўзи?» дея масалани қўндаланг қўйиб турган экан, энди пайсалга солишининг ҳожати йўқ.

Ижодий тажрибамдан келиб чиқиб бир гапни айтишим мумкинки, «Қўрқсанга қўша қўринар» деган-

ларидек, матбуотдаги тақиқ, беҳуда «ҳүшёрлик»нинг умуман замини йўқ: баъзи мақолаларимни таҳдил қилган муҳаррирлар «Бу гапларни ўқиса, фалончилар оёққа туриб кетади, одамлар кӯчага чиқиб кетади» тарзида ваҳима қўзғашган. Айнан ўша мақолалар бошқа нашрларда босилган, тўлалигича китобларимга ҳам киритдим, бироқ бирон жойда тўполон бўлганини ёки кимнингдир менга таҳдид қилганини эслай олмайман. Демак, вазиятдан келиб чиқиб иш тутиш лозим, эски чакмон кийдирилган «дала қоровул»идан қўрқиб, милтиқни ўқлаганча пойлаб ётиш шарт эмас. Ахир фикр тараққиёти ижтимоий тараққиётга йўл очади. Қандай қилиб умуммиллий тараққиётга тўсқинлик қилиш мумкин? Адабиёт ҳар доим жамиятнинг олдинги сафида юриб ривожланишнинг янги уфқларини ёритиб борган. Миллий адабиётимиз янги имкониятлар билан тўлишиб, бундай хайрли ишга шай турибди, албатта.

\* \* \*

Кундаликларидағи ёзувларидан, хатларидан, ҳаётга қарashi – ахлоқий-фалсафий мулоҳазаларидан маълум бўладики, катта юмушларга ўзини чоғлаётган Толстой биқиқ чекка муҳитда қолиб кета олмасди. Ўқиган китобларидан улкан уммонлар нафасини ҳис қилган ёш граф турмуш тарзини ўзгартиришга қарор қиласди. Бу шахсиятини камолга етказиш, ўз куч-қобилиятини кескин шароитларда синааб кўриш истаги эди. Шундай қилиб, Тула губерния бошқармасидаги қисқа давом этган хизматини ташлайди, ўзига паспорт тўғрилайди, аммаси Ергольскаяга ҳам айтмай, Кавказга йўл олади. Мақсади шунчаки хизмат ёки Тифлисда бўлиш эмас, балки ҳаракатдаги қуролли кучлар сафига қўшилиб, рус армиясининг Доғистон ва Чеченистондаги юришларида иштирок этиш эди.

Аравада, кейин Волга дарёсида сузиб, қирқ кунда манзилга етиб келди. Шу билан Кавказда икки йил егти ой қолиб кетди. Бу ерда «Үсмирлик», «Ёшлик» қиссаларини ёзиб тугатди, «Казаклар» қиссанын бошлади (уни орадан үн йил үтиб, 1862 йилда ниҳоясига етказди). Күплаб ҳикоялар ёзди. Күрган-кечирған воқеаларни кундалигыда қайд этишни канда қилмади, үз ахволидан дүстларига, яқынларига хатлар орқали маълум қилиб турди. Бу ёзувлар, жонли таас-суротлар бўлажак буюк ёзувчининг зуваласини пишилди. Ҳаётга ташналиқ билан кечираётган кунлари унинг бутун тақдиррида учмас изини қолдирди. Мўйсафид Кавказ уни ўзининг энг баланд чўққисига олиб чиқди, дейиш мумкин.

Албатта, бошловчи ёзувчининг ўз кредоси (ўлчамлари, тамойиллари) шаклланиб улгурганди. Толстой қалбида миллати, ватанига оташин муҳаббат жўш урар, халқини бутун нуқсону ютуқлари билан жондан севарди. Бу туйғулар ҳар қандай шароитда ҳам уни тарқ этмади, балки ёзувчи умрининг, ижодининг узун йўли кўрсатадики, бу муҳаббат йиллар оша кучайиб, алангаланиб борган. Ана шу ҳароратни унинг ҳар бир сўзидан илғаб олиш қийин эмас. Ўша йилларда ёзган бир ҳикоясида рус солдатининг характеристи ҳақида шундай битади: «Рус солдатининг кайфияти жанубликларнинг бирданига қаҳрамонликка ундовчи оташин ва шаштли ғайратига асосланмаган: унинг руҳини тушириш қийин бўлганидек, алангалатиш ҳам осон эмас. Бунинг учун сунъий аломатлар, нутқлар, жунбишга келтирадиган қичқириқлар, бақир-чақир қўшиқлар-у, барабанларнинг гумбури шарт эмас, аксинча, осойишталиқ, тартиб ва ҳар қандай тарангликнинг бўлмаслиги муҳим. Рус солдати, ҳақиқий рус солдатининг ҳеч қачон мақтанчоқлик қилганини, гердайганини, чалғитишга интилганини, хавф-хатар олдида қизишиб кетганини сезмайсиз: унинг харак-

терида камтарлик, соддалиқ, хавф-хатарни хавфсиз, совуққон ҳолда күриш қобилияти мужассамлашган».

Илк ҳикояларидан бирида келтирилган бу иборалар унинг бутун ижодида қизил ип бўлиб ўтди, жаҳон адабиётидаги энг йирик ҳарбий мавзудаги асари «Уруш ва тинчлик»ни ёзганда шу эътиқодда қолди. У ўзини миллатининг асил фарзанди, деб ҳис қиласар ва бундан фахрланарди. Рус халқининг дунёдаги энг буюк халқлардан бири бўлишини истарди ва шу йўлда курашишни ҳаётининг мақсади деб биларди. Бу халқнинг келажагига ишонарди. Негаки, Голстой Европа халқлари тарихи, маданияти, адабиёти билан чуқур танишган, уларнинг ютуқларини муҳокама қилиб, миллий характерлари билан солиштириб, ўз халқининг устунлик томонларини кўра олганди. Шу туфайли унга, мисол тариқасида оладиган бўлсак, шарқ тилларининг «олис Бухоро» мадрасаларидағи каби «синдириб» ўқитилиш усули ёқмайди ёки 1840 йилда Перовский бошлиқ рус экспедициясининг Хива хонлигига юришидан мамнун бўлган, унинг мағлубиятидан изтиробга тушганди. «Анна Каренина» романидаги эса қаҳрамонлардан бири Хоразмга уюштирилган ҳарбий юришдан қайтганлигини ғурур билан таъкидлайди. Унинг ватанига муҳаббати айрича бир тарзда ҳар бир ишорада бўй кўрсатиб туради.

Умуман, Лев Николаевич рус миллатининг вакили сифатида адабиёт оламида тасодифий шахс эмаслигини илк қадамларидан тасдиқлаган эди. Мутолаа ва тафаккурда эришганларини она тилидаги хазиналарга қиёс орқали бу сеҳрли дунё юзасидан аниқ тасаввурларга эга эди. Масалан, санъат юзасидан шундай мулоҳазаларни баён этади: «Санъатда учта йўл бор. Аввало ўз ботинингга назар сол ва ўзингни кашф қил. Бинобарин, одам борлиқнинг давомидир. Унинг кўзи, териси – булар одам билан олам орасидаги чегаралар эмас, балки туташиш воситаларидир.

Берлиқ бизни ўраб олган экан, ҳар доим бизга ўз чақириқларини жүнатиб туради, шу билан бизни ўзининг бир қисмiga, ўзини эса бизнинг бир қисмимизга айлантиради. Ҳозир биз радиотелескоплар яратаяпмиз: улар оламнинг олис нұқталаридан сигналлар қабул қиласы, у ёқдан тұлқынлар миллион йилларда етиб келади. Астрономик ўлчовлардан қаралса, ботинга йўл - чекланиш, радиосигналларни қабул қилишга ичкаридаги дастгохнинг қитирлаши түсиқ бўлади. Дунёни ўзидан ташқарида, бир воқеа ва ундан юзага келадиган ҳамда тараладиган сигналлар орқали ҳис қилиш мумкин эмас. Биз дуч келган одамлар, шаҳарларни айланиб оқувчи дарёлар, океанлар устидан учеб ўтувчи ракеталар парвози ҳиссиётларимизни кучайтиради, холос.

Иккинчи йўл бор - у анча тор. Шов-шувли воқеалар, саргузаштлар, тўқнашувлар ҳақида ҳикоя қилувчи адабий асарлар бўлганди. Уларда олди-қочдилар биридан бошқасига ўтиб, давом этарди. Шу орқали дунёни ўрганишдан кўра ёзувчиларни услубчи-хаттоллар сингари қабул қилиб, бизни борлиқни янгитдан идрок этишимиздан чалғитарди. Таассуфки, ўрта асрлардаёқ Шарқда «Ҳамма хаттоллар аҳмоқдир» дейишган.

Учинчи йўл бор: ўзини кенгайтириш, бу радиотелескопларни ўрнатишига интилишdir». Толстой Стерндан бироз ўзгартириб, шу ўринда иқтиbos келтиради: ўз атрофингда муҳаббат тўрини ёйиб ташлаши, унга ҳамма ўралиб қолсин.

Уч йўл, аслида, адабиётдаги уч даражада эди. Унинг биринчиси - амалда бўлган, кўпчиликнинг ҳаёт тарзига айланган олам. Унда ижодкор ўзини топиш ҳаракати орқали дунёни кашф қиласы, бошқа сайёralардан сигналлар кутади. Тобора кенгайиб бораётган тириклик уфқида ўзини излашдан тўхтамайди.

Яна бир даражаки, фақат олди-қочдилар, уриқитлар амалда бўлади, бу жуда осон йўл, унда ин-

соннинг туйғулари билан ҳисоблашилмайди, уни ҳаракат бошқаради. Ҳаракатлар эса шафқатсиз ва беаёв. Уни кузатган (ўқиган, томоша қилган) одам ким-кимга етиб олиши, ўлдириши, алдаши, ўч олиши, умуман, ташқи борлиқ билан қизиқади, аммо қалбida нима туйғулар кечаяпти, шу қилиқларини тарозига солиб кўраяптими, аслида у ҳам одамми ёки темир парчаси – бу билан иши бўлмайди (Айни шу кунларда урф бўлган бестселлерлар худди шундай «санъат» асарлари). Толстой бундай асарларни «аҳмоқ ҳаттотлар ижоди» дея баҳолайди.

Унинг танлови эса учинчи йўл. Бу ҳозиргача кашф қилинган чегаралардан чиқиш, инсон қалбига йўл, тे-ран ботиний туйғулар оламига назар, уни кашф этиш эҳтиёжи. Толстойда бу жараён – моҳиятнинг туб илдизигача етиш, ҳаёт маъносини англаш шундай кечди-ки, жаҳон адабиёти тарихида камдан-кам ёзувчилар бундай суръат, қатъият ва иштиёқни намойиш қила олганлар. Ўша йиллардаги қайдларидан бирида: «Мен бир йил олдин қандай бўлганман – тасаввур қила олмайман» деб ёзган эди. Бу Толстойнинг доимий ўсиш ва руҳан юксалишда беназир эканини кўрсатади. Таъ-бир жоиз бўлса, ўтаётган вақт уни кўндалангига эмас, аксарият тиккасига улғайтиради. Иван Бунин ҳам яқин кишилари гувоҳлигида шундай суҳбат бўлиб ўт-ганини келтиради: «Қизик, сен бугун бошқачароқсан, эртага бошқа одам бўлиб қоласан, қарашларингни доимо ўзгартириб турасан», деганларида у «Қарашларни ҳар доим ўзгартириб, энг яхшироғига интилиб туриш лозим» дея жавоб берган экан.

Тадқиқотчилар таъкидлайдики, Толстой бутун умри давомида дунёни англаш ва ўзгартириш қону-ниятларини тушунишга интилди. У дунёни аввало англаш (тушуниш), сўнгра ўзгартиришга киришиш лозимлигини тушуниб етди.

\*\*\*

Акаси Николай хизмат қиладиган ҳарбий бригада Кавказ корпуси таркибида эди. Атрофдаги манзаралар нотаниш, ҳатто қўрққинчли туюларди. «Бу ерга қандай тушиб қолдим? Билмайман. Нима учун? Буни ҳам». Кундалигида 1 июнь куни шундай ёзув қолдирди. Кунлар ўтган сари кўз ўнгидаги ҳақиқий ҳаёт манзаралари очилиб борди: одамлар ўзича тўқ яшайди, вазмин, мағрур. Аёллар учи тумтоқ бошмоқ кийишади, юзларини ўраб юришади. Улар турган жой билан Кавказ тоғи тизмаларини Терек дарёси ажратиб туради. Шундай қилиб, Кавказ руҳи ва севгиси унинг навқирион қалбига ўрнаша бошлади. Лекин ҳаёт зерикарли эди. Ҳамма ўз иши билан банд. У хотираларга берилди, севиб қолган қўхликкина қизни эслади, унга атаб, соғинчли ва ҳазилнамо шеърий хатлар ёзди.

Вақт етарли эди, фурсат борлигидан фойдаланиб, Россия тарихини ўрганиб билдики, «ярим ёввойи мусулмонлар» яшайдиган бу хилват жойларга дастлаб қадам қўйган рус ҳарбийларини «казаклар» деб юритишаркан. Шунинг учун ҳам ўзининг ушбу таассуротлари асосида яратилган илк йирик асарини «Казаклар» деб атади ва Оленин образида шахсий кечинмаларини ифодалади. Унинг тафаккурида таассуротлар қоришиқ ҳолда акс этар, таянч нуқтасини топиш осон эмас эди. У бу ерда турк тамакисини тортиб қўрди, лўлилар билан танишди, овда қатнашди.

Кавказга тасодифан келиб қолди, тасодифан узсқ ушланиб қолди, тасодифан ҳеч бир даражасиз ҳараратдаги армияда хизмат қилди. Буларнинг ҳаммаси аралашиб кетди ва «Казаклар» қиссасини ўн йил давомида эпақага келтириб ёзди (Олдинга кетиб айтиш мумкинки, буюк ёзувчининг Осиё, умуман, Шарқ, мусулмон дунёси ҳақидаги тасаввурлари ёрқин бўлмаган. Бу унинг масалага, биринчидан, ўша пайтда урф бўлган рус киборларига хос назар билан юқо-

ридан қараганидан бўлса, иккинчидан, бу ўлканинг ҳақиқий тарихини, шунингдек, мусулмончиликнинг моҳиятини теран тушуниб етмаганидан ёки буни хоҳламаганидан бўлса керак. Бу ҳолни «Истиғфор» – «Иқорнома» асаридан ҳам билса бўлади. У дунё ҳикматларини тушунишга интилади, бироқ унинг шарҳини топа олмайди. Ҳолбуки, бу хазина бизнинг ота-боболаримиз маънавий меросида мавжудлигини яхши биламиз).

Толстойнинг Кавказда туришидан бош мақсади ҳаракатдаги армия сафида бўлиб, ҳарбий юришларда қатнашиш эди. Бу ёшида унинг урушга муносабати анча мураккаб, чалкаш эди. Табиатан жанговар бўлган, болалик чоғлариданоқ ўз кучини қийин ва фавқулодда ҳолатларда синаб кўришга иштиёқманд йигитнинг, албатта ўз имконияти ва иродасини уруш даҳшатларида ҳам тарозига қўйиб кўриш истаги мавжуд эди. Аммо уни босқинчилик урушлари қизиқтирилмасди; уларни шафқатсизликни қоралагандек ёмонларди. Жанг майдонида бўлгач, думбул тасаввурлари бутунлай ўзгариб кетди. Урушларнинг ҳеч ким айтиб бера олмайдиган ва тушунмайдиган қонунлари бор эди.

Акасини (Николай яхшигина ёзувчилик қобилиятига эга бўлиб, уни анча эрта намоён этганди. Унинг «Кавказда ов» очерки тезда қўпларнинг эътиборига тушган, кейинчалик Тургенев эса «Николай Николаевичнинг буюк ёзувчи бўлишига фақат камчилик етишмайди» дея эътироф этганди) артеллерия бригадаси билан ҳарбий лазарет иҳотасига юбориши. Левга маҳаллий халқ ҳаёти билан танишиш, улар турмушини кузатиш, одамлар билан мулоқотда бўлиш имкони юзага келганди. Унинг мавҳум тасаввурлари тобора ойдинлашиб борди. Воқелик энг оддий ҳаёт манзараларидан ҳам ҳикмат излашга ундарди. Бу ёзувчининг ички истакларига айни мос эди. Атрофда

сокин бир тарзда икки қарама-қарши куч – борлик ва йўқликнинг кураши кечётганини, бу бўхронни се-зиш ҳам унча осон эмаслигини, шунингдек, туғилиш қанча жўн бўлса, ўлим ҳам оддий воқеа эканлигини англаб ета бошлади. Чечен қишлоқларидан бирига ўюнтирилган тунги ҳаракатда қатнашди, унинг таас-суроти асосида «Босқин» деган ҳикоя ёзди. Уни ҳаёт ҳақиқати ўз измида тарбиялаётганди.

Барибир ҳаракатдаги армияга ўтиши чўзилиб кетаётганди. Сентябрь ойида Тифлисга йўл олди. Йўл шундай жойлардан ўтар эдики, бу бир пайтлар Пушкин, Грибоедев ва Лермонтовни кузатиб қол-ган манзиллар эди. Ўқиганлари ва кўрганларининг ҳамоҳанг таассуротлари унинг қалбида ҳам фуқа-ролик, ҳам ижодкорлик ҳисларини жўштирас, шу жойларга қадами етган тақдиридан ифтихор туряди. Кейинчалик Пятигорскка ўтди. Мақсади даволаниш эди. Шаҳар унга қадрдон хонадонидек туюлди, уни Пушкин, Лермонтов асарлари мутолаасидан яхши биларди.

Кавказдан 4 июль куни ўша пайтда энг машҳур бўлган Николай Некрасовнинг «Современник» жур-налига қўлёзмасини жўнатган эди. Унга мактуб илова қилиб, «Мен ишонаманки, ўз мансабига кўра ёзувчи-лар ва ўқувчилар ўртасида кўприк бўлиб турган Рос-сияда энг тажрибали ва ҳалол муҳаррир ҳар доим қўл-ёзмаларнинг ютуғини ва эълон қилиш-қилмасликни холис кўра олади. Менинг кичкина илтимосим шуки, уни бажаришга озгина вақтингиз кетади, уни босиш-га яраш-ярамаслигини айтсангиз, маъқул бўлмаса, қайтариб юборсангиз» деб ёзди. Кейинги кун Нек-расовдан жавоб олди. Хат жуда қисқа эди: «Ёзувлар шунчалик қизиқки, мен уларни эълон қилмасдан тура олмайман. Давоми борлигини билмасдан бир нарса дейишим қийин, барибир, менимча, унинг муаллифи-да иктидор бор». Толстойнинг бу асари мазмуннинг

оддийлиги ва ҳаққонийлиги билан эътироф этилади. Маълумки, бу «Болалик» қиссаси эди ва у журналнинг 9-сонида эълон қилинади. Бу ютуқ уни жамоатчиликка тез танитади, ҳушёр одамлар бирданига янги овоз пайдо бўлганини сезадилар. Муваффақият эса Толстойда ўзига нисбатан талабчанликни яна ҳам кучайтиради. Унинг эътиқоди шундай эди.

Ўз аъмолининг ёруғ нуқтасини кўрган Лев Николаевич Кавказдаги ҳарбий хизматдан истеъфо олиш фикрига тушади. Шундай қилиб, муддатли айрилиқдан кейин 1854 йил февралида яна Ясная Полянага қайтади. Ака-укалар қадрдон хонадонда учрашадилар, бир кечани хотиралар билан ўртоқлашиб, сомон устида ухлаб ўтказадилар. Кўп ўтмай, прaporщик дарражасига эга бўлган Лев Толстойни ҳаракатдаги армияга чақиришади. Дастреб Дунай армиясида, ноябрда эса Қrimга ўтказилади, шу жойда машхур Севастополь ҳимоясида иштирок этади.

Севастополга етиб келгач, акаси Николайга ҳаяжон билан шундай деб ёзган: «Ҳарбийларнинг кайфияти ҳар қандай таърифга сиғмайди. Бундай қаҳрамонлик руҳи қадимги Грециядан кейин ҳеч жойда учрамагандир. Корнилов сафларни айланиб юриб «Салом, йигитлар!» дейиш билан бирга «Йигитлар, жонни бериш лозим бўлса, берасизми?» дейди. Ҳарбийлар бараварига қичқиради: «Ўлимга ҳам тайёрмиз, жаноби олийлари, ура!» Бу ясамалик эмас, балки ростлиги ҳамманинг юзидан билиниб турарди. Ҳақиқатан, 22 минг киши ўз сўзининг устидан чиқди». Россия тарихида турк, француз, инглиз бирлашган армиясига қарши бўлган бу муҳораба катта ҳақиқатларга йўл очган. Кейинроқ Татьяна Ергольскаяга шундай деб ёзди: «Ёнғин ичидаги қолган шаҳар устида француз байроғини кўриб, йиғлаб юбордим».

Рус армияси енгилгач, бутун мамлакат оёққа қалқсан, миллий туйғу жўш урган, шармандали мағлу-

бият ор-номус ва ғуур-ифтихорни жунбишга келтирған. Кўп ўтмай, император Николай I сирли равища вафот этади. Унинг ўлими сабабларидан бири сифатида шармандаликка чидай олмай, ўзини ўзи ўлдирган ҳам дейишади. Мамлакатда янги тўлқин кўтарилади, ҳамма нарса вижданан тафтиш қилиниб, миллатнинг шаън-шавкатини кўтариш юзасидан кураш бошланади.

Лев Толстой ана шундай кўтарилишга сабаб бўлған воқеалар ҳақида «Севастополь декабрда», «Севастополь майда», «Севастополь 1855 йил августда» сарлавҳали ҳикояларини ёзди. Уларда оддий одамлар қалбига жўш ўрган ватанпарварлик, қаҳрамонлик туйғуларини ёрқин ифодалаб, ҳалқнинг бардам ва ғалабага муносиб руҳини тараннум этди. Ҳикоялар орқали нодир иқтидоринигина эмас, буюк муҳаббатини ҳам намоён қилди. Бу асарлар мазмуни, ёзувчининг бадиий маҳорати жиҳатидан ҳеч муболагасиз рус адабиётини янги поғонага кўтарди. Шундан кейин Россияда бўлганидек, рус адабиётида ҳам кўзғалиш юзага келди.

Севастополь ҳикоялари ҳақида гапирганда мутахассислар унинг икки қиррасига алоҳида урғу берадилар. Рус адабиётида шу пайтгача ҳали ҳеч ким урушни бунчалик борлиғи – жами даҳшати, фожиаси, адолатсизлигини бутун бўй-басти билан тасвирламаган эди. Толстой фақат ўзига хос назар ва муносабат билан урушнинг, урушларнинг бутун вайронкорлигини очиб берганки, уни ўқиган ҳар бир эсли-хушли одам «Бунча қон тўкишлар, ноҳақликлар, зўравонликлар нима учун?» деган оддий инсоний сўроққа боради ва урушнинг нақадар беҳудалигини, ортиқчалигини ҳис этади. Мантиқ шундаки, у ўзини келтириб чиқаргандарни («отаси»ни) ҳам аяб ўтиrmайди, ўшаларни ҳам бир патрон ёки қилич сирпови билан маҳв этади. Урушда ғолиблар ва мағлублар бўлмайди, унда ҳамма курбон, ҳамма нарса қурбон қилинади. Ана шундай

совуққон муроҳазалардан сўнг унинг сабаблари ҳақида фикр қилиш мумкин бўлади. Ана шунда урушларни келтириб чиқарувчи сабабларга йўл қўймаслик бора-сида бош қотирилади.

«Севастополь ҳикояларининг қаҳрамони – Ҳақиқат» деб эътироф этганди ёзувчининг ўзи. Тадқиқотчилар эса бу аксиоманинг турли қирраларини кашф қилдилар. Дунёда урушларга йўл қўймаслик, уларни жиловлаш руҳи пайдо бўлди. Ҳикояларнинг иккинчи муҳим жиҳати шуки, улар эълон қилингач, катта-кичик – ҳамма баравар рус адабиётида ҳали кўрилмаган, мислсиз иқтидор пайдо бўлганини тан олди. Севастополь ҳикоялари янги бир буюк ёзувчи-ни яратди.

Шу билан Лев Толстойнинг бадиият оламига за-фарли сафари бошланди.

\* \* \*

Уруш майдонларида ҳам адабий анжуманлардан алоқасини узмаган Лев Толстойни ижодий зиёлилар кўплаб саволлар билан ўз давраларида кутардилар. «Болалик»дан сўнг «Ўсмирлик» ҳам «Современник»да эълон қилингач, унинг муҳлислари янада кўпайди. Некрасов билан бир қаторда журнал ходими Иван Тургеневдан ҳам хат олди, у ўз эътирофини изҳор қилиб, энди хатларни ўзининг ёки Пановнинг номига жўнатишини сўраган.

Саволларнинг аксарияти, шубҳасиз, рус армиясининг шармандали мағлубияти сабаблари юзасидан бўлиши тайин эди. Мамлакатда авж олган бошбошдоқчиликлар армияда ҳам ёйилганини Толстой ўз кўзи билан кўриб келган эди. Солдатлар ўртасида зўравонлик, ўғрилик авж олганди, ғурури пажмурда бўлган офицерлар қўшинни жасоратга руҳлантира олмасди. Бу ҳолатларга Толстой гувоҳ бўлди ва кундалигида, хатларида шафқатсизларча ҳаққоний акс эттирди.

Дастлаб очерклар (аникроғи, иштирокчининг хотирилари) тарзида қоғозга туширилган Севастополь ҳикоялари катта шуҳрат қозонди, жамоатчилик ҳарбий қўмондонларнинг ҳисоботларига эмас, ёзувчининг битикларига ишонадиган бўлдилар. Улар Толстой номини машҳур қилиб юборди, тор хонада қамалиб ёзилган бадиий асарлар ўзининг ҳаққонийлиги билан юзлаб мутахассислар тузган ҳисоботлардан афзал қўрилди.

Ана шундай машҳурлик қанотида Толстой 1855 йил 19 ноябрда Петербургга келади ва Тургенев билан учрашади. Шундай қилиб, ўзича камолга етган иқтидор эгаси адабий давраларга аралашади ва кейинчалик унинг тўридан жой олади. Петербургда Тургеневдан ташқари Некрасов, Гончаров, Дружинин, Писемский, Фет, Тютчев, Салтиков-Шчедрин, Островский, Чернишевский сингари аллақачон танилган йирик ёзувчилар билан учрашади, уларнинг сұхбатларидан баҳраманд бўлади. Бу зотлар кейинчалик «руss адабиётининг олтин асли» деб аталган даврнинг олтин устунлари бўлиб танилди. Албатта, уларнинг ўзаро муносабатлари анча мураккаб кечган. Буни Толстой кундаликларида очиқ эътироф этган.

Шуниси аниқки, бундай давраларда жон сақлаш осон эмасди, шунингдек, улар сафида бўлмаслик ҳам мумкин эмасди. Адабий муҳит шундай зиддиятни енгигб ўтишни талаб этарди. Жумладан, унинг Тургенев билан муносабатлари жуда чалқашиб кетди. Гарчи ижоди юзасидан энг ёрқин фикрларни биринчи бўлиб изҳор қилган бўлса-да, Чернишевский билан чиқишиб кета олмади. Бетимсол истеъдод эгаси бўлган бу ёш йигитнинг қарашларини унча-бунча киши ҳазм қила олмасди. Толстой Фет (Шеншин)ни жуда қадрларди, баъзан унинг ва Тютчевнинг шеъриятини Пушкиндан ҳам устун қўйган пайтлари бўлганди.

У ўз услубида – худди катта ёшли одам ёш болага қизиқарли воқеани яна ҳам қизитиб сўзлаб бера-

ётганидек, босиқ, вазмин, ҳар бир майда-чуйдани эсдан чиқармай, аксинча, уларга салмоқли юк бериб, тингловчисини маҳкам «этагидан тутиб», ингичка сўқмоқлардан етаклаб манзилга олиб боргандек, изчил баён ва ёрқин тасвир билан кўплаб асаллар ёзди. Улар: «Помешчикнинг наҳори»ми, «Ўрмон кесиш»ми ёки «Икки гусар»ми – ҳар бири янгилик, кашфиёт сифатида кутиб олинди. Тургеневдан бошланган янги тўлқин Толстой ижоди билан такомилига етиб борарди.

Албатта, янги ёзувчининг ilk муваффақиятлари адабий давраларни ҳам бепарво қолдирмайди. Ҳамманинг уни қарсаклар билан кутиб олгани ёки истеъодига баравар қуллуқ қилганини тасаввур қилиш қийин, аммо у ҳар қандай иккиланишларга чек қўйиб, мислсиз куч билан майдонга чиққани ҳам бор гап. Боз устига ижтимоий муҳитда урушдаги мағлубиятдан сўнг хушёрик кучайган, инқироздан чиқиши йўллари изланаётган эди. Нажот воситаларидан бири эса одамлардаги ватанпарварлик ҳисларини жўштириш эдики, шу маънода Толстойнинг оҳорли ёзувларига ижтимоий буюртма ҳам бор эди. Тақдир унинг истеъоддини бутун кўлами билан намоён бўлишига йўл очиб бераётганди гўё.

Муҳитда юзага келган эркинлик шароити қулочи кенг қўйиб фикр юритишини тақозо қилса, миллат келажаги учун хизматда камарбаста бўлган журнallар эркин фикрларнинг минбарига айланганди. Умуман, ижодий парвозларда икки омилнинг вобаста келиши: жамиятда қарор топган эркинлик муҳити ва эркин фикрларга эҳтиёж тараққиётда янги уфқларни очиши ўша давр рус муҳитидан исботини топиб, тарихда қолди.

\*\*\*

Албатта, одамнинг мубҳам, чекланган туйғулардан халос бўлиши учун дунё кезиши яқиндан ёрдам беради. Бир мақолда қурбақа бутун дунёни ўзи тушиб қолган кудук сифатида тасаввур қилиши айтилади, у шунинг учун шодонлигидан тинимсиз қурулларкан. Умри қўй суруви ортидан ўтган қирқ ёшдан ошган чўпон бир қир нарида ҳам қишлоқ борлигини кўриб, «У-ху, дунёning тўри кенг экан-да» деган экан. Сафар қилиш ёки четдан меҳмонларни чорлаш муҳитга тоза ҳаво олиб киришдек баҳоланади. Тоза ҳаво таъсирида зеҳнлар очилади, кўз олдида янги уфқлар намоён бўлади, шуларнинг таъсирида бачкана туйғулар эриш бўлиб қолади...

1856 йилнинг ноябрида ҳарбий хизматдан бутунлай истеъфога чиққан Лев Толстой икки ойдан сўнг хориж сафарини ихтиёр айлади ва олти ой давомида Франция, Швейцария, Шимолий Италия, Германияни кезиб чиқди, қадимги қитъанинг энг дурдона ёдгорликларини зиёрат қилди, санъат ва маданият манзиларига ташриф буюрди, буюк зотлар билан суҳбатлар курди. Парижда кўпроқ театр ва музейларда бўлди, университетларда маъruzалар тинглади. Шу ерда даволанаётган Иван Сергеевич Тургеневни бориб кўрди. У билан хайрлашаётиб, беихтиёр йиғлаб юборди. Кундалигида шундай ёзган экан: «У мени бошқа одамга айлантироқчи ва айлантираяпти ҳам». Ҳар ҳолда у дамлар Тургеневни меҳр билан яхши кўрган бўлса кепрак.

Катта майдондаги гильотина орқали ўлим жазосининг ижро этилиши унга шунчалик қаттиқ таъсир қилдики (кейинчалик ҳам бу манзара кўз олдидан кетмайди, шундан умр бўйи ўлим ҳақида васвасали хаёллардан воз кеча олмайди), тезда Парижни тарк этиб, Швейцарияга йўл олди. Бу гўзал юртни пиёда кезди. Леманда икки ой яшади. Тадқиқотчилар бу юрт

ҳақидаги йўлномаларини унинг энг яхши асарлари қаторига қўядилар. Унинг севимли муаллифларидан Руссо ёшлигида Альп тоғлари этакларида сайр қилганди, шу жойларни Толстой ҳам ихлос билан босиб ўтди. Германияда Некрасов билан бирга яшади. Рафаэлнинг «Сикстин мадоннаси» сурати асли сақланадиган Дрездендаги галереяга икки марта ташриф буюрди. Шу кунларда ёзилган «Люцерн», «Альберт», «Уч ўлим» сингари ҳикоялари, кичикроқ ҳажмдаги «Оилавий баҳт» романлари унтутилмас таассуротлари орқали янги руҳий таҳдиллар, сюжетлар билан бойиди. Уларда инсонни ҳакиқий ҳаётга тайёрлаш учун қандай тарбиялаш юзасидан теран мулоҳазалари ажралиб туради.

Сафардан қайтиб, гоҳ мулкида, гоҳ Москвада яшади. Оғир касаллик билан хорижда даволанаётган акаси Николайдан хабарлашиш учун 1860 йил ўрталарида синглиси Мария (у Валерьян Толстой билан ажрашганди) ва унинг болаларини олиб, яна чет элга чиқди. Бу гал тўққиз ой давомида мамлакатларни кезди, олдин ташриф буюрган жойларидан ташқари Англия ва Бельгияда бўлди. Инсонни қандай тўғри тарбиялаш юзасидан туғилган саволларига жавоб излаб, кўпроқ педагогика билан қизиқди. Мактабларда, тарбия муассасаларида бўлди. Лондонда Александр Герцен<sup>1</sup> билан учрашди. Аллақачон мутафаккир сифатида тан олинган ёзувчини у чуқур ҳурмат қиласарди. Диккенснинг тарбия ҳақидаги маърузаларини тинглади, файласуф Прудон билан узоқ мулоқотда бўлди. Польяк инқилобчиси Лелевелнинг ҳаётий қарашлари уни чуқур ўйга толдирди. Қайтишда Берлинни ўн кун кезди, турли тоифа одамлар даврасида суҳбатлар

<sup>1</sup> Бутунлай публицистикага мансуб, саккиз дағтардан иборат, қарийб минг саҳифани ташкил қилувчи А. Герценнинг «Былое и думы» («Кечирмишлар ва кечинмалар») китоби XIX аср рус ҳаётининг кўзгуси ҳисобланади. Уни ўқиб чиқмай, биронта рус ўзини зиёли, деб ҳисобламайди, ижодкорлар қулига қалам тутмайди.

курди, уларнинг ички кечинмалари билан қизиқди. Шаҳардаги хунармандлар клубида ташкил қилингани «Саволлар қутиси» унга жуда ёқди. Немис ёзувчиси Ауэрбах ва олим-педагог Дистервег ҳузурига ташриф буюриб, уларнинг гурунгидан баҳраманд бўлди. Бу саъй-ҳаракатлар унинг шахсиятини юксалтириди, маънавий ташналигини қондирди.

Кўрганлари Толстойни жамоатчилик ишларига руҳлантириди. Крепостной тузум бартараф этилган бўлса-да, рус деҳқони ҳамон ҳуқуқсиз ва noctor ҳолда кун кечирарди. У қишлоғида ўз ҳисобидан мактаб очди ва одамларга маърифат улашиш, аввало, уларни саводли қилиш мақсадида «Ясная Поляна» педагогик журналини таъсис этди. Ўзи тажрибаси ва кузатишларидан келиб чиқиб, «Алифбе» («Азбука») китобини тузди. Китоб шунчалик машҳур ва талабгир бўлиб кетди, у доналаб эмас, пудлаб сотиладиган бўлди.

\* \* \*

Китобхон! Ҳозиргача битиклар буюк зотнинг шаклланиш тамойиллари, шахсиятининг қирралари, унинг ўз-ўзига ва борлиққа муносабати юзасидан бўлди. Атрофидаги одамлар, фаолият қирралари: хўжалик юмушлари, икки марта Европани айланиб келгани, урушни кўргани, адабий давралар ҳам уни тушуниш ёки тасаввур этишда экран вазифасини бажариши мумкин. Гапнинг индаллосини айтганда, Лев Николаевич жами жонзотларга амр этилган, инсонда эса энг юқори маънавий-ахлоқий даражада воқе бўладиган бир масалада ҳозир нозир турар, ҳатто бироз кечикаётганди. Бу – Толстойнинг уйланиши.

Қозоқ халқида бир ҳикматли гап бор экан: одам ҳаётининг уйланишгача бўлган қисми – умр, уйланишдан кейинги ҳаёти – тақдир. Теранроқ үйлаб қаралса, халқ донишмандлигининг жўн бир ижодидек туяловучи бу гапда чуқур мазмун яширинганди. Одам

уйланишгача умр кечиради, яъни ўзи қандай хоҳласа, шундай яшайди; ҳақиқатан, бўйдоқ одамнинг ихтиёри ўзида, билганини қилади, ҳеч ким олдида (ота-онадан ташқари) мажбурияти йўқ. Умрнинг бу палласи ҳурлик даври (шунинг учун эр қилмаган қизларни «хур кетди» дейишаркан-да). Уйлангандан (ёки турмуш қургандан) кейин эса ўзбекча қилиб айтганда «ола хуржун бўйинга осилади». Энди бу ёғи кўпроқ ўзингга эмас, пешонангга боғлиқдек (гўё). Энди кўзга кўринмас қонунлар амал қилади, энди ўзингча тузган режаларингга тез-тез ўзгартиришлар киритилади, жиловнинг бир тарафи бошқанинг қўлида. Балки шу ҳолатни тақдир, деб атаганлар.

Лев Николаевич асосан аёллар хоҳиш-иродаси билан ҳисоблашиладиган кибор жамиятда вояга етди. Кейинчалик қайд этганидек, ўша асрнинг 40-йилларида жамиятда аёлларга илоҳалардек қараш, энг тоза туйғуларни уларда кўриш, муомала-муносабатда эр-какларнинг жавонмардлиги ва аёлларнинг назокати устунлик қилган. Кўнгил майлларига ошуфталиқ эркак-аёл муносабатларида кўпроқ эҳтиросларга кулоқ тутиш, яъни юрак билан яшашни талаб этганга ўхшайди. Табиий майллар эса гўзал борлиқда жўшиб, ўз тасдифини кутарди. Толстой биринчи севгиси (агар гўдакликка хос бул ҳавасни шундай аташ лозим бўлса) 13-14 ёшлирида япроқ ёзганлигини, Соня Калошинага ҳеч учрамаган ўзгача бир ҳиссиёт билан муомала қилганини, ҳатто ўз кечинмалари ҳақида роман ёзмоқчи бўлганини қайд этган. Ўсмир ёшида эса Тула губернясидаги кўшнилари Арсеньевнинг қизи Валерияга нисбатан шундай ўзгача ҳисни туйган. Кавказ сафари давомида йўлда Зинаида Милостовани учратиб қолиб, унга нисбатан ҳам сирли туйғуларни ҳис қилган, унутиши қийин бўлиб, анча қийналган, ҳатто шеърий хатлар ёзган. Мулкида ҳукмфармолик қилиб юрганида дехқон аёллар (аксарият ялангоёқ) далада,

күз олдида бугун табиий гүзаллигини намойиш қилиб меңнат қилишарди. У Аксинья Базикинани севиб қолган, муносабатлар анча чүкүр кетген, фақат хоҳишига қарши, дворян бўлгани учун оддий аёлга уйлана олмасди.

Ууман, ҳаётдан гўзаллик истаган ва унга интилган одам сифатида унинг хаёlinи ўғирлаган тенгдошлари кўп бўлган. Тушунтириб бўлмайдиган, ҳам соғинч, ҳам айрилиққа мойил, бир вақтнинг ўзида эркалаш ва нафратланиш қоришиб кетган кайфият сабабчилари кишини борлиққа ўткир назар билан қарашга ўргатади, ҳаётнинг ранг-баранг манзараларига етаклаб олиб киради. Буларсиз одам ўзини улғайганман, деб айта олмайди. Гўё она қучоғи ёки оила бағридан очиқ майдонга чиқиб қоласан, сени шамоллар музлатади, одамлар тениб ўтади, кимлардир алдайди, кулиб йиғлайсан, йиғлаб куласан ва шу қайноқ қозон тафти билан пишасан – мустақил ҳаётга тайёрланасан. Толстой ҳаётида ҳам тириклиқ ҳикматларидан сабоқ берган турли даражадаги муносабат соҳибалари бўлган. Масалан, отасининг тенгдоши Т. Ергольская аёл қалби юзасидан энг интим сирларини ҳам у билан баҳам кўрган бўлса, яна бир аммаси, император Николай I саройида уй муаллимаси бўлиб хизмат қиладиган Александрина Алексеевна (Толстойдан 9 ёш катта бўлган) ҳам уни энг яқин дардкаши деб билган, адабиёт одами сифатида аёл кўнглини теран тушунишига қатъий ишонган ва қалбини очган. Ҳаётда учраган замондошлар унинг асаллари қаҳрамони сифатида гавдаланганини ҳам мутахассислар таъкидлашади. Лўли қиз Катяning «дўрдоқ лаблари, дўмпайган кўкраги» ўсмирлик хаёлларига човут соглан бўлса, кейинчалик ўткир характерли қаҳрамони Катя Масловада унинг қайсиdir чизгилари мужассам бўлгандир. Таассуротлар ўз йўли билан, тақдир бу ёқда хукмини бошқачароқ ўқиб қўйган экан.

Шундай қилиб, 1862 йил 24 сентябрда Москвада унинг уйланиш тўйи бўлиб ўтди. Келин тараф – қайнота Андрей Евстафьевич Берс тажрибали врач бўлиб, аристократлар даврасида ўзига яраша обрўга эга эди. Унинг бобоси Иван Австрия армиясида хизмат қилган, ўғил Евстафий меросга эгалик қилиб, Кремлга яқин жойда дорихонаси бор эди. У Вульфret хонимга уйланиб, ўғли Андрей туғилади. Андрей Москва университетининг медицина факультетини тугаллаб, Иван Тургеневлар оиласи билан уй шифокори сифатида Францияга йўл олади ва Парижда икки йил яшайди. 1845 йил дворянлик даражасини олиб, соғлиқни сақлаш муассасаларида, жумладан, театрларда врач сифатида ишлаб юради. У аёллар даврасининг ёқимтойи сифатида анча шуҳрат қозонган эди. Андрей Берс помешчик Исленьевнинг қизи Соняга уйлангач, дунёга келган қизлари Лиза, Соня, Софьяни юксак маърифатли қилиб тарбиялашга зўр беришади. Дворянлар Толстой ва Берслар оиласи Москвада кўшни яшашар, ўзаро яқин муносабатда эдилар.

Фарзандлар ўртасида эса чалкаш робиталар содир бўлганди. Левга бошида Лизани узатмоқчи бўлишди. Яхши маълумотли, оғир-босиқ қизнинг «Ясная Поляна» журналида иккита мақоласи («Мұхаммад» ва «Лютер») чиқсан эди. Сингиллар ўртасида кўзга ташланмайдиган рақобат кетарди. Соня қисса ёзганлигини маълум қилади. Доим юксак идеалларни излаган ва ўзидан қониқмаган Толстой 6 май куни кундалигида шундай ёзув қолдирган экан: «Берслар хонадонида кун мароқли ўтди, аммо Лизага уйланишни хоҳламайман». 22 сентябрда эса «Лиза Берс мени йўлдан урайти, лекин у ўйлаган нарса бўлмайди – ҳисоб-китобнинг ўзи етарли эмас, менда қизиқиш йўқ». Кейин Соняни севиб қолади. Барibir зиддиятли кайфиятдан воз кеча олмайди. 23 августда кундалигида бирданига шундай ёзув қолдиради: «Ўзимдан кўрқиб кетаяпман,

наҳотки бу севиши хоҳиши бўлса-ю, севги бўлмаса. Мен унинг фақат салбий томонларини кўришга ҳаракат қиласман, барибир у ўзига хос. Гўдак! Ухшайди». Соня ўзи ёзган қиссани ўқиш учун Толстойга беради. 26 августда таассуротларини совуққонлик билан шундай ифодалайди: «Қиссани этим жимиirlамай ўқиб чиқдим. Маълум гаплар ва соддаликнинг ифодаси. Уни мавҳумлик қийнайти. Кўнглим тинчиди. Булар мен ҳақимда эмас. Меҳнат ва хоҳишнинг қондирилиши, холос».

28 августда эса шундай ёзган: «Бугун 34 га тўлдим. Одатдаги ғамгинлик билан ўрнимдан турдим. Ишладим». Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, Софья Андреевна-га фақат бош ҳарфларини қўйиб («Анна Каренина»да шундай лавҳа бор) хат ёзди. Унинг мазмуни шундай эди: «Сизнинг ёшлигингиж ва баҳтга ташналигингиз менинг ёшим улуғлиги ва баҳтга муюссар бўла олмаслигимни жуда жонли ифодалаб турибди». Давомидан Софья Андреевна шундай эслайди: «Хатни ўқидим-у, юрагим шундай қаттиқ уриб кетди, томирларимда нимадир портлагандек бўлди. Юзларимдан ўт чиқиб кетди – мен замонда ҳам, маконда ҳам эмас эдим. Шулаҳзаларда мен гўё ҳамма нарсага қодир, бутун борлиқ бағримда эди, дунёнинг ҳамма сирини тушуниб етгандек эдим. Кейин Лев Николаевич яна ёза бошлади. Унинг мазмуни бундай эди: «Сизнинг оилангизда мен ва опангиз Лиза ҳақида ёлғон гаплар юрибди. Шунингдек, мени опангиз Танечкадан ҳам ҳимоя қилинг». Мен унинг катта, қирмизтоб қўлларига тикилиб туарар эдим ва менинг бутун қобилият ва қувватим, энергиям ана шу қўлларда мужассамлашганини сезиб қолдим». Уларнинг тўйи кутилмаганда тезлашиб кетди. Ота Андрей Евстафьевич фақат Толстойнинг Лизага уйланмагани ва аниқ бўлиб қолган сепни Соняга жўнатмаганидан афсусланиб қолди, холос. Ёш келин-куёв орадан кўп ўтмай, кузнинг шаррос қуйган

ёмғири остида Москвани тарк этишди ва Ясная Пол-янага йўл олишди. Шу билан Лев Толстой ва Софья Андреевна Толстаянинг саргузаштларга бой тақдирি бошланди. Ўшанда келинпошша ўн олти ёшда эди.

Толстойнинг муҳаббат, умуман, оиласидан бахт ҳақида ўз қарашлари, мезонлари бўлган. Бу ҳолни уни ўнлаб бадиий қаҳрамонлари тақдирни орқали ҳам билиш мумкин. Қолаверса, шоҳ асарларидан бири «Анна Каренина» романининг бош фикри - «Бахтли оиласидан ҳаммаси бир-бирига ўхшайди, бахтсиз оиласидан эса ҳар бири ўзича бахтсиздир» деган сўзлар миллатлар ташкилотининг пештоқига ёзиб қўйилмаган бўлса-да, ҳар қандай фуқароликка хос муҳокамами, тадбирми - ҳар бирида янграйди. Бахтли оиласидан умумийлиги, бахтсизликнинг бир-бирига ўхшамаган фожиалари нафақат Толстой қаламида, у яратган образлар қисматида, балки ёзувчининг шахсий ҳаётида ҳам муҳр бўлиб қолди.

Ҳар нарсада кузатилганидек, оила масаласида ҳам Толстой жуда талабчан бўлган. Унинг эътиқоди – ўзи бутун вужудини бериб севса, унинг севгилиси ҳам шунга мос бўлиши лозим. «Мен қанчалар севсан, мени ҳам шундай севсинлар» дейди у. Мазкур талаб, аслида, кутилганидан ҳам анча баланд, ҳатто чегарасиз эди. Шунингдек, бу истак худбинларча, ўз шартларини эълон қилмай, у тарафдан ҳамма нарсани кутишга ўхшаб кетарди. Ҳолбуки, у тарафнинг ҳам ўз инжиқлеклари, талаблари бўлиши мумкин ва бу ҳол унивидан ҳам ортиб тушиши эҳтимоли бор. Оиласидан масалада Толстой қарашларининг бошқа бир қирраси – тез-тез иккиланиш, ўз фикрида собит турмай, уни ўзгартиравериш – беқарорлик ва шунинг орқасидан кутилмаган муаммоларга йўл қўйиш бўлган. Замондошларидан бирининг «Толстойнинг бахтсиз бўлишига сабаб унинг дунёқарашидир» деганида тамомила ҳақ бўлиб чиқади. Софья Андреевна билан қовушишининг

кутилмаган суръат ва сифат олиб кетиши шундан эмасми?

Софья Андреевна маълумотли, яхши тарбия топган, гўзал аёл бўлган. У эрини жондан яхши кўрган, истеъдодини қадрлаган, айниқса, хўжалик ишларини бошқаришда унинг қобилияти кучлироқ намоён бўлган. Бу масалада граф Толстойга ортиқча юмуш қолмаган. Лев Николаевични тушунишга ҳаракат қилиш билан бирга жами яхши кўрган аёллар каби эрини қаттиқ рашк қилган. Бунинг учун эса сабаблар етарли эди ва бу даҳмаза Толстойлар хонадонида кўп можароларнинг келиб чиқишини таъминлаган. Эр ҳам хотинини қизғанганд, уни рашк қилган. Эрнинг «қораси» юқиб, бека ҳам кўнгил хоҳишига эрк бергани, Москва консерваториясининг ректори, машҳур созандা Иван Сергеевич Танееевни ўзига яқин туттганлиги ҳақида етарлича қайдлар учрайди (бу воқеани «Крейцер сонатаси» қиссасида акс эттирган, ундаги Трухачевский мусиқачининг прообрази бўлиши мумкин). Гарчи аёл ректорга хатлар ёзган, у билан танҳо учрашиш истагини билдирган бўлса-да, ахлоқан юксак даражада тарбияланган Таееев бу таклифни қабул қилмаган. Умуман, у аёлларга бепарво бўлган экан.

Ана шундай зиддиятлар ичida ҳаёт давом этган, гоҳ изтироб, гоҳ шодлик. Софья Андреевна оиласда намунали уй бекаси бўлиш билан бирга меҳрибон она эди. У ўн беш марта ҳомиладор бўлган, болаларининг қўпи гўдаклигигидаёқ қизамиқ, чечак сингари касалликлардан нобуд бўлиб кетган бўлса-да, уларнинг сулоласи бардавом бўлиб, бугунги кунларгача умргузаронлик қилмоқда. Оилавий зиддиятлар, келишмовчиликлар ҳам «Толстойча» бўлган. Ҳаёт мазмунини тўқлик ва фаровонликда деб билувчи одам (хотин) ва гуманист шахс (эр)нинг моддий бойликка муносабати бир қолипдан чиқмасди. Толстой асосан оддий одамларни ўйлаган бўлса, тежамкор бека си-

фатида она болаларини бекаму күст яшashi устида күпроқ бош қотирган. Икки хил қарап эр-хотин ва ота-болалар ўртасида ихтилофларни келтириб чиқарган, ҳатто баъзи фарзандлари отаси билан ёвлашиб қолган эди.

Айниқса, Толстойнинг 1881 йилгача нашр этилган асарлари қалам ҳақидан ихтиёрий воз кечиши оиласдаги зиддиятларни чуқурлаштирган ва охир-оқибат унинг хонадондан чиқиб кетишига олиб келган. Бойлик талашиш улуғ бир зотни ҳам, машхур оилани ҳам хароб қилган. Бутун дунёни баҳтли қилишни хоҳлаган одамнинг шахсий баҳтга эриша олмагани ҳаётнинг оддий манзараси. Тадқиқотчилар Лев Толстой ўзига қандай тақдирни истаган бўлса, шуни танлади, қандай аёл истаган бўлса, уни топди, бу Софья Андреевна эди. У генийнинг турмуш ўртоғи сифатида унинг учун лозим шароитни тайёрлаб берди, аммо ўзи учун оддий баҳтни топа олмади, деб ёзишади. Ўша кунларнинг шарҳи Софья Андреевнанинг саккиз жилдан иборат «Менинг ҳаётим» мемуарида жуда теран ифодаланган ва ушбу хотиралар Толстойлар ҳаётини тадқиқ этган мутахассислар учун қимматли манба бўлиб қолган.

Ўша йиллар бошида Лев Толстой машхур асарлар яратса ҳам ўзининг чинакам ҳаёт билан дуч қилмаган ва уни ўзгартиришга имкон бермаган умридан норози эди, энди эса ўзига насиб этган тақдирни, сирли ҳаётни инкишоф этиб борди. Ҳаёт эса бутун ҳақиқатини кейинги йигирма йиллик тинимсиз меҳнати орқасидан намойиш этди. У мислсиз кашфиётлар арафасида турарди. Гўё бой тарих ва анъанага эга рус адабиёти чуқур-чуқур нафас олиб, оламшумул бадиий ихтироларга мунтазир яшарди.

\* \* \*

Толстой уйланиб олгач, (бизнингча) кўнгли тинчиб, узоқ йиллардан буён юрагигатугиб юрган улуғни-

ятларини амалга оширишга киришди. Уни Декабристлар ҳаракати түлқинлантира, бу воқеликни бутун алифбоси билан оммага намойиш этишни жуда истарди. Шу мақсадда «Декабристлар» номи билан роман ёзишга киришганди, ижодий ишлари юришмади. Кейинроқ гапни 1805 йиллардан, шу оламшумул ҳаракатни юзага келтирған ижтимоий муҳитни тасвирлашдан бошлаш фикри туғилади. Энди йўл беихтиёр 1812 йил воқеалари билан кесишарди. Маълумки, шу йил Наполеон бошлиқ француз армияси Россияга бостириб кирган, бу бухрон бутун тирикликни остин-устун қилиб ташлаганди. Мантиқ ўз-ўзидан Ватан уруши тарихини ўрганишни тақазо қиласарди. У ватани тарихидаги икки муҳим ҳодиса – 1812 йилги ғалаба нашидаси ва ўзи гувоҳ бўлган 1856 йилги мағлубият изтиробини ҳис қилиш имконига эга эди.

Ана шунда Лев Толстой вужудида ботинда бўлган улкан двигатель ишга тушиб кетади, у иштиёқ ва ҳафсала билан архив ҳужжатларини варақлаш, хроникаларни титкилаш, жонли иштирокчилар билан учрашиш, уруш бўлиб ўтган жойларга қадам қўйиш ва одати бўйича таассуротларини кундалигида мунтазам қайд қилишга киришиб кетади. Бу юмуш уни ўзига шунчалар оҳанрабодек тортиб кетадики, бутун борлиқни, ҳатто келинлик тўшаги совимаган Софья Андреевнани ҳам унутади. Изланишлари давомида турли ҳақиқатларга дуч келади. Уларнинг аксарияти Россиянинг қудрати ва рус миллий характерини намоён этган, дунё аҳлида бу бепоён ва сокин диёрга нисбатан эътиборни уйғотган бетимсол воқелик – Улуғ Ватан уруши ҳали ўзининг нафақат тўла, ҳатто чинакам ифодасини топмаганини тасдиқлаб, балки эслатиб турарди. Ёзилганларнинг кўпи чала ёки далиллар бир-бирини инкор этади.

Бундай миллий лоқайдлик қаршисида иқтидори тобора яшнаб кетаётган салоҳиятли ижодкор сукут

сақлаб тура олмасди. Она халқига муҳаббат, рус тарихига ҳурмат уни қўлига қалам олишга ундаиди ва енг шимариб, жадал ишга киришди. Дастлаб у бу юмушини тез, ҳатто жуда тез уддалайман, деб ўйлаганди, бироқ воқеалар уммони уни ўзига шунчалик маҳв этиб кетдики, натижада, беш йилдан ортиқ чинакамига тер тўкишига тўғри келди. Тадқиқотчилар бу йиллар ёзувчи Лев Толстой учун энг юқори октавада, бутун кучи ва салоҳиятини ишга солиб ишлаган маҳсулдор йиллар бўлганини қайд этишади. Албатта, бундай фил ҳам чидай олмайдиган меҳнатга дош бериш учун қанчалик куч, ирода, сабот-матонат кераклигини чамалаш қийин эмас. Толстой шахсиятида камол топган яратувчилик куввати бу синовга охиригача матонат билан чидаб берди, шунингдек, унга халқ, ватан, миллат севгиси куч ато этди ва бу издиҳомда Толстой даҳоси тўлалигича намоён бўлди, шундан сўнг жаҳон адабиётининг «Илиада», «Шоҳнома», «Хамса», «Отелло» сингари бетимсол асари юзага келди.

Ёзувчи «Уруш ва тинчлик» устидаги ишини 1860 йилларда «Декабристлар» номи билан бошлаган бўлса-да, ижодий режалари тўлишиб, унга чинакамига 1863 йилда киришади. Софья Андреевна 23 февралда опасига ёзган хатида Толстой янги роман бошлаганини мамнуният билан хабар қилган. 8 марта синглиси Марияга ҳам ёзувчининг ўзи қисқа қилиб «Роман ёзаяпман» деб айтган. У дастлаб «Бир минг саккиз юз бешинчи йил» деб номланган ва бошланиши «Русскийвестник» журналининг 1865–1866 йилги элти сонида эълон қилинган. Кейинчалик асар номини «Уч замон» тарзида ўзгартириш фикри туғилган. Яна уни «Яхши тугаган нарса яхши» шаклида номлашни ҳам хоҳлаган. Ниҳоят, 1867 йилда «Уруш ва тинчлик» номи танланган. Ёзувчининг фикрича, «мир» (тинчлик) сўзи кенг маънони (борлиқ, олам) ифодалashi лозим эди.

Бу йирик асар устида иш ана шундай талабчанлик ва таҳрирлар билан давом этган. Фақат унинг номланиши эмас, ҳар бир жумла, лавҳа, қаҳрамонлар ҳаракати, тақдири, қолаверса, исми қайта-қайта ўзгартирилиб, ёзувчининг ўз таъбири билан айтганда «миллионта(!) муқобилдан бири танланиб», сайқалланиб борган. «Уруш ва тинчлик» ёзувчининг ҳаётлик вақтида беш марта қайта-қайта нашр этилган, аммо ҳар бир нашр бир-бирининг айнан такорори эмас, улар ҳатто 30–40 фоизгача янгиланиб чоп қилинган. Толстой кўнгли тўлмагунча ўзгартираверган, ҳар бир ўзгариш эса худди марваридга ишлов берилганда ялтирайвергани сингари асарни «очиб» бораверган. Шоҳидларнинг гувоҳлик беришича, бу жараёнлар журнал корректураси ўқилаётган, ҳатто журнал саҳифаланаётган пайтда ҳам тўхтамаган. Энди бутунлай тайёр бўлди, дейилганда ҳам катта-катта ўзгаришлар киритилаверган. Қайноқ жараёнларда ҳам гранканинг ўзида бутун-бутун хатбошилар, ҳатто саҳифалар қайта ёзилаверган. Булар шунчаки муаллифнинг инжиқлиги ёки икканиши эмас, чинакам ижодий жараён бўлган, яъни таҳрирлар матнни яна ҳам бойитган ёки сайқаллаган.

Албатта, романнинг журнал нусхаси ўқувчиларга етиб борар экан, миллий адабиётдаги бу янгилик ҳушёр рус жамоатчилигини бепарво қолдирмайди. Турли нашрларда унга муносабат билдириб борилади ва фикрлар ҳам ёзувчи томонидан қабул қилиниб, тегишли ўзгаришларга сабаб бўлади. Қайд қилинганидек, асар нафақат кенг масштабли баталистик асар, балки тарихий воқеликка муносабатда ҳам янгилик эди. Кўплаб хроникалар, тарихий қайдномаларни кўздан кечирар экан, Толстой уларда ғалабани таъминлаган рус руҳи йўқлигига амин бўлади ва йилномаларнинг совуқ саҳифаларидан Фили қишлоғида кечган муҳим ҳарбий кентгаш – Москвани ташлаб чиқиш ёки уни охиригача ҳимоя қилиш афзаллиги юзасидан

кечган ҳаёт-мамот баҳсларидағи ҳароратни топмоққа интилади ва уни оддий аскарнинг зоҳиран сокин, ботинида гурлаб турган ватанпарварлик туйғусидан тоғади. У бир асарида ёзган эди: «Славян халқларининг тақдирини буюк. Беҳудага унга ана шундай осуда қалб күввати, шундай буюк соддалик ва лоқайдларча ўз кучини ҳис қилмаслик берилмаган!» Манбалар таҳлили оддий аскарнинг этик пошинаси етиб бормаса, ҳар қандай ғалаба таъминланмаслигини тасдиқлаган эди. Бастионларда ҳеч нарсадан бехабар, ҳатто бу суронларнинг моҳиятини ҳам тушунмай, минглаб одамлар азиз умрларини ўқса топширадилар, уларни бирор эсламайди ҳам. Ҳолбуки, ғалаба суронлари ана шу миллионлар лабида мангу қотган табассумнинг гулдуросидир.

Ёзувчи буюк қалби билан ана шундай ҳақиқатларни инқишлиф этди ва бу асар қаҳрамонлиги абадий, номи эса номаълум рус аскари хотирасига ҳайкал сингари боқий қолди. Унда тарихий шахслар билан бирга кўплаб тўқима образлар ҳам акс эттирилганки, баъзан қўмондонлар дунёсига сифмаган ҳақиқатлар оддий аскар сўзи билан намоён бўлади. Албатта, унда Михаил Кутузов (машҳур лашкарбошининг фамилияси туркийча «қўтос» сўзидан олинганини ва Султон Жалолиддиннинг қондошларидан бири Сайфиддин Кутуз бўлганини эслатиб қўйиш ортиқча бўлмайди, деб ўйлайман)нинг буҳронни қайтарган тоғдек келбати воқеалар гирдобида барага бўй кўрсатиб туради. Ёки ярим дунёни безовта қилган ғалваларни бошлаган «жиккак жаҳонгир» Наполеон Бонапартнинг оламгирилик фалсафасининг ноҷорлиги бутун илдизи билан фош қилинади. Умуман, асарда беш юздан ортиқ катта-кичик қаҳрамонлар бадиий ифодаланганки, уларнинг ҳар бири ўз қиёфасига эга ва ҳар бири ёзувчининг ҳаёт ҳақидаги қарашларини шунча кўзгудан акс эттиради.

Шундай қилиб, 1869 йил охирида, ёзувчида декабристлар ҳақида асар ёзиш фикри туғилганидан ўн уч йил ўтиб, романнинг охирги китоби ёруғлик юзини кўрди. Бир вақтнинг ўзида айрим таҳрирлар билан шу йил унинг иккинчи нашри амалга оширилди. 1873 йилда эълон қилинган учинчи нашрда Толстой асар матнига сезиларли ўзгаришлар киритди. Ўзига ортиқча туюлган кўплаб ҳарбий, тарихий, фалсафий мулоҳазаларни чиқариб ташлади. Эпопеяни ўқиган китобхонлар унда французча матнлар кўпайиб кетганидан оғринган эдилар. Ёзувчи бу фикрга муносабат билдириб, мазкур услубни ёзувчининг «инжиқлиги» деб баҳолаган ва русча, французча матнлар воқелик руҳини тўла тасаввур қилишга ёрдам беришини таъкидлаган бўлса-да, уларни олиб ташлашга мажбур бўлди ва асар олти китобдан тўрттага келтирилди. 1886 йилги нашрда олдин қисқартирилган мулоҳазалар яна тикланди ва кейинги барча нашрлар шу асосда амалга ошириладиган бўлди.

«Уруш ва тинчлик» эпопеяси ҳаёт қатламларига теран кириб борган кенг қамровли асар. Аввало, улардаги бадиий образлар ўзининг ёрқинлиги билан ўқувчини сеҳрлаб кўяди. Улар тимсолида мужассамлашган ҳар қандай хислатни ёзувчининг сеҳрли қалами шунчалик ёрқин ифодалайдики, натижада, китобхон ўзи кўриб, гувоҳ бўлиб юрган ҳаётнинг чукур қатламларига шўнғиб кетади, олам, тириклиқ, инсон фаолияти юзасидан чексиз мулоҳазаларга берилади. Бугун эпопеяда акс этган инсон синоатлари юзасидан эмас, уларни Толстой қандай ифода этгани юзасидан кўпроқ бош қотирилмоқда. Асарнинг замонавийлиги ва боқийлигига тан бермасликнинг иложи йўқ. Гарчи воқеалар кескин шароитларда (асосан, уруш майдонларида) кечса-да, биз ундан тинч, осуда кунларнинг моҳиятини ҳам топамиз, ўша муаммоларни бугун ҳам атрофимиизда ҳис этамиз.

Буюк санъаткор асарига қарийб бир юз эллик саҳифалик «Хотима» ёзган. Тўплар овози тинди, отишмадан қизиб кетган милтиқ қўндоқлари совиди, қурбонлар ерга топширилди – мислсиз издиҳом поёнига етди. Энди анча ўзидан кетган «жувонмарг одам» ҳувиллаб қолган жанг майдони четига чиқиб, нафас ростлади-да, беихтиёр «Ўзи, бу бухрон нимага керак эди?» деган сўроқ қўйди. Таъбир жоиз бўлса, «Хотима» ана шу саволга жавоб! Унда инсоният буюк фарзандларидан бирининг «дунёни қандай қилиб тинч ва осуда сақлаш мумкинлиги юзасидан» донишмандона фикрлари акс этган. Жумладан, Толстой ёзади: «...бир савол туғилади: тарихий шахсларнинг ҳамма фаолияти омманинг истак-иродасини ифода этадими ё унинг маълум томонларини ифода этадими? Агар баъзи бир тарихчилар ўйлагандек, тарихий шахсларнинг бутун фаолияти омманинг истак-иродасини ифода этса, унда саройлари ғийбат, бўхтон билан тўла бўлган Наполеонлар ва Екатериналарнинг таржимаи ҳоли халқлар ҳаётининг ифодаси бўлиб хизмат қилган бўлардики, дунёда бундан бехуда гап йўқ; агарда иккинчи хил сўхта тарихчи файласуфлар ўйлаганидек, тарихий шахс фаолиятининг маълум томони омманинг ҳаётини ифода этса, унда тарихий шахслар фаолиятининг қайси томони омманинг ҳаётини ифода этишини аниқлашдан олдин халқ ҳаётининг ўзи nimадan иборатлигини аниқлаш керак».

Мавриди келганда мулоҳаза қилиб кўрсак, «халқ ҳаётининг ўзи», дейлик, боқимандаликка (масалан, кам таъминланган оиласа сигир берилади, тезда у хат ёзади: «Бизни сигир боқишига пичанимиз йўқ, пичан жўнатинглар») ёки мутеликка (муттасил сўкишга ўрганиб қолган қоровул бир кун раҳбар унга раҳм қиласа, хафа бўлади: «Мени ишдан бўшатдингизми? Бугун сўкмадингиз») асосланган бўлса, аввало, одамни хароб қиласидиган нуқсонлардан халос бўлмагунча юксак

инсоний қадриятлар ҳақида гапириш жоиз бўларми-кан, аниқроғи, тинглаганлар муддаони тушунарми-кан? Ҳаётдаги янгиланишларни англақ етмаган бун-дай зотлар тарихий юксалишларга олиб борувчи ҳа-ракатларни қабул қила олмаслигини инобатга олиш лозим бўлади.

«Уруш ва тинчлик» эълон қилингач, дунё бади-яти оламида портлаш юз берди, дейиш мумкин. Олам аҳли бу бебаҳо асарни ўз тилларида ўқиши орзу қи-лишарди. 1879 йилда уни И. Паскевич француз тили-га ўғирди. Шундан кейин Германия, Дания, Америка, Англия, Венгрия, Голландия, Чехия, Швеция, Болга-рия, Сербия, Италия, Испанияда нашр қилинди, шу би-лан эпопеяниң дунё бўйлаб сафари бошланди. Аммо уни барча қатламлар ва китобхонлар бир хилда кутиб олган деб бўлмайди.

Консерватив қараашдаги адабиётшунос, собиқ ма-ориф вазири, ватан уруши иштирокчиси, академик А. Норов 1868 йилдаёқ роман орқали ўзининг ва-танпарварлик туйғулари ҳақоратланган, деб билди. Ёшлигига кўчабезори бўлиб, қариганда муллага ай-ланган князь П. Вяземский эса асарни «1812 йил-га лаънатнома» (1869) дея баҳолади ва Толстойни «каллакесар» деб атади. Булар қотиб қолган ақида-даги кишиларнинг мислсиз ҳақиқат қаршисидаги довдирашлари эди. Эпопея ҳақиқати тантана қил-ди, у миллионлаб кишиларнинг эътирофига сазовор бўлди. Машхур немис ёзувчиси Стефан Цвейг «Қачон уни ўқисанг, бутун борлиқни унутасан, дераза орқали қарасанг, фақат унинг ҳаққониятига кўзинг тушади» деса, улуғ рус ёзувчиси Максим Горький адаб маҳора-тига юксак баҳо бериб, қайд этади: «Образлар худди жонлига ўхшайди, кўлингни узатсанг, бармоқларинг уларга тегиб кетадигандек бўлади». Иван Тургенев эса 1880 йилда «XIX аср» деган француз газетаси муҳарририга ёзган хатида баралла шундай деган эди:

«Бу буюк ёзувчининг буюк асари, мана бу – ҳақиқий Россия».

\* \* \*

«Уруш ва тинчлик» бадиј қомусининг муаллифи ёзади: «Эркинлик ва зарурат масаласини ҳал этиш мунозарасида бу масалани ҳал этган билим соҳалари олдида тарихнинг устунлиги шундаки, унинг нуқтаи назаридан қараганда бу масала инсон иродасининг асли моҳиятига эмас, балки бу ироданинг ўтмишда ва муайян шароитда қандай зухур этиш ҳақидаги тушунчага тааллуқлидир». Демак, мабодо зарурат сифатида биринчи ўринда моддий эҳтиёжларни қондириш (мисол тариқасида) қўйилса, маънавий-руҳий (негаки, тарозининг бир палласида моддийлик, иккинчисида руҳонийлик туради) эҳтиёжлар эркинликни таъминлайдиган омилдир, яъни одам қанчалик моддий заруратга берилса, шунча эркинлигини йўқотади. Лев Толстой ҳам буни тасдиқлаб, шундай ёзади: «Ҳамиша бирор фаолиятда қанча кўп эркинлик кўрсак, шунча кам зарурат кўрамиз, қанча кўп зарурат кўрсак, шунча кам эркинлик кўрамиз», яъни бу икки тушунча бир-бираiga тескари пропорционал – бири ошса, иккинчиси ўз-ўзидан камайиб кетаверади. Жамиятни бошқаришнинг оддий бу қоидаси бизни ўз асоратида тутиб турган бир юз эллик йиллик тузум ижодкорларига маълум эди ва фақат моддий эҳтиёжларни қондиришга уриниб, шу билан маънавий бойлик – миллий ғурур, тарих, ватанпарварлик, маънавият ва бошқа руҳоний хазиналардан маҳрум этиш (тўсиб қўйиш) сиёсатини кўллади.

Социализм ўз ғояларини амалга оширишга киришиб, динни бутунлай қоралади, хусусий мулкка йўл бермади, шу орқали жамиятнинг барча табақалари ни тенглаштиришга интилди. Бош мақсади эса одамзод жамоасида янги тоифани – «коммунист инсон»ни

яратиш эди. Етмиш йилдан зиёдроқ вақт бу хаёлларнинг уйдирмалигини исботлаган бўлса-да, тузум ва у яратган тизимлар патарат топиб кетган бўлса-да, бу машъум тажриба нималаргadir эришиди.

Йўқсиллар жамиятининг гуллаган пайтида энг кам иш ҳақи – 70 сўм эди, унга 5 халта (75 кг) ун ёки 2-3 та костюм-шим, шунингдек, 10-15 жуфт оёқ кийими харид қилиш мумкин эди. Ана шундай «тўкинлик»-дан воз кечилганининг сабаби эса қорин тўқлиги ёки уст-бош бутунлигидан анча баланд талаб эди. Ундан моддий муҳтоҷлик эмас, маънавий мажруҳлик мерос қолгани бор гап. Бу ҳолни ўзбекча бир мақол билан жуда чиройли ифодалаш мумкин: «Қорнимга эмас, қадримга йиғлайман!» Социализм доҳийлари гўёки «тарвузни қовунга айлантиromoқчи» бўлишган эди, бу ҳар жиҳатдан мумкин бўлмаганидек, уларнинг ғояси ҳаётда амалга ошиши ҳам мумкин эмасди. Жўмладан, «инсониятнинг янги тузилмаси» – совет ҳалқини барпо қилиш вассасаси билан бутун қадриятларга ўт кўйилди, миллатлар, ҳалқлар ўз қиёфасини йўқота бошлиди. Аслида эса худди биологик қонуниятлар амал қилганидек, «пайвандтаг пайвандни қабул қилмади» – одамлар азалий илдизларига интилавердилар ва охир-оқибат ҳамма хомхаёллар пучга чиқди.

Демак, мустақилликка олиб келган йўл – фақат тўқ ва фаровон яшаш эмас (албатта, бу омил ҳам зарур, балки жуда зарурдир), асосийси – руҳий янгиланиш (қулаган тузум сингдирган ғоялардан ҳалос бўлиш), бунинг учун эса фикрни, тафаккурни ўзгартириш эди. Мантиқ шуни тақоза қиласардики, ёш, мустақил давлат фикрий тозариниш, мафкуравий янгиланиш билан ўз мақсадларига эриша олади. Масалан, фуқароларда она тилига муҳаббат бўлмаса, унинг қоидаларига заха етади, бу жараённинг олди олинмаса, бориб-бориб у йўқолади. Тилнинг йўқолиши – миллатнинг йўқолишидан бир белги. Ёки ёш мамлакат фуқароларида шу

ватанни жондан севиш, унинг келажаги йўлида таъмасиз, фидойиларча хизмат қилиш туйғуси сингдирilmас экан, улар давлат ғазнасини ўғирлашдан ҳам тап тортмайдилар, бюджетдан хайрли ишларга сарфланиши мўлжалланган маблағларни ўзлаштирадилар. Иқтисодий қийин шароитда бу ҳол оғир аҳволда ётган bemорга тирик қолиши учун берилган қонни шифокорнинг симириб ичиши ёки тўкиб ташлаши (умуман, хиёнат қилиб, bemорнинг ўлимига сабабчи бўлиши)дек гап. Тарихда буюк давлатлар фуқароларини боқиб, бўрсикдек семиртирганлари билан эмас, тафаккурнинг юксалгани билан муҳрланиб қолган. Негаки, моддийлик – ўткинчи, руҳ эса абадийдир.

\* \* \*

Лев Толстой ижодида машҳурлиқда монументал «Уруш ва тинчлик»ни ҳам орқада қолдириб кетадиган бир асар бор. Бу «Анна Каренина» романидир. Иккинчиси биринчисидан фарқ қилиб, бутунлай маиший мавзуда. Бу ҳақда ёзувчининг ўзи шундай деган экан: «Нихоят, менинг фикрим жуда аниқ бўлди. Шундай қилиб, «Анна Каренина»да оиласвий тафаккурни эъзозлаган бўлсан, «Уруш ва тинчлик»да 1812 йилги урушдан кейинги халқ тафаккурини улуғлаганман». Албатта, тарихий воқеалар оқимига тушиб қолган Толстой бирданига йўналишини ўзғартирган. «Уруш ва тинчлик» келтирган машҳурлик қанотида жадаллик ва иштиёқ билан Пётр I даврига доир кенг планли асар ёзишга киришади. Унинг табиати шундай эдики, ҳар қандай воқеа-ходисани бутун кўлами билан ўзлаштиргагунча, тасаввур қилмагунча тўла иштиёқ билан ишга кириша олмасди. Ўша замонларга оид ўттиз беш лавҳадан иборат юз саҳифадан кўпроқ қоғозни қоралаб қўйгач, воқеалар мавҳумлашиб кета бошлайдими ёки 170 йил олдин бўлиб ўтган мозий асрорларидан Ясная Полянадаги кўл узатса етадиган

турмуш икир-чикирлари тортиб кетадими, бирданига замонавий мавзуда қалам тебратиш фикри пайдо бўлиб қолади. Ҳакиқатан, атрофида қизиқ ва жозибали ҳодисалар кечётганди. Буларнинг бир чети қайлиқ Софья Андреевна билан ҳам боғлиқ эди.

Софья Андреевна эрининг ўтмишидан шубҳалана бошлаганди. Мулкларига ёш, чиройли қиз юмуш истаб келганда, унга пол артишни буюради. Қишлоқдан келган болиқа хотинлар ҳам бор эди. Улардан бири, албатта, ғайирлик билан қош учирганча пол юваётган Аксиньяни кўрсатиб, шу «хўжайнинг маймоғи» эканини эслатиб қўяди. Тушида бегона аёлни кўриб, изтиробда юрган бегойим душманини қўли билан тутиб олгандек бўлади ва ўт ичидаги қолади. Эпопея ташвиши билан ижодий ишларга шўнғиб кетган Толстой хотинига етарли эътибор кўрсатмай қолган, бу эса жиддий эътирозларга сабаб бўларди. Софья Андреевна кундалигида шундай ёзади: «Левочканинг қархисида ўзимни қўтирилдек сезаман. У менга эътибор қилмайди. Тўғри, уни тушунаман, унга халақит бергим келмайди. Аммо менга алам қиласигани унинг учун мен йўқолдим. Менда эса унга нисбатан олдингидек рашк туйғуси тинчлик бермайди». Толстой осмонида эса ой балқиган, илҳом париси уни ойдин уфқларга олиб кетарди. Унинг кундалигидан: «Айни дамда ой мени шундай юксакликка қўтардик, буни ҳеч ким била олмайди».

Умуман, маиший ҳаёт манзаралари таниқли ёзувчини домига тортиб кета бошлади. Үрим мавсуми даврида деҳқонлардан бири хотинини рашк қилиб, ўроқ билан қорнини ёриб ташлади. Қотилни излаб борганиларида уни темирйўл изидан топишди. Ўзини поезд тагига ташлаган, икки бўлинниб ётарди. Толстойнинг ўзи ҳам вокзалда поезд босиб мажақлаб кетган аёл жасадини кўрди. Бу полковникнинг қизи, эрининг иккинчи марта уйланганига чидай олмаган княгиня Анна Степановна Пирогова (Зикова) эди. Мазкур воқе-

алар Толстойни жиддий ўйлантириб қўяди, у эр-хотин муносабатларининг интим жиҳатлари мавзусида «Крейцер сонатаси», «Сергий ота», «Шайтон» сингари қиссаларини ёзади. Бу асарлар жамоатчилик томонидан қизғин кутиб олинади, турли фикр-мулоҳазалар айтилади. Суҳбатларда мавзу юзасидан янги-янги тафсилотлар тилга олинади. Шунингдек, Петр I ва унинг маъшуқаси Софья ўртасидаги муносабатларни тўлиқроқ тасвирлаш мақсадида материаллар тўплар экан, аёлнинг жамиятдаги ўрни, воқеалар гирдобида ўзини йўқотган аёлнинг қисмати, умуман, никоҳнинг моҳияти ҳақида теранроқ мулоҳаза юритиб қўради ва бу борада бадиий асар шаклида айтиладиган гаплар етарли эканини англаб етади.

1870 йил қиши анча совуқ келади. Ясная Полянага ҳатто почта алоқаси ҳам узилиб қолади. Зерикарли кунларда яна Пушкин мутолаасига навбат етади. Бусафар Толстой «Белкин қиссалари»ни қўлга олади. Асар уни шунчалик мафтун этадики, тинимсиз етти марта ўқиб чиқади. «Мен Пушкиндан кўп нарса ўрганаман, Пушкин менинг отам, уни тинимсиз ўқиш керак» деб ёзади у кундалигида. Пушкинга хос «шоирона проза»-нинг фазилатлари ҳақида кўплаб тадқиқотлар яратилган. Уни чиройи очилиб турган гулга қиёслашади. Толстой «Белкин қиссалари»ни ёзувчи бўламан, деган ҳар қандай киши ўқиб чиқиши шарт деб ҳисоблайди ва еттинчи қироатдан кейин унга музга (илҳом париси) юз очганини қайд этади.

Тадқиқотчилар «Анна Каренина»ни майший мавзудаги қомусий асар деб баҳолайдилар. Унингсиз жаҳон адабиёти анча қашшоқ бўлиб қоларди. Роман ўзининг халқчиллиги, инсон қалби манзараларини ёрқин акс эттиргани, шахс дунёқарашининг қирраларини жилолантириб кўрсатганлиги, шунингдек, яхшиликни улуғлаб, ижтимоий адолат тантанасини акс эттиргани, қабиҳликнинг жазоси оғир бўлишини ман-

тиқий тасдиқлаб бергани билан беназирдир. Асарда акс эттирилган халқ ҳаётининг жонли манзаралари орқали дунё аҳли рус характерини, унинг ботиний гўзаллигини теранроқ англади. У миллатини кўз-кўз қилишда минглаб илмий ходимлару бутун бошли институтлар қила олмайдиган юмушни бажарди. «Анна Каренина» дунё китобхонлари севиб ва ҳаяжон билан ўқидиган асарлардан биридир.

Роман воқеалари XIX аср рус ҳаётидан олинган. У дастлаб «Икки никоҳ» деб номланган ва муаллиф Каренинлар ва Левинлар никоҳи орқали рус ҳаётининг типик манзараларини кўрсатмоқчи, шу орқали оила ва никоҳ масалаларида эскирган тартибларни танқид қилиб, ўзининг қарашларини олға сурмоқчи эди. Ижод жараёнида воқеалар ривожи янги-янги сюжет линияларини юзага чиқара бошладики, уларнинг бадиий талқинисиз ёзувчи ўз мақсадини тўла амалга ошира олмайдигандек туюлди. Шундай қилиб, янги роман «Анна Каренина» номи билан 1875 йилдан бошлаб «Русский вестник» журналида эълон қилина бошланди. Асар 1878 йилда биринчи марта алоҳида китоб шаклида нашр этилди.

Асарнинг етакчи қаҳрамонлари ҳаётдан олинган аниқ шахслар бўлган. Каренин тимсолини гавдалантиришда Москва сарой маҳкамасининг маслаҳатчиси Михаил Сухотиннинг ҳаёти асос бўлган. Толстой Гомерни таржима қилиш жараёнида «каренон» деган сўзга дуч келади. Бу қадимги юонон тилида «калла» дегани экан. Анна Каренинанинг бадиий образида Пушкиннинг қизи Мария Александровна Гартунг (1832-1919) ҳаёти лавҳаларидан истифода этилган. Константин Левин ҳаётда ёзувчига ўхшаб кетса-да, унда туғишган акаси Дмитрийнинг характери белгилари мужассамлаштирилган.

Роман устидаги қарийб беш йиллик ижодий меҳнат шавқ билан давом этганга ўхшайди. Унда ҳали совиб

улгурмаган ҳаёт лавҳалари ўз ҳарорати билан ифодасини топган. Ҳатто шу йилларда Толстой севимли машғулоти – кундалик ёзишни ҳам йиғишириб қўйган экан. Боиси – кундаликда қайд қилиниши лозим бўлган тафсилотлар шундоқ роман саҳифаларига кўчаверган. Шубҳасиз, иш жараёни, асар воқеалари ривожи Толстой атрофидаги зиёлилар ва бошқа табақа вакиллари нигоҳида бўлган, улар «фабриканинг ишлаши»ни қизиқиш ва диққат билан қузатиб боргандар. Ана шундай қизғин иштиёқ ва илҳомнинг маҳсули бўлган асар тезда кўпчиликнинг эътиборини тортди, унда масаланинг қўйилиши, ҳаёт воқеаларига ёзувчининг муносабати, драматик ҳолатларнинг ечими ҳеч кимни бепарво қолдирмади. Толстой янги даврда эскирган қарашларга кескин зарба бериб, буни қаҳрамонларининг аччиқ қисмати орқали ифодалаб, энди пайдо бўлаётган ўзгаришларга ўз хайриҳоҳлигини изҳор этар, ижтимоий ҳаётдаги янгиликларни ёрқин лавҳалар орқали қўллаб-куvvатлар, уларни рағбатлантиради.

Китоб нашрдан чиқиб, тарқалгач, муҳлислар ўртасида катта муваффақият қозонди. Ҳатто унинг машҳурлиги «Уруш ва тинчлик»дан ўтиб кетди. Роман Толстой даҳосининг бутун бўй-басти билан намоён бўлиши эди. «Анна Каренина», – деб ёзди машҳур адаби Фёдор Достоевский, – бадиий асарнинг нодир намунасиdir. Уни ҳозирги даврда Европа адабиётининг бирон асари билан тенглаштириб бўлмайди». Рус ва жаҳон адабиётининг кейинги тарихи бу фикрнинг тўғрилигини тасдиқлади.

\* \* \*

«Анна Каренина» романини Толстой Россияда крепостнойлик ҳукуқи бекор қилинганига ўн йил бўлгандан сўнг ёзишга киришган эди. Ҳалқни узоқ йиллар асоратда ушлаган тартибларни бекор қилишга императорни мажбур қилган илғор кучлар (улар сафида

Л.Н. Толстой ҳам бор эди) миллатининг ёрқин келажагига ишонган эди. Улар озодликка эришган деҳқонлар тез фурсатларда ўзларига келиб олиб, жамиятнинг фаол аъзосига айланишини кутган эдилар. Афсуски, «Қул ҳам бориб-бориб ўз кишанини севиб қолади» деганлариdek, одамлар дунёқарашида ўзгаришлар тезда кўзга ташланавермади. Уларнинг жамиятдаги янгиланишларни қабул қилиши қийин кечди. Мутелик тўри йиртилмаётган, эркинлик ҳавоси биққи мухитга кириб бормаётганди. Толстой бу ҳолатни аниқ ҳис қилди, унинг илдизларини излади ва жамият ҳаётини исканжага олиб турган бу маҳдудликни ўтиш даврининг ижтимоий·руҳий ҳолати сифатида романига сингдириб юборди. «Ҳаммаси аралashiб кетди» – жамиятда юзага келган вазиятнинг қонуниятларини қамраб оловчи ва оилавий ҳаётнинг хусусий манзарасини ифода этувчи лўнда ҳамда кўп маъноли таъриф ана шундай эди, бу фикр романнинг асосини ташкил қилувчи ўзак сифатида танланди. Ўз хўжалиги билан банд бўлган Левин атрофда бўйсунмас, ёвуз кучлар пайдо бўлиб қолганини сезади. Каренин бошлаган ишлари кутилган натижани бермаётганини англайди. Вронский (Балашов) ҳаёт бирон қоидага бўйсунмаётганидан дарғазаб бўлади. Романда ана шундай қиёфасиз кайфиятдаги одамларнинг аста-секин ўзларини топишга интилишлари, бу йўлда кимлардир манзилга етаётгани, кимларнингдир маҳв бўлаётгани бадиий ифодаланган. Толстой рус помешчигида рўй бераётган ўзгаришларни Левин образи орқали акс эттирган. У оддий одамлар даврасига яқинлашади, уларнинг жайдари турмуш тарзида теран сирлар борлигини англайди. Ва, ниҳоят, омма (халқ) ҳаётини ўзгартирмасдан дунёни ўзгартириб бўлмаслигини тушунади. Халқ шундай оғир тошки, у «Берсанг – ейман, урсанг – ўламан» тарзида ўзини ташлаб юборади ва барча тартибларни ўзи билан ҳисоблашишга мажбур этади.

Кейинги ўн йилликларда илмий муомалага киритилган «менталитет» сўзи аксарият халқларни бир-биридан фарқловчи мезон сифатида қўлланилади. Унда ҳамма белгилар, жумладан, миллий характер тушунчаси ҳам мужассамлашган. Лев Толстой қаҳрамонлари бутун борлиғи, ҳатто сочининг бир толасигача бошқалардан фарқланади. Буни ёзувчи ифтихор билан «руслар» деб атайди. Ёзувчининг сеҳрли қалами бу халқни шу даражада улуғладики, дунёда уларни танимайдиган, билмайдиган, жумладан, хурмат қилмайдиган қавм қолмади ҳисоб. Таъбир жоиз бўлса, дунё олдин Толстойни, кейин рус халқини таниди. Толстой қаҳрамонлари шундай рутбага эга бўлди.

Мабодо гап «рус менталитети» юзасидан кетадиган бўлса, менинг кўз олдимга қишида ҳам муздек пиво ичаётган маллавой келади. Бизда пиво чанқовности ичимлик сифатида жазирама кунлари нўш этилади. Э, қизиқ ҳолат – биз ёзда яна чанқовности сифатида қайноқ чой иchar эканмиз. Кулгили ҳолат: совуқда – совуқ, иссиқда – иссиқ. Балки... «менталитет» деганлари шудир. Ёки унинг белгиси, қиррасими? Нима бўлганда ҳам шу жузъий нарса-да салмоқли далил. Демак, менталитетга табиий шароитнинг ҳам таъсири бор.

Шубҳасиз, бизнинг миллий менталитетимизга эса бой тарихий мерос, бебаҳо табиат, энг мўътадил об-ҳавонинг таъсири бор. Бу уч муқаммал бирлик бизда яхлит мужассамлашган, ҳолбуки, дунёда уларнинг бири ҳам насиб этмаган халқлар ҳам мавжудки, шунда ҳам улар ўз тилига, маданиятига эга. Гапнинг индаллосини айтганда, биз сийланган халқмиз. Шундай-куя, аммо, афсуски, тараққиёт бир зайл кетмаган, шунга мос равишда халқимиз характерида кўп сифатлар қоришиқ тарзда мужассамлашган. Мантиқ шундан иборатки, табиатан нозик ва нафис бўлган туйғулар четки таъсирларга тез берилувчан бўлади. Айни дамда халқимиз табиатидаги меҳнаткашлик,

мехмондүстлик, сулҳарварлик, муросаю мадорага инилиш сингари ижобий фазилатлар билан бирга, ҳамма халқларда ҳам учрайдиган, руҳият орқали таъсир қиласидиган ва шахсни барбод этадиган нуқсонларга ҳам дуч келамиз. Режали тараққиётга асосланган, умуминсоний қадриятлардан фарқланувчи ўзига хос мафкурага эга, ҳатто Худони рад этган тузумдан янги давлат қурилишига ўтиш, яъни сурувнинг шартта ортига қараб юриши ҳамма нарсани ўзгартириб юборди. Бозор иқтисодиётига хос олғирликлар, турмуш даҳмазалари одамни уларнинг тузоғига тушириб қўяр экан.

Ҳаёт пойгаларида кимнингдир ўзиб кетиши, бошқанинг орқада қолиши табиий. Шу ҳолат ҳам кишилар феъл-авторида турлича акс этади. Кимдир табиий қабул қилиб, тақдирига тан беради, кимдир аламзада, одамларнинг ютуғини кўра олмайди. Бунинг отини ҳасад, дейишади. Ҳасад туғма инстанкт бўлиб, ҳар қандай жон эгаси ҳасад «бактерия»си билан туғилар экан ва у жиловланмаса, оғир оқибатларга олиб келаркан. Жиловлаш -- ҳар кишининг ўз қўлида. Бунинг учун одам ўз-ўзини терглаши, ҳиссиётларини жиловлаб, юриш-туришини қўлга олиши, ўзидан ўзиб кетган одамни тан олиб, «Мен шунга лойиқман, менга шураво кўрилган» сингари ички худбинлигини енгувчи куч топа олиши ва таскин берувчи ҳолатга тушиш лозим.

Ҳасадга берилган одам амалий фаолиятга ҳам ўтади: ёмон кўрган кишисининг ишига душманлик қиласиди. Бошқа бир зотлар борки, бирор иш қўлидан келмайди, бироқ хаёлида нуқул қора нарсалар айланниб юради, ҳаётда асло ёруғ нуқтани кўрмайди. Бундай кишилар юраги қора одамлар. Уларнинг ички дунёси зулмат ичидаги қолганидан ҳаммадан душман қидирадилар, ўзларига қилинган хайрли юмушларни – яхшиликларни ҳам ғайирликка йўядилар ва ўз-

лари ҳам ҳаммага душман назари билан қарайдилар. Ҳамма нарсадан ишқал излашади: уларга офтобнинг чараклаб тургани ҳам, булути кун ҳам ёқмайди. Инчунун, атрофидаги одамлар ҳам. Уларнинг назарига тушиб қолиш айни фожианинг ўзи.

Битиб турган ишни бузадиган, бирорвга озор бериб роҳатланадиган, арзимаган хизматини ҳам тоғ қилиб кўрсатадиган баҳил одамлар бор. Уларнинг кўнглича, ҳамма қийналса, ҳеч ким рўшнолик кўрмаса, ҳаётда доим ур-йиқит, тўполон, умуман, ёмонлик бўлса. Бундай одамлар бирорвга қиши куни қорни ҳам раво кўрмайди, улар ҳақида халқимизнинг муносиб мақоли бор: «Бахилнинг боғи кўкармас». У ўзининг боғини ҳам кўкартирумайди, бирорвникини ҳам. Юрган йўлида тош тепиб, тўнғиллаб, сўкиниб юради, ҳаёти қоронғиликдан иборат.

Ҳатто Яратганга ҳам маъқул тушмайдиган бир иллат бор экан: такаббурлик. Такаббур – кибр эгаси ичи бўм-бўш бўлса ҳам ўзини осмонда ҳисоблади, ҳеч кимни тан олмайди, бошқаларни камситиб, фисқ-фужурга зўр беради. Ҳамма унга сажда қилиши керак, қархисида тиз чўкиши жоиз гўё. Доим ўзидан паст кишилар даврасига интилади, уларга бош бўлиб юришдан роҳатланади. Ҳеч нарсани кечирмайди, юрагида кек сақлади, болаликдаги бир қалтис ҳазилни ҳам унутмай, унга муносиб қасос олишини ўйлади. У ҳеч кимнинг муваффақиятини тан олмайди. Ҳаётдаги ўзгаришларни кўрмайди, ҳеч нарсани писанд қилмайди. От ҳам кўтара олмайдиган гапларни гапиради, бироқ ўзининг қанча тош босишини билмайди.

Бундай иллатларга чалинган кишилар бирон ташки белгиси билан ажralиб турмайди, сиз-биз билан ёнма-ён яшайди, балки ўзларининг ҳақиқий қиёғаларини сир тутиш учун ялтироқ кийимлар кийиб, чиройли гапларни гапириб юришар; фақат ботиндағи «қора илон» ғимирлаб қолса, уларнинг борлигини

билимиз. Бундай тоифа одамларнинг салмоғи ортиб кетса, жамиятдан файз-барака йўқолади. Бундай иллатларнинг сабаби ҳаётдан ажралиб қолиш, жонли фаолият билан шуғулланмаслик, боз устига маърифатсизликдир. Кишлоқларда одамлар куни билан нима юмуш қилишини билмайди, бироқ бирор китобни олиб варақламайди. Умуман, чорасизлигига чора изламайди. Бугунги кунда «авом» сўзининг маъноси ўзгарди. Бирлиги «оми» бўлган бу сўз бир пайтлар хат танимайдиган кишиларга нисбатан қўлланган. Эндиликда хат таниш энг оддий эҳтиёжга айланди, энди хат танимаган одамни топиб бўлмайди. Бу ҳол эса ҳалқ орасида омилар (авом) йўқлигини билдирмайди. Хат таниб, китоб, газета-журнал ўқимайдиган, қолаверса, атрофда кечаётган ижтимоий-сиёсий воқеалардан бехабар кишилар бугунги маданият даражаси талаби билан қараганда оми ҳисобланадилар. Кишлоқларда амалий фаолиятдан ўзини чеклаб қўйган, нафақа ёки боласининг пули билан кун кўриб, кўпчиликка аралашмайдиган, шу туфайли тажанг бўлиб қолган, юзидан фаришта қочган кўплаб кишиларга дуч келасиз. Бундай тушкун ҳолатдан чиқишининг йўли – ҳаракат, одми қилиб айтганда – меҳнат. Ҳозирда янги имкониятлар очиласяпти, иш ўринлари пайдо бўляяпти, иншооллоҳ, бундай ҳолатлар ҳам барҳам топади.

Миллатнинг умумий, ялпи кўтарилиши ҳар бир фуқаронинг ўзгаришидан суръат олади. Ўзгариш эса онгдан, руҳоният дунёсидан бошланмоғи жоиз. Негаки, руҳ устун (одамнинг вужуди вафотидан кейин чириб кетади, руҳи эса самоларда яшар экан), вужудни руҳ бошқаради. Хаёлни ўзгартирмай, амални ўзгартириб бўлмайди. Янги уйлар қуриш бўйича кўп ишлар қилинаяпти, лекин шу баробарда ўшандай намунали хонадонларда яшайдиган кишиларнинг маънавияти ҳақда ҳам шу даражада эътибор қаратилса, яхлитлик таъминланган бўларди. Маънавият эса шундай

эзгуликлар – ўзларига қаратилаётган ғамхўрликнинг қадрини билишдан, уларни ҳурматлашдан бошланса ажаб эмас. Одам ўзи яхши кўрган кишини, қадрияти-нигина ҳурмат қила олади. Ҳурмат ҳиссининг уйғониши эса унинг тарихини ўрганишдан бошланади чамаси. Жуда нозик саволларга аниқ жавоб топа оладиган «Билағон» телешоу иштирокчилари мамлакатимиз тарихига доир энг жўн саволларга (масалан, «Фаллас-рол тумани қайси вилоятда жойлашган?» каби) жавоб топиша олмайдики, бу ҳолни қандай изоҳлашни ҳам билмайсан. Ёзувчи Толстой шахсиятининг энг ёрқин қирраларидан бири мамлакати тарихини ипидан иғнасига билишигина эмас, уни шарафлаш ҳам бўлган эди-ку!

Очиғи, тарихимиз билан ифтихор қилиш ҳисси мустақилликдан сўнг бошланди. Унгача аҳвол эса изоҳларсиз ҳам маълум эди. Айниқса, тарихий мавзууда ҳақиқатни ифодалайдиган асарлар яратилмагани маънавиятимиздаги энг катта бўшлиқ бўлиб келган ва шундай ҳолда турибди. Шўро даврида ёзилган асарларда эса тарих ҳақиқати хукмрон мафкура қолипларига солиб, қийшиқ акс эттрилганки, баъзан ўшандай китоблар ёзилганига шукrona қиласан-у, ёзилмаганида ҳам яхши бўларди, дейсан. Айниқса, Бобур ва Бобурийларга бағишланган асарларни бугунги кунда изоҳларсиз ўқиши, тўғри тушуниш қийин.

\* \* \*

Ўз анъаналарига эга ўзбек адабиётида равон ўқиладиган, ширин тилли кўплаб асарлар яратилган, бироқ уларнинг сафида ўтган асрнинг бошида дунёга келган икки асар беназирлигича турибди. Уларни ҳамон севиб ўқишади, турли ёш ва даражадаги китобхонлар баравар қадрлашади. Булар Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» ва «Меҳробдан чаён» романларидир. Бу асарларнинг муваффақиятини турлича

изоҳлаш мумкин. Хусусан, услубининг соддалиги, халқ китобларига ўхшаб кетиши ва бошқалар. Агар гап шунда бўлса, демак, қарийб бир асрки, бизнинг китобхонларимизнинг савияси кўтарилимбди, негаки, улардан ўткариб, бошқа китобларни бунчалик меҳр билан ўқишмайди, сингари мавҳум хуносага келиш мумкин Ҳолбуки, бизда яхши асарлар кўп. Менимча, уларнинг севимлилигига бош сабаб – романларнинг ўта миллийлигидадир. Қаҳрамонлар характери, жойлар, удумлар, суҳбатлар, ҳаракатлар, ўзаро муносабатлар, ҳатто душманлик ҳам ўта миллий. Китобларнинг ҳар бир саҳифасидан эмас, сатр қаторларидан бир яқинимиз мўралаб тургандек бўлади, ундан қадрдон ҳисларни, туйғуларни, ҳатто ҳидларни (ёзувчининг ўзи «доғланган зиғир ёғи»ни ичикиб эслаган!) сезамиз, уни мутолаа қилганда қадрдонларимиз билан суҳбатлашгандек, яқин кишимиздан ҳикоя тинглаётгандек бўламиз. Демак, миллийлик асарнинг боқийлигига кафил экан.

Бизда улуғланадиган, васф этиладиган миллий характер қирралари кўп, афсуски, уларнинг ҳаммаси бадиий асарларда бор бўй-басти билан акс этмаган. Масалан, ота ва ўғил, она ва қиз ўртасидаги муносабатларда бошқа ҳеч бир халқда учрамайдиган шундай қирралар борки, уларни маромига етказиб тасвирлаш дунё адабиётини янги характерлар билан бойитган бўларди. Худди шунингдек, аканинг сингилга (ва аксинча), опанинг укасига муносабатларида мужассамлашган меъёрларни дунё аҳли ўрганса арзиди. Қани уларнинг бадиий талқини? Ҳақиқий ўзбек характерининг ишда, ишқда, хурсандчиликда, ғам-ташвищда намоён бўладиган синоатлари қанчалаб асарларга устун бўла олади.

Ҳатто бизнинг маросимларимиз етарлича бадиий шарҳланмаган. Масалан, бугун аксарият танқид қилинаётган тўйларда қанчалик синоат яширинган?

Кўпларнинг кўзига «исрофгарчилик» бўлиб кўрина-диган тўкин-сочинлик ва унинг ҳақиқатан исрофгар-чиликка айланишида қандай фалсафа яширган? (Йўл-йўлакай бир гап эсимга тушди: ҳамма нонни эъзозлаб, унга сажда қилиб турган шароитда бир ота-хон жигибийрон бўлиб шундай дер эди: «Буни (кўлида ушлаб олган бир бурда нонни кўрсатиб) тепиб-тепиб енглар, бир пайтлар у ўзини жуда қадрли қилган эди». Бу ҳам бир қараш, ўзига хос муносабат). Ёки таъзия маросимларидағи босиқлиқ, мардоналик, сирлилик нималардан сўзлайди? Лев Толстойнинг қаҳрамони («Иқрорнома» асарида) истаган нарсасини ҳеч кимдан ва ҳеч жойдан топа олмагач, оддий халқ орасига боради, ҳеч ким назарига илмайдиган бечора одамлар қалбига разм солади. Шунда у олдин учратмаган кўп-лаб синоатларга дуч келади. Жумладан, «Улар ўлимни мардона қарши оладилар» дейди. Ҳа, тирикликни тарк этиш бой учун нима, камбағал учун нима?

Бундай умуминсоний ҳодисаларнинг шарҳи бизнинг адабиётимизда етарлича акс этмаган, дейишга асослар бор. Ёки ҳаммамиз фахрланадиган меҳмондорчилик фазилати босқинчиларнинг тазиеки асорати эмасми ёхуд бугун у мунофиқликка хизмат қилмаяптими, сингари маънавий сўроқларнинг жавоби бадиий асаллар саҳифаларидан бўй бериб турса, ўқиганлар ҳам мамнун, ҳам рози бўларди. Адабиётимизнинг жаҳон саҳнига чиқиши ана шундай ўлчамларда кўринади. Негаки, ўз халқининг бадиий энциклопедистига айланган Лев Толстой ижодида рус ҳаёти ана шундай диапазонларда бадиий акс этгани маълум бўлиб қолди. «Уруш ва тинчлик», «Анна Каренина» сингари шоҳ асаллардан кейин унинг номи чинакамига афсонага айланди. У жамиятнинг барча табақаларини ўзида қамраб олган юксак тоққа ўхшарди. Толстой фолияти билан император ҳам, черков ҳам, қонун мусассасалари ҳам, хорижликлар ҳам – ҳамма қизиқарди.

Шунга мос равиша унинг ижоди ва фаолияти кенг кўлам касб этди.

Рус ижтимоий ҳаётининг барча соҳаси унинг аралашувига муҳтождек эди. У крепостной ҳуқуқни бекор қилиш фаолларидан бўлди, халқ таълим мини ривожлантириш учун ҳам амалий фаолият кўрсатди – ўз ҳисобидан мактаблар очди, илмий, бадиий асарлар яратди («Алифбо» китобидан ташқари икки-уч юз саҳифали рисолалар ёзди), тириклик фалсафасини ифодалаган «Ҳаёт ҳақида» ёки «Менинг дунёқарашим» сингари каттагина китоблари ҳам романлари қатори машҳур бўлди. Оддий одамлар манфаатини кўзлаб, император Александр III га хат ёзди, аммо уни жўнатмади. Мардумлар эса шикоятларини императорга эмас, ёзувчига йўллар, ундан кўпроқ мадад кутарди – халқ наздида Лев Толстой подшодан ҳам устун эди. У етмиш ёшида комил бир шахсга айланганди.

Қизиғи шуки, ана шундай салмоқли ёшда у ҳали англаб ета олмаган синоатлар қатори аёл тақдири замзамалари ҳам бор эдики, бу мавзу доимо унинг эътиборида эди. Шу йилларда унинг яқин таниши, таниқли судья А. Кони бир таъсирли воқеани ҳикоя қилиб беради. У Розалия исмли аёлнинг ишини кўраётниб, унинг фожиасидан қаттиқ изтироб чекади. Заифа бу аёлни зўрлар булғайдилар, уни қотилликда айблаб, қаматиб ҳам юборадилар. Айбизлигини билиб, судья уни оқлашга киришади, мулоқотлари давомида аёл қалбига теранроқ назар солиш имкони пайдо бўлгач, уни севиб қолади, у фариштадек бегуноҳ, лекин таҳқирланган, хўрланган эди. Ҳатто оқлаб олгач, унга уйланишни ҳам ният қиласди. Афсуски, аёл турмада вафот этади. Бу ҳикоя буюк ёзувчи ва инсонпарварни жунбишга келтиради, ҳаётидаги учратган кескин воқеаларни синтезлаб, жиддий психологик роман ёзишга киришади. Уни дастлаб «Кони қиссаси» деб атайди. Романинг яратилиши анча чўзилади. Уни ёзиш танаф-

Фуслар билан 1889–1890, 1895–1896, 1898–1899 йилларда давом этади. Оғир драматик сюжетли бу асарда, одатдагидек, ёзувчининг шахсий кечинмалари, ҳатто маълум маънода ўз образи акс этган. Шу йилларда Софья Андреевна кундалигида «етмиш ёшли чолнинг навқирон офицер ва бузуқи хотиннинг кечинмаларини иштиёқ билан қоғозга тушираётганидан ҳайрон бўлган» лигини қайд этиб қўяди.

Бош қаҳрамонлар Катюша Маслова ва Дмитрий Нехлюдов тимсолида ёзувчи яқиндан билган ва ҳис этган воқеалар мужассамлашган «Тирилиш» романини ўқиб, яна бир марта инсон қалбининг синоатларига дуч келиш мумкин. Издан чиққан, бузилган тақдир ўзи кашф этган тубанликларни ардоқлайди, унга яхшилик қилмоқчи бўлганлардан нафратланади, энди ҳаётининг мазмуни ўзи ҳам англаб етмайдиган мавҳумлик бўлиб қолганини тушуниб, одамларнинг ялтироқ, лекин таги мунофиқона турмуши устидан кулади. Князь Нехлюдов шаҳвоний ҳирсининг курбони бўлган Катя тақдери – унинг бузуқи ҳаёти, сўнgra Сибирда илғор кишиларнинг таъсири остида покиза ҳаётга қайтиши, Нехлюдовнинг надоматлари орқали Толстой одам маънавий жиҳатдан қайта туғилиши мумкинлигини маҳорат билан кўрсатиб берган. Шунингдек, асарда қишлоқнинг абгор аҳволи, давлат тузумининг ярамасликлари, турма даҳшатлари орқали жамиятнинг манфур қиёфасини аёвсиз фош қилган. Романда жамият ва инсон драмаси жуда теран ифодаланган.

Гарчи жанр сифатида «роман»га охирги таъриф берилмаган бўлса-да, у ҳаёт манзараларини кенг кўламда акс эттириш мумкинлиги билан «шоҳ» жанр сифатида тан олинган. Бундай холис вазифани бажариб келаётган ўзбек романлари талайгина, бироқ уларнинг даражаси юзасидан Толстой мезонлари билан фикр юритиб бўлмайди. Яқинда «Нур борки, соя

бор» романининг баъзи лавҳаларини қайта варақлашга тұғри келди. Рости, асарни бунчалар ночор деб үйламаган әдим. Қаҳрамонлар ёзувчи қўли билан йўнилган ҳайкалчаларга ёки мультфильм қаҳрамонларига ўхшайди. Улар қандай тарашланган бўлса, шундай қиёфага эга ёки аниматор қай йўсинда йўрғалатса, шундай ҳаракат қиласи. Оқ бўлса, биллурдек шаффоф, уни кўрса, қушлар сайдайди, дараҳтлар гуллайди; кора бўлса, кўмирдан ҳам баттар, гаплари заҳар, қиликлари манфур, уни осмон ҳам ёмон кўради, майшат қилиб ўтирганда тип-тиник самода булат пайдо бўлиб, ёмғир қуяди, бўрон қўпади, ҳатто ёнғин чиқади... Бу манзаралар қайси ҳаёт ҳақиқатига тұғри келади? Агар ундаги ёмоннинг ёмонлигини табиат ҳам билса, нега бир чақмоқ билан йўқ қилиб ташламайди? Нафсиlamрини айтганда эса бундай асарлар китобхонни адабиётдан бездиради, ҳатто «Адабиёт бебурд нарса» қабилидаги машъум хulosага олиб боради.

Ёки «Кеча ва кундуз» романидаги Акбарали мингбоши характеридаги мантиқсизликларга гувоҳ бўлган китобхон «Бу қандай одам?» деган мулоҳазага бориши шубҳасиз, у мингбошидан эмас, халқдан хафа бўлади, яъни «Минбошисики шундай абллаҳ бўлса, халқнинг ўзи қандай аҳволда экан? Яхшиям, ўрислар босиб олибди, билъакс, ҳамма нарсага ўт кетаркан» деган тасаввургв боради.. Ҳолбуки, рус адабиётида ўз бойлари (дворянлари)ни улуғловчи бир давр адабиёти юзага келганди. Ўша адабиёт Тургенев ва Толстойдан бошланган янги, оламшумул адабиётга елка тутиб берган. Бизнинг миллий адабиётимизда эса бурди кетган қўлланмаларни ўқиб, янги адабиёт яратиш йўли танланган ва шундай ёндашув, афсуски, ҳамон давом этмоқда.

– Бу ҳикоя эмас, – дейди адабиёт дарвозаси олдиға қўйилган миршаб отахонлардан бири. Унинг фикри ҳукмдек янграйди, чунки унга шундай ваколат берил-

ган: бўлади деса, бўлади, бўлмайди, деса, бўлмайди. Ҳозиргача шундай бўлиб келган...

- Мабодо уни сизнинг газетангизга «Ҳикоя» деб берса, жаҳон кутубхоналаридағи жами ҳикоялар ёниб кетармикан?!

«Миршаб» бундай мулоҳазани кутмаган бўлади ва азбаройи ўзини ҳимоя қилиш заруратидан:

- Биз жанрнинг софлигини сақлаш учун... - дейди чайналиб. Унинг ҳолати нодон қайнотани эсга туширади. Қайнота келинининг софлигини сақлаш учун дарвоза тагида ҳар куни қоровуллик қилади, бошқа эшикдан чиқиб кетган аёл эса бир куни чақалоғини кўтариб кириб келади.

- Жанрлар нисбий нарса, уларни сизга ўхшаганлар топган, - дейди бу томон бўғилиб. - Хўш, шу нарсани газетага берса, бўладими?

- Бўлади. Дидақтик мавзудаги публицистика...

«Бўлади», фақат уни ўзбекча қилиб «Ҳикоя» деб бўлмайди. Шундай «соф» тамойиллар билан ёзилган бир ҳикояни «Ижод олами» журнали шу йил 5-дафтарида эълон қилди (С. Аҳмад. «Азоб»).

Вилоят ҳокимининг хотини эрини «алла-палла»да кутиб олар экан: «- Қаёқда эдингиз? Ҳавотир олиб ухлолмадим» дейди. Вилоят ҳокимининг иш куни суткаси билан давом этишини ҳисобга олсак, келино-йининг гинасида қанчалик мантиқ бор? Ҳикоя қаҳрамонларидан бири Нормат раис «йилора орден» олишга ўрганган, шу мақсадда «катта»ларнинг изидан курортларга бориб, уларга хушомад қилади, лекин бир дақиқа ҳам «Шу қилиғим тўғрими?» деб ўйлаб кўрмайди, фақат орденларини жаранглатиб, мажлисга борса (орденлар шунчалик кўпки, «жарангласа, доклад эшитишга халақит беради»), кўча-куйда орденлар билан савлат тўкиб юрса, бўлди. Лекин у ишchan одам, янги ҳоким гуноҳи бўлса ҳам ишдан олмайди. Шундай одамни миллат вакили деб бўладими ёки шу

ҳикояни бошқа тилга таржимага тавсия қилиш мумкинми? Агар Нормат раис миясиз бир шуҳратпараст, ғуурурсиз хушомадгўй одам экан, унинг характеристида фидойилик бўлмасди, яъни у ишchan раис мақомига чиқа олмасди.

Лев Николаевич Максим Горький билан биринчи учрашувида «Варенька Олесова» ҳикояси ҳақида фикр билдириб (ҳикояда қиз яланғоч чўмилаётганини кўриб турган йигитни уради). Толстой ахлоқи юксак кишида ғазаб бўлмайди, деб эътиroz билдиради. Ҳақиқий адабиёт намуналарида қаҳрамоннинг хатти-ҳаракати унинг феъл-автори қирралари ни нурлантиради, айтган гапи эса ички оламидаги сир-синоатни юзага чиқаради. Бундай омилларнинг ҳар бири битикларнинг ҳаётийлигини таъминлашга хизмат қиласди. Ёзувлар чодирхаёл билан тўқилган эртаклар эмас, балки ҳаётнинг, инсон ботиний оламининг асрорларини инкишоф этишда бадиий кашфиёт даражасига етишади. Бундай тамойилларга асосланган миллий адабиётларнинг ўз мактаби шаклланган бўлади. Шу мактаб талаблари асосида ёзилган ҳар қандай асарга баҳо бериш қийин бўлмайди, қолаверса, бу мактаб сабоғини ўтамай, ёзувчикликка қадам қўйиш ҳам мумкин бўлмайди. Бизнинг адабиётимизда шундай мактаб борми, унинг дарсҳоналари, олтин мезон ва тамойиллари мавжудми? Ҳалқимизда «Устоз қўрмаган шогирд ҳар мақомга йўргалар» деган пурмаъно сўз бор. «Йўргалаш»нинг ҳам чек-чегараси бўлиши, ўзбек адабиёти ўзбек тарихи, ўзбек маданияти даражасидаги юксак мақомга чиқиши шарт.

Дастлабки тизмалари эпитафия тарзида тошга ўйилган Лев Толстой мислсиз ижоди билан рус миллий адабиётида ўз мактабини яратга олган санъаткор. У адабиётнинг кўплаб жанрларида беназир ижод қиласди. Қолаверса, илк шеъри қабр тошига

ёзилиб, ҳаёт симфониясининг бир оҳанги сифатида тан олинган бўлса, кейинчалик тартибсиз ёзма нутқ шакли – прозада гўзал поэзия латофатини сингдиришга мушарраф бўлди. Натижада, унинг асарлари симфоник проза сифатида эътироф этилди. Энди шеърдек ўқиладиган ва шеърдек туйғуларга таъсир қиласидиган, шунингдек, инсон қалби манзаралари ва ҳаёт ҳикматларини кенг кўлам ҳамда теранликда ифодалай оладиган адабий жанрни шундай аташади ва у Лев Толстой бадиий кашфиёти сифатида тан олинган.

«Тирилиш» романи XX аср остонасида китобхонлар қўлига бориб тегди. Бу воқеада ёзувчининг муҳлислари ўзига хос мазмун кўрдилар. Гўё ҳаётда ташқи таассуротларга асосланган кескин ҳаракатлар жараёни тугаб, энди ботинда мужассамлашган сирли кучлар рўёбга чиқишига интилаётган эди. Умуман, рус жамияти жиддий ўзгаришлар арафасида турарди. Шунингдек, бу асар янгидан пайдо бўлаётган рус адабиёти учун бепоён уфқларни очди. Ундаги чуқур руҳий таҳлил, инсон кечинмаларини жами сир-асрорлари билан кўрсатишга уриниш Ф. Достоевский, А. Чехов, М. Горький ва бошқа сўз санъаткорлари ижодида янги поғонага кўтарилди. Шу билан рус миллий адабиёти дунёning энг илғор адабиётига айланди.

\* \* \*

Ҳа, аср янгиланаётган, христиан тақвими бўйича иккинчи минг йилликнинг охирги юз йиллиги бошланаётганди. Бу санани дунё жамоатчилиги янги умидлар билан қарши олди. Одамлар кейинги асрда ҳаво шарларида учиш, поезд ва автомобилларда дунё кезиши, телефонда гаплашишни орзу қилиб, димоғ-чоқлигини газеталардаги рангли суратлар (булар ҳам янгилик эди) орқали ифодаларди. Тасвирларга экранларда жон кирди – кино асри бошланаётганди.

Шаҳарлар кўчаларида фонарлар кўпайди. Щу билан бирга осмон қўнғир тус олди, унинг ғира-ширасида юлдузлар хира тортиб қолди. Қорнинг ранги қорая бошлади. Чинакамига дунё ўзгараётган эди. Ҳар куни бир янгилик, бир кашфиёт. Айни пайтда империалистларнинг дунёпарастлик васвасалари ҳам авжига чиқаётган, Африкада инглизлар бурларни, бурлар инглизларни аямай қирап, Хитойдаги халқ қўзғолонлари шафқатсиз бостирилар, умуман, ер юзининг қайсиdir бир бурчакларида бегуноҳ одамларнинг қони тўкилар, афсуски, бундай хунрезликлар кучайиб бораётганди.

1900 йил 13 январь куни «Ҳаёт ҳамма учун» нашрининг хўжайини В. Поссе Москвадаги Толстойлар хонадонига ёш ёзувчи Алексей Пешковни бошлаб келди. Лев Николаевич унинг дастлабки асалари билан таниш, таассуротлари қоришиқ эди. Воқеалар ўйлаб топилганга ўхшар, ўқиш зерикарли, лекин уларда ҳаёт ҳақиқати бор эди. Кейинчалик Максим Горький шу учрашувни эслаб, Толстойнинг аёлларга қарашида қишлоқнинг тор муҳити таъсир қилган эди, деган. Ёзувчидан аҳвол сўрашганда, у бардамлик билан «Ҳаммаси яхши; ҳаммаси сўнгги кунларга – умр поенига яқинлаштироқда, бу ҳам яхши, ўзи, вақт етишиди ҳам-да», дейди.

Кейинги пайларда ҳаётдаги ва турмушдаги эски зиддиятлар юзага чиқаётган, бу ҳол эса ёзувчининг кайфиятига ёмон таъсир қиларди. Гарчи ижоди кенг кўламда намоён бўлаётган, унинг мухлислари ер юзининг ҳамма бурчакларида топилса ҳам (у йигирма олти тилда мактублар оларди) кўп масалаларда вазият қўнгилли эмасди. Унинг асаларида тараннум этилаётган умуминсоний ғоялар нафақат цензурани, балки император ва черковни ҳам безовта қиларди. Толстойни халқдан ажратиб қўйишининг турли воситалари кўрила бошланди. Гоҳ турмага ташлаш ёки ақлдан озган, деб

эълон қилиш юзасидан гаплар бўларди. Хурриятпарвар қарашлари учун черков уни «Шайтон» деб эълон қилишга ҳам журъат этди. Буюк санъаткор буларга назар-писанд қилмас, ўз дунёсида ўзича яшашда давом этарди. Оммавий қотилликларга қарши «Жим тура олмайман!» мақоласини ёзди, у бутун жамиятга қора лаънатнома эди. Узоқ Осиёдан инглизлар зулмига қарши ўз халқининг озодлиги учун кураш майдонига чиққан Маҳандас Карамчанд Ганди Толстой билан қизғин ёзишмаларга киришиб кетди. Ҳинд халқининг доҳийиси озодлик курашида Толстойдан кўп қўлланмалар олди ва мамнуният билан ёзувларини давом эттирди.

Оилавий муҳитда майший можаролар устун кела бошлади. Фарзандларнинг ҳар бири катта меросга эга бўлишни истар эди. Айниқса, сўз санъатида ҳам, меъморликда ҳам ўзини кўрсата олмаган ўғил, ўртамиёна иқтидор эгаси Лев Львовичнинг иддаолари ошиб тушаётганди. Унда отасига нисбатан «нафратга айланувчи ҳасад туйғуси» бор эди. Софья Андреевна ҳам Толстойнинг маблағларини хайрия мақсадларига сарфлаётганини тўғри тушунмас, эри ношир сифатида танлаган В. Чертковнинг оилавий ишларга аралашишини хоҳламасди. Ҳуллас, дунё ишларига ечим топишга уринган инсон атрофида худди киноя каби тирикчиликнинг маҳв этувчи кўринмас тўри тўқилаётган эди.

Унинг қалбida Кавказ сафаридаёқ ишқ бўлиб сингиган бир мавзу бор эди. Бу рус истилосига қарши мардонавор курашган халқ қасоскори, тоғ фарзанди Ҳожимуроднинг жасоратга тўла ҳаёти эди. Ёзувчи унинг ёрқин шахсияти муҳлиси эди, бироқ унга қайси нуқтадан туриб назар солишга иккиланарди. Шунингдек, унинг қалами бу мавзуда сукут сақламаган, кўп нарса қоғозга тушганди ҳам. Ислом динидаги зотнинг ички олами, у эътиқод қилган маслакка разм солар экан, неғадир Ҳожимуродда ўзини кўрар, бироқ бошқа дин ва маслак одами сифатида, қолаверса, қаҳрамони қарши

курашган ғоянинг ҳимоячиси бўлган давлат фуқароси сифатида аросатда ўрганарди. Ҳа, буюк ёзувчининг ички эътирофлари шундай дейишга асос беради. Барибир, у «Ҳожимурод» қиссасини ёзиб тугатди, уни ҳаётининг энг муҳим китоби, деб атади, эътирофларида курашган ва кучли рақиб зуғуми остида мағлуб бўлган қасоскорни «Мен, ўзим» деб атади; асарни эса вафотидан сўнг чоп этишни васият қилди.

\* \* \*

Йиллар буюк ёзувчи ҳаётида ҳам турлича из қолдираётган, баъзан дунёни қутқармоқчи бўлган зот жўн майший можаролар қуршовида қолиб кетаётганди. Зиддиятлар тириклик моҳиятига чуқурроқ разм солиш, дунё тафаккур хазинасидан жумбокъларга жавоб топишга ундарди. «Аёнки, бизга маълум динларнинг ғоялари, қадриятлари »Веда»нинг китобларида, кейинчалик ҳазрат Мусонинг, Буддизмнинг, Лао-Цзиннинг, ҳазрат Исонинг ва ҳазрат Муҳаммаднинг таълимотларида ўз ифодасини топган эди», деб ёзади Лев Толстой. Ислом дини христианликдан олти юз йил кейин пайдо бўлди. Бу йиллар давомида инсоният тараққиётда анча илгарилади, маданийлашди. Агар динлар тадрижига разм солинса, улар вақтлар ўтган сари одамларга яқинлашиб, тушунарли бўлиб борган. Буддизм, брахманизм, конфуцизм таълимоти ва бошқа дунёвий динлардан анча «ёш» бўлган исломда қоидалар ва амаллар нисбатан тушунарли ва инсонийроқдир, деб эътироф этади у.

Бир далил: адаб 1908 йил октябрь ойида Ҳиндистонда адаб ва диншунос Абдуллоҳ Сухравардий нашр эттирган «Ҳазрат Муҳаммад ҳадислари» китобини ўқиб қолади ва қаттиқ мутаассир бўлиб, ундан ҳадис ва иқтиbosларни саралаб олади-да, бир тўплам тузади. Бу китоб «Изречение Магомеда не вошедшие в Коран» («Ҳазрат Муҳаммаднинг Куръонга кири-

тилмаган ҳадислари») деб номланган. «Посредник» нашриётида чоп этилган, юзта иқтибос (унга кири-тилган кўчирмаларнинг баъзилари манбаси аниқлан-маган, улар оддий ҳикматли сўзлар ҳам бўлиши мум-кин)дан ташкил топган китоб тез тарқалиб кетади ва муҳлисларнинг эътирофига сазовор бўлади. Гап шун-даки, тўпламнинг номланишидан ёзувчининг ислом дини юзасидан тушунчалари унчалик теран бўлмага-нини билиб олиш қийин эмас, негаки, Қуръон – Оллоҳ-нинг каломи, ҳадислар эса пайғамбаримиз (с.а.в.)нинг шариатлариdir. Нима бўлганда ҳам Лев Толстойнинг қалбида умр шомида ислом динига алоҳида муҳаббат уйғонганини тан олиш керак.

У илк ибтидоий тафаккур намуналаридан диний қарашларга сингдирилган мантиққача истифода этиб, ёруғ нуқталарни изларди. Бу ёруғликлар унга келаёт-ган кўплаб хатларга қайтарилиган жавобларда сингди-рилиб, жами инсониятга тарқаларди гўё. Жумладан, 1909 йил 2 март куни Елена Ефимовна Векилова исм-ли аёлдан хат олади. Кавказда ҳарбий хизматда бўл-ган, мусулмон динига мансуб генерал Иброҳим Веки-ловга турмушга чиққан рус аёли фарзандларини қай-си динга эътиқод қўйишлари мақсадга мувофиқ кели-ши юзасидан мурожаат этганди. 15 марта қайтарили-ган жавобда Лев Толстой умрининг сўнгги кунларида келган муҳим қарорини ифода этганга ўхшайди. Уша жавобдан парчага эътибор қаратинг: «Христиан иде-али ва таълимотини ҳар нарсадан баланд тутган бир инсон учун буни айтиш ғоят ғалати бўлса-да, айти-шим керакки, мусулмонлик ўзига хос ташқи кўриниш жиҳатидан ҳам черков христианлигидан қиёс қилиб бўлмас даражада устун эканлиги менда ҳеч бир шубҳа уйғотмайди. Агар бир кишига черков христианлиги ёхуд ислом динига кириш борасида танлаш ихтиёри берилса, ўйлайманки, ҳар бир ақлли одам мураккаб ва тушунарсиз илоҳиётдан, уч сифатли Оллоҳдан, гуноҳ-

дан чиқариш маросимию бошқа диний удумлардан, Исонинг онасига ёлворишидан, «Муқаддас шахслар» ва уларнинг расмлари олдидаги сон-саноқсиз ибодатлардан кўра ягона Оллоҳни ва Унинг пайғамбарини, яъни ислом динини, албатта, устун кўради. Бошқача бўлиши ҳам мумкин эмас». Бу эътирофдан улуғ ёзувчи ва гуманистнинг инсониятнинг сўнгги динига са-мимий муносабати кўриниб турибди. Шундан кейин Векиловларнинг фарзандлари Борис исмини Форис, Глеб эса Голиб тарзида ўзгартиради ва мусулмончиликни қабул қиласди.

Муқаддас ислом динига хурамат ва қалбан эътироф кекса ёзувчининг ботинида кескин ўзгаришлар кечеётганидан гувоҳлик берарди. Бундай ҳол, афсуски, зоҳирда ҳам рўй берётганди.

\* \* \*

Оилавий можаролардан ва ижтимоий тазииклардан зериккан ёзувчи, 82 ёшида ҳам ўзини ёш ва кучли чоғлаган, ҳеч қачон чарчамаган зот 27 октябрь куни Душан Маковицкий билан сайрга чиқади. У Лидер лақабли оти билан ҳар куни 25–30 чақирим йўл босишга одатланганди. Бу галги сайр эса анча қисқа ва асабий бўлди. Ундан қайтиб, уйкуга ётди ва эртаси саҳар пайти Душанни уйғотиб, Ясная Полянадан кетаётганини маълум қилди. У ўттиз йилдан бери шу фикрда эди, бироқ хонадсндан чиқиб кетгандан кейин нима қилишини атрофлича ўйлаб олмаганди. Чўнтағида 39 рубль маблағи бор эди. Маковицкийда эса уч юз рубль. Хотинига хат қолдирди, унда ҳаммаси учун кечирим сўралган, изидан бормаслик, изламаслик илтимос қилинганди. Маковицкий Бессарабияга кетишини таклиф қиласди. Шекинодан Горбачево станциясига йўл олдилар. Ҳамма жойда одамлар Толстойни танишар, шунинг учун у кам кўринишга ҳаракат қиласди. Йўлда ёзувчи «Энди Софья Андреевна нима қиласди? Унга қийин», деди чуқур ғусса билан.

Белеводан Козельскка боришда димиқиб кетган вагондан танбурга чиқиб узоқ ўтириди. Поезд секин жилар, шунда совуқ куз ҳавоси ўз ишини қилганди. Йўлда паспорт муаммоси сезилиб қолди. Улар режани ўзгартириб, Болгарияга, агар бу мумкин бўлмаса, Кавказга кетмоқчи бўлдилар. Лев Николаевичнинг кайфияти яхши, иштаҳа билан овқатланарди. Кундалигига қайдлар қилас, танишларига хатлар ёзарди. Шамординода синглиси Мария яшарди, уникига етиб келдилар. Эрталаб дабдурустдан дам олинган хонадан Толстой боши пушти рўмол билан танғилган, соқоли олдинга диккайган ҳолда чиқиб келди. У жуда ночор эди. Бирдан уни йўтал тутди. Тинчиб, Софья Андреевнага хат ёзди.

Бу пайтда Толстойнинг уйдан чиқиб кетгани бутун Россияга маълум бўлган, қўриқчилар изига тушганди. 1 ноябрь куни Астаповдан уйига хат ёзди. Кейинги кун Чертков ва ўғли Сергей келишди. Ўғлининг келишидан жуда хурсанд бўлди. У чиқиб кетгач, эзилиб йиғлади. Ҳаёт тугаётгани аниқ бўлиб қолганди. З ноября куни Толстой кундалигига охирги сўзларни ёзди. Улар шу мазмунда эди: «Мана бу менинг режам. Нима лозим бўлса, қил ва нима бўлса-бўлар. Ҳаммаси яхшиликка ҳамда мен истаган бошқа нарсаларга». Врачлар касалликка ўпка яллиғланиши, деб ташхис қўйдилар. Софья Андреевна маҳсус поезд билан Астаповога келди, бироқ уни эрининг олдига қўйишмади, у вагонда яшади. Толстойнинг аҳволи ўнгланмаётганди. Ҳокимият ҳалқ тўлқинидан қўрқиб, Калуга, Тамбов, Рязань, Тула губернаторларига алоҳида топшириқ берди.

4 ноября куни Лев Толстой ўрнидан туриб кетиб, «Маша, Маша!» деди қаттиқ овозда. Бу бир неча йил олдин вафот этган суюкли қизининг исми эди. Алаҳисраса ҳам эси жойида, врачлар ёрдамини рад этарди. Софья Андреевнага кеч бўлса ҳам рухсат беришиди. Ўғли Сергейни чақириб, қулоғига нималарни дир шивирлади. У аранг тушундик, отаси дер эди:

«Ҳақиқат... қаттиқ севаман... уларнинг ҳаммаси...» Овоз ўзгарди, арранинг хириллашидек ун пайдо бўлди. Лев Николаевич ғулдираб, шундай деди: «Мен ҳеч ким халақит бермайдиган жойга кетаман. Мени тинч қўйинглар». Унга сув тутдилар, ўзи идишни қўли билан олиб ичди. Шу лаҳзаларда юрак фаолияти тўхтаси бошланди.

Лев Николаевич 1910 йил 7 (янги ҳисоб билан 20) ноябрь куни соат 6 дан 5 дақиқа ўтганда вафот этди. Бу совуқ хабарни эшитган дунё аҳли чуқур қайғуда қолди. Йўл бўйи мотам поездини минглаб одамлар кузатиб қўйиши. Ясная Полянада аҳоли турли қатламишининг беш мингдан зиёд вакиллари тўпланган эди. Унинг жисми бир вақтлар ўзи васият қилганидек, болаликда қўплаб яшил таёқчалар кўмилган Эски қўрғонда ерга топширилди. Бу жой эндиликда муқаддас зиёратгоҳлардан бирига айланган.

Халқда «Ёниб яшади» деган ибора бор. Буюк ёзувчи Лев Толстой фаолияти шундай яшашнинг айни ўзи. У сўз орқали ўзидан шундай ёруғлик қолдирдики, бу машъала то инсоний тафаккур мавжуд экан, абадий нур таратиб тураверади. Унинг ёлқиндек фикрлари амалий ҳаракатга чорлов мисол янграйверади. Толстой «Хуллас, нима қиласиз?» мақоласида шундай ёзган экан: «Мутафаккир ва санъаткор ҳеч қачон, биз таърифлашга ўрганиб қолганимиздек, олимпиада шоҳсупасида осуда чўкиб қолиши мумкин эмас; мутафаккир ва санъаткор миллатнинг ўзлигини топиши ёки миллатни қутқариш йўлида оддий халқ билан бирга қайғуриши лозим. Бундан ташқари у шунинг учун абадий ва ҳар доим безовта ва ҳаяжонда қайғуради: халқ манфаати йўлида ҳал қилиши ва айтиши зарур бўлган юмушни бажара олиши мумкин эди, жафо чекишдан қутқара олиши мумкин эди, тасалли бўлиши мумкин эди; лозим бўлганда шу вазифаларни уddaладими, аммо бундай қилмади, бажармади,

кутқара олмади, таскин бера олмади; у умуман ҳеч нарсаны ҳал қымаса, айтмаса, эртага эса кеч бўлади – у бехосдан ўлиб қолиши мумкин. Силлиққина, кайфу сафога берилган, боқибеғам мутафаккирлар, санъаткорлар бўлмайди».

Ҳаётда эса баъзан тескари ҳақиқатлар амал қилади. «Мутафаккир ёки санъаткор» қиёфасига тушиб олган кимсалар ҳалқ дарди билан заррача иши йўқ, бу соҳага шон-шуҳрат илинжи ва обрў-эътибор таъмасида кирган. Боз устига улар ўзларига мос ҳаёт тарзини шакллантириб олганлар, шу ялтироқ безакларга қараб, баҳо бериладиган мезонлар жорий бўлган, қалbdаги миллат қайғуси, ҳалқ севгиси, ватан туйғуси билан ҳисоблашилмайди. Оқибатда, барча табақаларни молпарастлик домига тортиб кетади, энг юксак туйғулар хўрланади, маънавият етим бўлиб қолади. Бадиий адабиёт, кино-театр-қўшиқчилик санъатлари бугун ночор аҳволда. Ё бизнинг турмуш тарзимиздан дунёни лол қолдирадиган истеъоддлар чиқмайдими?

Тарихнинг турли довуллари таъсири остида муросаю мадорага асосланган турмуш тарзи шаклланган. Кишилар юксак мақсадлардан йироқ, шунинг учун кескин кураш (баҳс-мунозара маъносида)лар кўзга ташланмайди. Мабодо шундай тўқнашув юзага келиб қолса, келишув йўли тутилади, ўртамиёна йўл танланади. Шу билан ҳаётда ва турмушда «Сен менга тегма, мен сенга тегмайман» қабилидаги тутум юзага келади. Бундай муносабатнинг иккинчи оти – лоқайдлик. Лоқайд кишиларда эса қалб мудроқ бўлади. Бундай қалб билан инсонни улуғловчи юксак туйғуларни идрок этиш, қадрлаш, демак, йўл бериш ва қўллаб-кувватлаш мумкин эмас. Оқибатда, топган бойлик данғиллама тўйларга, тўйиб еб-ичишга сарфланади. Яна маънавият қақшаб қолаверади. Маънавиятсиз жамиятда эса Толстойдек тафаккур эгаларини тарбиялаб етишириш эмас, уларни тушуниш ҳам қийин кечади.

Мамлакатимизда улкан ўзгаришлар бўляяпти. Фақат кечаги кун манзаралари қўнгилни ғаш қиласди. Очиғи, юртимиз ижтимоий хаётига янгича рух, бир шиддат кириб келди. Айни пайтда биринчи даражали юмушлар жадал ҳал этилаяпти. Маънавиятнинг ўрнини ҳам ундан кам деб бўлмайди (бир йиғилишда мамлакат Президенти маданият вазирини мудофаа вазири билан тенг қўйди). Маънавият ҳам ана шундай, ҳатто ундан кучли эътибор талаб қиласдиган соҳа. Асли жами интилишлардан мақсад ҳаётдан рози бўлиб яшаш экан, маънавиятсиз кун кўришни чинакам ҳаёт деб бўладими?

Яқинда маънавият муаммоларига бағишлиланган бир тадбирда иштирок этишга тўғри келди. Умидли кайфият билан тадбирга йўл олдим. Кун бўйи уч ходим телефон қоқиб, йиғилишни эслатиб турди. Бунақаси бўлмаганди, демак, хушёрлик ошибди, умид қилиш мумкин.

Ростдан, янгилик бор экан, бу гал иштирокчилар яна ҳам қимматбаҳо костюм-шимларда, туфлилар ялтирайди. Зал ҳам замонавий жиҳозланган, юмшоқ қурсилар, инновацион ахборот технологиялари... Йиғилиш вақти бўлди, бироқ машварат бошланмасди. Бу ҳол олдинги ёқимсиз манзараларни эсга солиб юборди. Кайфият тушди. Давоми эса ундан ҳам баттар бўлди. Куруқ маъруза, нотиклар қанча чиранмасин, бирор янги гап айта олмасди. Бунинг устига сўзловчилар телекамерага кириб кетгудек бўлиб, ўзини кўз-кўз қиласди. Шу ҳолда энсанни қостирадиган йиғилиш беш соат давом этди. Умуман, маънавиятни кўтаришда кўп гап, кўп раҳбар эмас, кўп амалий иш лозим. Ходимлар кўпайиб кетса ҳам бир-бирига халақит беради, аксинча, уларни максимал даражада камайтириб, сифатини ошириш фойдали. Кўп гап ва кўп одам ишлаб чиқаришда асқатиши мумкин, мафкуравий юмушларда эса сон эмас, сифат муҳим.

Шундай қилиб, маънавиятдан кўп нарса кутилаётган бўлса-да, ҳали тадбирда ҳеч нарса ўзгармабди. Маънавият соҳасида чайқовчилик кетмайди. Кимки шундай йўл тутса, бу миллий жиноят деб қаралмоғи, бундай шахснинг кавуши эртароқ тӯғрилаб қўйилмоғи зарур. Фидойилик талаб қилинган жойда нафқурман, шоҳона яшайман, дебдими, иқболини бошқа соҳадан изласин.

Дунёни бошқариш тажрибасида ҳар доим инсон қалби учун кураш муҳим тактика ҳисобланган. Бу юмуш кўпинча зўравонлик, қон тўкиш, қўрқитиш билан амалга оширилган. Қалб қўрқув салтанати билан забт этилган. Турли алдовлар, ёлғон ваъдалар ҳам бир усул ҳисобланади. Тараққий этган инсоният тан олган усул эса инсон қалбини маърифат билан забт этишдир. Бунинг учун илм-фан, санъат (турлари), адабиётнинг кучидан фойдаланилади. Адабиётда илм-фаннынг ақлни забт этиш, санъатнинг ҳиссиётларга таъсир этиш хусусияти мужассам. Адабиётнинг марказида эса бош масала сифатида ИНСОН мўъжизаси туради. Ана шу мўъжизани инкишоф этиш йўлида кўплаб шоҳ асарлар яратилди, бироқ бу билан ҳали вазифа уddyлангани йўқ. Инсон ўзининг бутун синоати билан янгиланиб тураверади, унинг олдин кўринмаган қирралари намоён бўлаверади. Фақат саъй-ҳаракатларда буюк тажрибалар – адабиётнинг муҳташам ютуқлари, жумладан, Лев Толстой асарлари кўмакка келаверади.

\* \* \*

Буюк ёзувчи асарларини тилимизга таржима қилиш ўтган асрнинг аввалларидан бошланган. Жаҳон адабиётининг даҳоларидан бири Лев Толстой хазиналарини бошқа тилга таржима қилиниши ўша адабиёт учун чинакам байрам бўлган. Бизнинг она тилимизда ҳам атоқли сўз санъаткорининг барча йирик асарлари нашр этилган. Ёзувчи таваллудига 185 йил тўлиши

муносабати билан «Сергий ота» қиссасининг таржимасини амалга оширган эдим. Кейинчалик бу машфулот ёқимли кайфият бағишлиди ва яна «Бечора Иван Ильич», «Крейцер сонатаси» қиссаларини ҳам она тилимизга ўгирдим. Шундай қилиб, ёзувчининг 190 йиллик тўйига ўзига хос совға бўлди. Унинг байрам саналари ҳамиша муҳлислари ва умуман, жамоатчилик томонидан тантаналар билан муносиб нишонланган, янги тадқиқотлар, таржималар, кашфиётлар эълон қилинган. Зоро, бу адибнинг номи ва ижоди бутун инсоният учун эъзозли. Ҳар кун, ҳатто ҳар соатда ер юзининг қайсиdir пучмоғида кимдир унинг асарларини мутолаа қиласди, улар асос бўлган фильмларни кўради ёки шунчаки хаёлида унинг сиймосини жонлантиради.

Агар адабиёт одамзотнинг мангу макони бўлмиш Ер курраси билан қиёсланадиган бўлса, сўз мулкининг ҳам тоғлари, дарёлари, чўққилари, жилғалари - табиий қиёфаси бор. Лев Толстой эса олам ичидага олами ташкил этувчи, ўз шамойилига эга бир қитъадир. Қайсиdir бир рассом ҳазил сурат чизган экан. Унда Лев Толстой ёнбошлаб ётибди, унинг азамат гавдасида - елкасида, кўкрагида, соқоли орасида, бурнининг устида, қўл-оёғида дунёning бошқа шоир-ёзувчилари худди чумолидек ғимирлаб юришибди. Уни ана шундай маҳобатли тасаввур этадилар ва у шунга лойик.

Лев Николаевич Толстой 18 ёшли талабалик пайтидан таассуротларини қофозга тушира бошлади ва унинг қалами бугун умри давомида қоғоз узра сайрини тўхтатмади. Кейинчалик унинг ватанида адабиёт билимдонлари мавзу жиҳатдан бепоён, мазмунига кўра бекиёс ижод намуналарини ўттиз йил давомида сатрма-сатр тўпладилар. 1958 йилда поёнига етган бу юмуш туфайли Лев Толстойнинг 90 жилдлик Муқаммал асарлар тўплами юзага келди. Бу бошқа бир рус сўз санъаткори фахр ила васф этган «Александр

куббасидан ҳам баланд» олтин минора эди. Беш-үн минг нусхада чоп этилган Мукаммал асарлар тұплами қарийб 3 минг босма табоқдан иборат бўлиб, унинг 2,5 минги Толстой қўли билан ёзилган матнлар, 500 тобоғи эса изоҳлардан иборатдир. Мутахассислар бу нодир хазинани мухлисларга тўла ҳолда етиб боришини кўзлаб, чуқур ҳурмат ва ифтихор билан Толстой битикларига шарҳлар ёзганлар, асарларининг ундаги исмлар, жой номларининг алифбо тартибини тузиб чиқиб, зарурат даражасида эскартишлар ҳавола қилганлар. Ўз ватандошларининг ижодини ардоқлаб, уни етарлича адабий-илмий изоҳлар билан бойитганлар. Кейинчалик ҳам Лев Толстойнинг Танланган асарлари қайта-қайта нашр этилган. Бу беназир ижод маҳсули ҳозиргача дунёнинг юздан ортиқ тилига таржима бўлиб, уч минг мартадан кўпроқ чоп қилинган, китобларнинг умумий адади эса ярим миллиард нусхага яқинлашиб қолган.

Толстой ижоди бадиий жанрларга қўра ранг-баранг – романлар, қиссалар, ҳикоялар, пьесалар, санъат ҳақидаги рисолалар, кўплаб публицистик ва адабий-танқидий мақолалар, минглаб хатлар, жилдлаб кундаликлар... Гўё улкан бадиий сўз фабрикаси ўн йиллар давомида тиним билмай муттасил ишлаб турган ва унинг дастгоҳларида энг нодир маҳсулотлар яратилган. Улар бир-биридан оҳорли, кўркам.

Жумладан, «Бечора Иван Ильич» («Смерть Ивана Ильича») қиссаси ўз вақтида Лев Толстой бадиий даҳосининг энг ёрқин кашфиётларидан бири сифатида эътироф этилган эди ва бу баҳо ҳамон қадрини туширгани йўқ. Бир умр ўз қобиғида яшаган, ҳатто қарта ўйинидан ҳам завқ туймай, фикри-хаёли хизмат вазифасини қойил қилиб уddeлаш-у, ҳар нарсадан яшаш қоидаси қилиб олгани «ёқимли, гўзал, кўнгило-чар» қирраларни излайдиган одамбаногоҳ тирикликининг энг буюк мантиғи – ўлим билан юзма-юз бўлади,

беморлиқда ўтган дамлари давомида бутун умрини сарҳисоб қиласи. Ҳатоларини тушуниб етади.

Ёзувчи таъбири билан айтганда, «Фақат ўзини ўйлаб яшаш мумкин эмас, бу ўлим. Ҳудбинлик – тентаклик» эканлигини англаған Иван Ильич қазо остонасида илк марта атрофида одамлар борлигини, уларни ҳам ўйлаш, улар учун ҳам нимадир яхшилик қилиш лозимлигини тан олади: ўғлига ва хотинига «раҳми келади», улар учун бирор яхшилик қилишни хоҳлайди. Афсуски, бунинг иложи йўқ: ажал гирибонидан олиб турибди. Шунда у ёруғ оламни тарқ этиш билан ўғли ва хотинининг мушкулини осон қилиши мумкинлигини эътироф этади: «Уларга шафқат қилиш лозим, шундай қилиш керакки, улар қийноқ азобини чекиши масин». Вақт зик, унинг қўлидан фақат шу келади.

Асарнинг оламшумул ғояси инсон имкони қўлдан кетмай умрининг қимматига етиши, балки ҳаёти давомида ҳар бир лаҳзани қадрлаши, дунё яхшиликлар билан гўзал-у, ҳудбинлик (эгоизм) барибир та-наззулга олиб боришини тасдиқлашга қаратилган. 1882–1886 йиллар орасида яратилган асар эълон қилингач, жамоатчиликнинг ва бадиий зиёлиларнинг диққатини тортди. Машҳур композитор Петр Чайковский уни ўқиб, «Мен қачонлардир ишонгандман, энг буюкларнинг буюги, бу – Лев Толстой. Рус кишиси унинг битта асари мисолида Европа инсониятга нима тухфа этганини ҳис қилиб, бошини мағрур тутиб юриши мумкин» деб ёзди. Ёзувчининг машҳур портретини чизган рассом Илья Крамской эса қисса ҳақида «Бу ҳар қандай санъатни хира тортирадиган мӯъжиза, бу бемисл ижод» деган. Француз ёзувчиси Ромен Роллан эса қиссани «рус адабиётининг француз китобхонларини ўта ҳаяжонга солган асарларидан бири» деб эътироф этганди.

Қиссанинг ёзилиши қандай шароитда бошлангани ҳақида маълумот сақланмаган экан. Маълумки,

бу даврда Лев Толстой ижодининг чўққиси ҳисобланган «Уруш ва тинчлик» эпопеяси, «Анна Каренина» романи сингари шоҳ асарлари эълон қилиниб, улар ёзувчига шон-шуҳрат олиб келганди. Гувоҳларнинг кундаликларида 1882 йил баҳорида Толстойнинг яхши кайфият билан ишлаётгани, янги асаридан парчалар ўқиб бергани муҳрланган. Асар устида иш эса у нашр қилинаётганда ҳам давом этган. Баъзи лавҳалар қисқартирилган, X боб энг охирида қўшилган. Қиссада Тула округ суди прокурори бўлиб ишлаган ва қирқ беш ёшида – 1881 йил 2 июнда вафот этган Иван Ильич Мечниковнинг ҳаёти асос қилиб олинган. У машҳур химик олим Илья Ильич Мечниковнинг акаси бўлган.

Буюк сўз санъаткори ўзи яшаган «маърифатли жамият»да одам наслининг бачканга туйғулар тўри ичида ўралашиб қолиши бир марта бериладиган улуғ неъмат – яшаш саодатини қанчалик абгор қилиши мумкинлигини таъсирли ҳаётий воқеалар орқали ифодалаб, инсониятга тириклик мазмунини уқиш борасида яна бир сабоқ бериб кетди. Фақат ғафлатда қолмай, ҳеч қурмаса, қиссани бир бор ўқиб чиқиш ҳам бу ҳақиқатни ҳис этишга хизмат қиласи.

Ёзувчининг ўзи эътироф этишича, унинг босқа бир машҳур қиссаси – «Крейцер сонатаси»нинг яратилишига 1886 йил февралида ўзига ёзилган номаълум бир аёлнинг хати туртки бўлган. У хотин-қизларнинг хуқуқлари камситилаётганидан арз қилганди. Шунингдек, актёр В. Н. Андреев-Бурлак 1887 йил 20 июня даги ташрифи чоғида поездда учратган бир одамдан эшитганларини сўзлаб берганди. Бошқа бир зиёфатда ижро этилган Людвиг Бетховеннинг яхудий миллатига мансуб моҳир созанда Рудольф Крейцерга бағишлиган тўққизинчи сонатаси ёзувчига қаттиқ таъсир қиласи... Шундай таассуротлар асосида яратилган бу асар бутун Россияни жунбишга келтиради, у нашр

этилмасданоқ турли йўллар билан кўплаб нусхаларда тарқалиб кетади. Бир-бирига зид фикрлар уйғотади. Фақат 1891 йил 13 апрелда моддий меросхўр сифатида Софья Андреевна император Александр III нинг шахсан қабулида бўлгач, унинг рухсати билан қисса эълон қилинади.

Асарда қаламга олинган майший турмуш тарзи талқини, унинг хотимаси черков хизматкорларида турлича таассурот уйғотади, улар диний ақидалардан келиб чиқиб, ёзувчини анча ёзғирадилар. Барига бир қисса бадиий асар сифатида ҳамон китобхонларни тўлқинлантириб келмоқда. Эҳтимол, оила шамчироғи милтиллаб нур сочар, унда баланд-паст гаплар бўлиб тураг экан, «Крейцер сонатаси»ни мутолаа қилиш ортиқчалик қилмайди. Зоро, кўпинча «оила мадҳияси»га айланиб қолган эр-хотин уруши (гарчи бизда «дока рўмолнинг қуриши» деб баҳоланса-да) оқибатида қандай кутилмаган фожиалар рўй бериши мумкинлиги юзасидан ахборотга эга бўлиш учун ҳам уни ўқиш лозим. Лев Толстой қаламига хос битик сифатида эса у, шубҳасиз, ёзувчи истеъдодининг муносиб намунасиdir. Ўз пайтида Антон Чехов ёзган экан: «...ғоянинг муҳимлиги, ижронинг гўзаллигига кўра (бадиий юксаклигини айтмаганда ҳам) унга teng келадиган бошқа асарни топиш маҳол».

«Крейцер сонатаси»га «Сўнгсўз» илк марта қисса билан 1891 йилда эълон қилинган. «Сўнг сўз»нинг биринчи таҳририга 1889 йил 6 декабрь санаси қайд этилган. Ёзувчи уни шу йилнинг октябрини охирларида қофозга тушира бошлаганга ўхшайди. 1 ноябрда В. Чертковга ёзган хатида асарига қўйилган муаммө ҳақида муаллифнинг фикрини ифодалаб, нимадир ёзишга киришганини таъкидлаган экан. Шундай қилиб, «Сўнгсўз» ҳали китобхонлардан хатлар келмасидан олдинроқ ёзила бошланган. У эълон қилингач, адабий давраларда турлича кутиб олин-

ган. Масалан, ёш Иван Бунин жуда мутаассир бўлиб, Толстойга ўзининг биринчи хатини ёзган ва Ясная Полянага боришга изн сўраган. А. Чехов эса Гоголь ёзишмалари билан таққослаб, уни салбий баҳолаган экан

«Сергий ота» қиссаси ҳам Лев Толстойга хос нодир хазинанинг бир намунаси. Далилларнинг гувоҳлик беришича, ёзувчидаги асарни яратиш фикри 1889-1890 йиллар атрофида пайдо бўлган. Бу пайтда Россиянинг энг таниқли шахсларидан бирига айланган Толстой бадиий ижод қаторида кўплаб жамоатчилик юмушлари билан ҳам банд эди. Шунданми ёки ижодий мувозанат талаби биланми, «Сергий ота» борасидаги ишлар анча чўзилган. Дастрлаб ҳаммаси жадал кетган: ўзининг яқин дўсти ва ношири Владимир Чертковга ёзган хатларида (қиссани ҳам унга бағишиламоқчи эди), кундалигидаги қайдларида Сергий отани ботбот эслаб турган. 1990 йилнинг 6 июнида кундалигига «Сергий ота»ни бошладим, унинг ифодаси ҳақида чукур ўйлаб олдим, барча эътибор – у кечирадиган руҳий ҳолатлар тадрижида» деган қайд учраса, сентябрда Чертковга ёзган хатида ижодий иш, хусусан, сюжет ривожи унга ёқаётганлиги, барча ўйлаганларини тўла акс эттиришга уринаётганлигини билдирган. Шунингдек, зиммасида хайрия ишлари билан боғлиқ бир расмий ҳужжатни тезда тайёрлаш кўндаланг турганини маълум қилган. Кутгилмаганда, 1891 йил 16 февралдаги хатида эса ўзига қадрли бўлган бу мавзу ҳақида бош қотириш малол келаётганини, ундаги бош ғоя сифатида шаҳвоний ҳирсними ёки такаббурликними танлашга қийналётгани, қайси бирига қарши курашни талқин этишда ўйланиб қолганини айтган. Хуллас, қисса устидаги ишни шу йил ёзгача давом эттирган ва кейин бутунлай ташлаб қўйган. Тўғри, кундалигига (1895 йил 18 мартағи ёзув) «Сергий ота»ни бироз ёздим, лекин яхши чиқмади» деган қайд учрай-

ди, лекин барыбира асарни 1898 йил ёзида узил-кесил қоғозга туширади.

Кейинчалик, 1900 йил 8 октябрда Ясная Полянага ташриф буюрган Максим Горькийга асар мазмунини сүзлаб берганда, сұхбатдоши ундан жуда таъсирланғанини, ифодаси содда ва гүзіл, бироқ ғояси довдиратиб құядиган даражадаги ҳикоя тинглаганини эътироф этган. Жумладан, Максим Горький «Лев Николаевич ҳақидаги хотидалар» китоби (1919 йил)да шундай қайд этади: «Бир куни оқшом, қоронғилик қуюқлашиб бораётган чоқ, у қошларини қимирлатиб, жунжикиб «Сергий ота» вариантидаги хотиннинг зохидни йўлдан уришга борганини ҳикоя қилувчи сахнани ўқиди. Охиригача ўқиб, бошини күтарди ва кўзини юмиб, аниқ гапирди:

– Яхши ёзибсан, чол, яхши».

Бу учрашув 1901 йилнинг охирларида рўй берганди.

«Сергий ота» ёзувчининг вафотидан кейин – 1911 йилда В. Чертков томонидан нашр этилган.

Лев Толстой қиссасида, бошқа кўплаб асарларида бўлгани каби, идеал танлашдаги хатоликнинг касрини жуда ишончли очиб берган. Бош қаҳрамон қисмати орқали ўз ички майлларини енга олмаслик, имкониятларига ортиқча баҳо бериш, ҳаёт зарбаларига қасдома-қасд үнга қарши зарба беришга уриниш одамни қандай қўйга солиши ўзининг теран бадиий ифодасини топган. Шунингдек, воқеалар интиҳосида «Инсонни ўлдириш мумкин, бироқ уни енгиб бўлмайди» (Э. Хемингуэй) деган фикрнинг тасдиги ҳам бор. Иккинчи бир томондан эса кўрпага қараб оёқ узатиш лозимлиги, беҳуда чираниш белни синдириши мумкинлиги уқдирилганга ҳам ўхшайди.

Буюк ёзувчининг асарларида олмос қирраларидек жилва кўзга ташланади. Уларнинг ҳаммаси эзгуликка хизмат қиласи. Таржималар жараённанда сатрма-сатр «меҳнат тешаси-ла ариқ қазиб» бу ҳақиқатга яна ҳам

кучлироқ имон келтирдим. Ҳам бу ижоднинг мислсиз сабоғини ҳис қилдим. Фақат кўнгилдан кечайётган бир иштибоҳ шунда эдики, нега бу юмушни ўттиз йил олдин бажармадим? Балки эзгуликнинг кеч эмаслиги рост чиқар, сўнгги нуқта яна ўттиз йилга нари силжир. Ҳарҳолда – умидли дунё. Имконият чегараси эса яна кенгайди.

\* \* \*

Мустақил юртимизда ажойиб имкониятлар юзага келди. Бу имкониятларга бироз рашик, ҳатто ҳасад билан қараб, изидан улар ўзимизники, бизга, фарзандларимизга аталганини ҳис қилиб, бу ҳолдан ифтихор туйгач, ўша ошиғич кайфият билан юртдошларимизнинг шонли ўтмишимизга муносиб, ёрқин келажакнинг чинакам эгалари бўлишини истаб, атрофга тийрак, ҳатто шафқатсиз назар билан қараганда, ана шу олийжаноб мақсадларга эришишда халал берадиган нуқсонлар кўзга ташланаётганини сезиб қоласиз. Улар кечаги кунлардан орттирилган даҳмаза сифатида заҳматкаш Сизиф машаққат билан думалатиб чиққан тошдек, баландликда кўриниб турибди. Таассуфки, у бу гал ўзи думалаб пастга учиб кетмаяпти, Сизифни хижолатга солаяпти. Аксинча, яна ҳам баландроқ ўрлаган, қояга ёпишиб, юқорилаётган сафларга халақит беришга уринаяпти. Шунда тошни қуйига қулатиб юбориш учун бир қучли тепки, зўр одамнинг тепкиси зарурлигини ҳис этасиз (Далиллар ҳикоя қиладики, буюк ёзувчи бекор вақтларида хобби – эрмак сифатида этик тикиш билан шуғулланган экан. Албатта, саҳтиён чармдан меҳр билан тикилган этикни кийган оёқнинг тепкиси ҳам чакки бўлмайди).

Тоталитар тузум шароитида миллий адабиёт ўзининг азалий тамойилларидан йироқлашиб кетди. Ди-миққан хонанинг ҳавосини янгилаш зарурати пайдо бўлганидек, мустақилликнинг чорак асри давомида

янгиланиш сари жиддий қадамлар қўйилди, бугунги кунларнинг шиддати эса турли қолипларга солиниб, қиёфасини йўқотган миллий адабиётимизни ҳам шаклан, ҳам мазмунан буюк ўзгаришларнинг жарчисига айлантириш талабини илгари сурмоқда, ана шу вазифа умуминсониятнинг илғор тажрибаларига таяниш, боқий қадриятларга мурожаат қилишни тақазо этади. Шу маънода Тургенев ёки Толстойнинг ибратини истифода этиш қўйилган мақсад сари шахдам қадам бўлади. Таассуфки, ўзбек тилида яратилган адабиётнинг тарихи бу зотлар мансуб адабиёт тарихидан қадимий ва бой бўлган, аммо ўтган асрларда улоқ уларда кетган. Шу маънода Лев Толстойнинг боқий ҳақиқати кўп нарсаларни тушуниб этишга қўмаклашади. Ўзбек адабиёти миллатимиз тарихи ва шаънига муносиб, дунёда тан олинадиган ва эътироф этиладиган маънавий бойлик бўлишга ҳақли.

Инсоният бадиий тафаккурининг ёрқин саҳифаларидан бўлган рус адабиётининг XIX аср даври ҳамон кўплаб мухлисларни мафтун этиб келади. Ўтган йилларда жаҳон адабиёти саҳнида турли ҳаракатлар, у давр ютуқларини рад этиш, янгиланишларга интилишлар (модерн ва бошқа йўналишлар қиёфасида) кўзга ташланди, улар ҳатто бу даврни бир муддат хира тортириди ҳам. Барибир, шамол туриб, ғуборларнинг ҳаммаси тарқаб кетди, яна боқий қоялар мағрур кўзга ташланаяпти. Ҳозирги мураккаб ва нодир ахборот технологиялари замонида инсоният қалбнинг қашшоқлашиб, темирга айланиб бораётганини тушуниб етди ва яна бир марта ўша кунлар шукуҳини ҳис этишга ташна бўлиб турибди. Менинг саъй-ҳаракатим ҳам умуминсоний ҳақиқатларга хурматим рамзиdir. Бунда асло ўзликка фаромушлик йўқ. Аксинча, иқболимиз фақат миллийликда эканига ушбу уринишлар кўпроқ ишонтирмоқда. Қолаверса, отам ёруғликка тўймай, дунёни тарк этган

тун чекиниб, тонг отиб келаётир. Гарчи бизга насиб этмаган бўлса-да, имоним комилки, қайсиdir бир зурриёдим(из), албатта, даҳолар забт этган чўққига кўтарилади. Таскин шунда...

Мен Навоий тилида сўз айтувчи адабиёт муҳибиман. Ва ҳар қандай миллий адабиёт – унинг томирлари қанчалик теран ҳамда даҳоларга бой бўлмасин, умуминсоният эришган бадиий ютуқлардан баҳраманд бўлмай, юксак чўққиларни забт эта олмаслигини тушунаман. Ўзимча кашф этишга уринган адиблар Иван Тургенев ёки Лев Толстой бизнинг буюқ боболаримизни билмаган ёки билишни хоҳламаган. Мен эса ҳам Алишер Навоийни ўқиб тушунаман, ҳам жаҳон адабиёти дурдоналарини ўз мулкимдек қабул қила оламан. Менинг ўзлигим шунда.

(«Шарқ юлдузи», 2018 йил, 12-сон)

## **МУНДАРИЖА**

Буюк Навоийга эҳтиром ..... 3

### **МУНИР ЛАВҲАЛАР**

Қумларда битилган ўчмас достон ..... 8  
Осмон миноралари ..... 20  
Мулоқот: кўзгунинг икки тарафи ..... 35  
Самимият диёри ..... 44  
Кескин қайрилишларнинг сокин талқини ..... 50  
Эркинлик фақири ..... 69  
Хиндона – ҳиндувона ..... 81

### **ТОШОЙНА**

Майдонталаб ..... 92  
Тургенев турткиси ..... 94  
Ибратсуз ..... 200

*Адабий-публицистик нашр*

**Ҳаким САТТОРИЙ**

## **ТАРОВАТ**

*Бадий публицистика ва эссолар*

Мұхаррір Дилрабо Мингбоева

Бадий мұхаррір Ақбарали Мамасолиев

Мусақхұқ Дурдона Омонова

Сәхіфаловчы Рустам Исакулов

**«MASHHUR-PRESS NASHRIYOTI»**

Нашриёт лицензияси: № AI 282. 11.01.2016

100129, Тошкент, Марказ 15. 1/90.

e-mail: mashkhur-press@mail.ru

Босишига 2019 йил 10 октябрда рухсат этилди.

Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ . Офсет босма. «Cambrìa» гарнитураси.

Шартли босма табоғи 21,75. Нашриёт босма табоғи 22.

Адади 2000 нұсха. Буюртма рақами № 17

«Mashhur-Press» МЧЖ босмахонасида чоп қилинди.



23 30 2014

Адиб  
ба  
жасият

Бадийн-публицистика  
на эссеэр

Хаким  
САТТОРИЙ

ТАРОВАТ



«MASHHUR-PRESS»

ISBN 978-9943-5671-7-7



9 789943 567177